


Эркин АҲМЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА



ЭРКИН АҲМЕДОВ

**ЎЗБЕКИСТОН
ШАҲАРЛАРИ
МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДА**



ТОШКЕНТ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
ТИББИЁТ НАШРИЁТИ
2002

Муаллиф: Э. Аҳмедов, иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Тақризчилар: *И. Искандаров* — Ўзбекистон Фанлар академи-
ясининг академиги,

А. Солиев — география фанлари доктори, профессор,

У. Султонов — иқтисод фанлари номзоди.

Аҳмедов Эркин.

А98 Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида.—
Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2002.
— 224 б.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Э. Аҳмедовнинг маълумотнома китобида шаҳарларимизнинг тарихи, мамлакат тараққиётида тутган ўрни, мавқеи, истиқлол йилларида уларда рўй берган буюк ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилади.

Китоб бой далилий манбалар асосида ёзилган бўлиб, унда 20 та жадвал, 12 та илова, 50 та рангли сурат мавжуд.

Ушбу китоб олий ўқув юртлари талабалари, таълим муассасалари ходимлари, аспирантлар, илмий ходимлар ва шу соҳага қизиққан мухлисларга мўлжалланган.

ББК 63.3(5У—2)

А 0503020900-02
М354(04)-2002 — қатъий буюртма 2002

ISBN №5-638-02219-8

© Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002.

© «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, 2002.

ЎЗБЕКИСТОН
ШАҲАРЛАРИ
МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ



Ўзбекистон Республикаси-
нинг Давлат герби Ўзбекистон
Республикаси Олий Кенгаши-
нинг X сессиясида 1992 йил 2
июл кuni тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган
водий узра чараклаб турган куёш тасвиридан ҳамда ўнг
томонида буғдой бошоқлари, сўл томонида очилган пахта
чаноклари суврати туширилган чамбардан иборатдир.
Гербнинг юқори қисмида Республика жипслигининг
рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган:
саккиз қирра ичида жойлашган яримой ва юлдуз
мусулмонларнинг кутлуғ рамзидир. Герб марказида
ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган
афсонавий Ҳумо куши қанотларини ёзиб турибди. Ушбу
рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-
саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини
ифодалайди. Гербнинг пастки қисмидаги республика
Давлат байроғини ифодаловчи уч рангдаги чамбар
бандига «Ўзбекистон» сўзи битилган.

«Герб» сўзининг тарихи ҳақида қисқача маълумот:

«Герб» сўзи немисча «эрбо» сўзидан олинган бўлиб,
шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, худуд ва бошқа
наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатади.

Бундан 2500 йил муқаддам Эрондан Олтойга қадар
чўзилган улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони
Ўғузхон даврида ҳам туркча «тамға» сўзи айнан шу
маънони билдирар эди. XII асрнинг машҳур тарихчиси
Рашидиддин Ҳамадоний «Танланган тарихлар» номли
китобида шаходат беришича, Ўғузхон ўз мол-мулкини
ўғилларига улус сифатида кичик давлатларга бўлиб, инъом
этган. Ушбу давлатлар ҳукмдорлари ҳам ўз-ларининг
хонлик тамғаларига эга эди. Кўриниб турибдики, «тамға»
сўзининг маъноси немисча «эрбо», сўзининг маъносига
тўла мос келади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

Ўзбекистон Республикаси-
нинг Давлат байроғи
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг нав-
батдан ташқари ўтказилган

VII сессиясида 1991 йил 18 ноябр кунини тасдиқланган.

Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

1. Байроқдаги мовий ранг Тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу — яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

2. Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва хаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир.

3. Яшил ранг — табиатнинг янгилашиш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиклар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларидир.

5. Навқирон яримой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир.

6. Юлдузлар барча учун руҳоний, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги кўш йилномамизга бевосита алоқадордир. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида «Нужум илми» тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади. Давлат байроғимиздаги ўн икки юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданияти қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Мутал (Мутаваккил) БУРҲОНОВ мусиқаси
Абдулла ОРИПОВ сўзи

Серқуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақарот:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиклол машғали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Нақарот:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Шаҳарлар ва инсоният тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ер куррасида шаҳарлар қадим-қадим замонлардан мавжуд бўлиб, уларнинг дастлабкилари қулдорлик даври бошларида Ҳиндистон, Хитой, Яқин Шарқ, Фарбий Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Ўрта Осиё, Африка, қўйингки, сайёрамизнинг барча қисмида вужудга келган ва айримлари гуллаб-яшнаган, баъзилари эса зилзила, сув тошқини, вулқон каби турли табиий офатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий талатўплар ва урушлар туфайли ўз мавқеини йўқотиб, вайронага айланган.

Искандар Зулқарнайн бир замонлар гуллаб-яшнаган Вавилон шаҳрини ўз мамлакатининг марказига айлантирмоқчи бўлган эди. Аммо вақт ўтиши билан бу улкан шаҳар харобага айландики, бунинг учун қадимги юнон тарихчиси ва географи Страбоннинг «Вавилон йирик шаҳар эди, энди улкан саҳрога айланди», деган сўзларини эслаш кифоя. Лекин, Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) Дажла (Тигр) дарёси бўйидаги Селеквия шаҳрини ана шундай марказга айлантирди. Вақт ўтиши билан бу шаҳар тақдири ҳам Вавилонга ўхшаб кетди — уни римликлар харобага айлантирдилар.

Жаҳон шаҳарлари тарихида бундай мисоллар кўп. Зотан, инсонлар каби шаҳарларнинг ҳам ўз қиёфаси ва ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Айрим шаҳарлар йирик саноат марказлари бўлса, айримлари маданият ва илмий марказлар, яна бир гуруҳи инсон соғлиғини тиклаш учун хизмат қиладиган оромгоҳ шаҳарлардир.

Фан ва техника ривожланмаган қадим замонларда шаҳарлар бир-бирининг ҳаёт даражаси, урф-одатлари, аҳолисининг таркиби, уларда рўй бераётган ўзгаришлардан бохабар бўлолмас эдилар. Эндиликда матбуот, радио, телеви-

дение каби оммавий ахборот воситалари бу муаммоларга барҳам берди.

XX аср бошларида ер юзида аҳолиси миллиондан ошган шаҳарлар сони бор-йўғи ўн иккита бўлган бўлса, эндиликда бу рақам икки юздан ошиб кетди ва улардаги аҳоли сони бир миллион эмас, бир неча миллионга етди. Айрим шаҳаршунослар XX асрда йирик шаҳарлар инқирозга учрайди деб «башорат» қилишган эди. Лекин бу таҳминлар бугунга келиб ўз исботини топмади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда шаҳарлар сони анча кўпайди ва кенг ривож топди, десак муболаға бўлмас. Шаҳарлар жамиятнинг ажралмас бир қисми сифатида у билан бирга ўсиб, ривожланиб бориши билан бирга иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар тараққиёти, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, унинг ҳаёт тарзини яхшилашга хизмат қилади. Албатта, бу мақсадларни амалга ошириш учун турли катта-кичик шаҳарларнинг илмий-техника ва ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш, демографик вазиятни яхшилаш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш каби муаммоларни чуқур ўрганиш зарур.

Шаҳарлар тараққиёти серқирра жараён бўлиб, у икки таркибий қисмни — иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш муаммоларини ўз ичига олади. Шунга кўра ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ва бозор иқтисодиётига ўтилаётган даврда шаҳарларнинг ривожи муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳарларда мамлакат аҳолисининг кўпчилиги, саноат ва илмий-техника негизининг асосий қисми мужассамлашгандир. Шунинг учун шаҳарлар тизимини оқилона ташкил этиш, ҳудудлар бўйлаб саноат ишлаб чиқариши ва ихтисослиги даражасини кўтариш, уни бошқаришни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни зарур меҳнат ресурслари билан таъминлаш, серунум қишлоқ хўжалик майдонларини сақлаш, табиий минерал бойликлардан самарали фойдаланиш каби муҳим масалаларни ҳал этиш эҳтиёжи ошиб бораверади.

Шаҳарларимизда банк, молия, солиқ тизимларининг янги шакллари вужудга келмоқда, бизнеснинг турли соҳалари, таълим-тарбиянинг янги тизимлари таркиб топмоқда, ташқи қиёфалари таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда, жаҳон тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган қому-

сий олимлар, шоирлар, маърифатчилар, лашкарбошиларга ёдгорликлар ўрнатилмоқда, равон йўллар, кўприклар, боғ-роғлар бунёд этилмоқда.

Мустақиллик йилларида шаҳарлар қиёфасини ўзгартириш мақсадида Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда. Жумладан, республикамиз Президентининг 2000 йил 26 апрелда «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилган Фармони жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Шаҳар ҳаёти кенг кўламли бўлиб, унда инсоннинг иқтисодий, маърифий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини қондириш бараварида йиллар ўтган сари янги-янги муаммолар туғилаверади. Ана шу хилма-хил муаммоларни тугатиш, ҳеч бўлмаганда уларни енгиллаштириш борасида меъморлар, социологлар, экологлар, иқтисодчилар, тиббиёт ходимлари тинимсиз иш олиб боришлари лозим.

Шу билан бирга мутахассислар шаҳарлар ҳаётидаги турли-туман муаммоларни ўз вақтида ва оқилона ҳал этиш учун шаҳарларда истиқомат қилувчи фуқаролар билан мулоқотда бўлиб туришлари, уларнинг дардлари, таклиф ва тавсияларини сабр-тоқат билан эшитишлари, мунозаралар олиб боришлари лозим. Шундагина кўзланган мақсадларга эришиш ва амалга оширилган ишлар натижасидан қониқиш ҳосил қилишлари мумкин. Бу ҳар икки томоннинг — шаҳаршунослар билан шаҳарларда истиқомат қилувчилар манфаатларига мос келади.

Ўз навбатида, мамлакатимиз шаҳарлари тарихи, уларнинг ривожланиш даражаси республика табиий шароити, заминимизда мавжуд бўлган табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, меҳнатсевар халқимиз ақл-идрокини ишга солиш масалалари бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожи билан узвий алоқада бўлади. Юқоридагиларни эътиборга олиб, кўлингиздаги китобда Ўзбекистоннинг чексиз, умуман мамлакатимизнинг ҳозир ва келажаги учун зарур бўлган имкониятлари, иқтисодий-ижтимоий ривожланиши даражасини ёритмоқчимиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, биргина китобда Ўзбекистонда мавжуд бўлган юздан ортиқ шаҳарларнинг барча-

сини алоҳида тарихини, иқтисодий-ижтимоий ўсиш суръатларини муфассал баён этиш мушкул.

Биз кўпроқ йирик шаҳарлар тарихига батафсилроқ тўхталиб ўтишга аҳд қилдик. Айниқса, ноёб тарихий ёдгорликлари билан жаҳон аҳлини лол қолдирган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби машҳур шаҳарларнинг тарихи билан кенг китобхонлар оммасини таништириш ниятидамиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон табиий бойликларидан фойдаланиш ва янги ерларни ўзлаштириш негизида вужудга келган, саноати, маданияти, илм-фани ривожланган қатор шаҳарлар ҳақида ҳам ҳикоя қиламиз.

Мазкур китобда шаҳар ҳаёти билан бевосита алоқадор бўлган муҳим масалалар: йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари катталашиб кетишини чеклаш, кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиш йўллари, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ўзаро алоқалар, шаҳарларнинг тез ривожланиши туфайли юзага келаётган экологик мувозанатнинг бузилиш ҳолларига ҳам эътибор қаратилган. Китобда келтирилган жадвал ва иловаларда ўз аксини топган маълумотлар ҳам китобхонларни бефарқ қолдирмайди деган, умиддамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

Жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Ал-Хоразмий, Ал-Мотурудий, Алишер Навоий, Нақшбандий, Беҳбудий, Бурҳониддин Марғинович, Чўлпон, Фитрат, Жалолиддин Мангуберди каби жаҳонга доғруғи кетган қатор олиму фозалар, шоирлар маърифатпарварларни етиштириб берган мамлакатимиз халқи ўз юртининг мустақилликка эришиш орзуси бугунга келиб батамом ушалди.

Ўзбекистон 1991 йилнинг 1 сентябрида Мустақил Республика деб эълон қилинди. Бу сана тарих зарваракларига олтин ҳарфлар билан битилди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг эълон қилиш тўғрисида» қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Йиғилишда қабул қилинган Баёнотда жумладан, шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, ҳудуди бўлинмас ва даҳлсиздир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга ҳуқуқий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуқга эгадир».

Жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилоти — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1992 йил 2 мартда Мустақил Республикаимизни ўз таркибига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланган давлатларидан биридир. Ушбу минтақа майдонининг ўндан бир фоиздан кўпроғини эгаллаган Ўзбекистонда минтақа аҳолисининг 40 фоиздан ортиғи истиқомат қилади.

Мустақил давлатимизнинг равнақ топиши, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан юксалиши, миллий иқтисод, давлат қурилишига раҳбарлик ва бошқариш тизimini йўлга қўйишда мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилишини оқилона белгилаш катта аҳамиятга эга. Давлат ва ижтимоий ташкилотлар, бирлашмалар, молия, солиқ каби қатор тизимлар фаолиятини тўғри ташкил этиш, ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ҳудудлар доирасида ижобий тарзда ривожлантириш роли бениҳоя каттадир. Аҳолининг маълум марказларга яқинлаштириш, истиқомат жойлари орасидаги муносабатларни яхши йўлга қўйиш, вилоят, шаҳар, қишлоқларда бошқаришни юқори даражага кўтариш маъмурий-ҳудудий бирликлар истиқболини аниқ белгилашда ҳам тўғри услубиятлар танлаш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида шундай дейилган: «Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари жумласига киради». Республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилиш масаласи қанчалик муҳим эканлиги айтилган ана шу фикрлардан ҳам кўриниб турибди.

Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўтиш жадаллашиб бораётган ҳозирги даврда республикамиз олдида иқтисодий, илмий, маданий жиҳатдан ривожланишнинг зарур имкониятлари мавжуд, бу энг аввало республика аҳолиси сонининг кўпая бораётганлиги, зарур меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, табиий шароитнинг қулайлиги, хилма-хил табиий бойликлар оз-кўплиги билан ифодаланади.

Илмий назарий жиҳатдан асосланиб, оқилона тарзда амалга оширилган маъмурий-ҳудудий тузилиш мамлакат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий мақсад-вазифаларни бажаришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ўз тарихига эга. Бу масалада ишлаб чиқилган қонун-қоидалар, тартиблар бир неча марта қайта-қайта кўриб чиқилиб, айрим ўзгартишлар, янги фикр-мазмунлар би-

лан бойитилди. Афсуски, бу борада баъзида мутасадди ташкилотлар томонидан шошма-шошарликка йўл қўйилар, илмий жиҳатдан чуқур ўйлаб кўрилмаган ва кенг муҳокамага қўйилмаган масалалар илгари сурилар эди. Бу, айниқса, вилоятларни ташкил қилиш, уларни ноўрин тугатиш, бир вилоятни иккинчи бир вилоятга қўшиб юбориш, қисқа вақт ўтиши билан эса тугатилган вилоятлар яна қайтадан тикланиши каби ҳоллар учраб турарди. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисолларни келтириб ўтиш жоиз. 1941 йил 6 мартда ташкил топган Наманган вилояти 1960 йил 25 апрелда тугатилиб, Андижон вилоятига қўшиб юборилди. 1964 йил 18 декабрда эса у қайта тикланди. Қашқадарё вилояти 1943 йил 20 январда тузилди. 1960 йил 20 январда тугатилиб, Сурхондарё вилояти билан бирлаштирилди. Бу мутлақо асоссиз қилинган эди. 1964 йил 7 февралда эса Қашқадарё вилояти яна ўз аслига қайтарилди.

Қизилқум саҳросида сувсизликдан қақраб ётган ерларнинг маълум қисмини ўзлаштириш мақсадида 1982 йил 20 апрелда ташкил топган Навоий вилояти ҳам шу йўлни босиб ўтди. Ташкил топганидан бор-йўғи тўрт йил ўтиши билан, яъни 1986 йилга келиб бу вилоят ҳам тугатилди ва Самарқанд вилоятига қўшиб юборилди, 1992 йилда эса вилоят қайта тикланди.

Бундай ноўрин, мантиққа тўғри келмайдиган, илмий жиҳатдан асосланмаган масалаларни тайёрлашда қанчадан-қанча маблағ беҳуда сарф этилди ва энг асосийси аҳоли ҳаёти, кундалик турмушда учраб турадиган қатор масалалар мураккаблашди, бу эса турли хил норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳридан ташкил топган. Ўз навбатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига шаҳарлар, туманлар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли истиқомат жойлари киради.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68, 69-моддалари асосида вужудга келган маъмурий-ҳудудий тузилиш ҳақидаги маълумотлар келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши
(01.01.2000 йилгача бўлган маълумотлар)¹

	Майдони (минг км ²)	Шу жумладан		Шаҳар- лар сони	Шаҳарча- лар сони
		қишлоқ туманла- ри	шаҳар туманла- ри		
Ўзбекистон Республикаси	448,9	162	18	120	113
Қорақалпоғистон Республикаси	166,6	15	—	12	16
Вилоятлар:					
Андижон	4,2	14	—	11	5
Бухоро	40,3	11	2	11	2
Жиззах	20,5	12	—	7	8
Навоий	111,0	8	-	6	7
Наманган	7,4	11	1	8	11
Самарқанд	16,8	14	3	11	12
Сирдарё	5,0	9	—	5	5
Сурхондарё	20,1	14	—	8	7
Тошкент	15,6 ²	15	—	16	18
Фарғона	6,7	15	1	9	10
Хоразм	6,1	10	—	3	7
Қашқадарё	28,6	14	—	12	4
Тошкент шаҳри			11	1	1

Энди республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилишидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга қисқача таъриф бериб ўтамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси. Қорақалпоғистон Республикаси (собиқ Қорақалпоғистон автоном республикаси) 1992 йилнинг 9 январида суверен Республика ҳуқуқини олди.

Республика ўзининг географик ўрнига кўра, Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий чеккасида, Орол денгизининг жа-

¹ Показатели социально-экономического развития Республики Каракалпакстан, областей и г.Ташкента. Статистический сборник, Ташкент, 2000 г., с.7.

² Тошкент шаҳри қўшиб кўрсатилган.

нубида, Қизилқум саҳросининг ғарбида ва Устюрт платосининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, худудига Орол денгизининг жанубий қўсми ҳам киради. Унинг майдони 166,6 минг квадрат километрга тенг бўлиб, бу мамлакатимиз майдонининг 38 фоизи демакдир.

Қорақалпоғистон Республикаси майдони асосан текисликлардан, унча баланд бўлмаган Султон Увайс тоғлиги ва айрим қирлардан иборат. Ана шундай катта майдонни эгаллаган Қорақалпоғистонда Ўзбекистон Республикасининг бор-йўғи 8 фоиз аҳолиси яшайди ва бу ерда аҳолининг зичлиги жуда паст: республикамизнинг барча вилоятларидан (Навоий вилоятидан ташқари) орқада. Ўзбекистонда ҳар бир квадрат майдонга ўртача 55 киши тўғри келса, Қорақалпоғистонда бу рақам 9 кишини ташкил этади. Бу ҳол Қорақалпоғистон худудининг табиий географик шароитининг яшаш учун анча ноқулайлиги билан боғлиқ. Республика аҳолисининг асосий қисми Амударё соҳилларида истиқомат қилса, қум саҳроларидан иборат бўлган каттагина қисмида аҳоли кам яшайди, шу билан бирга у жойларда аҳоли манзиллари ҳам сийрак.

Қорақалпоғистон Республикаси таркибида 15 та қишлоқ тумани (Амударё, Беруний, Бўзатов, Кегейли, Мўйноқ, Нукус, Тахтақўпир, Тўртқўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Эллиққалъа, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот), 12 та шаҳар (Нукус, Беруний, Бўстон, Манғит, Мўйноқ, Тахташ, Тўртқўл, Халқобод, Чимбой, Шуманай, Хўжайли, Қўнғирот) бор. Маркази Нукус шаҳри (Ўзбекистоннинг барча шаҳарларига оид тўлароқ маълумотлар китобнинг кейинги саҳифаларида ва китоб охирида келтирилган иловаларда акс эттирилган).

Андижон вилояти. 1941 йилнинг 6 мартида ташкил топган. У Фарғона водийсидаги уч вилоятнинг бири — водийнинг шарқий қисмини эгаллаган бўлиб, шимоли-шарқ ва жанубда Қирғизистон, ғарбда Фарғона, шимоли-ғарбда Наманган вилоятлари билан чегарадош. Вилоятнинг ғарбий қисми бироз кўтарилган (баландлиги 400-500 метр) текисликлар, шарқий қисмида эса Фарғона ва Олой тоғ тизмалари таркибига кирувчи адирлар бор.

Андижон вилояти республиканинг майдони энг кичик худуди бўлиб, Қорақалпоғистон ва барча вилоятлар орасида энг охириги ўринда туради. Вилоят бор-йўғи 4,2 минг

квадрат километр майдонни эгаллайди, бу Ўзбекистон майдонининг бир фоизини ташкил этади, холос. Майдонининг кичиклигига қарамай, аҳоли сони икки миллиондан ортиқлиги бўйича Қорақалпоғистон ва вилоятлар орасида тўртинчи ўринни эгаллайди. Айтилганлардан кўриниб турибдики, аҳоли зичлиги бўйича Андижон вилояти мамлакатимиз доирасида энг юқори ўринни эгаллайди. Ушбу ҳудуднинг ҳар бир квадрат километр майдонига 520 дан ортиқ киши тўғри келади. Шундай қилиб, бу кўрсаткич мамлакатимиздаги ўрта кўрсаткичдан ўн марта кўпдир. Андижон вилояти аҳолисининг қарийб учдан бир қисми шаҳарларда яшайди.

Вилоят 14 қишлоқ тумани (Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалолқудуқ, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳрихон, Кўрғонтепа), 11 шаҳар: Андижон, Асака, Марҳамат, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтуғ, Хўжаобод, Қорасув, Кўрғонтепа, Хонобод, Шаҳрихон) бор. Вилоят маркази Андижон шаҳри билан Тошкент орасидаги масофа 477 километрга тенг.

Бухоро вилояти 1938 йил 15 апрелда республикада биринчи ташкил бўлган вилоятдир. У мамлакатимизнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Қизилқум саросининг каттагина қисмини эгаллаган. Қорақалпоғистон, Хоразм, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва жанубий қўшни Туркманистон билан чегарадош.

Аввалига Бухоро вилояти республиканинг каттагина майдонини — 144 минг квадрат километрни эгаллаган эди. 1982 йили мамлакатимиз харитасида Навоий вилоятининг пайдо бўлиши туфайли Бухоро вилоятининг маълум бир қисми — Конимех, Навбаҳор, Томди, Учқудуқ, Қизилтепа қишлоқ туманлари ва Навоий, Зарафшон шаҳарлари ана шу вилоятга берилди. Шунга кўра, унинг майдони 40,3 минг квадрат километрга тенг бўлди. Кўриниб турибдики, Бухоро вилояти майдонининг катталиги жиҳатидан ҳали ҳам анча юқори ўринни — Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятидан кейин — учинчи ўринни эгаллаб турибди. Аҳолисининг сони бўйича эса тўққизинчи ўринда. Аҳолиси 1424 минг кишини ташкил этиб, учдан икки қисми қишлоқларда яшайди. Ҳудуднинг ҳар бир квадрат километрга ўрта ҳисоб билан 35,3 киши

тўғри келади. Вилоят ҳудудида 11 та қишлоқ тумани (Бухоро, Жондор, Когон, Вобкент, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Қоровулбозор, Фиждувон, Қоракўл), шаҳарларининг сони ҳам 11 та: Бухоро, Вобкент, Газли, Когон, Олот, Ромитан, Шофиркон, Қоракўл, Қоровулбозор, Фиждувон, Фаллаосиё. Вилоят маркази Бухоро шаҳри.

Жиззах вилояти. Ушбу вилоят бир вақтлар қақраб ётган Қизилкум саҳросининг анчагина қисмини эгаллаб ётган эди. Ана шу сувга чанқоқ жазирама ерларни ўзлаштириш ва у ерларда саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқларини барпо этиш, ривожлантириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш, улардан самарали фойдаланиш мақсадида 1973 йил 29 декабрда Жиззах вилояти ташкил топди.

Республиканинг марказий қисмида жойлашган бу вилоят шимолда Қозоғистон, жанубда Тожикистон давлатлари, ғарбда Самарқанд ва шарқда Сирдарё вилоятлари билан чегарадош. Умумий майдони 20,5 минг квадрат километрга тенг бўлиб, республика майдонининг 4,5 фоизини ташкил этади.

Табиий-географик жиҳатдан вилоятнинг жануб томонида Туркистон тоғ тизмасининг ғарбий қисми (Молгузар тизмаси), ғарб томонида эса Нурота тоғ тизмаси мавжуд. Аҳолиси 900 мингдан ортиқ бўлиб, унинг тахминан учдан икки қисми қишлоқларда яшайди. Жиззах вилояти ҳудудида аҳолининг ўртача зичлиги ҳар квадрат километрга 46,2 киши тўғри келади.

Сирдарё вилояти жанубидаги Ховос ва Боёвут туманларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини кўтариш, раҳбарлик самарадорлигини ошириш, аҳолига турли хизмат, шу жумладан транспорт хизматини яхшилаш, уларнинг кундалик талаб-эҳтиёжларини қондириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1999 йил 15 апрелда «Жиззах вилояти таркибида Янгиобод маъмурий-ҳудудий туманини ташкил этиш тўғрисида» Қарор қабул қилди. Ушбу майдони 717,4 квадрат метрга тенг янги туман Сирдарё вилояти таркибидаги Ховос ва Боёвут туманларининг бир қисми ҳисобидан ташкил этилди.

Жиззах вилояти таркибида: Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Фаллаорол, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш ва Янгиобод каби 12 та қишлоқ тумани

ва 7 та шаҳар (Гагарин, Дўстлик, Жиззах, Маржонбулоқ, Пахтакор, Даштобод, Ғаллаорол), 8 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Уснат, Учкулоч, Янгиқишлоқ, Қўйтош) мавжуд. Маркази Жиззах шаҳри. Жиззах қадимий шаҳарлардан бўлиб, қолганлари 25-30 йиллар ичида пайдо бўлган шаҳарлардир.

Навоий вилояти республиканинг энг ёш вилояти ҳисобланиб, 1982 йил 20 апрелда Қизилқум саҳросининг маълум бир қисмини ўзлаштириш ва у ердаги табиат инъомларидан фойдаланиш мақсадида ташкил этилган. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган қисқа вақт ичида бу вилоят тарихида кўплаб қизиқ воқеалар бўлиб ўтди. 1988 йил сентябрида Самарқанд вилояти билан қўшиб юборилди. 1992 йили эса яна қайта тикланди.

Навоий вилояти Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ўрта қисмида жойлашган: Қизилқум саҳросининг каттагина қисмини эгаллайди. Ер майдони 111,0 минг квадрат километрга тенг, бу жиҳатдан у энг катта вилоят бўлиб, қолган вилоятлар орасида етакчи ўринда туради. Вилоят ғарбда Қорақалпоғистон, шимолда Қозоғистон, шарқда Жиззах, жанубда Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари билан чегарадош.

Аҳолиси 820 минг кишига яқинлашмоқда. Кўриниб турибдики, бу кўрсаткич бўйича Навоий вилояти қолган вилоятлар ичида ўн биринчи ўринни эгаллайди, аҳолининг зичлиги бўйича вилоятлар орасида охириги ўринда — ҳар бир квадрат километр майдонга 7,1 киши тўғри келади.

Вилоят ҳудуди 8 қишлоқ туманларига бўлинган: КониMex, Навоий, Навбаҳор, Нурота, Томди, Учкулук, Хатирчи, Қизилтепа. Вилоятда еттига шаҳар мавжуд. Маркази — республика харитасида 1958 йилда пайдо бўлган Навоий шаҳридир.

Наманган вилояти. Бу вилоят республиканинг шарқи, Фарғона водийсининг шимолий қисмида, асосан Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Унинг келиб чиқиш тарихи ҳам Навоий вилояти тарихига ўхшаб кетади. Наманган вилояти дастлаб 1941 йилнинг 6 мартида ташкил топган. Кейинчалик, 1960 йил 25 январидида тутатилиб, унинг ҳудуди Андижон ва Фарғона вилоятлари таркибига қўшиб юборилган. 1967 йил 18 декабрда у қайта тикланган. Географик нуқтаи назардан вилоятнинг катта қисми текис-

ликлардан иборат бўлиб, Фарғона водийсининг қатор дарё ва сойлари кесиб ўтган. Наманган ерлари шимол томон анча кўтарилиб, баландлиги 1000-1200 метргача етган адирлар билан қуршалган. Шўмол ва шимоли-шарққа борган сари янада кўтарилиб, Курама ва Чотқол тоғ тизмаларига туташиб кетади.

Майдони унча катта эмас, 7,9 минг квадрат километрга тенг. У шимолда Қирғизистон Республикаси, шимоли-ғарбда Тошкент вилояти, ғарбда Тожикистон Республикаси, жанубда Фарғона, жануби-шарқда Андижон вилоятлари билан чегарадош.

Наманган вилояти ҳам Фарғона водийси таркибидаги Андижон ва Фарғона вилоятлари сингари аҳолининг зичлиги билан ажралиб туради. Вилоятнинг ҳар бир квадрат километр майдонига қарийб 261 киши тўғри келади.

Наманган вилоятида 11 туман (Косонсой, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон), 8 шаҳар (Наманган, Косонсой, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Ҳаққулобод, Поп, Тўрақўрғон) бор. Марказий шаҳри — Наманган.

Самарқанд вилояти республикада биринчи ташкил бўлган (1938 йил 15 январь) вилоятлардан. Ушбу вилоят республика ҳудудининг марказий қисмида, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган. Чегаралари ғарб ва шимоли-ғарбда Навоий вилояти, шимол ва шимоли-шарқда Жиззах ва жанубда Қашқадарё вилоятлари, жануби-шарқда Тожикистондан ўтган.

Вилоятнинг марказий қисми гўзал воҳадан иборат. Бу воҳа унча кенг бўлмай, шарқдан ғарбга томон Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмалари оралиғида. Асосий суғориладиган ерлари худди ана шу майдонларни эгаллаган.

Аҳоли сони жиҳатидан Самарқанд вилояти Фарғона вилояти билан деярли бир-бирига яқин (2678,9 минг) бўлиб, улар республикада биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб олган. Эгаллаб турган ер майдони 16,8 минг км²га тенг. Аҳоли зичлиги ҳар бир км² га 159,5 киши тўғри келади.

Самарқанд вилояти қишлоқ туманлари сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Бу вилоятда бундай туманлар сони 14 та: Булунғур, Жомбой, Ишғиҳон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом, Пахтачи,

Самарқанд, Тайлоқ, Ургут ва Кўшработ. Шаҳарлар сони 11 та: Самарқанд, Булунғур, Жомбой, Жума, Иштихон, Каттакўрғон, Нуробод, Оқтош, Пайариқ, Ургут, Челак.

Кўҳна осори-атиқа обидалар маркази бўлган Самарқанд шаҳри вилоятнинг марказий шаҳри бўлиб, у 1924 йилдан то 1930 йилга қадар Ўзбекистон пойтахти бўлиб келди.

Сирдарё вилояти 1963 йилнинг 16 февралда Мирзачўлнинг сувсиз, қақшаб ётган ерларини ўзлаштириш, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт даражасини кўтариш мақсадида бунёд этилган.

Вилоят Ўзбекистоннинг икки йирик дарёсидан бири бўлган Сирдарёнинг Фарғона водийсидан чиқиш жойида, унинг чап соҳилида жойлашган. Вилоят шимолда Қозғистон, шарқда Тошкент вилояти, жанубда Тожикистон Республикаси ва ғарбда Жиззах вилояти билан чегарадош.

Вилоят рельефи паст-баландликлардан иборат бўлиб, шимолдан шимоли-ғарб томон пасайиб боради. Шимоллий қисмида баландлиги 230 метргача, марказий қисмида 400-450 метр, жануб ва жануби-ғарбий қисмида 600-650 метргача бўлган тепаликлар бор.

Сирдарё вилояти жуда кичик майдонни эгаллаган — 5,0 минг квадрат километр. Бу жиҳатдан у вилоятлар орасида охириги ўринлардан бирини — фақат Андижон вилоятидан олдинги ўринни эгаллайди. Аҳолиси сони бўйича энг охириги ўринда (645,9 минг). Аҳолисининг қарийб 70 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Ҳар бир км² майдонга 150,2 киши тўғри келади.

Сирдарё вилоятида 9 туман (Боёвут, Гулистон, Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Шароф Рашидов), 5 шаҳар (Гулистон, Бахт, Сирдарё, Ширин, Янгиер) мавжуд. Гулистон шаҳри вилоятнинг маркази бўлиб, аҳолиси сони жиҳатидан бошқа вилоятлар марказий шаҳарлари орасида энг кичиги ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти. Ўзбекистоннинг энг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил этилган. Вилоят шарқда Тожикистон, ғарб ва шимоли-ғарбда Туркманистон Республикаси ва Қашқадарё вилояти, жанубда Ўрта Осиёнинг йирик дарёси — Амударё бўйлаб Афғонистон билан чегарадош.

Вилоят уч томондан тоғлар билан: шимолда Ҳисор, шимоли-ғарбда Бойсун ва Кўхитанг, шарқда Боботоғ тизмалари билан қуршалган. Сурхондарё водийси ана шу тоғлар орасида шимолдан жанубга Амударё томон пасайиб бориб, Ўзбекистоннинг энг иссиқ худуди ҳисобланади.

Вилоят аҳолиси 1740,6 минг атропоиди. Бутун аҳоли таркибидаги қишлоқ ва шаҳар аҳолиси улуши билан Ўзбекистоннинг қолган бошқа вилоятларидан кескин фарқ қиладди. Аҳолисининг 19-20 фоизигина шаҳарларда яшайди.

Ер майдони 20,8 минг квадрат километрга тенг. Аҳолининг ўртача зичлиги ҳар бир км² майдонга 86,6 кишидан тўғри келади. Вилоятда 14 туман (Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон) ва 8 та: (Термиз, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон) шаҳар бор. Марказий шаҳри — Термиз.

Тошкент вилояти. Умумий ер майдони 15,6 минг квадрат километрни ташкил этган бу вилоят 1938 йил 15 январда вужудга келган бўлиб, республиканинг шимоли-шарқий қисмида, Ғарбий Тяньшан тоғлари билан Сирдарёнинг ўрта оқими, Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси, қадимий Мирзачўл ва жанубий Қозоғистоннинг Чимкент вилояти оралиғида жойлашган. Географик ўрнининг қулайлиги, вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий томондан тез ривожланиши унинг вилоятлар орасида алоҳида мавқега эга бўлиб қолишида муҳим омилдир.

Тошкент вилоятининг шимолий ва шимоли-шарқий чеккаларида Чотқол, Угом, Пском тоғ тизмалари бор. Вилоят доирасидаги тоғларнинг энг баланд чўққилари Алелунг (4301 м) ва Бештор (4299 м).

Вилоят Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган: шимолда Қозоғистон, шимоли-шарқда Қирғизистон давлатлари ва Наманган вилояти, жанубда Тожикистон, ғарбда Сирдарё вилояти билан чегарадош.

Тошкент вилояти юқорида айтиб ўтилганидек, майдони жиҳатидан республиканинг унча катта бўлмаган қисмини эгалласа-да, аҳоли сони жиҳатидан қолган вилоятлар орасида энг юқори ўринни эгаллайди. Унинг аҳолиси 4,5 миллиондан (Тошкент шаҳри билан бирга) биров ортиқ. Бу Ўзбекистон аҳолисининг бешдан бир қисмидан

кўпроғи демақдир. Аҳолининг зичлиги бўйича вилоятлар орасида учинчи ўринни эгаллайди. Бу ерда ҳар бир квадрат километр майдонга 290,1 киши тўғри келади.

Вилоятда 15 туман (Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Қуйи Чирчиқ) бор. Кўриниб турибдики, бу жиҳатдан Тошкент вилояти Самарқанд вилоятидан кейин иккинчи ўринда, шаҳарлар сони (17) жиҳатидан эса биринчи ўринда. Шаҳарлари — Тошкент, Ангрен, Бекобод, Бўка, Келес, Олмалиқ, Оҳангарон, Оққўрғон, Паркент, Пискент, Дўстобод, Тўйтепа, Чиноз, Чирчиқ, Янгиобод, Янгийўл, Ғазалкент.

Вилоят маркази — Тошкент шаҳри.

Фарғона вилояти. 1938 йилнинг 15 январида вужудга келган ушбу вилоят Фарғона водийсида жойлашган уч вилоятнинг биридир. Мамлакатимиз шарқий қисми, водийнинг жанубий қисмида жойлашган. Жанубда Қирғизистон, ғарбда Тожикистон Республикаси, шимолда Наманган ва шарқда Андижон вилоятлари билан чегарадош.

Майдони жиҳатидан унча катта эмас (6,7 минг квадрат километр). Бу жиҳатдан Қорақалпоғистон ва вилоятлар орасида ўнинчи ўринда. Аҳолисининг сони бўйича (2676,3 минг) эса Тошкент вилоятидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Шунга кўра, вилоятда аҳоли зичлиги анча юқори, ҳар бир квадрат километр майдонга 399,4 кишидан кўпроқ одам тўғри келади.

Фарғона вилояти ҳам қишлоқ туманлари кўп вилоятлар сирасига киради. Улар 15 та: Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиариқ, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учкўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, Қува. Вилоятда 9 та шаҳар (Фарғона, Кўқон, Қува, Қувасой, Ҳамза, Марғилон, Бешариқ, Риштон, Яйпан) бор. Маркази — Фарғона шаҳри.

Хоразм вилояти. Ўзбекистон харитасида расмий тарзда 1938 йилнинг 15 январида вужудга келган, аммо у тарихий нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, Туркистоннинг қадимий ҳудудларидан бири ҳисобланади. Республиканинг шимоли-ғарбий қисмида, Амударё қуйи оқимининг чап соҳилида, қадимий обикор деҳқончилик ҳудудида

жойлашган: Орол-Каспий пасттекислигининг бир қисмини эгаллайди. Қорақалпоғистон сингари Хоразм вилояти ҳам мамлакатимизнинг энг узоқ ҳудудидир. Республика пойтахти Тошкент шаҳри билан Хоразм маркази Урганч шаҳри орасидаги масофа 1119 километрга тенг.

Вилоят шимол ва шимоли-шарқда Қорақалпоғистон Республикаси, шарқда Бухоро вилояти ва жанубда Туркманистон билан чегарадош. Аҳолиси 1326,4 минг киши.

Майдони жиҳатидан Хоразм анча кичик вилоят бўлиб, республиканинг қолган бошқа вилоятлари орасида охириги ўринлардан бирини эгаллайди. Майдони 6,1 минг квадрат километрга тенг ёки республика ҳудудидаги улуши бор-ўғи бир фоиздан сал ортиқроқ.

Вилоятда 9 туман (Боғот, Гурлан, Урганч, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор, Кўшкўпир, Хазорасп), 3 шаҳар (Урганч, Питнак, Хива) мавжуд. Вилоят маркази — Урганч шаҳри.

Қашқадарё вилояти. Вилоят дастлаб 1924 йилнинг 12 июлида тузилган. Кейинчалик 1960 йилнинг январига келиб тугатилган ва Сурхондарё вилояти билан қўшиб юборилган. 1964 йилнинг 7 февралда Қашқадарё вилояти қайта тикланган.

Вилоят Қашқадарё ҳавзасида ва Помир-Олой тоғ тизмасининг ғарбий чеккасида жойлашган. Ҳудуди ғарбдан шарққа томон 300-400 метргача кўтарилиб боради. Шарқий қисми Китоб-Қамаши тоғ этакларидан иборат: у ерларнинг баландлиги 450-500 метрдан 900-950 метргача боради.

Вилоят доирасидаги тоғларнинг асосий қисми унинг шимоли-шарқий қисмини эгаллаган бўлиб, тоғларнинг энг баланд қисми 4 минг метргача боради.

Майдони 28,6 минг квадрат километрни ташкил этади. Аҳолиси 2 миллиондан ортиқ, қарийб тўртдан уч қисми қишлоқларда истиқомат қилади. Аҳолининг ҳар бир км²га тўғри келадиган зичлиги 75,9 кишига тўғри келади.

Вилоят шарқда Тожикистон, жануб ва жануби-ғарбда Туркманистон билан, ғарб ва шимоли-ғарбда Бухоро, Навоий, шимолда Самарқанд вилоятлари билан чегарадош.

Худуди 14 туманга бўлинган: Баҳористон, Деҳқонобод, Касби, Китоб, Косон, Муборак, Нишон, Усмон Юсупов, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Ғузур туманлари. Вилоятда 12 та шаҳар (Қарши, Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Таллимаржон, Чироқчи, Қамаш, Ғузур, Яккабоғ, Янги Нишон, Шаҳрисабз) мавжуд. Вилоят маркази — Қарши шаҳри.

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

Демографик жараёнлар, яъни аҳоли сонининг ўзгариши, бу ўзгаришнинг сабаблари, ўзига хос хусусиятлари, кўпайиш ёки камайиш суръатлари, туғилиш ва ўлим даражаси, никоҳ ва ажралиш, авлодлар алмашуви, ўртача умр кўриш, жинсий ва ёш таркиби каби ўта муҳим масалалар жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Улар, бир томондан, жамият тараққиёт даражасига, ундаги иқтисодий, сиёсий ўзгаришларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, мамлакат тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Демографик жараёнлар у ёки бу давлатларда рўй берадиган турли ўзгаришларни маълум жиҳатдан осонлаштиради ёки қийинлаштиради. Шунга кўра, бу жараёнлар билан боғлиқ бўлган турли-туман масалалар бирон кишини бефарқ қолдирмаса керак.

Аҳоли сонининг ўзгариб бориши, унинг ҳудудлар бўйлаб жойлашиши, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражасига таъсири билан турли соҳа вакиллари: демограф, иқтисодчи, жуғрофия фани билан шуғулланувчи, файласуф, ҳуқуқшунос, тиббиёт ходимлари, психологлар шуғулланадилар.

Ўзбекистон кўп асрлик тарихга эга бўлиб, юксак деҳқончилик, ҳунармандчилик, фан ва маданиятининг бешиги бўлиб келган. «Ўрта Осиё дурдонаси» деб ном олган Фарғона водийси, Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаси, шунингдек, Амударёнинг қуйи оқими қадим-қадимдан аҳоли зич жойлашган воҳалар қаторига киради. Қишлоқ аҳолиси ўлкада анъана бўлиб қолган пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик каби қишлоқ хўжалик, шаҳар аҳолиси эса ҳунармандчиликнинг турли

соҳалари билан шуғулланиб келган. 1897 йили Туркистонда биринчи аҳоли рўйхати ўтказилган ва Ўзбекистоннинг демографик тарихи асосан ана шу даврдан бошланган. Ҳа пайтда унинг аҳолиси 3730 минг кишини ташкил этган эди.

Ўзбекистон Республикасида 24,6 миллион аҳоли истиқомат қилмоқда (2000 йил 1 январига оид маълумот). Мамлакатнинг аҳоли сони жиҳатидан мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибига кирувчи мамлакатлар орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, 1950 йилдан то 1976 йилгача бўлган даврда аҳолиси бўйича Ўзбекистон Қозоғистондан орқанда бўлиб, республикалар орасида тўртинчи ўринни эгаллаб келган эди. 1977 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси (14595 минг) Қозоғистон аҳолисидан (14349 минг) ортиб кетди. Ҳозир бу фарқ янада юқори. Ўзбекистон аҳолиси Қозоғистон аҳолисидан 10 миллион кишига кўпдир.

Ўзбекистон майдонининг катталиги жиҳатидан Марказий Осиё таркибига кирувчи бешта давлат (Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон) орасида учинчи ўринда турса, аҳолисининг сони жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди.

Аҳоли сони ҳақида гап кетганда, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти аҳолисининг тез суръатлар билан кўпая боришида кўринади. Бу борада у кўшни Тожикистон билан биргаликда МДҲ таркибига кирувчи давлатлар орасида етакчи ўринда. Мамлакатимиз аҳолиси йилига ўрта ҳисобда 350-400 минг кишига кўпайиб бормоқда.

Аҳоли асосан туғилиш эъвазига кўпаймоқда. Ўзбекистонда аҳолининг табиий кўпайиши ҳар минг киши ҳисобида олганда, кейинги йилларда аста-секин камайиб бормоқда. Масалан, 1980 йили табиий кўпайиши ҳар минг кишига 26,4 та бўлган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 17 тага тушиб қолди. Ҳали эса йил сайин камайиб бормоқда, Масалан, 1980 йили ҳар минг аҳолига ўлганлар сони 7,4 ни ташкил этган бўлса, 1999 йили 5,3 бўлди.

Қуйида келтирилган жадвалдан Ўзбекистон аҳолиси сонининг узоқ муддат ичида қай тарзда ўзгариб борганлиги тўғрисида тўла маълумот олиш мумкин.

Ўзбекистон аҳолиси 100 йил ичда

Йиллар	Жами аҳоли минг киши	Шу жумладан		Жамига нисбатан % ҳисобида	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
1900	4016	816	3200	20,3	72,97
1913	4034	1060	3336	24,5	75,5
1920	4470	813	3657	18,1	81,9
1926	4621	1012	3657	21,8	78,2
1930	4926	1077	3849	21,9	78,1
1935	5596	1298	4298	23,2	76,8
1940	6551	1606	4945	25,0	75,0
1945	5197	1761	3436	33,9	66,1
1950	6194	1917	4277	30,9	69,1
1952	6588	2061	4527	31,2	68,8
1955	7170	2319	4851	32,3	67,7
1960	8395	2840	5555	34,0	66,0
1965	10068	3567	6501	35,6	65,0
1970	11799	4322	7477	36,6	63,4
1975	13778	5300	8430	38,5	61,5
1980	15787	6452	9305	40,9	59,1
1985	17974	7530	10444	40,6	59,4
1990	20322	8282	12040	40,8	59,2
1991	20708	8344	12364	40,3	59,7
1992	21207	8483	12724	40,0	60,0
1993	21703	8559	13144	39,4	60,6
1994	22192	8653	13539	39,0	61,0
1995	22562	8732	13830	38,7	61,3
1996	23007	8831	14176	38,4	61,6
1997	23444	8944	14500	38,2	61,8
1998	23867	9059	14809	38,0	62,0
1999	24231	9157	15074	37,6	62,4
2000	24583	9235	15347	37,6	62,4

Жадвалдан кўришиб турибдики, ўтган 100 йил ичида мамлакат аҳолиси олти мартадан зиёдроқ кўпайган.

Мамлакатда аҳоли сонининг тез суръатлар билан кўпайиши тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва энг аввало туғилишнинг кўплиги ва ўлим даражасининг аста-секин камайиб бориши асосида рўй бермоқда. Туғилиш ва аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги, аввало, аҳоли орасида ўзбеклар ҳамда бошқа маҳаллий миллатлар кўпчиликини ташкил этиши билан ифодаланган. Бу ўз навбатида, ана шу миллатларга хос бўлган серфарзандлик анъаналари, аҳолининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилиши, аёллар орасида ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони камлиги каби сабаблар билан боғлиқ. Республикада никоҳ даражасининг юқорилиги, қўйди-чиқдининг камлиги ҳам маълум жиҳатдан туғилишнинг кўпайишига ўз таъсирини кўрсатади. Шу ўринда бир нарсага алоҳида эътибор беришни истар эдик. Маълумки, аҳолининг табиий кўпайиши, яъни туғилиш эвазига аҳолининг кўпайиши қишлоқларда шаҳарларга нисбатан анча юқори. Бироқ юқорида келтирилган жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, бошқача аҳволни кўришимиз мумкин. Ўтган 100 йил ичида республикада шаҳар аҳолиси 11 мартадан зиёд, қишлоқ аҳолиси эса салкам 5 мартадан кўпайган.

Республика жами аҳолисида шаҳар аҳолиси салмоғининг кўпая бориши 1970—1990 йилларга тўғри келади. Ана шу давр ичида шаҳар аҳолиси салмоғининг орта бориши кўп ҳолларда сунъий равишда рўй берди, яъни шаҳар аҳолиси салмоғини кўтариш мақсадида қатор қишлоқ манзилларига асоссиз тарзда, илмий жиҳатдан исботланмаган ҳолда шаҳар мақоми берилиши туфайли рўй берди. Республика мустақилликка эришгач бундай усулга чек қўйилди. Натижада шаҳар аҳолиси орасида туғилиш қишлоқлардагига нисбатан кам бўлиши туфайли шаҳар аҳолисининг салмоғи камая борди. Масалан, 1990 йили шаҳар аҳолисининг салмоғи 40,7 фоиз бўлгани ҳолда 1999 йилга келиб бу рақам 37,6 фоизга тушиб қолди.

Статистика маълумотларига назар соладиган бўлсак, Ўзбекистон аҳолиси кўпайишининг энг юқори суръатлари сўнгги 20-30 йилларга тўғри келди. 1940 йиллардан 1970 йилларгача бўлган 30 йил ичида мамлакатимиз аҳолиси бор-йўғи 6 миллионга кўпайган бўлса, 1970 йилдан 2000 йилгача бўлган 30 йил ичида қарийб 13 миллионга ортди.

Республикада аҳоли сони кўпайиш суръатлари бошқа минтақалардаги ўсиш суръатларига нисбатан анча юқори. Буни МДХ таркибига кирган давлатлар аҳолисининг умумий сонига Ўзбекистон Республикасининг салмоғи йил сайин ошиб бораётганлигида аниқ кўриш мумкин. Масалан, 1926 йили республикамизда яшаган аҳоли сони мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари аҳолисининг уч фоиздан ортигини ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич етти фоиздан ошиб кетди.

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси сони туғилишнинг кўплиги туфайли тез суръатлар билан ортиб бориши мамлакатимиз аҳолисининг ўзига хос бўлган хусусиятларидан биридир. Бу жиҳатдан бошқа ҳамдўстлик давлатлар таркибидаги қатор минтақалардан кескин фарқ қилади. Маълумки, собиқ иттифоқнинг қатор минтақаларида қишлоқ аҳолисининг сони мунтазам равишда камайиб бормоқда. Бу камайиш энг аввало у ерларда туғилишнинг камайиши ва ўлимнинг кўпайиши эвазигадир. Бундан ташқари, қишлоқларда яшаш шароитлари оғирлашиши туфайли аҳоли туғилиб ўсган қишлоқларини тарк этиб шаҳарларга кетишга мажбур бўлмоқда. Қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кетиб қолиши туфайли юзлаб қишлоқлар, турар жой бинолари бўшаб қолмоқда. Қатор худудларда чақалоқ овози тобора эшитилмай қолмоқда, боғчалар, мактабларда ўқувчилар сони камайгандан-камаймоқда, айрим ҳолларда битта синф хонасида бор-йўғи битта-иккита ўқувчи қолмоқда.

Алкоголизм, гиёҳвандликнинг хуружи кучайиши, турли хасталикларнинг, айниқса сил касаллигининг кўпайиши туфайли ўлим даражаси ўсмоқда. Бундай аҳвол жумладан, Россиянинг қатор худудларида рўй бермоқда.

Кейинги йилларда бутун Россияда аҳоли кўпайиш ўрнига йилига 800-900 минг кишига камайиб кетмоқда. Россия Федерацияси давлат статистика бошқармасининг расмий хабарларига қараганда 2000 йилнинг январ ойидан ноябр ойигача бўлган давр ичида мамлакат аҳолиси 678 минг кишига камайиб кетган. Россия Президенти Федерал Кенгашига юборган номасида 15 йилдан сўнг россияликлар 22 миллион кишига камайиб кетиши мумкин деб ёзган эди. Россия Думасининг соғлиқни сақлаш ва спорт кўмитаси раиси, профессор, Россия фанлар академияси-

нинг мухбир аъзоси Н. Герасимов бунга янада аниқроқ ёндошиб: «2075 йилгача Россияда тахминан 50—60 миллион аҳоли қолади деб» башорат қилган. Россия аҳолисининг камайиб кетиш жараёни 1992 йиллардан бошланди ва бундай камайиш давом этмоқда.

1980-йилларда Россияда туғилиш йилига 2—2,3 миллионга етган бўлса, бу рақам 1992 йили 1,6, 1994 йили 1,4 ва ниҳоят 1999 йилга келиб 1,2 миллионга тушиб қолган. Ҳар минг кишига тўғри келадиган туғилиш 1990 йили 13,4 ни ташкил этган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 8,4 ни ташкил этди.

Ҳозир Россияда туғилиш даражасига нисбатан ўлим даражаси анча юқори, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида ўлим даражаси айниқса баланд.

Бир вақтлар Россия жаҳон аҳолисининг олтидан бир қисмини ташкил қилар эди. Энди бу кўрсаткич саккиздан бирга тушиб қолди. Бундай ачинарли ҳолни россияликларнинг ўзлари «демографик ҳалокат» деб баҳоламоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти амалга оширган ҳисоб-китобларга қараганда 2025 йилга бориб Россия аҳолиси камида 10 миллион кишига, 2050 йилга бориб эса яна 25-26 миллионга камайиб, умумий аҳоли сони 121 миллионга тушиб қолади (ҳозир 147 миллион).

Демографик вазият Қозоғистонда ҳам муҳим муаммага айланиб бормоқда. Сўнгги ўн йил ичида Қозоғистон аҳолиси икки миллион кишига камайди. Бу аҳволни эътиборга олиб республика раҳбарияти чет элларда истиқомат қилаётган қозоқ миллатига мансуб кишиларни мамлакатга қайтариш тадбир-чораларини изламоқда.

Ўзбекистон аҳолиси сони тез ўсиши туфайли ҳар бир квадрат километр майдонга тўғри келадиган ўртача аҳоли зичлиги ҳам ортмоқда. Масалан, 1959 йилги маълумотларга кўра бу кўрсаткич 18,1 кишини ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб (2000 йил) бу рақам 3 мартага ўсди ва деярли 55 кишига етди. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, мамлакат аҳолиси ҳудудлар бўйича жуда нотекис жойлашган.

Маълумки, аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашиши ва ўртача зичлиги табиий шароитнинг яшаш учун қулай-ноқулайлиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши каби қатор омиллар билан чамбарчас боғлиқ.

Табий шароитлари ўзига хос бўлган республикамизда аҳолининг асосий қисми воҳаларда яшайди. Аҳоли зичлиги ҳақида гап борганда шуни айтиб ўтиш ўринлики, ҳудудлар бўйича бу борадаги кўрсаткичлар турлича бўлиши билан бирга турли сабабларга кўра уларда ўзгаришлар ҳам вужудга келмоқда. Бу масалани таҳлил қиладиган бўлсак, 1980-йилларда Тошкент воҳаси (Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри) аҳоли зичлиги бўйича (ҳар квадрат километрга 243 кишига) мамлакатда биринчи, Фарғона водийси вилоятлари эса иккинчи ўринда эди (1 км²га—216 киши). Ҳозирги кунга келиб бу икки воҳа ўрни алмашди: Фарғона воҳаси (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари) биринчи ўринга чиқиб (1 км²га 336 киши), Тошкент воҳаси иккинчи ўринга тушиб қолди (1 км²га 288 киши). Бунинг асосий сабаби Фарғона водийси вилоятларида Тошкент воҳасига нисбатан аҳолининг туғилиш даражаси юқори бўлганлигидир.

Ўзбекистонда Фарғона водийси аҳолиси зич яшайдиган ҳудуддир. Воҳа республика майдонининг 4 фоизини ишғол қилгани ҳолда, унда яшовчи аҳолининг салмоғи республика барча аҳолисининг 28 фоизини ташкил этади.

Водийда аҳоли зичлиги бўйича Андижон вилояти айниқса ажралиб туради. Бу вилоят нафақат республика доирасида, балки МДҲ таркибидаги мамлакатлар вилоятлари орасида аҳоли зичлиги бўйича энг юқори ўринни эгаллайди. Андижон вилоятида ўртача аҳоли зичлиги ҳар бир квадрат километр майдонга 522 кишини ташкил қилади. Бу республика аҳолисининг ўртача зичлигидан деярли 10 марта кўп демакдир. Андижон вилояти майдони жиҳатидан республика майдонининг бир фоизини ташкил этгани ҳолда аҳолисининг қарийб 10 фоизини ташкил этади.

Мамлакатнинг каттагина қисмини эгаллаган чўл-саҳро қисмларидаги вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг ўртача зичлиги анча паст. Қорақалпоғистонда 9, Навоий вилоятида 7 кишини ташкил этади. Республиканинг Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳам аҳоли анча зич жойлашган ҳудудлар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли республикадир. 1989 йили ўтказилган охириги аҳоли рўйхати бўйича келтирилган маълумотларга қараганда мамлакатда 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади.

Русийзабон аҳоли асосан республика шаҳарларида яшайди. Охирги аҳоли рўйхати бўйича Ўзбекистонда истиқомат қилувчи русларнинг 43 фоизи биргина Тошкент шаҳрига тўғри келишини кўрсатган.

Меҳнат ресурслари, мактаблар ва бошқа турли ўқув юртлилари, мактабгача муассасаларда тарбияланувчи болалар, нафақахўрлар, аҳолининг бошқа тоифалари сонини, уларнинг турли-туман талаб-эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда ана шу эҳтиёжларни қондириш йўллариини излашда мамлакат аҳолисининг жинсга оид (аёллар билан эркеклар нисбати) ва ёш таркиби, уларнинг ҳозирги ва келажакдаги сонини иложи борича ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Келажакда аҳоли сони қай даражада ўзгариб бориши, никоҳлар даражаси қандай бўлиши каби муҳим масалаларни ҳам олдиндан башорат қилишда аҳолининг жинс ва ёш таркиби катта ўрин тутаети.

Мамлакатимиз аҳолисининг жинсга оид таркиби ўзига хос айрим хусусиятларга эга бўлиб, баъзи сабабларга кўра улар орасидаги нисбат турлича бўлган.

XX аср бошлари ва деярли унинг ўрталаригача Ўзбекистон аҳолиси таркибида эркеклар сони аёллар сонига нисбатан бир мунча ортиқ бўлиб келган. Масалан, 1905 йил маълумотларга қараганда эркеклар аёлларга нисбатан 316 мингга ортиқ ёки ўша йили эркеклар барча аҳолининг 53,8 фоизини, аёллар эса 46,2 фоизини ташкил этган¹.

Бундай аҳвол то иккинчи жаҳон урушигача давом этиб келди. Бунинг асосий сабаби, илгарилари аёлларнинг оила ва жамиятдаги ҳуқуқи паст бўлганлиги, оилани муҳофаза қилиш борасида тиббий чора-тадбирлар кўрилмаганлиги, аёллар меҳнатининг оғирлиги, қизларнинг эрта турмуш қуришлари кабилар аёллар орасида ўлим даражасини орттириб юборганлигидадир.

Иккинчи жаҳон уруши аҳолининг жинс таркибига салбий таъсир кўрсатди ва уни ўзгартириб юборди, эркеклар сони аёллар сонига нисбатан камайиб кетди. 1959 йили ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, республика аҳолиси орасида эркеклар улуши 48 фоизга тушиб қолди. Аммо бу борада кейинги йилларда ижобий

¹ Ата-Мирзаев, В. Гентшке, Р. Муртазаева, «Ўзбекистан многонациональный: историко-демографический аспект». Т. изд-во Ибн Сино, 1998, с. 33.

силжишлар рўй бермоқда ва эркеклар билан аёллар сони орасидаги нисбат аста-секин бир-бирига яқинлашиб келмоқда. 1959 йили аёллар эркекларга нисбатан 325 мингтага ортиқ бўлган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 101 мингни ташкил этди.

Республика аҳолисининг жинс таркиби тўғрисида қуйида келтирилган жадвалдан маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жинс таркиби

Йиллар	Эркеклар (минг киши)	Аёллар (минг киши)	Жамига % ҳисобида	
			эркеклар	аёллар
1865	1789	1531	53,9	46,1
1897	2045	1903	53,6	46,4
1917	2423	2063	53,0	47,0
1926	2470	2190	53,0	47,0
1940	3387	3161	51,7	48,3
1959	3897	4222	48,0	52,0
1970	5744	6055	47,7	51,3
1980	7744	8012	49,1	50,9
1985	8853	9121	49,3	50,7
1990	10036	10286	49,4	50,6
1991	10230	10478	49,4	50,6
1992	10486	10720	49,4	50,6
1993	10737	10965	49,5	50,5
1994	10950	11147	49,5	50,5
1995	11138	11329	49,5	50,5
1996	11413	11594	49,6	50,4
1997	11640	11803	49,6	50,4
1998	11820	11952	49,7	50,3
1999	12008	12127	49,8	50,2
2000	12193	12294	49,8	50,2

Республика аҳолисининг жинс таркибида аёлларнинг бироз ортиқлиги асосан катта ёшдагилар эвазига бўлмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу билан у МДХ таркибидаги қатор мамлакатлардан фарқ қилади. Республикада 19 ёшгача бўлганлар барча аҳолининг ярмидан ортиғини ташкил этади. Бу мамлакатнинг ҳозирги ва келажак даврида катта аҳамият касб этади.

Республика аҳолисининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши келажакда ҳам, гарчи бироз сусайган ҳолда бўлсада давом этади. Шу билан бирга аҳоли билан боғлиқ бўлган жабҳаларда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Бир ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлим даражаси кейинги даврда анча камайганлигига қарамай, бу кўрсаткич ҳамон анча юқори даражада турибди. Масалан, 1980 йил маълумотларига кўра, мамлакатда туғилган ҳар минг боладан бир ёшга қадар ўлганлар сони 47 та бўлган бўлса, 1999 йилга келиб, бу рақам 20,2 га тушиб қолди. Бироқ бу ҳам жуда юқори кўрсаткичдир. Бу ўринда жаҳоннинг қатор ривожланган мамлакатларида бир ёшгача бўлган гўдаклар ўлими жуда пастлигини айтиб ўтиш жоиздир. Масалан, ҳар мингта туғилган чақалоқлардан бир ёшгача ўлганлар сони Швецияда — 3,8, Японияда — 4-5 ни ташкил этади.

Республика аҳолисининг асосини ташкил этган ўзбеклар салмоғи рўйхатдан-рўйхатга ортиб бормоқда. 1959 йил билан 1989 йиллар орасида ўтган 30 йил ичида Ўзбекистон аҳолиси 2,5 баробар ортган бўлса, ўзбеклар улуши ана шу давр ичида қарийб 3 баробарга кўпайди (1959 йили 5038 мингдан 1989 йили 14142 минг кишига етди).

Қайси бир мамлакат бўлмасин, унинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида меҳнат ресурслари катта ўрин эгаллайди. Ўзбекистон меҳнат ресурсларига бой мамлакатлар қаторига кириб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ҳар йили 200-250 минг кишига кўпаяди. Шунга кўра, улардан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли кучидан самарали фойдаланиш масаласи долзарб муаммо эканлиги эътиборга олиниб, 1992 йил 13 январда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлари аниқ белгилаб қўйилган, бозор муносабатларига ўтишда уни амалга оширишнинг кафолатлари ҳам белгиланган.

Иқтисодий ислоҳотларни мақсадга мувофиқ тарзда ривожлантириш ва бозор муносабатларини тўғри ташкил этиш назарда тутилиб, айтиб ўтилган Қонунга зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, 1998 йил 1 майда у янги тахрирда қабул қилинди.

1999 йили республика меҳнат ресурсларининг сони 12,3 миллион кишини ёки барча аҳолининг 50,4 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида банд бўлганлар сони 1985 йили 6,6 миллион кишини ташкил этган бўлса, 1999 йилга келиб, бу рақам 8,9 миллионга етди. Ундан 73 фоизи нодавлат ишлаб чиқариш соҳасига ва 27 фоизи давлат ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келади.

Бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш, ўрта ва кичик бизнеснинг, тадбиркорликнинг турли шакллари ривожланиши сабабли аҳолининг иш билан бандлиги борасида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда: иқтисодиёт соҳасидаги яқка тартибда иш юритиш усулларида фойдаланувчилар сони кўпайиб бормоқда.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. 1939 ва 1959 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари маълумотларига қараганда, 1939 йили қишлоқ хўжалигида аҳолининг 70,8 фоизи, 1959 йили эса 58,9 фоизи банд эди. Кейинги йилларда бу борада маълум ижобий силжишлар рўй берди, шунга қарамай қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли салмоғи ҳамон юқориликча қолмоқда ва 36,2 фоизни ташкил этиб турибди. Америка Қўшма Штатлари, Исроил давлатларида бу кўрсаткич 2—3 фоиздан ошмайди. Шунга қарамай, бу мамлакатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки бундай маҳсулотларни экспорт ҳам қилмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ

Ўз тарихининг охириги 10 йили ичида Ўзбекистон ўз тараққиёти бобига жуда илгарилаб кетди. Ана шу давр ичида юз берган оламшумул ўзгаришлар, қўлга киритилган натижалар ва энг асосийси, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга тўғри ва оқилона ёндашиш мамлакат ичкарасидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам ҳақли равишда тан олинди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти кўп тармоқли ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуидан иборат бўлиб, унинг пойдеворини ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлар ташкил этади. Ёқилғи, машинасозлик, рангли ва қора металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати кабилар ана шундай тармоқлар сирасига киради.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида иқтисодий тараққиёт учун зарур бўладиган имкониятлар мавжудлиги жиҳатидан ажралиб туради. Энг аввало табиий-географик шароитнинг қулайлиги, заминимизда Менделеев даврий жадвалининг деярли барча элементлари мавжудлиги, серунум ер ва айниқса, халқимизнинг меҳнатсеварлиги иқтисодиётнинг қатор тармоқларининг ривож топишига катта заминдир.

Собиқ иттифоқ мавжудлигида ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан, иқтисодий ҳаёт марказ томонидан «тартибга» солиниб турилар эди. Қатор хоҳ катта, хоҳ кичик масалалар бўлмасин, Марказ аралашувисиз бажарилиши мушкул эди, долзарб бўлган муаммо — масалаларни республика ўз эрки билан ҳал этиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Асосий бойликларимиз, жумладан олтин, пахта, қоракўл, нефть, газ каби маҳсулотларимиз тақдири Марказ ихтиёрида эди. Ўша даврларда мамлакатнинг турли жабҳаларида номутаносиблик вужудга келди, қўлга киритилган айрим ютуқлар бўрттириб кўрсатилди, мақтанчоқлик авж олди, хато-камчиликларни айтиш норасмий тарзда ман этилди, ҳақиқат юзини парда босди, қўйингки, қатор иллатлар илдиз отди.

Мустақиллик туфайлигина юқорида айтиб ўтилган қатор иллатларни тугатиш борасида муҳим чора-тарбирлар амалга оширилдики, топталган қадриятлар аста-секин ўзининг муносиб баҳосини ола бошлади. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан иқтисодий ҳаётимизда муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, собиқ иттифоқ барҳам топиб, собиқ республикалар орасидаги иқтисодий алоқалар издан чиқиши туфайли республикамиз маълум қийинчиликларга ҳам дуч келди. Аҳолини зарур саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат турлари билан таъминлашда анча муаммолар пайдо бўлди, камёб маҳсулотлар рўйхати кенгая бориб, савдо расталари, дўконларда қатор муҳим маҳсулотлар:

шакар, чой, ёғ, совун кабилар талон билан берилди. Авваллари сероб бўлган, сотиб олишга кўпчиликнинг қурби етадиган арзон саноат моллари ҳам борган сари камайди. Натижада аҳолининг харид қилиш имконияти чекланиб қолди. Савдо ташкилотлари арзимаган маҳсулотни сотиб олиш учун навбатда туриш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳам навбат кутиш натижасида аҳоли қимматли вақтини йўқотишга мажбур бўлди. Бозор иқтисодиётига олиб борадиган йўл равон йўл эмаслигини, бу йўл гулларга бурканмаганлигини, унинг ўнқир-чўнқирлари борлигини, уни босиб ўтиш учун матонатли бўлиш, кўп меҳнат сарф қилиш кераклигини бу йўлни босиб ўтган мамлакатлар яхши биладилар, демак, бу табиий жараён эканлиги кўпчиликка маълум.

Эндиликда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни турли мамлакатларда умумий қонуниятлар негизида аста-секин ривожланиб боради, шу билан бирга бундай мамлакатларнинг ҳар бири бу борада ўзига хос айрим хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар хўжалик таркиби ва йўналиши, мамлакатнинг жуғрофий ўрни, табиий иқлим шароитлари, мавжуд табиий бойликлари, мамлакатга хос бўлган миллий урф-одатлар, аҳоли анъаналари билан белгиланади. Айтиб ўтилган шу омиллар эътиборга олиниб, республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос модели шакллантирилди. Ушбу моделнинг энг асосий томонлари республикамиз Президенти асарларида, Фармонларида, давлат томонидан қабул қилинган Қонунлар, ҳукумат Қарорларида ўз аксини топган. Республика Президенти И. Каримов томонидан суверен давлат тузиш борасида олға сурилган беш тамойил ўз моҳиятига кўра ўзига хосдир. Бу тамойиллар қуйидагилардир: *иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлат бош ислоҳотчи бўлиши кераклиги; ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш зарурлиги; бозор иқтисодида тадрижий йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш зарурлигидир.* Бу тамойиллар мамлакатимиздагина эмас, балки бошқа қатор мамлакатларда ҳам тан олинган бўлиб, улар давлатимиз ва иқтисодиёт тармоқлари тараққиёти негизини ташкил этган.

Бозор иқтисоди талаблари асосида республикада ўрта ва кичик бизнес фаолияти, тадбиркорлик, ишбилармонлик кенг тус олди, мулкчиликнинг турли шакллари юзага келди, ишлаб чиқаришда давлат тасарруфидаги фаолиятлар доираси торая бориб, нодавлат соҳа тараққий этди.

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги корхоналар сони 160 мингга етиб қолди ва уларнинг умум ишлаб чиқаришдаги салмоғи 90 фоизга яқинлашди.

2000 йил бошларига келиб республикада фаолият кўрсатётган ўрта ва кичик корхоналар сони қарийб 126 мингга, фоиз ҳисобида 87,5 фоизга етди. Ўрта ва кичик корхоналар томонидан чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми 137,6 миллиард сўмни, яъни саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 10,5 фоизини ташкил қилди.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда устувор масалаларни ҳал этиш, ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш ҳамда иқтисодни янада ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини кўтариш борасида зарур шароитлар яратиш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз тараққиётида саноат муҳим ўрин эгаллайди. Саноат республика хўжалигининг етакчи тармоқларидан бўлган пахтачилик, ипакчилик каби тармоқларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ташкил топди ва ривожланди. Иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўтиш жараёни туфайли республика саноат тармоқлари аста-секин такомиллашиб бозор муносабатлари талаб-эҳтиёжларини қондириш йўлига ўтиб бормоқда.

Ўзбекистон саноати республикада мавжуд бўлган табиий ва иқтисодий бойликлардан, тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш негизида ривожланиб, еримиздан топилган ва ишга туширилган газ, нефть, олтин, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, кўмир конлари бу борада катта аҳамият касб этмоқда.

Асосий саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида кон саноати улуши камайиб бориб, қайта ишловчи саноат улуши ортиб бормоқда. Масалан, 1996 йили умум саноат маҳсулотларида кон саноатининг улуши 18% бўлган бўлса, 1999 йилга келиб 13,7%га тушиб қолди

ва аксинча, қайта ишлаш саноати ўша давр ичида 82%дан 86,3%га кўтарилди.

Ўзбекистон саноатида етакчи ўринни оғир саноат эгаллаб келмоқда. Маълумки, бу саноат таркибига ёқилғи-энергетика, рангли ва қора металлургия, машинасозлик мажмуи, қурилиш материаллари саноати кабилар киради.

Қуйида келтирилган маълумотлардан республикамиз саноати таркиби тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

4-жадвал

Ўзбекистон саноатининг таркибий тузилиши (1999 й.)¹

Саноат тармоқлари	Жамига нисбатан %
Электр энергетика	10,2
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	11,7
Ёқилғи саноати	13,3
Кимё ва нефт-кимё саноати	5,4
Рангли металлургия	8,9
Қора металлургия	1,0
Қурилиш материаллари саноати	5,5
Енгил саноат	17,3
Озиқ-овқат саноати	13,6
Ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	1,2
Ойна, чинни ва фаянс буюмлари саноати	0,3
Ун тортиш, ёрма-омухта саноати	9,0

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бутун саноатнинг қарийб учдан икки қисми оғир саноатни ташкил этар экан.

Оғир саноат миллий иқтисодиётимизнинг қатор тармоқларини янги техника ва технология билан таъминлайди, саноат, транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалик тармоқларини қайта қуриш негизи бўлиб ҳисобланади. Аммо

¹ Показатели социально-экономического развития Республики Каракалпакстан, областей и г.Ташкента, Статистический сборник, Т., 2000, 37-б.

оғир саноат моҳияти ва унинг тутган ўрни бу билан чега-раланмайди. У аҳолининг турли-туман маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш, уларнинг моддий фаровонлигини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоғи бўлган оғир саноат енгил, озиқ-овқат саноатлари ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ишлаб чиқариш негизини мустаҳкамлайди.

Оғир саноат тармоқлари орасида электр энергетика саноати етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг бош омили ва асоси шу саноат ҳисобланади. Иқтисодиётимизнинг бирон соҳасини ёки умуман кундалик ҳаётимизни бу тармоқсиз тасаввур қилиш қийин.

Электр қувватининг асосий қисми республикада қад кўтарган ва иссиқлик билан ишлайдиган қатор йирик электр станцияларда ишлаб чиқарилади. Бундай станциялар сирасига Сирдарё, Тошкент, Навоий, Ангрен, Тахиятош ГРЭСлари киради.

Ўзбекистон электр-энергия тизими тарихи 1923 йилда Тошкент яқинидаги Бўзсув каналида қатор ГЭСлар қурилиши билан боғлиқ. Ушбу ГЭСнинг биринчи навбати 1926 йили ишга туширилган.

Ўтган асрнинг 30-йилларда Чирчиқ-Бўзсув сув йўлида бунёд этилган бир қатор ГЭСлар республикани электр қуввати билан таъминлашда сезиларли аҳамиятга эга бўлди.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир кунларида асосан халқ ҳашари билан Фарҳод ГЭСи қурилди. Уша йиллари Ангрен кўмири конини ўзлаштириш ишлари бошланиб кетди. Бу кўмири ҳавзасининг ишга туширилиши Ангрен ГРЭСи ва Олмалиқ ТЭЦи қурилишига замин бўлиб ҳисобланади. 1970-йилларда Чорвоқ ГЭСи ва Хўжакент ГЭСи ишга тушди.

Орадан кўп вақт ўтмай катта кучга эга бўлган, ҳозирда республиканинг электр қувватига бўлган эҳтиёжини тўла қондираётган Сирдарё ГРЭСи қурилди.

Энергетика соҳасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш, бу соҳа тармоқ корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қонди-

риш мақсадида Республика Президенти 2001 йил 22 февралда «Ўзбекистон Республика энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

Фармонда Ўзбекистон тараққиёти учун зарур бўлган қатор устувор йўналишлар: энергетика корхоналарини монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари кўзда тутилиб, Республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини тугатиш ва унинг таркибий бўлинмалари негизида очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси («ЎзбекэнергоДАК»)ни ташкил этиш ва унинг таркибига мустақил юридик шахс ҳуқуқлари билан «Кўмир» акциядорлик бирлашмасини киритиш ҳам назарда тутилди.

Моҳияти жиҳатидан ниҳоятда муҳим бўлган ушбу Фармонни ҳаётга тўла тадбиқ қилиниши республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтиришда қўйилган катта қадам бўлди.

Ўзбекистонда машинасозлик саноати ўзига хос ўринга эга. Бу саноат тармоғига мансуб бўлган корхоналарда хилма-хил машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар тайёрланади. Улар қаторига пахта терувчи машиналар, ерга уруғ қадайдиган, тўкув-йигирув, суғориш машиналари, турли хил станоклар, телевизор ва магнитофонлар ва қатор рақобатбардош маҳсулотлар киради.

Аҳолиси зич бўлган Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Жанубий Корея билан ҳамкорликда енгил автомобиллар чиқариладиган йирик корхона бунёд этилди. Бу корхона 1996 йилдан бошлаб бирин-кетин «Дамас», «Тико», «Нексия» русумли қулай автомобилларни чиқара бошлади. Шундай қилиб, Ўзбекистон эндиликда жаҳон миқёсида автомобиллар чиқараётган давлатларнинг 28-си бўлди. Мустақил юртимизда йирик, замонавий корхонада чиқарилаётган кўркам, қулай енгил машиналаримизни кўрганда кўз қувонади, кўпчиликда ҳавас уйғотади. Бу машиналаримиз қатор хорижий мамлакатларда чиқарилаётган машиналар билан бемалол рақобатлаша олади. Ушбу автомобилларимиз ҳар қандай йўлларда, ҳар қандай

иқлим шароитида ўзининг қатор афзалликлари билан кўпчиликнинг ишончини қозонди ва мақтовга сазовор бўлди.

1999 йил баҳорида машинасозлик саноатида яна бир муҳим воқеа, Самарқанд шаҳрида Туркиянинг «Кочхолдинг» компанияси билан биргаликда қурилган автомобил заводи ишга туширилди. Ушбу корхона автомобилсозлик соҳасидаги йирик корхоналар қаторига кирмайди, аммо бу билан унинг моҳияти пасаймайди ҳам. Чунки бу корхонада чиқарилаётган ихчам ва қулай автобуслар йўловчилар ташиш ва республикага ташриф буюрувчи минглаб саёҳатчиларга хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ушбу завод бир ярим тоннадан саккиз тоннагача юк кўтарадиган юк машиналарини ҳам ишлаб чиқаради.

Ўзбек диёрида вужудга келган корхоналарнинг яна бир муҳим аҳамияти мамлакатда янги иш ўринларини вужудга келтириш билан белгиланади.

1999 йилнинг октябр ойида Республика Президенти И. Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи даврида икки мамлакат ўртасида Асака автомобил заводида «Нексия-2» ва «Матиз» русумли машиналарни ишлаб чиқаришга келишиб олинди. Ана шу машиналардан бири — «Матиз» русумли ихчам ва қулай машина 2001 йилдан чиқарила бошланди. Шу билан бирга яқин вақтлар ичида «Нексия»нинг такомиллаштирилган янги турини чиқариш ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг машинасозлик тармоғига оид йирик корхоналар қаторига Тошкентдаги трактор заводи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Тошкент агрегат заводи каби йирик корхоналар киради. Республиканинг бошқа кўпгина шаҳарларида ҳам машинасозлик таркибига кирувчи қатор корхоналар ишлаб турибди.

Ўзбекистон пойтахти Тошкентда жаҳон авиация саноати андозаларига мос келадиган йирик корхоналардан бири ҳисобланган В. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган қулай самолётлар жаҳоннинг қатор давлатлари орасида қатнаб турибди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутаётган ёқилғи саноати асосан табиий газ, нефть, кўмир ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Иқтисодиётнинг биронта тармоғи ёқилғи-энергетика мажмуисиз ривож топа олмайди. Ҳозир нефть ва газ соҳасида геологик қидирув ишларини кенгайтириш бўйича махсус дастур тайёрланиб, қабул қилинган.

Ўзбекистон табиий газнинг катта захираларига эга бўлиб, газ чиқариш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 1991 йили чиқарилган газ миқдори 41,8 млрд кубметрни ташкил этган бўлса, 2000 йили бу кўрсаткич 56,4 млрд кубметрга етди.

Ўзбекистон бир вақтлар газни қувурлар орқали собиқ иттифоқнинг турли ҳудудларига жўнатишга мажбур эди. Шу сабабли мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, қишлоқ аҳолиси газдан етарли даражада баҳраманд бўлаолмас ва кўпинча қиш мавсумига ўтин тўплаш билан овора бўларди. Мустақилликдан сўнг аҳолини қулай ёқилғи-газ билан таъминлашда катта ўзгаришлар рўй берди. Бунинг далили сифатида аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятининг Хўжаобод шаҳрида йирик ер ости газ омбори қурилганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бу йирик иншоотни қуришга 70 миллион АҚШ долларига тенг маблағ сарф қилинди. Бу ер ости газ омбори Андижон вилоятинигина эмас, балки бутун Фарғона водийси аҳолисини газ билан таъминлашда катта қулайлик яратди.

Ёқилғи саноати тармоғи тараққиётида нефтнинг тутган ўрни бўлақчадир. Бу борада Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида амалга оширилган ишлар диққатга сазовор. Нефть қазиб чиқаришнинг тез ўсиб бориши туфайли мамлакатимиз нефть мустақиллигига эришди. Бунга мисол қилиб Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг қурилиб ишга туширилишини айтиб ўтиш кифоя.

Қашқадарёда қад кўтараётган Шўртан газ кимё мажмуаси Ўрта Осиёдаги энг йирик мажмуалардан бири бўлиб қолади. Бу улкан корхона тўлалигича маҳаллий хом ашё негизида ишлайди ва йилига 3 миллион тонна газни қайта ишлаб 125 минг тонна полиэтилен, 140 минг тоннага яқин суюлтирилган газ ҳамда газни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган бошқа маҳсулотлар чиқаради ва бу маҳсулотлар хориж мамлакатларга ҳам экспорт қилинади.

Улкан табиат бойликларига ва бошқа қатор имкониятларга эга бўла туриб, Ўзбекистон яқин-яқингача ўзининг нефть ва бошқа маҳсулотлар билан тўла таъминлай олмас эди ва йилига 10 млн тонна нефть маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур эди. Бу эса мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказарди. Саноат маҳсулотлари, истеъмол моллари ва айрим хом ашёларга бўлган эҳтиёжларнинг ҳам 80 фоизи четдан олиб келиш эвазига қаноатлантирилди. Эндиликда буларга чек қўйилмоқда. Нефть мустақиллигига эришгач, Ўзбекистон четдан нефть ва нефть маҳсулотлари олиб келадиган мамлакатдан бундай маҳсулотларни хорижга чиқарадиган мамлакатга айланди.

Мамлакатда кўмир ишлаб чиқариш саноати ҳам ривожланди. Бу борада Ангрен қўнғир кўмир кони ва Сурхондарёдаги Шарғун, Бойсун тошкўмир конларининг улуши каттадир. Ангрен қўнғир кўмир кони Ўзбекистонда чиқариладиган жами кўмирнинг 97 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон саноати тармоқлари орасида етакчи ўринлардан бирини рангли металлургия эгаллайди. Саноатнинг бу тармоғи асосан Тошкент вилоятида жойлашган. Ўша ерларда мавжуд бўлган рангли металл ресурсини ишга солиш туфайли 1951 йили Олмалиқ шаҳри вужудга келди ва кейинчалик рангли металлургия саноатининг республикадаги йирик марказига айланди.

Бир вақтлар сувсизликдан қуриб-қақшаб ётган Қизилқум саҳроларида олтин қазиб олиш саноати вужудга келди. Мурунгов тоғ-кон комбинати бу саноатнинг негизи ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, Мурунгов олтини кони жаҳон олтин конлари орасида бой конлардан биридир.

1950-йилларда ушбу кондан олтин чиқарила бошланди. Аммо ўша вақтларда бу конда ишлатилган техника рудадаги олтинни тўла чиқариб олишга қодир эмас, натижада таркибида олтин бўлган руда чиқинди тарзида атрофга чиқариб ташланар эди.

Фақатгина, 1992 йили АҚШнинг «Ньюмонт-майнинг» компанияси билан чиқинди рудаларни қайта ишлаш ва улардаги олтинни ажратиб олиш мақсадида қўшма корхона вужудга келтириш тўғрисида келишув 1995 йил май ойида «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг ишга туширилиши билан якун топди. Биринчи йили ушбу кор-

хона чиқиндилардан бир тонна олтин ажратиб олган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 16 тоннани ташкил этди. Қўшма корхона ишга туширилган даврдан то 2000 йилнинг ярмигача шу йўл билан олинган олтин миқдори 70 тоннага етди. Бу эса мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини қучайтиришда сезиларли таъсир кўрсатди.

«Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси мустақил давлатлар ҳамдўстлигида чиқиндилардан олтин чиқарадиган ягона корхона бўлиб, энг замонавий техника ва технология асосида иш олиб боради.

Мурунгов конидан чиқарилаётган олтин сифати жуда юқори. У олтин чиқарадиган жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистон ўзининг қора металлургия саноатига ҳам эга, ammo унинг республика иқтисодий ҳаётидаги ўрни унчалик катта эмас. Бекобод шаҳрида қурилган қора металлургия комбинати асосан темир-терсақларни қайта ишлаш орқали маҳсулот чиқаради ва республика эҳтиёжини қопламайди. Бу корхона асосан пўлат, прокат, турли хил қувурлар билан бирга хонадонлар учун зарур рўзғор маҳсулотларининг турли хилларини ҳам ишлаб чиқармоқда.

2000 йилнинг баҳорида Германия, Австрия билан ҳамкорликда нометалл қувурлар чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона қурилиб ишга туширилди. Ушбу корхона йилига қарийб 1000 километрга яқин ишлаб чиқарадиган хилма-хил қувурларнинг хизмат муддати 75—80 йилга тенг. Ҳолбуки, металлдан ясалган қувурлар 20—25 йилга чидар эди, холос. Ўзбекистонда қурилган бундай корхона МДҲ таркибидаги ягона ва бутун жаҳон миқёсида қурилган йигирма тўртинчи корхонадир. Корхонада чиқариладиган нометалл қувурларга фақат Ўзбекистонда эмас, балки ундан ташқарида ҳам эҳтиёж ниҳоятда катта. Биз билан биргаликда иш олиб бораётган Германия вакиллари бу корхонани қуриш учун мўлжаллаган давлатлари жуда кўп эди. Улар кўп мулоҳазалардан сўнг мамлакатимизни афзал кўрдилар.

Кимё саноати ҳам республикамиз фаҳри ҳисобланади. Нефть, табиий газ, кўмир, олтингургурт, ош тузи, пахта ва каноп чиқиндилари кабилар бу саноатнинг хом ашёсидир. Кимё саноати пахтачиликни минерал ўғитлар билан таъминлашда, айниқса катта ўрин тутуди ва минерал ўғитлардан ташқари, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунан-

даларига қарши фойдаланиладиган заҳарли моддалар, сунъий толалар, бўёқлар, полиэтилен, аҳоли эҳтиёжига мўлжалланган уй-рўзғор маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Олмалик каби шаҳарларда кимё саноатига мансуб қатор корхоналар ишлаб турибди.

Кимё саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш ва бу фаолият устидан бошқаришни такомиллаштириш, тармоқ корхоналарининг акциялаштирилиш жараёнини чуқурлаштириш ҳамда тармоқ тараққиётини жадаллаштириш, чет эл сармояларини жалб қилиш масалаларини ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йилнинг 13 мартда «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди. Ушбу Қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши бу саноат тараққиёти даражасини яна бир босқичга кўтариш имконини берди.

Ўзбекистонда электро кимё, қурилиш материаллари, енгил ва тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ҳам кўзга кўринарли даражада ривож топган.

Қуйида келтирилган маълумотлардан Ўзбекистонда чиқарилаётган саноат маҳсулотлари бобида маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин.

5-жадвал

Ўзбекистонда асосий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Маҳсулотлар	Ўлчов бирлиги	1994	1997	1999
Электр қуввати	млд. кВт.с.	47,8	46,1	45,4
Нефть	млн.тн	5,5	7,9	8,1
Бензин	минг тн	1398	1360	1638
Табиий газ	млн м ³	47,2	51,2	55,6
Кўмир	млн.тн	3,8	2,9	3,0
Пулат	минг тн	364	379	355,6
Тракторлар	дона	1684	2852	1707
Енгил автомобиллар	минг дона	—	64,9	58,8
Кимё толаси	„ тн	12490	7299	11472
Минерал ўғитлар	минг тн	811	954,4	876,2
Цемент	млн тн	4,8	3,4	3,3
Пахта толаси	минг тн	1384,8	1125,0	1018,0
Ип газлама	млн м ²	480	424,9	303,5

Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўтиллаётган даврда Ўзбекистонда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жабҳасида қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу айниқса маҳаллий саноат, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат, давлат уй-жой соҳаларига тегишлидир. Қатор йирик ва ўрта саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари эса ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан шу нарса кўриниб турибдики, Ўзбекистон саноати ривож топган регионлардан бири бўлиб ҳисобланади. Саноат тармоқларида чиқарилаётган маҳсулотлар ниҳоятда хилма-хил. Улар орасида самолётлар, автомобиллар, электр қуввати, нефть ва нефть маҳсулотлари, кўмир, пўлат, қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар, газламалар, чинни ва биллур буюмлар каби яна қатор маҳсулотлар бор.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида қишлоқ хўжалиги ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди ва устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бирорта мамлакат бўлмаса керак. Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланган бу тармоқ мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг деярли учдан бир қисмини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини турли-туман ноз-неъматлар, қатор саноат тармоқларини эса хом ашё билан таъминлаб турибди.

Мамлакатда сўнгги 10 йил ичида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли қишлоқ хўжалик соҳасида колхозлар бошқа ташкилий-ҳуқуқий ишлаб чиқариш шакллариغا айлантирилди. Фойдаланиб келинаётган ер ва мулклар қайта тақсимланиб, ижтимоий ва таркибий ўзгаришлар рўй берди.

Қишлоқларда ташкил топган ширкатлар хўжалик юриштирининг янги усулларига ўтдилар. Ширкатлардан ташқари, хўжалик юриштирининг яна янги хиллари — ижара хўжаликлари, фермерлар, янги турдаги ҳиссадорлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга хўжа-

ликлараро корхоналар, ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотлари таъсирруфидаги ёрдамчи хўжаликлар мавжуд.

Қишлоқларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли агротехнология ва техника, селекция ва уруғчилик соҳасида жаҳон миқёсидаги тажрибаларни, деҳқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш туфайли қишлоқ хўжалигининг қатор соҳаларида арзигулик ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик соҳаларида ишлаб чиқариш даражасини ошириш, самарадорликни кўтариш иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган мамлакатимиз олдида турган қатор муҳим мақсад ва вазифаларни бажаришда катта ўрин тутиши, шубҳасиз. Шунга кўра, моддий ишлаб чиқаришнинг йирик ва муҳим тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалик соҳасига эътибор кучаймоқда. Республиканинг қулай табиий шароити, ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, малакаси ва маҳорати бу соҳа олдида турган катта вазифаларни тўла бажариш имконини беради.

Ўзбекистонда иш билан банд бўлган барча аҳолининг 36 фоиздан ортиқроғи қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик тармоқлари ва аввало унинг етакчи тармоғи пахтачилик сунъий суғоришга асосланган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, суғориладиган ерлар майдони 4,2 млн. гектарга тенг бўлиб, барча ер майдонининг 15 фоизини ташкил этади. Мамлакатимиз яйловларининг катта қисми саҳро ва чаласаҳролардан иборат. Шунга кўра мамлакат қишлоқ хўжалик экинларининг ҳаммаси суғориладиган майдонларга тўғри келади.

Қуйида келтирилган жадвалдан Ўзбекистон экин майдонларининг таркиби тўғрисида тушунча ҳосил қилиш мумкин.

“

**Қишлоқ хўжалик экинлари майдони (барча хўжаликларда;
минг гектар ҳисобида)**

	1980	1985	1990	1995	1996	1997	1998	1999
Барча экин майдонлари	3994,6	4080,2	4194,2	4165,0	4007,0	4140,6	4029,7	4019,5
Ғалла экинлари майдони	1173,8	969,3	1008,1	1656,5	1740,5	1837,6	1686,7	1720,5
Техник экинлар майдони	1912,1	2027,0	1876,3	1532,6	1525,1	1567,2	1614,1	1613,0
Шу жумладан пахта майдони	1877,7	1989,8	1830,1	1492,8	1487,3	1513,1	1531,6	1517,4
Картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдони	186,3	196,3	270,1	238,2	214,6	214,9	229,5	233,2
Ем-хашак экинлари майдони	722,4	887,6	1039,7	731,6	521,5	507,8	497,5	452,8

Республика қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган энг катта муаммо сув тақчиллигидир. Устига-устак Ўзбекистонда ёғингарчилик оз. Айниқса, қуйи Амударё ва саҳроларда ёғин кам ёғади. Экинлар учун сув энг зарур бўлган, ўсимлик яхши ўсадиган даврида ёғингарчилик айниқса камайиб кетади. Шунинг учун сув танқислигини бироз бўлсада бартараф эттириш мақсадида республиканинг турли ҳудудларида каналлар ва сув омборлари қурилган.

Сув муаммосини ҳал қилиш йўлларида яна бири сувдан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш, уни исроф қилишга йўл қўймасликдир. Бу борада қатор мамлакатларда орттирилган тажрибадан тўла фойдаланишга қаратилган тадбир-чораларни кўриш зарур.

Республика қишлоқ хўжалигида шолчилик, боғдорчилик, узумчилик каби тармоқлар ҳам ривож топган.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг энг етакчиси пахтадир. Ундан фақат ип газламалар тайёрланибгина қолмай,

жун ва ипак аралаштирилиб чалажун ва чалашойи газламалар ҳам тайёрланади. Ёғ-мой саноати учун пахта чигити муҳим хом ашёдир. Пахта мойи аҳоли истеъмолида кенг ишлатилишидан ташқари, ундан турли хил маргаринлар, чиқиндиларидан чорва моллари учун тўйимли озуқа — кунжара олинади. Пахта шулхаси ҳам чорва моллари учун ем сифатида ишлатилади ва гидролиз саноатида хом ашё бўлиб хизмат қилади. Шулхадан тери ошловчи модда, қоғоз, картон, турли хил лак бўёқлар ва бошқа маҳсулотлар олинса, ғўзапоя мебел саноатида ишлатилади. Пахта тивитидан сунъий чарм, ойна, целлофан, фото материаллари, кино тасмалари, линолеум, сунъий ипак... Кўйинг-чи, пахтадан олиннадиган барча нарсаларни санаб тугатиш қийин. Энг аввало пахта четдан валюта келтиради.

Анджон вилояти пахтакорлари ташаббуси билан пахтачиликда янги технология — пахтани плёнка остида етиштириш усули вужудга келди. Бу усул яхши самара берди. «Анджон технологияси» деб ном олган бу усулни кенг ёйиш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил ноябрида «Плёнка остида пахта экиш тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди. Ушбу қарорда плёнка остида пахта экиш усулини босқичма-босқич кенгайтира бориш масаласи олға сурилди.

Пахта яккаҳокимлигига чек қўйилиб унинг ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилашга, яъни пахтадан олиннадиган толани кўпайтиришга эътибор кучайди. Ўзбекистоннинг ғурури бўлган пахтачиликда кейинги йилларда ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу, айниқса, пахта ҳосилдорлигига тааллуқлидир. Ҳар гектардан олиннадиган пахта ҳосилини бир центнерга кўтаришнинг ўзи мамлакатимизга жуда катта қўшимча даромад келтириши мумкин. Ҳолбуки, ҳар гектар майдондан олиннадиган ҳосил орта бориш ўрнига, аксинча, камайиб кетмоқда. Буни қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан аниқ кўриш мумкин.

1980—1999 йилларда Ўзбекистонда пахта етиштириш

Йиллар	Етиштирилган пахта (минг тонна)	Ҳосилдорлик ц/га
1980	5579,0	29,7
1985	5382,0	27,0
1990	5058,0	27,6
1995	3934,3	26,4
1996	3350,1	22,6
1997	3641,0	24,1
1998	3206,2	21,0
1999	3652,0	24,1

1998 йили кузида Ўзбекистон Президенти И. Каримов давлат ташрифи билан Исроил мамлакатида бўлган пайтида у ернинг қишлоқ хўжалигига катта қизиқиш билан қаради. Бунинг сабаби бор, албатта. Исроил давлатида қишлоқ хўжалик соҳаси ва энг аввало пахтачиликда катта муваффақиятларга эришилган. Қизиғи шундаки, пахтачилик борасидаги бундай ютуқлар тошлоқ ва қумли, сувсиз ерларда қўлга киритилган. Ҳар бир гектар ерни суғориш учун бизга қараганда 2—2,5 баробар кам сув сарфланаркан. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнатга лаёқатли аҳолининг бор-йўғи 3 фоизи банд бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжини қоплабгина қолмай, балки уни хорижга ҳам чиқаради. Бундай ютуқнинг «сири» технологиянинг юқорилиги, мавжуд бўлган имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланишда экан. Ҳар гектар майдондан олинадиган пахта ҳосили 60—70 центнерга етар экан. Бизда эса бу рақам нари борса 30 центнерга етади, холос.

Ўзбекистонда техник экинлардан каноп ва жут етиштирилади. Бу экинлар асосан Тошкент вилоятида етиштирилади. Самарқанд вилоятининг Ургут тумани юқори сифатли тамаки етиштириш билан донг чиқарган. Тамаки қишлоқ хўжалигининг юқори даромадли маҳсулоти ҳисобланади.

Мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида ғалла экинлари, асосан, буғдой етиштирилади. Авваллари республи-

ка ғалла маҳсулотлари билан ўзини тўла таъминлаб кела олмас эди. Эндиликда самарали аграр сиёсатни амалга ошириш туфайли республика ғалла мустақиллигига эришди. Агар мамлакатимизда 1990 йили 2 миллион тоннадан ортиқ ғалла йиғиб олинган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 4,331 минг тоннани ташкил этди.

Республика ғаллачилигида шоликорлик ҳам муҳим ўрин тутди ва бу асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ривожланган.

2000 йилнинг қишлоқ хўжалик мавсуми иқтисодиётнинг бу соҳаси учун анча оғир келди. Бунга об-ҳавонинг мураккаб келиши туфайли қурғоқчилик ва сув тақчиллиги келиб чиқди. Ёғингарчилик кам бўлганидан Амударё ва бошқа ички сув манбаларимизда сув миқдори камайиб, зарурий меъёр даражасининг 25—40 фоизини ташкил этди, холос. Натижада катта-катта қишлоқ хўжалик майдонларида қурғоқчилик рўй берди, бундай қурғоқчилик кейинги юз йил ичида кузатилмаган эди.

Қийинчилик рўй берган ана шундай шароитда буғдой ҳосилини сақлаб қолиш учун сув омборларининг кўп йиллик ва мавсумий сув захиралари ёз бошларидаёқ сарф қилиб бўлинган эди. Йирик Туямўйин сув омборининг сув захиралари ҳам тўлиқ сарфланди. Ана шундай оғир шароит оқибатида шимолӣ ҳудудларимизнинг ярмидан ортиғида экинларни суғоришнинг иложи бўлмади, ҳатто аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда ҳам катта қийинчиликларга дуч келинди. Биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида рўй берган қурғоқчилик сабабли 210 минг гектар, ёки барча экин майдонларининг 45 фоизидаги ҳосил нобуд бўлди. 116 минг гектар майдондаги шоли экинидан 15 минг гектари, ёки 8 фоизи сақланиб қолди, холос.

Хоразм вилоятида ҳам аҳвол оғир кечди. Ушбу вилоятдаги 65 минг гектар майдондаги экинлар қуриб, кўплаб чорва моллари нобуд бўлди. Табиатнинг ана шундай инжиқликлари натижасида етган зарар, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Қорақалпоғистон бўйича 16 миллиард сўмга яқин, Хоразм вилояти бўйича эса 11 миллиард сўмдан зиёд бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм воҳасида рўй берган нохуш аҳвол бу ҳудудларнинг ўзигагина эмас, бал-

ки бутун республика иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Пахтачиликда ҳам табиат ўз инжиқлигини кўрсатди. На-тижада республикада териб олиниши мўлжалланган пах-танинг қарийб тўртдан бир қисми олинмай қолди.

Республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳ-сулотлари тўғрисида қуйида келтирилган жадвал асосида тўла тушунча ҳосил қилиш мумкин.

8-жадвал

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш
(минг тонна ҳисобида)

Маҳсулотлар	1990	1995	1996	1997	1998	1999
Пахта	5058	3934	3350	3641	3206	3652
Дон жами шундан:	1898,7	3215,3	3562,0	3775,6	4147,7	4331
Бугдой	341,7 ¹	2347	2742	3073	3555	3602
Шоли	502,7	328	450	386	346	421
Картошка	336,4	440	514	692	691	658
Сабзавот	2842,5	2724,7	2497,4	2884,2	2403,4	2664,6
Полиз эканлари	1000,0	472,0	469,7	376,2	469,9	472,1
Мева	660,4	602,3	604,8	547,7	543,5	489,1
Узум	744,7	621,0	478,3	511,5	778,3	344,0

Республика экин майдонлари ичида ғалла экинлари-нинг улуши 1990 йилда 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1999 йилга келиб бу кўрсаткич 42,8 фоизга етди.

Ўзбекистонда чорвачилик, унинг тармоғи бўлган қўйчи-лик ҳам муҳим ўрин тутди. Бухоро, Қашқадарё, Сурхон-дарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бу борада асосий ҳудудлар ҳисобланади. «Юмшоқ олтин» деб ном олган қоракўл териларига жа-ҳон бозорида талаб катта.

Қишлоқ хўжалигининг қадимий тармоқларидан бири бўлган пиллачилик ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида му-ҳим ўрин тутди. Пиллачиликнинг Ўзбекистон иқтисоди-ётидаги ўрнини ва бу борада кейинги йилларда салбий ҳоллар вужудга келганлигини эътиборга олиб, 1998 йил 30

¹ 1989 й.

мартда Ўзбекистон Президенти «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. 2000 йил 15 мартда эса Вазирлар Маҳкамасининг «Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Ушбу муҳим ҳужжатлар асосида республиканинг пиллачилик соҳасини ривожлантириш борасида қатор тадбир-чоралар белгиланди ва аста-секин амалга оширилмоқда. Шу мақсадни кўзлаб «Вьетнам — Ўзбекистон» кўшма корхонаси барпо этилди.

Пиллачиликка асосланган шойи чиқариш соҳасини кенг йўлга қўйиш мўлжалланган. Шойи саноатини техника жиҳатидан тўла-тўқис жиҳозлашга қаратилган комплекс дастур ишлаб чиқилган. 2005 йилга бориб бу соҳада чиқариладиган маҳсулот ҳажмини уч мартага ошириш мўлжалланган. Бу режа бажарилгач, соҳа маҳсулотини экспорт қилиш беш-олти марта ўсиши кўзланмоқда.

Республикада вужудга келаётган фермер хўжаликлари сафини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни кучайтириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда уни ҳозирги давр талабларига мос тарзда кўтариш борасида талай ишлар олиб борилмоқда.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида транспортнинг тутган ўрни қанчалик муҳимлиги ҳаммага маълум. Кучли ва аниқ бир меъёрда ишлаб турадиган транспорт тизими бўлмаса ҳар қандай мамлакат ҳам самара билан ва оқилона тарзда кенг ривож топиши мушкул.

Транспортнинг асосий вазифаси аҳолига ва корхона, ташкилотларга юқори хизмат кўрсатиб, уларнинг талаб-эҳтиёжларини тўла ва юқори сифат билан қондиришдан иборат.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятига фаол кириб бориши уйғун транспорт сиёсатини амалга ошириш зарурлигини тақозо қилади.

Турли хил транспорт воситалари ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга ўз вақтида, исроф қилмасдан етказишда фаол иштирок этади. Одамларни бир манзилдан иккинчи бир манзилга ташишда ҳам транспортнинг тутган ўрни беқийсдир. Транспортнинг бу сифати шаҳарлар ва айниқса йирик шаҳарлар ҳаётида ниҳоятда улкан.

Транспорт ишлаб чиқариш тизимида муҳим ўрин тутиши билан бирга ҳар қандай ҳудуд хўжалиги мажмуасининг зарурий бўғини бўлиб ҳисобланади.

Транспорт ва йўл тармоқларининг самарали ривожланиши кадрларнинг қишлоқларда мустақкам ўрнашиб қолиши, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишга имкон яратади.

Шуни афсус билан айтиб ўтиш зарурки, Ўзбекистон транспортининг ҳозирги кундаги ривожланиш даражаси ва йўл тармоқларининг сифати жаҳон талабларига тўла жавоб бермайди. Турли хил алоқа йўллари ва транспорт турларининг мамлакат ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутиши, республикада мавжуд йўллар ва умуман, коммуникация давр талабига жавоб бермаслиги борасида тўхталиб, юртбошимиз И. Каримов «Коммуникациялар тизими ҳақида гапирганда, Ўзбекистон географик мавқеининг ўзига хослиги, портларга ва энг катта транспорт узелларига чиқиш йўлининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари устувор стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқ даркор» деган эди.

Мамлакат транспорт тармоғи темир йўл, автомобил, авиация, қувурлар ва дарё-сув йўлларида иборат. Транспортнинг барча турлари ёрдамида республикада ҳар йили халқ хўжалиги учун зарур бўладиган турли-туман юклар, йўловчилар ташилади.

Айниқса, мамлакатимизда темир йўллар етакчи ўринга эга. Чунки ташиладиган юкларнинг 66 фоизи ана шу тармоқ зиммасига тушади ва бу Ўзбекистон транспорт тизимининг негизини ташкил этади. Экспорт ва импорт қилинадиган юкларнинг қарийб 80 фоизи ҳам темир йўл транспортига тўғри келади.

Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги мураккаб шароитда

кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва мамлакат ҳудудларининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан темир йўлларнинг қай даражада ишлаши билан бево-сита боғлиқ.

Темир йўллар катта ҳажмдаги турли-туман юклар: нефть ва нефть маҳсулотлари, кўмир, қора ва рангли металллар, кимёвий ва минерал ўғитлар, пахта толаси, қурилиш ма-териаллари, турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узоқ масофаларга ташишда жуда кўл келади.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари-да, йўловчилар ташишда ҳам темир йўллар ҳамisha хиз-матда.

Энг муҳими, темир йўлларда юк ташишнинг таннархи автомобилларда юк ташишга нисбатан 3-5 марта, ҳаво транспортларига қараганда эса 12-15 марта арзон.

Темир йўл транспортининг яна бир афзаллиги — атроф муҳитга кам зарар етказди, унинг юк ва йўловчилар та-шиш қобилияти жуда юқори, об-ҳаво инжиқликлари би-лан деярли боғлиқ бўлмай мунтазам равишда ҳаракатда. Шуниси билан у автомобил ва ҳаво транспортдан катта фарқ қилади. Айтиб ўтилганлардан шу нарса кўриниб ту-рибдики, темир йўл транспорти бундан кейин ҳам ҳаёт учун зарур бўладиган восита сифатида иқтисодиётни бар-қарорлаштириш, бозор муносабатларини жонлантириш, ишлаб чиқариш тармоқлари ва ҳудудлар орасидаги алоқа-ларни таъминлаш, аҳолининг иш билан бандлик даража-сини кўтариш ва бошқа қатор муҳим ижтимоий-иқтисо-дий муаммоларни ҳал этиш йўлларини очиб беришга хиз-мат қилади.

Мамлакат темир йўлларининг умумий узунлиги 19-20-йиллар бошида 1589 километрни ташкил этган бўлса, бу-гунги кунга келиб у 6700 километрга етди. Электрлашти-рилган темир йўллар узунлиги 587 километрни ёки уму-мий темир йўл узунлигининг 16,1 фоизини ташкил этади.

Темир йўлларнинг узунлиги бўйича Ўзбекистон кўшни: Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатларини орқада қолдириб, Қозоғистондан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари темир йўл тармоқлари билан бирмунча яхши таъминлан-

ган. Қорақалпоғистон, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари эса бу соҳада анча орқада.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1995 йил август ойида Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу йўл мамлакатимизнинг жанубий ҳудудлари — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари табиий бойликларидан унумли ва самарали фойдаланиш, бу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг иш билан бандлик даражасини кўтариш имконини беради. Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли Сурхондарё вилоятидаги Сарийосиё бекатидан Қашқадарёдаги Қарши бекатигача бўлган масофани қарийб икки мартага қисқартиради.

Хорижга, жумладан, мамлакатимиз жанубидаги давлатларга чиқишда Машҳад-Сарахс-Тажан темир йўлининг қурилиши муҳим воқеа бўлди. 1996 йил 13 майда Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрида тантанали очилган, узунлиги салкам 300 километр бўлган бу темир йўл тармоғи энг қисқа масофа орқали Марказий Осиё мамлакатларини Форс қўлтиғи билан боғлайди ва ташқи савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар очади.

2001 йил бошида темир йўл тармоғида яна бир ютуқ қўлга киритилди. Узунлиги 500 километр масофага эга бўладиган Учқудуқ-Султонувайс — Нукус темир йўл магистрали қурилишида «Мискен» ва «Учқудуқ-2» бекатлари оралиғида поезд ҳаракати синаб кўрилди.

Республика миллий иқтисоди ва аҳолининг темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш даражасига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш, темир йўлларнинг мунтазам ва хавфхатарсиз ишлаши, хизмат кўрсатиш маданиятини кўтаришни таъминлаш мақсадларини кўзлаб, 1994 йил ноябрь ойида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компанияси ташкил қилинди. Бу компания темир йўлларда хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, поездлар қатнови бўйича белгиланган жадвалларга тўла риоя қилиш каби қатор соҳаларда катта ишларни бажариши лозим. Чунки транспорт ҳаракатининг яхши йўлга қўйилиши, йўловчиларга турли-туман ва сифатли хизмат кўрсатиш умуман мамлакатнинг маданият даражасини ифодалайдиган омиллардан бири ҳисобланади.

1999 йилнинг 15 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида» қабул қилинган Қонуни мамлакатимиз темир йўллари фаоллиги ва унинг миллий иқтисодни тараққий эттириш даражасини кўтариш имконини берди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, темир йўл транспорти жаҳондаги барча мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим алоқа воситасидир, мамлакатимиз учун эса унинг аҳамияти янада катта. Чунки республика четта чиқиш учун зарур бўладиган сув йўлларида олис бўлганлиги учун темир йўл транспорти Ўзбекистонни жаҳон мамлакатлари билан боғлаб турувчи асосий воситадир. Шунга кўра темир йўл транспорти доирасида мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари топа билиш даркор. Шунини эътиборга олиб, 2001 йил бошида темир йўл транспорти монополиядан чиқариш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказилди. Ушбу кенгаш мамлакат Президенти раҳбарлигида амалга оширилди ва темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш чораларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз И. Каримов темир йўл транспорти соҳасида давлат мулки устуворлигидан иложи борича воз кечиш ва бу масалани ҳар томонлама асослашни тезроқ ҳал этиш, темир йўл транспортида монополияни чеклаш, айрим соҳалар, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариб хусусийлаштириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Темир йўл тизимидаги айрим корхоналарни хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад, меҳнат моҳиятини ўзгартириш, соҳа ходимларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширишдангина эмас, балки транспорт соҳасида рақобат муҳитини қарор топтириш, корхоналар фаолияти ва самарадорлигини кўтариш учун ҳам зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз И. Каримов 2001 йил 2 мартда «Темир йўл транспорти монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармон республикада темир йўл транспорти самарадорлигини оширишга олиб келиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида автомобил транспорти ва автомобил йўллари ҳам жуда катта роль ўйнайди.

Миллий иқтисоднинг автомобил транспортидан фойдаланмайдиган биронта соҳаси йўқ, дейилса муболаға бўлмайди. Қисқа масофаларга юк ва йўловчиларни ташиш, замонавий транспортнинг бошқа хиллари бўлмаган жойларда аҳоли, ташкилотларга хизмат кўрсатишда, айниқса, транспорт юриши қийин бўлган тоғли жойларда автомобил транспортининг аҳамияти беқиёсдир.

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон автомобил йўлларининг умумий узунлиги 90 минг километрдан ортиқ.

Мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган автомобил йўллари жумласига Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари орқали ўтиб Термиз шаҳригача борадиган Катта Ўзбек автомобил йўлини айтиб ўтиш лозим.

Кейинги йилларда кўшни Тожикистонда вужудга келган вазият мамлакатимизнинг Фарғона водийси доирасидаги вилоятлар билан Тожикистон орқали амалга оширилиб келинган транспорт алоқалари анча мушкул аҳволга тушиб қолди. Шуни эътиборга олиб, республика ҳукумати Тошкент-Ўш йўлининг Ангрен сув омборидан то Фарғона водийсигача бўлган қисмини қайта қуриш бўйича махсус қарор қабул қилди ва Қамчиқ, Резак доvonларида автомобил транспорти ҳаракати учун мўлжалланган тоннеллар қуриш ишлари бошлаб юборилди ҳамда бу иш муваффақият билан якунланди. Бу тоннелларнинг ишга туширилиши туфайли Қамчиқ доvони орқали ўтадиган автомобил транспорти алоқаларида авваллари учраб турадиган хавф-хатарларга чек қўйилди.

Ўзбекистон халқаро автомобил йўллари билан боғлайдиган йўлларга эътиборни қаратиб, Хитой ва Покистонга чиқиш учун имкон туғдирадиган Андижон-Ўш-Эргаштом-Қашқар автомобил йўли ва Ҳинд океанига чиқиш имконини берадиган Термиз-Ҳирот-Карачи автомобил йўллари қурилишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

1926 йили республикада мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилгандан буён ўтган давр ичида йўловчилар ташувчи автобуслар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ривож топди ва йўловчилар ташиш 1940 йилдагига нисбатан қарийб 250 маротаба ортди.

Бундан ташқари, турли ҳажмдаги юк ташувчи автомобиллар, қулай, шинам автобуслар ҳамда енгил автомобил-

лар сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Қатор шаҳарларимизда трамвай ва троллейбуслар қатнови йўлга қўйилган. Бош кентимиз Тошкентда 1977 йили метро қурилиб ишга туширилди. Аҳолиси икки миллиондан ортиб кетган шаҳар учун транспортнинг бу турининг аҳамияти беқиёсдир. Бугунги кунда Тошкент метросининг икки йўналиши; Собир Раҳимов — Буюк Ипак йўли йўналиши; Беруний — Чкалов йўналишлари (Бу икки йўналиш узунлиги 29,8 километрни ташкил этади ва 25 та бекатдан иборат) мавжуд. Тошкентнинг марказий қисмида ва унинг чекка қисмларида қатор турар жой бинолари, савдо-сотик, банк ва солиқ каби маъмурий бинолар қад кўтармоқдаки, бу йўловчиларга анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунга кўра, Тошкент метроси доирасини кенгайтириш, янги йўналишлар очиш зарурати туғилди ҳамда метронинг учинчи йўналиши қурилиши бошлаб юборилди. Бу йўналиш шаҳарнинг Юнусобод тумани ва Жанубий вокзални бири бири билан боғлайди. Кейинчалик Жанубий вокзал билан Сирғали тумани оралиғидаги метронинг тўртинчи йўналиши, ундан кейин Тошкент халқа йўлини вужудга келтириш мўлжалланмоқда. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистонда 2000—2005 йилларда йўловчилар транспортини ривожлантириш тўғрисида Концепция қабул қилди.

Мустақил Республика транспорти ҳақида гап кетганда ҳаво транспортининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Маълумки, транспортнинг бу тури анча қимматга тушадиган транспорт воситасидир. Ҳозир ҳаво транспорти орқали асосан йўловчилар, шу билан бирга тез етказилиши зарур бўлган юклар, айниқса, тез бузиладиган маҳсулотларни ташишда фойдаланилади.

Мамлакатимиз тарихида 1993 йили «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил топиши ҳаво транспорти тараққиёти соҳасида қўйилган муҳим қадам бўлди. Бу компания хизмати туфайли Тошкентдан Нью-Йорк, Лондон, Токио, Пекин, Париж, Истанбул, Деҳли, Тель-Авив, Сеул, Куала-Лумпур, Жидда, Урумчи каби жаҳоннинг йирик шаҳарлари билан ҳаво йўллари ўрнатилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси билан Американинг «Боинг» компанияси ўртасида имзоланган шартномага кўра, 1996 йил август ойидан бошлаб Тошкент билан жаҳоннинг қатор шаҳарлари (Нью-Йорк, Афина,

Жакарта, Сингапур) орасида «Боинг» самолётлари учиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ҳудудида йирик табиий газ, нефть конларининг топилиши ва ишга туширилиши туфайли республикада қувур транспорти ривож топди ва газ қувурлари вужудга келди.

Собиқ иттифоқ ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистон газининг катта қисми республика доирасидан четга чиқиб кетар эди. Шу мақсадда Ўзбекистон—Марказ (узунлиги 3500 км), Ўзбекистон — Урал газ қувурлари (узунлиги 2100 км) ўтказилган эди. Эндиликда республикамизнинг қатор ҳудудларини газ билан таъминлашда Жарқоқ—Бухоро—Самарқанд — Тошкент, Муборак — Тошкент газ қувурларининг тутган ўрни беқиёс бўлмоқда.

Ўзбекистон сув транспорти ҳам алоҳида ўринга эга. Транспортнинг бу тури илгарилари асосан Орол денгизидан анча ривож топган эди.

Кейинги йилларда Орол денгизидан вужудга келган вазият, яъни унинг суви камайиб кетиши, қирғоқларининг чекиниши туфайли бу транспорт тури ўз мавқеини йўқотди, унда қатнаб келган кемалар денгизнинг ўзида фойдасиз темир-терсак чиқиндисига айланди. Амударё ва Сирдарёдагина сув транспорти ишлаб турибди.

Транспорт тараққиёти устида сўз юритилганда яна бир масалага эътиборни қаратмоқчи эдик. 1998 йилнинг сентябр ойида Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида «Буюк ипак йўли»ни тиклаш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтган эди. Анжуман ишида жаҳоннинг 30дан ортиқ мамлакат ва қатор нуфузли халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Анжуманда мамлакатимиз Президенти И. Каримов иштирок этди ва маъруза қилди.

Маълумки, «Буюк Ипак йўли» орқали бундан 2000 йилдан ортиқроқ муддат олдин Фарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқ алоқалари амалга оширилган эди. Ҳозирги кунга келиб «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклаш масаласига эътибор кучаймоқда. Қатор мамлакат ва ҳудудлар учун ўта муҳим бўлган бу масала ТРАСЕКА (Европа—Осиё—Кавказ орасидаги транспорт йўли) лойиҳаси асосида амалга оширилиши лозим. Анжуманда Марказий Осиёнинг беш мамлакати ва Кавказ ортининг уч мамлакати иштирок этган эди. Ушбу лойиҳанинг амалга оши-

рилиши «Буюк Ипак йўли»нинг асосий қисми бўлган Ўрта Осиё худудида жойлашган мамлакатлар учун, жумладан, денгиз ва океанлардан олисда бўлган Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади.

Транспорт ҳаракатини яхшилаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатнинг турли худудларида йўллар аҳволи яхшиланиб, кўприк ва бошқа иншоотлар қурилмоқда. Масалан, мустақиллик йилларида Амударёда қурилган, узунлиги 1260 метр бўлган замонавий кўприк Қорақалпоғистоннинг ўрта қисмида Ўзбекистоннинг азим дарёси Амударёнинг икки қирғоғини бирлаштириб, Нукус ва Хўжайли туманлари аҳолисини бир-бирига яқинлаштирди, мушкулини осон қилди. Авваллари бу туманлар аҳолиси ўз мақсадларига эришиш учун йигирма километрдан ортиқ бўлган айланма йўлларни босиб ўтиши керак эди. Шу вақтгача Амударёда биттагина Ҳайратон кўприги бор эди, холос.

Ўзбекистонда алоқа тармоқлари (почта, телеграф, телефон, радиоэшиштириш, телевидение кабилар) яхши ривожланган.

Сўнги 10 йил ичида шаҳар ва қишлоқ аҳолисини телефон билан таъминлашда улкан ишлар қилинди. Республика алоқа тизимини такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ишларига чет эл сармояларини жалб этиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. 1993 йили Япониянинг «НЭК» корпорацияси иштирокида халқаро космик станцияси фойдаланишга топширилди. Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея ва Германия фирмалари ёрдамида телефон алоқалари тармоқларини кўпайтириш ва уларнинг ишлаш сифатини яхшилаш бўйича шартномалар имзоланди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Республика телекоммуникацияси хизмат даражасини янги, замон талабига жавоб берадиган босқичга кўтариш борасида Жанубий Корея «ДЭУ—телеком» фирмасининг бевосита иштироки диққатга сазовордир. Бу компания ёрдамида қатор АТС корхоналари қурилиб ишга туширилди.

Кейинги йилларда ижтимоий ва маънавий соҳаларига эътибор кучайди, бу тушунарли, албатта.

Ижтимоий соҳа инсоният ва жамият ҳаёти, унинг тараққиётида ўта муҳим ўрин тутадиган соҳа ҳисобланади.

Бу соҳа аҳолининг ўзига хос бўлган ижтимоий, маданий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Бу соҳа доирасига маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маданият ва санъат, турар-жой, коммунал, хўжалик, умумий овқатланиш, физкультура-спорт кабилар киради. Соҳага ноишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган болалар боғча ва яслилари, спорт иншоотлари, истироҳат боғлари ва бошқалар ҳам тааллуқли. Буларнинг барчаси ижтимоий соҳанинг моддий базаси, давлат ижтимоий қурилмасининг асосий қисмидир. Ижтимоий соҳа ҳар бир кишига ўз саломатлигини мустақкамлаш, малакасини ошириш, турли хил қобилиятларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини яратади ва натижада шахснинг ишлаб чиқариш ва жамиятда тутган ўрнини яхшилаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади. Айнан ана шу соҳа орқали инсоннинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига таъсир кўрсатиш мумкин.

Аҳоли ҳаётининг фаровонлик даражаси нафақат мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси билан, балки ижтимоий соҳалар тараққиёти даражаси билан ҳам белгиланишини кўриб ўтдик. Ижтимоий соҳада давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижаси ўз аксини топади ва бу сиёсат амалга оширилади. Адолатли иқтисодий сиёсат эса барча аҳоли манфаатини кўзлаб иш олиб боришни мақсад қилиб кўяди. Айнан шу соҳа орқали давлатнинг инсонпарварлик сиёсати ҳар томонлама намоён бўлади. Ижтимоий соҳа тараққиёти даражаси кўпинча мамлакатдаги сиёсий ва психологик муҳитни, аҳолининг умумий кайфиятини яққол ифодалаб туради.

Худудлар ва халқ хўжалигида мавжуд бўлган муҳим муаммоларга фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий ривожланиш нуқтаи назардан ҳам қаралиши лозим. Бундан кўринадики, ижтимоий соҳалар моддий-техника негизини мустақкамлаш масаласи иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолади. Ижтимоий соҳалар фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги унинг барча таркибий қисмларининг ривожлана боришига боғлиқ. Ушбу таркибий қисмлар муаммоси жумласига эса турар-жойлар, аҳолига турли хил

моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, таълим ва маданиятни ривожлантириш, шаҳар билан қишлоқ орасидаги ижтимоий тафовутларни камайтириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Инсон ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган соҳа устида гап борганда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида келтирилган қуйидаги фикрларга диққатни жалб этиш ўринлидир. «Давлат ўз фаолиятини, — дейилади ушбу моддада, — инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширади».

Ижтимоий соҳанинг энг асосий таркибий қисмларидан бири аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласидир. Кейинги йилларда рўй берган моддий қийинчиликларга қарамай, бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди. Аҳолини уй-жой билан таъминланганлиги даражасини кўтариш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилди, янги шинам бинолар қад кўтарди, уларнинг сифати яхшиланди. Бу биноларни қуришда ўзбек оилаларининг шароити, урф-одатлари эътиборга олинди.

9-жадвал

Республикада ҳар бир кишига ўрта ҳисобда тўғри келадиган уй-жой (квадрат метр ҳисобида)

	Шаҳарлар ва қишлоқ жойларда	Шаҳар ва шаҳар посёлкаларида	Қишлоқ жойларда
1980	10,3	9,8	10,7
1985	11,0	11,5	10,6
1990	12,1	12,7	11,8
1998	13,2	14,2	12,7
1999	13,6	14,4	13,1

Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусиятларини эътиборга олиб ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлоднинг саломатлиги, жисмоний ва маъна-

вий жиҳатдан камол топиши йўлида амалга ошириладиган хизматларни рағбатлантиришни кўзлаб, Президенти-миз И. Каримов 1993 йил 4 мартда «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Ушбу орден икки даражали бўлиб, жаҳон миқёсида ҳали бундай орден бўлмаган. «Соғлом авлод учун» ордени билан фақат ёш авлоднинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва камол топтириш ишлари билан бевосита шуғулланадиган касб эгаларигина эмас, шу билан бирга болаларни ҳимоя қилишга ҳисса қўшган турли давлат ва жамоат тужилмалари вакиллари ҳам тақдирланадилар. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, турли хил хайрия тadbирларини ташкил этувчи, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш йўлида савоб ишларга қўл урувчи, моддий ва маънавий кадрларни яратиш борасида муҳим умумдавлат ишларини амалга ошириб, етим-есирлар ва ногиронларни тарбиялашга ҳисса қўшувчи фуқаролар ҳамда жамоат ташкилотлари меҳнати ҳам эътибордан четда қолмайди. «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилгандан биров вақт ўтгач — 1993 йилнинг 23 апрелида Республикамиз раҳбари «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Фармон чиқарди. Бу Фармон инсонпарварлик ҳамда оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ғамхўрликнинг ёрқин кўринишидир. Шундай қилиб, «Соғлом авлод учун» ордени ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонларнинг асл мақсади келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат.

Соғлом авлодни дунёга келтириш, унинг тарбиясини оқилона олиб боришда оила — жамиятнинг негизи, унинг муҳим таркибий қисми сифатида катта аҳамият касб этади. Ҳаётимиз оиладан бошланади, оила ҳаётнинг бошланғич кўникмаларини ҳосил қилади, секинчали кунларда қувониш, ҳаётда учраб турадиган нохушликларга кўникишга ўргатади. Оила соғлом бўлса, у ерда яхши муҳит вужудга келади, оила орасидаги яқинлик, бир-бирларига бўлган меҳр-оқибат, ғамхўрлик кучаяди. Муҳит яхши бўлмаган оилада ҳар томонлама камол топиш, маънавий жиҳатдан

юксалиш амри маҳол. Ва ниҳоят, авлодлар алмашиши, янги иңсон пайдо бўлиши ҳам бевосита оила билан боғлиқ. Шунга кўра, оила бизда доимо давлат диққат-эътиборида ва ҳимоясида. Уни мустақкамлаш эса мустақил республикамиз демографик сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Оила, аёл, келажак авлод бизда муқаддас эканлигини эътиборга олиб мамлакат Президенти ташаббуси билан 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили» ва ниҳоят XXI асрнинг биринчи йили — 2001 йил «Аёллар ва болалар йили» деб эълон қилинди.

Аёллар ҳаёти ва ҳар томонлама камол топган келажак авлодга қанчалик катта аҳамият берилаётганлигини қатор Фармон, Қарорлар эълон қилинганлиги, ҳуқуқий қонунқондалар ишлаб чиқилганлигидан ҳам кўриш мумкин. Бундай ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар орасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Республикада соғлиқни сақлаш тизimini ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида», «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонларининг ўрни бўлакча.

Оила, она ва бола саломатлигини тобора яхшилаб бориш, аёллар манфаатини кўзлаб иш тутиш, ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш каби ўта муҳим муаммоларга диққат-эътиборни кучайтириш ҳамда 2001 йилни «Она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 5 февралда «Она ва бола» Дастури тўғрисида қарор қабул қилди.

Мамлакатимизда маънавият, маданият, санъатнинг ривожланишига эътибор кучайди. Ижтимоий ва маданий ҳаётимизнинг асл мазмуни бўлган бу масалалар устида тўхталиб, мамлакат Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида қилган

маърузасида шундай деган эди. «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим билан узвий боғлиқдир».¹

Маълумки, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражасини кўтаришда ҳар томонлама камол топган, маданий ва маънавий савияси юқори бўлган юксак малакали, ўз ишини пухта билладиган, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва улардан оқилона фойдаланиш шу куннинг энг муҳим, энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Шунга кўра, И.Каримов Ўзбекистон тараққиёти стратегияси устида тўхталиб, олтига энг устувор йўналишлардан бири сифатида кадрлар масаласини кўрсатиб ўтган эди.

«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, — деган эди Президент — барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрни-мизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».²

Ўзбекистонда таълим-тарбия доирасини кенгайтириш, савиясини ошириш, янги шаклдаги ўқув юртлари, яъни коллежлар, лицейлар, бизнес-мактаблари, олий ўқув юртларида бакалаврият ва магистратура ташкил этиш, уларни ривожлантириш масалаларига диққат-эътибор кучайтирилди. Янги турдаги ўқув юртлари мамлакатнинг барча ҳудудларида вужудга келмоқда. Улар зарур ўқув қуроли, компьютер ва бошқа замонавий техник асбоблар билан жиҳозланмоқда. Ҳозирги кунда республикада қатор академик лицейлар, касб-хунар коллежлари минглаб ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқда.

¹ И. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1999, 18-бет.

² И. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1999, 18-бет.

Маҳаллий талаб-эҳтиёжни эътиборга олиб академик лицейлар, касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларни йўлга қўйиш, республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади, ҳудудлар бўйлаб мутахассис кадрларни тақсимлашдаги номутоаносибликка чек қўяди.

Ўн йиллик қисқа давр ичида таълим-тарбия соҳасида катта ишлар амалга оширилди, ҳар томонлама камол топган ёшларни тарбиялаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қонун-қоидалар қабул қилинди. Ўз моҳиятига кўра муҳим ўрин тутадиган ана шундай ҳужжатлар сирасига «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида», «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида», «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш» каби Республика Қонунлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган Қарорлар киради. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар орасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги 1997 йил 29 августда қабул қилинган Республика Қонуни алоҳида мавқега эга. Ушбу Қонунга республика миллий ғоясининг бир қисми деб қаралади.

Ўзбекистонда олий таълим кенг ривож топиб, олий ўқув юртларини битириб чиқувчи мутахассислар амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларига ўтиш талабларига жавоб берадиган кадрлар бўлиб чиқишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бундан йигирма йил олдин — 1980-81 ўқув йиллари республикадаги олий ўқув юртлари сони 43 та бўлган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 62 тага етди. Таълим тизимига кетадиган сарф-харажатлар салмоғи бўйича республика жаҳонда ҳар томонлама ривожланган йирик мамлакатларга яқинлашиб бормоқда.

Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар асосида республикада таълим тизимининг ривож топиб бораётганлиги, замон талаблари асосида вужудга келаётган янги турдаги таълим ўчоқлари ташкил топаётганлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

**Республика ўқув юртлари бўйича асосий кўрсаткичлар
(ўқув йили бошланишидаги маълумотлар)**

	Ўқув юртлари	1998/1999	1999/2000
1.	Умумтаълим мактаблари сони. Ўқувчилар сони (минг)	9860 5686,0	9849 5820,9
2.	Кундузги умумтаълим мактаблари негизида ташкил топган лицейлар. Ўқувчилар сони (минг)	326 80,4	301 82,8
3.	Кундузги умумтаълим мактаблари негизида ташкил топган гимназиялар. Ўқувчилар сони (минг)	195 103,9	167 95,5
4.	Академик лицейлар. Ўқувчилар сони	15 1806	30 7337
5.	Касб-ҳунар коллежлари. Ўқувчилар сони	20 13007	120 30867
6.	Ўрта махсус ўқув юртлари. Ўқувчилар сони	260 249111	224 266841
7.	Олий ўқув юртлари талабалар сони	60 158686	62 166466

Ўзбекистонда 1998—2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган 47 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Буларни амалга ошириш учун 135 миллион сўм маблағ сарфланди.

Мустақил республикамизда фан тараққиётига катта аҳамият бериб келинмоқда. Ҳар томонлама фан ривожига эришилмаса мамлакат келажаги бўлмайдди. Бугунги кунда Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасидаги йирик фан марказига айланди. Муҳим илмий-тадқиқотларни амалга оширувчи институтлар замонавий илмий тадқиқот негизи, юқори маълакали етук илмий кадрларга эга. Мустақилликнинг тарихан қисқа даври — 10 йил ичида фан ва техника тараққиётига янгича ёндашиш давлат аҳамиятига молик бўлган илмий-техник дастурлари тайёрлашнинг оқилона йўл-йўриқлари излаб топилди. Фан соҳасида 37 мингга яқин ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Шундан 23 мингдан

ортиғи бевосита илмий-тадқиқотлар олиб борувчи мутахассислар бўлиб, уларнинг 43 фоиздан ортиғи фан докторлари ва фан номзодларидир. Республика олимлари физика, математика, микроэлектроника, биология, генетика, биоорганик кимё ва бошқа қатор илм соҳаларида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим илмий-тадқиқотларни амалга оширмоқдалар. Қатор фанлар соҳасида жаҳон аҳамиятига эга бўлган муҳим натижалар қўлга киритилмоқда.

2000 йил май ойида Республика Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва бу борада зарурий иш-хотларни амалга оширишга бағишланган олимларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Маълумки, собиқ иттифоқ давридан бизга Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси деган унвон мерос бўлиб қолган эди. Ҳозирга келиб Ўзбекистонда машҳур бўлган, фанга катта ҳисса қўшган ана шу юксак унвонга эга бўлган қатор олимлар диққат-эътибордан четда қолган эди. Шу вазиятни ва жаҳондаги ривожланган қатор мамлакатларда «мухбир аъзо» деган унвоннинг умуман йўқлигини эътиборга олиб, мамлакат Президентининг Ўзбекистон Фанлар академиясининг «мухбир аъзоси» деган унвонни бекор қилиш тўғрисида берилган таклифи қабул қилинди. Шундай қилиб кенгашда академиянинг 82 та мухбир аъзоларининг ҳаммаси Академиянинг ҳақиқий аъзолигига ўтказилди. Йиғилиш академиянинг таркибий тузилишига ҳам маълум ўзгартиришлар киритди.

Фан ва таълим тараққиёти борасида кўрсатган улкан хизматлари, жумладан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг шаклланишида ташкилотчилик, ташаббускорлик кўрсатгани учун Олий таълим Халқаро Фанлар академияси И. Каримовни ана шу нуфузли академиянинг фахрий аъзоси этиб сайлади ва ушбу академия президенти В. Шукшунов 1999 йил 12 апрел куни И. Каримовга академиянинг фахрий аъзоси дипломини топширди.

Бундан олдин, 1998 йил январида Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси мамлакат Президентига ушбу академиянинг фахрий доктори дипломини, Ўзбекистон — Россия муносабатларини ҳамда фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун М. Ломоносов номидаги Моск-

ва Давлат университетининг фахрий профессори унвони берилган эди. 2001 йил 15 январ куни университет ректори, жаҳонга машҳур олим Виктор Садовничий И. Каримовга мазкур унвон дипломини топширди. Ушбу фахрий унвонга сазовор бўлганлар орасида йирик адиб И. Гёте, Ҳиндистоннинг биринчи Бош Вазири Ж. Неру, Америка Қўшма Штатларининг собиқ Президенти Б.Клинтон каби машҳур шахслар борлиги эътиборга олинадиган бўлса, юқорида айтилган унвон қанчалик катта нуфузга эга эканлигининг том маъносини тушуниш қийин эмас.

Ёшлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган муаммоларга ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. 1996 йил апрелида И. Каримовнинг «Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармонга имзо чекканлиги бунга яққол мисолдир. Демократияни ривожлантириш, миллий маънавият, маданий мерос, умумжаҳон интилишларга суянган ҳолда ёшларни бирлаштириш, уларнинг ҳаётларида учраб турадиган муаммоларни ҳал этишда мадад кўрсатиш, келажаги буюк давлатни барпо қилишда ёшлар фаолиятини кучайтириш «Камолот» жамғармасининг асосий мақсади ва вазифаси қилиб қўйилган эди. Афсуски, бу жамғарма ўз олдида турган вазифаларни уддалай олмади, қатор хато­ларга йўл қўйди. 2001 йил 24 январь куни ёшларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакат Президенти қатнашди ва нутқ сўзлади. Ўз нутқида Президент «Камолот» жамғармаси фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиб, жамғарма раҳбариятининг масъулиятсизлиги туфайли ушбу ташкилот ёшлар етакчиси ва уларнинг ҳимоячиси бўлиб қололмаганлигини очиқ-ойдин айтиб, бу борада янги ташкилот тузилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб ўтди. Шу билан бирга, «Камолот» номини сақлаб қолиш ва шу ном билан ташкил бўладиган ташкилотни ёшларнинг оммавий ташкилоти сифатида вужудга келтириш ва унга ҳеч қандай мафкуравий вазифаларни юкламаслик кераклиги, унинг иш услубларини ўзгартириш зарурлигини таъкидлади ва ана шундай ташкилот тузилди.

1997 йил бошида Республика Президентининг такли­фига кўра «Умид» жамғармаси ташкил топди. Ушбу жам­ғарманинг асосий мақсади ва вазифаси истеъдодли ёш­ларни танлаш ва уларни хорижий мамлакатлардаги нуфузли ўқув юртларида таълим олдириш, сифатли янги дастурлар

яратиш ва уларни республика таълим тизимига жорий қилиш, жаҳоннинг йирик ўқув марказлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва мустақамлашдан иборат. Жаҳондаги ҳар томонлама ривожланган мамлакатлар АҚШ, Англия, Франция, Япония каби мамлакатлардаги нуфузли ўқув юртларига юбориш учун истиқболли ёшларни танлаш иши ўта мураккаб ва масъулиятлидир. Шунини эътиборга олиб, бу тадбир «яхшилар ичидан энг яхшиларни танлаш» усулига таянади. «Умид» жамғармаси йўли билан ўқишни кўзлаган номзодларни саралаб олиш тадбирида ўз ишлари билан дунёда машҳур бўлган ташкилот вакиллари иштирок этади. Шу аснода танлаб олинган ва зарур суҳбатдан ўтганлар жамғарма грантини қўлга киритадилар.

Қувонарлиси шундаки, хорижда таълим олаётган ўзбекистонлик ёшлар меҳнатсеварлиги, фикр доирасининг кенглиги, мақсад йўлида катта тайёргарлик кўрганликлари билан ажралиб туради. Буни АҚШдаги «АКСЕЛС» ташкилотининг ижрочи директори, йирик олим, профессор Дан Девидсоннинг қуйида келтирган фикрлари исботлаб турибди. «Америка Қўшма Штатлари Университетларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар ўз билимларига кўра, мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг бошқа давлатларидан келган тенгдошларидан юқори туради». Бу Ўзбекистон ёшларига берилган катта баҳодир.

Профессор ва ўқитувчилар орасидан юқори малакали мураббий устозларни тайёрлаш мақсадини кўзлаб, 1997 йил «Устоз» жамғармаси ташкил топди. Бу жамғарма олдида турган мақсадни амалга оширишда хорижда мавжуд бўлган тажрибаларга суянилди.

«Устоз» жамғармаси хориждаги етакчи ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларида педагог-мураббийлар тайёрлаш борасида лойиҳалар тўзади, уларни ҳаётга татбиқ этади, ўқитувчилар малакасини оширишни кўзлаб, чет элларга юбориш мақсадида танловлар ўтказишади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тезроқ ва самарали жорий қилиш мақсадида ўқитувчиларнинг фаоллигини оширишни кўзлаб жамғарма мукофотини белгилайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маънавият ва маърифат соҳаларига эътибор кучайганини айтиб ўтган эдик. Миллий маънавият, қадриятлар, ўтмиш тарихи, «Олтин мерос», «Наврўз» байрамимиз, Рамазон ва Курбон ҳайит-

ларимиз қайта тикланди, ўзликни англаш тобора кучайди. Буларнинг барчаси жаҳон оммаси томонидан тан олинмокда ва юқори баҳоланмокда.

Мамлакатда қадимдан шаклланган, жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган ўзига хос нафис санъатлар мактабининг ноёб анъаналарини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, бойи-та бориш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатининг нодир дурдоналарини жаҳон ҳамжамиятига олиб чиқиш, тарғиб қилиш, бу ажойиб бойликлардан халқимиз онгида миллий гурур, қувонч ва ифтихор, истиқлол ва ватанга меҳр-садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, замонамиз талабларига мос бадиий таълим тизимини барпо этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий-тадқиқот изланишларни такомиллаштириш мақсадида 1997 йил 23 январда Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида» Фармони эълон қилинди.

Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистонда қатор олий ўқув юртлари вужудга келди. Навоий тоғ-кон Давлат институти, Самарқанд Давлат чет тиллар институти, Термиз, Урганч Давлат университетлари, Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети шулар жумласидандир.

Халқимизнинг муқаддас эътиқоди — ислом динига оид бой маънавий меросини асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини ўрганиш, замонавий руҳда ривожлантириш, бу соҳада илмий-назарий тадқиқотларни амалга ошириш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш мақсадида республика Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги Фармони билан «Тошкент Ислом Университети» ташкил топди.

Диншунослик асослари йўналишларини, илмий-тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривожланишида тутган ўрни билан боғлиқ масалаларни, диний муассасалар олдида турган назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассис — бакалавр ва магистр кадрларни тайёрлаш ҳамда мавжуд кадрларнинг малакасини ошириш-

ни таъминлаш ушбу университетнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Миллий истиқлол ғояларига садоқатли ҳамда ислом-шунослик, ислом тарихи, ҳуқуқи ва фалсафаси бўйича университетнинг иқтидорли талабалари учун урта Имом ал-Бухорий давлат стипендияси жорий этилган.

1998 йил 6 ноябрда Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО иж-рочи Кенгашида 155-сессиясининг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди. У тўлалигича жаҳон маданияти тараққиётига бағишланди. Кенгаш ишида мамлакатимизда фан, маданият, маърифат борасида қўлга киритилган ютуқларга юқори баҳо берилди. Ўзбекистон қадимий маданият бешиқларидан бири бўлибгина қолмай, балки халқларнинг тотув яшаши, маънавий меросларга бўлган муносабати орқали ҳозирги замон мамлакатлари орасида ўрناق бўла олиши билан ҳам ажралиб туриши таъкидланди.

Сессия сўнгида Тошкент Декларацияси қабул қилинди ва И. Каримовга Абу Али ибн Сино номидаги медал топширилди.

Медални топшириш маросимида Ўзбекистон Президентига халқаро доирада инсон орзу-ниятларини улуғлаш, маданий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, илмий меросни ўрганиш борасидаги хизматлари учун бу мукофотга сазовор бўлганлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда маърифат ва маънавият, илм ва таълим ривожини масалаларига қанчалик катта эътибор берилаётган бўлса, ёшларнинг жисмоний тарбиясига ҳам шунчалик кенг эътибор қаратилмоқда. Қисқа давр ичида Ўзбекистонда спортнинг қатор турлари бўйича оламшумул ютуқлар қўлга киритилди. Бундай ютуқлар бокс, ўзбек кураши, теннис каби спортнинг бошқа турларида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон бокс спорти билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. 1974 йили Гавана шаҳрида бокс бўйича биринчи жаҳон чепионати ўтказилган эди. Ана шу чемпионатда Руфат Рискіев жаҳон чемпиони унвонини олиб, спорт оламини лол қолдирган. Монреал шаҳрида ташкил этилган ХХІ Олимпия ўйинларида Руфат нималарга қодир эканлигини яна бир бор кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон спорти шон-шухратини оламга таратган спортчилар рўйхати янада кенгайди.

Жаҳоннинг нуфузли профессионал спорт мусобақаларида кетма-кет ғалаба қозониб келаётган ўзбекистонлик бокс устаси Артур Григорянни жаҳон спорт жамоатчилиги яхши танийди. У 2001 йили 15 марта жаҳон чемпиони номини олишга муваффақ бўлди.

1999 йил августида Американинг Хьюстон шаҳрида бокс бўйича X жаҳон чемпионати ўтказилди. Ушбу беллашувда жаҳоннинг барча минтақаларидан чарм қўлқоп эгалари иштирок этди. Ана шу спорт анжуманида қатнашган 83 мамлакат боксчилари орасида Ўзбекистон боксчилари команда ҳисобида кўп марта ғалабаларга эришган АҚШ ва Куба боксчиларидан кейин фахрий учинчи ўринни эгаллади. М. Абдуллаев ва Ў. Ҳайдаровлар биринчилик шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилдилар ва жаҳон чемпиони деган улуғ номга эга бўлдилар.

Маълумки, 2000 йил кузида Австралиянинг Сидней шаҳрида XXVII Олимпия ўйинлари ўтказилди. Олимпиада натижаларига кўра, Ўзбекистон спорти янги марралар сари ишонч билан қадам қўяётганлигидан дарак берди. Республика спортчилари 199 мамлакат қатнашган спортчилар орасида шарафли тўртинчи ўринни эгаллаб, битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медалларини қўлга киритдилар.

Анджонлик боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев америкалик боксчи Ринальдо Уильямни енгиб олимпиада «олтин медал»и соҳиби бўлди. Артур Таймазов кумуш ва Сергей Михайлов, Рустам Саидовлар бронза медали совриндори бўлдилар.

Сидней бокс майдонида ўзбек диёридан чиққан Муҳаммадқодирнинг кўрсатган мардлик ва жасоратини Президент И. Каримов ҳақиқий қаҳрамонлик деб атади.

1999 йил баҳори мустақил Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Бу вақтда Тошкент шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича I Жаҳон чемпионати ўтказилди. Дзю-до бўйича ўтказилган I Жаҳон чемпионатида еттита, самбо бўйича ўтказилган мусобақада бор-йўғи учта давлатдан спортчилар иштирок этган бўлса, Тошкентда ўтказилган I Жаҳон мусобақасида элликка яқин мамлакат спортчилари қатнашди. Ушбу йирик беллашувда барча оғир вазнлар учун белгиланган олтин ва кумуш медаллар ўзбек паҳлавонларига насиб этди. Ақобир полвон, Камол полвон, Тоштемир полвон сингари курашчиларимиз номла-

ри жаҳонга таралди. Шу йўсинда ўзбек кураши ХХІ аср спорт рўйхатидан ҳақли равишда жой олди.

2000 йил май ойида Россиянинг Тверь шаҳрида ёшлар ўртасида кураш бўйича I Жаҳон чемпионати ўтказилди. Бу мусобақада ҳам ўзбекистонлик ёш курашчилар биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбек кураши жаҳон спорт ишқивозлари қалбини тобора кўпроқ забт этиб бормоқда. 2001 йил ёзида ўзбек кураши бўйича Африка биринчи чемпионати ўтказилганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон ва жаҳон спортини, айниқса, ўзбек кураши ривожига қўшган йирик хизматлари учун Халқаро Кураш Федерацияси мамлакат Президенти И. Каримовни олий мукофот — «Олтин Маржон» билан тақдирлади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, И. Каримов жаҳон мамлакатлари орасида биринчи бўлиб ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлди.

Мамлакатда ривож топаётган спорт турлари орасида тенниснинг ўрни бўлакчадир. Мустақилликнинг сўнгги бир неча йилида қатор шаҳар ва қишлоқларда теннис кортлари ишга туширилди. Тошкент шаҳрида қуриб ишга туширилган «Юнусобод» теннис мажмуаси жаҳоннинг энг чиройли, энг замонавий теннис майдонларидан бири ҳисобланади. Ушбу теннис майдонида Президент кубоги учун мусобақалар ўтказиш анъанага айланиб қолди. 2000 йили бундай теннис мусобақаларининг еттинчиси ўтказилди. Спортнинг бу тури бўйича Ўзбекистонда ҳам эркаклар, ҳам аёллар орасидан моҳир спортчилар етишиб чиқмоқда.

1999 йил июн ойида Лондонда ёшлар ўртасида теннис бўйича жаҳон турнири ўтказилди. Нуфузли бу турнирда қатнашган ўзбекистонлик Ирода Тўлаганова финалда ютиб чиқиб, кумуш кубок соҳиби бўлди.

Яқин-яқинларгача Ўзбекистонда камдан-кам киши каратэ спорти билан шуғулланар эди. Эндиликда Ўзбекистон ўзининг каратэ бўйича миллий Федерациясига эга. Ушбу Федерация сафларида бугунги кунда 50 мингдан ортиқ ёшларни бирлаштирган йирик спорт жамоасига айланган бўлиб, уни жаҳондаги 160 га яқин мамлакат тан олган. Каратэ спорти бўйича Ўзбекистон Федерацияси Жаҳон Каратэ Федерацияси ва Осиё Каратэ Федерациясининг тўла ҳуқуқли аъзоси.

Мамлакатимиз доврўига доврўқ қўшаётган каратэчилар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида мавжуд.

Шундай қилиб, Шарқ мамлакатлари ва айниқса Японияда спортнинг асосий турларидан бири бўлган каратэ ҳам республикамизда кенг тус олмоқда ва тобора оммалашмоқда, қатор-қатор мусобақалар ўтказилмоқда. Бу борада Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Абдумавлоновлар оиласининг ютуқларини айтиб ўтиш ўринлидир. 1988 йили туғилган Аъзам, 1990 йилда туғилган Фаррух ва 1992 йилда туғилган Парвиз каратэ бўйича турли хил мусобақаларда иштирок этиб, ҳар уччаси чемпионлик унвонини қўлга киритган. Битта оилада учта чемпион. Бундан ҳайратланмай бўладими?

1999 йили ёзида болалар ўртасида, Германияда каратэ бўйича ўтказилган Халқаро кубок мусобақаларида 200 мамлакатдан 900 та спортчи қатнашган эди. Ана шундай катта мусобақада Аъзам энг юқори ўринни эгаллаб, олтин медал соҳиби бўлди. Фаррух ва Парвиз кейинги шарафли ўринларни эгаллади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон каратэ миллий Федерацияси Олимпия ўйинлари ватани бўлмиш Греция пойтахти Афина шаҳрида 2004 йили ўтказиладиган Олимпиадага қатнашиш учун катта тайёргарлик кўриш борасида жиддий тайёргарлик машқларини ўтказмоқда.

Ўзбекистон альпинистлари ҳам мамлакатимиз шон-шўхратига шўхрат қўшиб келмоқда. 1988 йил май ойида улар Ҳимолойнинг энг баланд тоғ чўққиси — «дунё томи» Эверестни забт этиб, чўққига Ўзбекистон байроғини қададилар. Республика альпинистлари эришган бундай муҳим ютуқлар спорт солномаларида олтин ҳарфлар билан битилажак. Альпинизм спортида қўлга киритилган оламшумул муваффақиятлари учун Эверестга қилинган юриш иштирокчилари «Халқаро спорт устаси» фахрий унвони билан тақдирландилар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

Ҳар бир мамлакат, хоҳ у катта, хоҳ кичик бўлсин, жаҳон миқёсида ўз ўрнини топишга интилади. Мустақил Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида мустаҳкам ўринни эгаллаб, комил ишонч билан ўзи танлаган йўлдан оғиш-

май олға қараб бормоқда. Жаҳон Ўзбекистонни тан олди, Бирлашган Миллатлар Ташиқилоти, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистонда ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди. 1999 йил май ойида Франция Миллий кенгаши — Парламентининг қуи палатаси Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик борасида Шартнома матнини қабул қилиб, Ўзбекистон бу Иттифоққа аъзо бўлган 15 мамлакатнинг бири бўлиб қўшилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Европа Иттифоқиға аъзо бўлган мамлакатлар раҳбарлари билан 1996 йил июнь ойида Флоренцияда ўтказилган учрашувда бу битимға имзо чеккан эди.

Бундай шарафға МДХ мамлакатлари раҳбарлари орасида фақат Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари муяссар бўлган.

Европа Иттифоқи иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва унинг халқаро ҳаётға кўрсатган таъсири ушбу Иттифоқни ҳозирги замоннинг учта асосий — саноат, молия ва илмий-техника марказларидан бириға айлантирган эди. Мутахассислар фикриға қараганда, Европа Иттифоқи 2001 йили жаҳондаги энг кучли иттифоқ бўлиб қолади. Бу Иттифоқ доирасиға кирувчи ҳудудларда катта табиий ресурслар йўқлиги сабабли ушбу Иттифоқ бугунги кунда энергия ва турли хил хомашё истеъмол қиладиган йирик ҳудуд бўлиб ҳисобланади. Шунға кўра, унинг иқтисодий ҳаёти кўп жиҳатдан жаҳон эркин савдоси билан боғлиқ.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати ва бошқа давлатлар билан амалға ошириладиган муносабатларнинг асосий тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ ва қатъий тарзда белгилаб қўйилган. Конституциянинг 17-моддасида шундай дейилган. “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т., “Ўзбекистон”, 1992, 12-бет.

Ўзбекистон Президенти жаҳоннинг барча минтақалари ва айниқса, Ўрта Осиёга, шу жумладан Ўзбекистонга яқин бўлган мамлакатларда изчиллик билан тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга қаратилган сиёсатни олиб бормоқдаки, бунинг исботи сифатида Тошкент шаҳри ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоси бўлган Афғонистон муаммосини Халқаро ташкилотлар билан биргаликда ҳар томонлама муҳокама қилишнинг марказига айланганлигини айтиб ўтиш кифоя. 1999 йил 19-20 июлда Тошкентда “6+2” гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди. Олти гуруҳини бевосита Афғонистон билан чегарадош бўлган — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ташкил этган бўлса, икки гуруҳга Америка Қўшма Штатлари ва Россия кирган.

Бундай гуруҳни ташкил этишнинг ташаббускори мамлакатимиз Президенти И. Каримовдир. Бу ташаббусни у 1997 йили илгари сурган ва манфаатдор мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. Гуруҳ аъзоларининг биринчи учрашуви 1997 йилнинг 16 октябрида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтди.

Афғонистонда анчадан буён давом этиб келаётган уруш мамлакат ва у билан бевосита қўшни бўлган давлатлар муаммоси бўлибгина қолмай, жаҳон муаммосига айланди. Бу эса Тошкент шаҳрида олиб борилган музокаралар қанчалик муҳим аҳамиятга молик эканлигини ҳис этиш имконини беради. Тошкент музокараларининг ўзига хос яна бир жиҳати — Афғонистонда бир-бирига қарши турган икки томон — “Бирлашган фронт” ва Афғонистоннинг катта қисмини эгаллаб турган “Толибонлар ҳаракати” биринчи марта бевосита ўзаро мунозаралар олиб борганликларидир.

Афғонистон муаммоси бўйича Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши эса олиб борилган музокараларнинг энг муҳим натижаси бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу Декларацияни Хавфсизлик Кенгаши ва БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатди. Юқорида айтиб ўтилганларга кўра, “6+2” гуруҳининг Тошкентда олиб борган учрашуви халқаро майдонда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон нафақат жаҳон сиёсати, балки жаҳон иқтисодиётига ҳам катта одимлар билан кириб бормоқда ва

кўпгина мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга интилмоқда.

Маълумки, ташқи иқтисодий алоқалар халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, у турли мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техник ва маданий алоқаларни оқилона ва ҳар томонлама тараққий қилдириш орадаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Хоҳ кичик, хоҳ катта давлат бўлсин, унинг қай даражада тараққий этганлигидан қатъи назар, ташқи иқтисодий алоқаларсиз тўлақонли ривожланиши мушкул. Чунки жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури хилма-хилдир. Биронта давлат уларнинг ҳаммасини ўзида ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас. Айрим ҳолларда эса маҳсулотларнинг айрим турларини ўзида ишлаб чиқаргандан кўра, бошқа мамлакатлардан олиб келиш афзалроқ ва фойдалироқдир. Ташқи иқтисодий алоқалар давлатнинг турли талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни соғломлаштириш ва самарадорлигини ошириш, турли миллат ва элатларни бир-бирига яқинлаштириш, пировард натижада мамлакат қудратини, аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини беради.

Иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўйиш орқали турли мамлакатларда эришилган илмий-техника ютуқларидан оқилона ва кенг фойдаланиш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва уни кенг ёйиш мумкин.

Халқаро савдо-иқтисодий алоқаларда фаол иштирок этиш учун жаҳон талабларига мос келадиган рақобатбардош, харидорбоп маҳсулот-товарларни ишлаб чиқариш зарур.

Ташқи иқтисодий алоқалар ўзаро фойдали ва томонлар тенг ҳуқуқлиги тамойилларига асосланадики, ватанимизнинг ана шу асосда ташқи иқтисодий муносабатларда иштироки хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқни кенгайтириш орқали бугунги иқтисодий муаммоларни оқилона ва самарали ҳал қилиш учун яхши имкониятдир.

Тоталитар даврда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан мустақил тарзда ташқи иқтисодий алоқалар олиб

боролмас, бевосита жаҳон савдосига қатнашолмас, табиий ва иқтисодий имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмасди. Бу алоқалар билан боғлиқ бўлган масалаларни марказ буйруғи ва хоҳиши билангина амалга оширарди.

Эндиликда ташқи иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш Ўзбекистоннинг ўз иши бўлиб қолди.

Бугунги кунда халқаро меҳнат тақсимоотида, ташқи иқтисодий алоқаларни самарали йўлга солиш ва кенгайтиришда фаол иштирок этиш учун Ўзбекистонда катта имкониятлар мавжудки, у билан савдо-иқтисодий алоқалар олиб боровчи мамлакатлар рўйхати тобора кенгайиб, уларнинг сони 140 тадан ортиб кетди. Буюк Британия, АҚШ, Германия, Швейцария, Туркия, Нидерландия, Бельгия, Италия, Франция каби давлатлар шулар жумласидандир.


МДХ мамлакатлари билан олиб бориладиган иқтисодий алоқаларда Россия, Қозоғистон ва Украина етакчи ўрин эгаллайди.

Ташқи мамлакатлар билан 1999 йили олиб борилган савдо-сотиқ алоқаларининг 41,2 фоизи иқтисодий жиҳатдан ривож топган мамлакатлар, 30,3 фоизи тараққиёт йўлига кириб бораётган давлатлар, 28,2 фоизи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ва ниҳоят 0,3 фоизи қолган бошқа давлатларга тўғри келади.


Кўп йиллар Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан олиб борадиган иқтисодий алоқаларида экспорт ҳажмига нисбатан импорт ҳажмининг салмоғи кўпроқ бўлиб келган бўлса, эндиликда бу борада ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Зеро, ташқи савдо обороти 1999 йили 6346,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Шундан экспорт 3235,8 миллион доллар ва импорт 3110,7 миллион долларни ташкил этади. Бу экспорт ҳажми импорт ҳажмидан 125,1 миллион доллар ортиқ, деганидир.

2000 йилга келиб бу борада янада каттароқ муваффақиятларга эришилди, яъни ташқи иқтисодий алоқаларда экспорт ҳажми ошди ва бу борадаги ижобий сальдо 317,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.


МДХ таркибига кйрувчи мамлакатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларда ҳам экспорт ҳажми импорт ҳажмидан юқори: импорт — 809,9 миллион, экспорт — 982,8 миллион долларни ташкил этди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида



Олий Мажлис биноси, Тошкент




Темурийлар тарихий Давлат музейи, Тошкент



Машхур дин арбоблари билан учрашув ..






Кўкча мачити, Тошкент



Ўзбекистон Миллий Университетинг маъмурий биноси,
Тошкент




Тошкент кўчаларидан бири





“Етти пир” ёдгорлиги, Ромитон




Тошкент метросининг Ю.Ражабий бекати (макет)



Тошкент метросининг А. Қодирий бекати (макет)




Республикамиз автомобиллари



Туркистон саройи, Тошкент



«Юнусобод» теннис корти, Тошкент



“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи, Тошкент




Оксарой, Тошкент



Регистон, Самарканд



Ўзбекистон Республикаси марказий банки, Тошкент



Саҳрода кад кўтарган Навоий шаҳри



Кўкалдош Мадрасаси, Тошкент



Улуғбек расадхонаси, Самарқанд



Аҳмад ал-Фарғонийга ўрнатилган ёдгорлик, Фарғона



Дипломатия ва Жаҳон иқтисодиёти Университети
хузуридаги академия лицеи, Тошкент

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳсулот экспорт қилиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Республика Президенти И. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисда шундай деган эди: “Биз энг муҳим бир фикрни чуқур англаб олишимиз зарур. Фақат экспортнинг ўсишигина валюта тушумлари келтиради, фақат шу асосдагина ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш масаласини ҳал этиш мумкин”¹.

11-жадвал

Ўзбекистон ташқи савдосида МДХ мамлакатлари ва хорижий мамлакатлар салмоғи (%)

	1998	1999
Ташқи савдонинг умумий ҳажми	100	100
Шундан:		
МДХ	26,9	28,2
Бошқа мамлакатлар	73,1	71,8
Экспорт	100	100
МДХ мамлакатлари	26,0	30,4
Бошқа мамлакатлар	74,0	69,6
Импорт	100	100
МДХ мамлакатлари	27,8	26,0
Бошқа мамлакатлар	72,2	74,0

Собиқ иттифоқ даврида четга асосан арзимаган пул эвазига хомашё чиқариб келган Ўзбекистон эндиликда қатор хорижий мамлакатларга ҳам хом ашё билан бир қаторда замон талабларига мос келадиган, рақобатбардош: электр асбоб-ускуналар, самолёт, автомобил, телевизор, видеомагнитофон, биллур ва биллур буюмлар, заргарлик буюмлари, бўёқ сингари турли хилдаги маҳсулотларни

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2001 й. 17 феврал.

чиқармоқда. Шу билан бирга чет эллардан саноат, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб турибди. Турли хил машиналар, асбоб-ускуналар, замонавий дастгоҳ, автобус, йўловчилар учун темир йўл вагонлари, кийим-кечак, тамаки маҳсулотлари шулар жумласига киради.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларида Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Навоий, Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд вилоятлари етакчи ўриндадир. Буни куйидаги жадвал маълумотларида кўриш мумкин.

12-жадвал

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича ташқи иқтисодий алоқалар ҳажми
(млн. АҚШ доллари ҳисобида, 1999 йил)¹

	Ташқи савдо ҳажми	Шу жумладан	
		экспорт	импорт
Ўзбекистон Республикаси	6346,5	3235,8	3110,7
Қорақалпоғистон Республикаси	97,4	57,9	39,5
Вилоятлар:			
Андижон	475,4	112,9	362,5
Бухоро	258,9	202,6	56,3
Жиззах	45,0	38,6	3,4
Навоий	474,3	249,2	225,1
Наманган	122,8	82,1	40,7
Самарқанд	327,8	149,6	178,2
Сирдарё	83,1	49,7	33,4
Сурхондарё	146,7	129,3	17,4
Тошкент (вилояти)	720,3	321,3	399,0
Фарғона	351,3	186,7	164,6
Хоразм	130	93,0	37,0
Қашқадарё	417,0	156,7	260,3
Тошкент шаҳри	1945,7	657,4	1288,3

¹ Социально-экономические показатели Узбекистана за 1999, 99-б.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг муҳим ва самарали йўлларида бири хорижий мамлакатлар билан қўшма корхоналар бунёд этиш ва ривожлантиришдир. Ишлаб чиқариш фаолиятининг бу хили жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалган.

Қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларни самарали ривожлантириш борасида Ўзбекистонда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Исроил, Покистон, Ҳиндистон, Россия, Украина, Қозоғистон каби мамлакатлар билан олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Республикада вужудга келаётган қўшма корхоналар сони йил сайин ортиб бормоқда. 1993 йили бундай корхоналар сони 900 та бўлган бўлса, 1999 йилда 2,5 мингдан ошди, шундан 2 мингга яқини фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий қисми саноат тармоқлари ва воситачи, савдо, умумий овқатланиш корхоналарига тўғри келади. Фаолият кўрсатиб турган қўшма корхоналар чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 1999 йили 267 миллиард сўмга яқин бўлди. Бу 1996 йилдагига нисбатан олти баробар, 1998 йилдагига қараганда эса 1,5 марта ортиқ демакдир.

Ўзбекистонда ташкил қилинган қўшма корхоналар 1993 йили 23 миллион АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулот экспорт қилган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 371,5 миллион долларни ташкил этди. Бу республика умумий экспортининг 11,5 фоизига тенг.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳудудида барпо этилган корхоналар орасида “ЎзДЭУ”, “Зарафшон-Ньюмонт”, “Кабул-Ўзбек”, “ЎзБАТ”, “ДЭУ Текстил компани” каби қатор қўшма корхоналар шуҳрат қозонган.

Италиянинг “Альма Роза” фирмаси билан Ўзбекистон иштирокида 1998 йили ташкил топган “Совпластитал” қўшма корхонаси ҳам ўз фаолияти билан Ўзбекистонда ўз ўрнига эга.

“Совпластитал” корхонаси Испания пойтахти Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган кўриқда икки марта халқаро соврин билан тақдирланган. Бу нуфузли мукофот жаҳоннинг 112 мамлакати тадбиркорларини бирлаштирадиган умумжаҳон ташкилоти “Трейд Лидерз Клуб” томонидан таъсис этилган. “Совпластитал” жаҳон андозаларига жавоб берадиган

сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаргани учун ана шу мукофотга сазовор бўлган. Биргина 1998 йилнинг ўзида корхона учта халқаро мукофотга эга бўлди, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари томонидан юқори сифатли маҳсулотлар учун бериладиган қимматбаҳо Олтин совринни олди. “Совпластитал”, “Трейд Лидерз Клуб” халқаро ташкилотига аъзо. Кейинги йилларда бу корхона яна қатор нуфузли мукофотлар соҳиби бўлди.

Ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турли-туман бўлиб, улар ичида хилма-хил сунъий гуллар, чинни ва рангли шишалардан тайёрланган нафис буюмлар, пластикадан ясалган мебеллар, зар юритилган шахматлар, кўзни қамаштирадиган гулдонлар, ванналар, тақинчоқлар ва бошқа кўпчиликка манзур бўладиган қатор маҳсулотлар бор. Қўшма корхона ўз маҳсулотларини Буюк Британия, Германия, Голландия, Испания, Польша каби ўнлаб хорижий мамлакатларга сотади.

2000 йили Тошкентда нометал қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Хобас ТАПО”, Андижон вилоятида чарм маҳсулотлари тайёрлайдиган “Олтин дери” каби қўшма корхоналар ҳам ишга тушди.

Қўшма корхоналарнинг республика иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни тўғрисида гап борар экан, қуйидаги фикрни айтиб ўтишни лозим топдик. Республикада ташкил этилган қўшма корхоналарнинг асосий қисми одатда йирик шаҳарларда, масалан, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг марказий шаҳарларида ўрнашган. Аҳоли зич яшайдиган, ишсизлар кўпроқ бўлган ва уларни иш билан таъминлаш анча қийин бўлган қишлоқ жойларида эса бундай корхоналар ҳозирча жуда кам учрайди. Шунга кўра бу муаммога диққат-эътибор кучайтирилиб, оқилона ҳал этиш йўллари қидирилмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини келажакда янги босқичга кўтаришда халқаро туризм алоҳида ажралиб туради. Туризм соҳасини тўғри ва самара билан тараққий эттиришга эришилса, мамлакатга катта миқдорда чет эл валютасини олиб келиши ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлатиш ва уни кўтаришга катта ҳисса қўшиши мумкин.

Туризм тараққиёти учун қилинадиган сарф-харажатлар бошқа соҳаларга қилинадиган сарф-харажатларга қараганда

Ўзини тезроқ оқлайди. Шу билан бирга туризм иқтисодиётнинг ўзига хос ва муҳим тармоғи ёки даромад манбаигина эмас, балки мамлакатлар орасидаги ташқи сиёсий алоқаларни ҳар томонлама ривож топтириш, дўстона муносабатларни яхшилаш, турли мамлакатлар ва халқлар маданияти, санъати, анъанавий урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Бутун жаҳонда тез суръатлар билан ривож топаётган туризм яқин келажакда кўрсатиладиган хизмат соҳалари орасида энг олдинги ўринга чиқиб олиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида жаҳон миқёсида шундай мамлакатлар борки, улар асосан туризмни ривожлантириш ҳисобига яшайди, равнақ топади, бойийди. Айрим мамлакатларда туризм ривожланишидан тушадиган даромад мамлакат миллий даромадининг деярли ярмини ташкил этади. Туризмдан тушган даромад эвазига Андорра, Лихтенштейн, Монако, Сан-Марино сингари митти давлатлар ўзини зарур нознеъматлар билан таъминлабгина қолмай, балки бойлик орттирмоқда. Бундай мамлакатларда туризм иқтисодиёт негизи ҳисобланиб, миллий даромаднинг 20 фоизидан 50 фоизигача беради.

Халқаро туризмни ривожлантириш борасида Австрия, Германия, Швейцария, Скандинавия мамлакатлари катта тажрибага эга. Кейинги йилларда бу муҳим соҳада Хитой, Малайзия, Исроил, Туркия каби мамлакатлар ҳам улкан ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон туризм соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш учун қатор имкониятларга эгаки, ўзининг қулай географик ўрни, жаннатнамо табиий шароити туфайли жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин эгаллайди ҳамда архитектура-меъморчилигининг ноёб ёдгорликлари билан қатор мамлакатлар билан беллаша олади. Шириндан-ширин ҳўл мевалари, қовун-тарвузлари, хилма-хил, ўзига хос миллий таомлари ва ниҳоят гўзал анъаналари, урф-одатлари, очик юз ва меҳмондўст халқи билан бутун дунё аҳлининг эътиборини ўзига тартади.

Ўзбекистонда халқаро туризм ривожи ҳақида Осиё бўйича жаҳон туризми ташкилотининг минтақавий вакили Хариш Варманнинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир. “Тошкент ва умуман Ўзбекистон, — дейди у, — менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ва унинг

қадимий шаҳарлари туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга эканлиги кўзга ташланади. Халқнинг бой маданияти, кўп асрлик тарихи, археологик объеклар, архитектура ёдгорликлари, жозибали табиат ва энг муҳими — илиқ, дўстона меҳмоннавоз муҳити кишини лол қолдиради. Буларнинг бари — сайёҳларнинг бу ёққа келиши учун яхши асос”.

Ўзбекистонда халқаро туризмни тараққий эттириш борасида энг аввало Самарқанд, Бухоро, Хива сингари жаҳонни ҳайратга солаётган ажойиб тарихий ёдгорликлар сақланаётган қадимги маданият ва меъморчиликнинг нодир марказлари катта ўрин тутишини айтиб ўтиш жоиздир.

Халқаро туризм соҳасини тез ва оқилона тарзда ривожлантириш мақсадида 1992 йил июлда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу компания туризм соҳасида арзигулик ишларни амалга оширмоқда.

1993 йил октябрида Жаҳон туризм ташкилотининг 10-сессияси бўлиб ўтди, ана шу сессияда Ўзбекистон бу йирик ва эътиборли ташкилотга аъзо бўлиб кирди. “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг ташкил топиши ва жаҳон туризми ташкилотига аъзо бўлиши республикада халқаро туризмнинг тезроқ ривож топишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг туризм моделига эга. 1992 йили узоқ хориждан мамлакатимизга келган сайёҳлар сони 60 минг киши бўлган бўлса, 2001 йил бошига келиб бу рақам 320 минг кишидан ошиб кетди. Сўнгги ўн йил ичида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизда замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар мажмуи қурилиб ишга туширилди, мавжудлари қайта таъмирланди. Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Германия, Франция, Япония, Россияда туристик ваколатхоналар очган мамлакатдир.

Ўзбекистон ҳудудидаги тўрт мингдан ортиқ тарихий-меъморчилик ёдгорликлари, бой маънавий мерос жаҳон аҳли диққат-эътиборини ўзига тортаётгани айни ҳақиқат.

ЮНЕСКО тадбирлари бўйича тузилган Миллий комиссия Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда “Мерос” дастури тайёрлади ва у

амалга оширилмоқда. Ушбу дастур тарихий шаҳарларимиздаги меъморий, археологик ёдгорликларни тиклаш, уларнинг атрофини ободонлаштириш борасида улкан ишларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

1994 йил Тошкентда “Буюк ипак йўлида туризм” мавзусида ўтказилган халқаро ярмарка Ўзбекистонда туризм тараққиёти ва унинг бой анъаналарини тарғиб қилиш борасида муҳим воқеага айланди. Бу анъана давом эттирилиб, 2000 йили республикада ўтказилган ярмаркада 35 мамлакатдан келган 200 та сайёҳлик фирмалари иштирок этди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, жаҳоннинг турли бурчакларидан келган сайёҳларга туристик мажмуаларни инглиз, француз, немис, испан ва қатор Шарқ мамлакатлари тилларини мукамал эгаллаган Ўзбекистон ёшлари таништирмоқда.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш масаласи ғоят муҳимлигини эътиборга олиб, Республика Президенти “Буюк Ипак йўлининг тикланишида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаоллаштириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ва “Ўзбекистонда туризмни 2005 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Фармонларга имзо чекди. Вазирлар Маҳкамаси эса “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини яратиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатларда халқаро туризм фаолиятининг барча томонларини яхшилашга қаратилган муҳим масалалар ўз аксини топган.

Туризм соҳасини янада ривожлантиришда 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги Қонуни алоҳида моҳиятга эга бўлиб қолади. Ушбу Қонун Республикада йирик туризм индустриясини ва унга хизмат қиладиган инфратузилмани вужудга келтириш учун имкон туғдиради.

Туризм соҳасида билимдон хорижий мутахассислар ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда туризмдан келадиган даромад 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши керак.

Шундай қилиб, халқаро туризм тараққиётини тезлатиш республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини юксалтиришига катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

УРБАНИЗАЦИЯ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Урбанизация (лотинча — Urbanus) шаҳарлар тараққиёти билан боғлиқ ҳаёт тарзини ифодаловчи тарихий жараён бўлиб, аҳолининг ҳудудлар доирасида жойлашишида шаҳарлар сони, уларнинг катта-кичиклигини аниқлаш ва инсоният ҳаётининг турли жабҳаларида шаҳарларнинг ролини ошириш билан бевосита алоқадор бўлади. Урбанизация даражасининг юқорилиги шаҳарлар сони ва уларда истиқомат қилувчи аҳолининг кўп-озлиги билан белгиланади, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудлар бўйлаб жойлашишидаги ва ижтимоий тараққиёт, маданият, фан, санъат каби соҳаларидаги аҳвол ва ўзгаришларни ифодалайди.

Бу жараёнга юзаки, тор маънода қараладиган бўлса, у анча осон тушунча бўлиб кўринади. Масалан, бирон-бир мамлакат аҳолиси таркибида шаҳар аҳолисининг салмоғи юқори бўлса, бундай мамлакатда урбанизация даражаси ҳам юқоридек туюлади. Ҳар томонлама ривожланган мамлакатларда шаҳар аҳолисининг салмоғи ҳамма вақт ҳам юқори бўлавермайди, урбанизация даражаси эса юқори бўлиши мумкин, аслида ҳам кўп ҳолларда шундай. Ва аксинча, тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатларда шаҳар аҳолисининг салмоғи юқори суръатлар билан ортиб боради, аммо урбанизация даражаси унчалик юқори бўлмайди.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида тобора ривожланиб, кучая бораётган турли хил ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатларни ўз домига тортган урбанизация XVIII асрда рўй берган санъатдаги инқилоб туфайли тобора кучая борди. XIX асрга келиб ер юзида мавжуд бўлган шаҳарларда салкам 30 миллион аҳоли яшаган бўлиб, у бутун аҳоли орасида бор-йўғи 3 фоизни ташкил этган эди.

Бундан роппа-роса 100 йил аввал, 1900 йили жаҳондаги шаҳар аҳолиси қарийб 225 миллион, яъни 13,6% ни ташкил этган бўлса, эндиликда 40 фоиздан ортиб кетди. Кўриниб турибдики, урбанизация жараёни одамларнинг ҳозирги даврда ҳудудларда қандай жойлашганлигини кўрсатувчи асосий белгига айланди.

Урбанизация жараёни илмий-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Унинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Шунга кўра, урбанизация билан боғлиқ бўлган

муаммолар ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланганлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Урбанизация билан боғлиқ бўлган муаммоларни турли фанлар ўрганади. Бу муаммойи чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ишларига иқтисодчи олимлар, географлар, аҳолишунослар, социологлар, меъморлар, руҳшунослар, тиббиёт ходимлари ва бошқа соҳа вакилларининг кенг кўламда тадқиқотлар олиб бораётганлиги шундандир.

Урбанизациянинг том маъносини, унинг ўзига хос барча хусусиятларини, урбанизацияда ишлаб чиқариш кучларини ҳудудлар бўйича жойлаштириш ва ривожлантиришдаги, бутун жамият ривожигаги ўрни, ролини чуқур тушуниш, эътироф этиш фақат назария учун эмас, балки кундалиқ ҳаётда учрайдиган қатор муҳим вазифаларни ҳал этиш учун ҳам зарур.

Урбанизация жараёнида шаҳарлар сони, айниқса, йирик шаҳарлар, шу жумладан, аҳолиси миллиондан ошган шаҳарлар сони тез кўпая боради. Шаҳар агломерациялари (урбанизация кучайган улкан ҳудудлар), мегаполислар (аҳоли манзиллари, айниқса шаҳарлар кўпайиши) аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб келиш жараёнини кучайтиради.

Урбанизация жараёни жаҳон аҳамиятига молик жараён сифатида қатор умумий белгилар ва ўз қонуниятларига эга бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини намоён қилади. Урбанизация қонуниятларини мукамал ўрганиш ва ниҳоят, иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган, бозор муносабатларига ўтишда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим мақсад-вазифаларни аниқлаш бу жараённи тўғри бошқариш имконини беради. Урбанизация стратегияси, илмий жиҳатдан асосланган назариясини ишлаб чиқиш, мазкур жараённинг ҳозирги аҳволи ва келажакда қай йўсинда ривожлана боришини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳимдир. Бу мамлакат ёки унинг ҳудудларининг ҳар томонлама ривожланишини режалаштириш ҳамда уни бошқариш, аҳолининг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш тизимларини мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш, демографик жараёнларни давр талабига мос ҳолда олиб бориш каби қатор вазифаларни ҳал этишда аҳамияти беқиёс.

Урбанизация шаҳарларда ўзига хос турмуш тарзини вужудга келтиради, одамлар орасидаги муносабатларга ё ижобий, ё худ салбий таъсир кўрсатади, аҳоли орасида турли хил касб-хунарлар пайдо бўлишига олиб келади, кишиларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиради, илм-фанга бўлган қизиқишларини орттиради. Унинг етакчи омилларидан бири — фан-техника тараққиёти аҳолининг ҳудудлар бўйича маълум даражада текис жойлашиши, шаҳарларнинг моддий ва маънавий бойликларидан жамият манфаати йўлида тўлароқ фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

Фан-техника тараққиёти урбанизация жараёнига катта таъсир кўрсатиши билан бирга бу жараёни янада тезлаштиради ҳамда урбанизация даражаси юқори бўлган жойларда истиқбол режалари учун зарур бўлган шарт-шароит ва омиллар вужудга келади. Муҳим сифат ўзгаришлари миллий иқтисод самарадорлигини юксалтиришдаги энг асосий восита бўлган саноат тормоқларида меҳнат унумдорлигини оширишга таъсир кўрсатиши мумкин.

Урбанизация билан экология, ташқи муҳит орасида ҳам ўзига хос боғланишлар мавжуд бўлиб, улар бир-бирига маълум даражада ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатади. Масалан, маълум бир ҳудудда экология урбанизация жараёнини тезлатишга имкон берса, айрим жойларда унга ғов бўлади. Айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳамда турли хил саноат тармоқлари ривожланган йирик шаҳарлар ва уларга яқин шаҳарларнинг кўпайиши урбанизациянинг ортиқ даражада ривожланишига тўсқинлик қилади. Чунки урбанизация даражаси кучайиб кетган ана шундай шаҳарларда экологик вазият анча мураккаблашади, атроф-муҳит бузилади.

Урбанизация жараёнида аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб келиши кўпая боради. Бу урбанизацияга хос бўлган хусусиятдир. Унинг бошқа ўзига хос хусусияти — маълум аҳоли манзилларида, айниқса йирик шаҳарларда турли саноат корхоналарининг, ўқув юртларининг, фан ўчоқлари, маданият ва санъат обидаларининг тез кўпайишидир. Маълумки, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг муайян бир жойда тўпланиши фан-техника тараққиёти тизими билан кўшилган ҳолда халқ хўжалиги таркибини ўзгартириб юборади ва уни мурак-

кабластиради. Саноат корхоналарининг бир жойга жамланиш қонуниятининг амалга ошиши саноат тараққиёти билан боғлиқ бўлган турли хил фаолиятлар уйғунлигида шаҳарларнинг тез тараққий этишига шароит яратади ҳамда бу шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги етакчи роли ва ўрнини белгилаб беради.

Урбанизациянинг ижобий томонларидан бири — халқ хўжалиги таркибини ўзгартириш ва зарур йўналишга солиш, уни такомиллаштириш ҳамда аҳолига маъқул тушадиган, унинг талаб-эҳтиёжини қондирадиган, касб-корига, қизиқишига мос келадиган меҳнат турини танлаш имкониятини беришдир.

Қисқаси, урбанизация инсон истиқомат қиладиган муҳитни ўзгартириш, уни такомиллаштиришга олиб келади. Моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжига манфаатдорликни кучайтиради ҳамда ана шу талаб-эҳтиёжларни қондириш учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Урбанизациянинг энг асосий хусусияти шаҳарларнинг комплекс, яъни уларнинг ҳар томонлама ривож топишини таъминлаш, моддий ва маънавий имкониятларини кўпайтириш, аҳоли миграциясини кучайтириш, янги шаҳарлар вужудга келтириш ва уларни тараққиёт томон йўналтириш, йирик шаҳарлар сонини ошириш, уларда яшайдиган аҳоли сонини кўпайтира боришдан иборат.

Урбанизация даражаси юқори ҳисобланган мамлакатлар қаторига қандай мамлакатлар киради ёки қандай мамлакатларни урбанизация даражаси юқори бўлган давлат дейиш мумкин?

Халқаро миқёсда қабул қилинган мезонга кўра, урбанизация даражаси юқори мамлакатлар қаторига аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган шаҳарларда аҳолининг учдан бир қисми яшайдиган мамлакатлар киради.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, айтилган мезон нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, Ўрта Осиё таркибига кирувчи давлатларнинг биронтаси, шу жумладан Ўзбекистон ҳам урбанизация даражаси юқори бўлган мамлакатлар қаторига кира олмайди. Ўзбекистонда аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган 17 та шаҳар мавжуд бўлиб, уларда яшаётган аҳоли сони салкам 5 миллионга етади, бу эса республика жами аҳолисининг 20 фоизга яқинини ташкил этади, холос.

Урбанизация шаҳарлар тараққиёти билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрдик. Энди, шаҳарнинг ўзи нима, унинг таърифи қандай, деган савол туғилиши табиий.

Дарҳақиқат, шаҳар ўзи нима? Аҳоли истиқомат қиладиган қандай манзилларни шаҳар деб аташ мумкин? Балки кўпчиликка бу саволнинг жавоби маълумдай туюлар. Лекин бу саволга илмий ва амалий нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бир сўз билан жавоб бериб қўя қолиш анча мушкул. Чунки, жаҳон амалиётида ҳозирга қадар шаҳар тушунчасининг ҳамма мамлакатлар учун хос бўлган аниқ бир мезони йўқ деса бўлади.

Йирик, хилма-хил саноат, фан-маданият, санъат марказлари ҳисобланган, хилма-хил транспорт воситаларига эга бўлган Мехико, Шанхай, Нью-Йорк, Париж, Лондон, Деҳли, Рим, Москва, Киев, Тошкент каби улкан шаҳарларни ҳам, Миас, Суздаль, Питнак, Толимаржон, Яйпан, Нуробод каби кичик-кичик манзилларни ҳам шаҳар деб аташ қизиқ туюлмасмикин, бу борада камдан-кам бош қотирсак керак.

Жаҳоннинг турли давлатларида шаҳарлар манзили, ундаги аҳоли сонини белгилаш, умуман қандай манзилларни шаҳар деб аташ маъқуллигини аниқлашга илмий жиҳатдан оқилона ёндошиш, бу борада бирон-бир аниқроқ хулосага келиш тўғрисида қанчадан-қанча кишилар бош қотирмади, дейсиз. Бу борада тадқиқот олиб борган айрим олимлар шаҳар мақомини бериш мезони тарзида манзилларнинг катта-кичиклигини эътиборга олишни таклиф этдилар. Аммо шаҳар билан қишлоқ деган номни бу йўл билан аниқлаш имкони бўлмади. Уларда истиқомат қилувчи аҳоли сони, айрим тадқиқотчилар манзиллардаги аҳоли зичлигини мезон қилишни ҳам таклиф қилиб кўрдилар. Аммо булар ҳам ижобий натижа бермади. Маълумки, айрим тоғли ҳудудларда аҳоли яшайдиган шундай кичик манзиллар борки, аҳоли зичлиги бўйича улар кўпгина шаҳарлардан юқори туради, ва аксинча, аҳоли сони жиҳатидан йирик-йирик қишлоқлар борки, улар ҳам шаҳарлар рўйхатидан ўрин ололмайди. Бундай ҳолатларнинг ҳам ўзига хос сабаблари бор.

Бу масала бугун ҳам ўзининг тўла ечимини топди, деб айтиш мушкул. Шундай қилиб, қандай манзилларни шаҳар деб аташ, уларга қандай талаблар, қандай мезонлар

белгилаш масаласига ёндошиш турли мамлакатларда турлича. Жумладан, Данияда аҳолиси 250 мингдан ортиқ, Японияда эса 30 минг аҳолиси бўлган манзиллар шаҳарлар қаторига киради.

Баъзан муайян бир мамлакатнинг ўзида шаҳарнинг аниқ ифодасини белгилаш борасида турли вақтларда турлича талаблар ҳам қўйилади. Авваллари ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳужжатда шаҳар деб рўйхатга киритилган аҳоли манзиллари шаҳар деб аталиб қолаверар эди.

Қатор мамлакатларда қабул қилинган қонун-қоидаларда шаҳар мақомини белгилашда кўпинча иккита асосий белги эътиборга олинадиган бўлди. Улардан биринчиси — аҳоли сони, иккинчиси, аҳоли манзилларида истиқомат қилувчиларнинг кўпчилиги меҳнатнинг қандай тури билан бандлигидир.

Мамлакатимиздаги аҳоли манзилларини шаҳарлар рўйхатига киритиш масаласи борасида қўйиладиган талаблар ҳам юқорида айтиб ўтилган талаблардан унчалик катта фарқ қилмайди. Аҳоли манзилларига шаҳар мақомини бериш масаласини ҳал этишда ҳар бир мамлакат ўзига хос табиий-географик, иқтисодий, тарихий ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қонун-қоидалар ишлаб чиқиши лозим.

Аҳоли яшайдиган у ёки бу манзилларга шаҳар мақомини бериш борасида вужудга келган тартиб-қоидалар ўз тарихига эга. Жумладан, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан забт этилишига қадар бўлган даврларда манзилларга шаҳар мақомини бериш тартиб-қоидалари феодал маъмурий-ҳудудий таркибга мослашганди. Маълумки, ўша даврларда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида хонлик ва амирлик пойтахтлари, савдо-сотик марказлари мавжуд эди.

1929 йил Ўзбекистон ҳудудида манзилларга шаҳар мақомини бериш ва шаҳарлар рўйхатини аниқлаб чиқишда дастлабки давр бўлдики, эълон қилинган қарор асосида шаҳарлар рўйхати тузилиб, унга ўн бешга яқин шаҳарлар номи киритилди. Кейинчалик мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилиш тартиб-қоидаларига маълум ўзгаришлар киритиш ва аҳоли пунктларига ном қўйиш, эски номларни ўзгартиришда қатор қонун-қоидалар ишлаб чиқилди. Жумладан бундай қонун-қоидалар 1961, 1964, 1972 ва бошқа йилларда ҳам қабул қилинган.

Маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктларига ном кўйишда табиий географик ва тарихий шарт-шароитлар ҳамда аҳолининг талаб-истаклари эътиборга олиниши лозим. Номларни ўзгартиришга эса камдан-кам ҳолларда ва ўта муҳим зарурат туғилиб қолгандагина рухсат берилади. Аҳоли истиқомат қиладиган манзилларга ном бериш ва уларни ўзгартириш ҳақида гап кетганда, тарихга ҳам бир назар солиш ўринли. Бир вақтлар географик объектларни, хусусан, шаҳар-қишлоқларни ер эгалари, бойлар, ҳукмронлар, лашкарбошилар номлари билан аташ удум бўлиб келган. Масалан, Искандар Зулқарнайн — Александр Македонский ўзи забт этган қатор шаҳарларнинг номларини ўзгартириб Александрия деб, жумладан, ҳозирги Хўжанд ўрнидаги шаҳарни Александрия-эскато (охирги, чекка Александрия) деб атаган. Ёки Оҳангарон дарёси Сирдарёга қуйиладиган жойда ўрнашган Банокат (Фанокент) шаҳрини Чингизхон қўшинлари вайрон қилиб ташлаган эди. Ушбу шаҳарни 1392 йили Амир Темур қайта тиклаб, ўз ўғли, Улуғбекнинг отаси Шохруҳ номи билан Шохруҳия деб атаган. Оҳангарон дарёси ёқасидаги шаҳарга келтирилган канал ҳам Шохруҳия деб номланган, кейинчалик эса бу каналнинг номи ўзгариб ҳам кетди. Умуман ҳукмдорлар, хон ва подшолар номлари билан аталган жойлар талайгина учрайди. Чунончи, Андижон вилоятининг Балқчи туманидаги Насритдинобод, Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги Чекнасриддинбек қишлоқлари Кўқон хони Худоёрхоннинг катта ўғли Насритдинбек томонидан барпо этилган ва унинг номи билан аталган. Ёки XX асрнинг 60-йилларида Худоёрхон янги ўзлаштирилган ерларни ўз ўғли Сулаймонбекка чек қилиб берган ва Балқчи туманидаги Сулаймонбек қишлоғи ана шундай номланган. Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Сулаймон қишлоғи ҳам Сулаймонбек номи билан боғлиқ.

Россия Ўрта Осиёни забт қилгандан сўнг тураржой номлари борасидаги аҳвол бутунлай бошқача тус олди. Ўлкада турли объектлар русча номлар билан аталиб, улар орасида подшоҳ хонадони вакиллари, рус лашкарбошиларнинг исми шарифлари пайдо бўлди. Масалан, Тошкент шаҳри яқинида қазилган канал император Александр шарафига Искандарариқ номини олган (Ўша пайтларда император Александрни халқ орасида Искандария деб аташган).

Бир қатор темир йўл бекатлари чор генераллари, ҳарбий кўмондонларининг номлари билан аталган. Булар орасида ҳарбий вазир, генерал-адъютант С.П. Ванновский, Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревский, Закаспий вилоятининг бошлиғи А.И. Куропаткин, Туркистон генерал-губернатори К.Г. Фон-Кауфман, генераллардан Д.А.-Милютин, Н.Н. Обручев ва бошқалар бор эди.

Бугунги кунга келиб республика харитасидаги бундай номлар ўрнига аввалдан машҳур бўлиб келган номлар қайта тикланди. Масалан, Куропаткино станцияси (кейинчалик Красногвардейская) Булунғур шаҳри, Кауфман станцияси Янгийўл шаҳри, Обручев станцияси (кейинчалик Ульянов) ҳозир Даштобод шаҳри номлари билан аталмоқда.

Бир пайтлар Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин, Калинин, Киров, Свердлов, Жданов каби номлар билан аталган жой номлари ҳам ўзгартирилди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, эндиликда Ўзбекистон харитасини жаҳонга машҳур ўзбек мутафаккирлари, марҳум давлат арбоблари номлари безаб туради. Улар орасида Алишер Навоий, Беруний, Улуғбек каби сиймолар номи бор.

Шўролар даврида шаҳар, қишлоқ ва бошқа қатор объект номлари, табиий шароит, халқнинг тили ва тарихига мутлақо алоқаси бўлмаган «қизил» деган сўзни қўшиш йўли билан, доҳийларнинг номлари билан номлаш одат тусига кириб, қизил тонг, қизил юлдуз, қизил карвон, қизил деҳқон, Ленинград, ленинчи каби номлар қўйиш кенг тарқалганди. Бу одат Сталин ҳукмронлиги даврида айниқса кучайган. Шахсга сиғиниш ифодаси бўлган ана шундай номлар Ленин хотирасини мустаҳкамлаш учунгина эмас, балки Сталин ва унинг сафдошларининг номларини абадул-абад сақлаб қолиш учун қилинган. Қайта номлаш оқибатида қанчадан-қанча халқчил тарихий номлар устидан чизик тортилган. Натижада аҳоли манзилларини тугатиш, хутор типигаги кичик-кичик қишлоқларни йириклаштириш сиёсати оқибатида қанчадан-қанча маҳаллий географик номлар йўқ бўлиб кетди.

Илмий ва маънавий нуқтаи назардан қараладиган бўлса, географик объект номларини ўйламай-нетмай ўзгартиривериш номақбул тадбир ҳисобланди. Қайта номлаш географик хаританигина эмас, балки тарихни ҳам қашшоқ-

лаштиради, халқ ижоди бўлмиш топонимларини йўққа чиқаради, кейинги авлодга қийинчиликлар туғдиради.

Мустақилликка эришган ҳар қандай давлат тарихий номларга ҳурмат билан қараш, бу борадаги йўқолган номларни тиклаш ва тартибга солиш ишини ўз қўлига олмоғи керак. Бунда йирик шаҳарларнинг номларинигина эмас, балки ўрта ва кичик шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар номларини ҳам қайта тиклаш зарурлиги ўз-ўзидан аён, чунки мустақиллик йўлига кирган давлат учун топонимика масаласи маданий ва илмий масалагина эмас, балки сиёсий масала ҳамдир. Зеро, топонимик воқелик мамлакат мустақиллигига, халқнинг миллий қадр-қимматига ҳам даҳлдордир. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, шаҳарлар ва бошқа аҳоли манзиллари номини иложи борица ўзгартирмасликка ҳаракат қилиш керак, зеро бу иш ташкилий жиҳатдан катта қийинчиликларни келтириб чиқариши, моддий сарф-харажатларни кўпайтириб юбориши мумкин. Бу эса ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар амалга ошириляётган ва бозор муносабатларига ўтиш жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий қийинчиликларни эътиборга оладиган бўлсак, катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шуларни эътиборга олиб, давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда табиий-географик, тарихий, миллий ва бошқа маҳаллий шарт-шароитларни, аҳоли истакларини инобатга олиш йўли билангина номларни ўзгартиришга қўл уриш мумкин.

Республика Президенти И. Каримов «Коммунистик мафкура билан боғлиқ бўлган жой номларини ўзгартириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекканидан сўнг, Ўзбекистонда халқ тарихи ва унинг тилига бевосита алоқадор бўлмаган ўринсиз ва сунъий номларга барҳам берилди.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган қонун-қоидалар асосида шаҳарлар республикага, вилоятга ва туманга бўйсунувчи шаҳарларга айлантирилди.

Ўзбекистон Республикасига бўйсунувчи шаҳарлар қаторига йирик иқтисодий, маданий ва маъмурий марказлар киради. Бундай шаҳарларда яшаган аҳоли сони 500 мингдан ортиқ бўлиши керак.

Вилоятга, Қорақалпоғистон Республикасига бўйсунувчи шаҳарлар жумласига муҳим саноат аҳамиятига молик иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган ҳамда аҳоли

сони 30 мингдан кам бўлмаган шаҳарлар киради. Айрим ҳолларда, яъни саноат ва маданий-сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳамда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ва аҳоли сонининг ўсиш истиқболлари мавжуд бўлган айрим шаҳарлар аҳолиси 30 мингга етмаган бўлса ҳам вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар рўйхатидан жой олиши мумкин.

Туманга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига саноат корхоналари, коммунал хўжалик, давлат тураржой фонди, ижтимоий-маданий муассасалари, савдо-сотик ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 мингдан кам бўлмаган шаҳарлар киради. Бундай шаҳарлардаги аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғи ишчи ва хизматчилардан иборат бўлмоғи лозим. Шу билан бирга бундай шаҳарларнинг маъмурий-ташкилий моҳияти ва ривожланиш истиқболи эътиборга олинган бўлиши керак.

Шаҳар посёлкалари (шаҳарчалар) қаторига саноат, турли хил қурилиш ташкилотлари, темир йўл станциялари ҳудудида ва иқтисодий жиҳатдан маълум аҳамиятга молик жойларда ўрнашган ҳамда аҳолиси сони 2 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли манзиллари киритилади. Бундай шаҳарчаларда ҳам аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғи ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан иборат бўлиши даркор. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш жиҳатидан маълум даражада аҳамият касб этадиган жойларда ўрнашган ва аҳолиси икки мингдан кам бўлган аҳоли манзиллари ҳам шаҳар посёлкалари жумласига киритилади. Аммо бу тартибнинг ўзига хос шарти ҳам мавжуд, яъни бундай аҳоли манзилларида даволанадиган ва дам оладиганлар сони у ерда доимий яшайдиган аҳолининг ярмидан кам бўлмаслиги керак. Айрим ҳолларда алоҳида аҳамиятга молик бўлган корхона ҳузурида, шунингдек, бориш қийин бўлган баъзи жойларда аҳолиси икки мингдан кам, аммо 500 дан ортиқ бўлган ва ижтимоий-иқтисодий ривож жиҳатидан қулай шарт-шароитларга эга айрим аҳоли манзиллари ҳам шаҳар посёлкалари жумласига киради.

Аҳоли ва аҳоли манзилларининг географик жойлашиши ниҳоятда мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Бу жараён мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларини ўзида акс эттиради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудлар бўйи-

ча жойлашишини эътиборга олган ҳолда шаҳарлар ва бошқа аҳоли манзиллари жойлашишини мақсадга мувофиқ тарзда такомиллаштириш, уларнинг ташқи қиёфаси, қурилишлар сифатини яхшилаш, мамлакатнинг қайси ҳудудда бўлмасин, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уй-жой комплекси хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, транспорт воситалари ишини яхшилаш, шаҳарлар ва қишлоқларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари шаҳаршунослик борасида турган асосий ва муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини халқнинг юксак дидига мос ҳолда, уларнинг талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган, аҳоли ҳаёти учун турли қулайликларга эга қилиб ривожлантириш замон талабидир. Мустақилликнинг тарихан қисқа даври ичида шаҳар ва қишлоқларимиз ташқи қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Уларнинг кўплари қурилиш майдонларига айланди, янги ҳашаматли тураржой бинолари, кўзни қамаштирадиган кошоналар, гўзал, жаҳон андозаларига мос келадиган меҳмонхоналар, асфальт йўллар, хаёлга келмаган кўприклар, турли хил ёдгорликлар қад кўтармоқда.

Аҳоли ва аҳоли манзилларининг ҳудудлар бўйлаб жойлашишининг бош қонунияти ижтимоий ишлаб чиқаришга ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражасига мос келишидир.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги даврида аҳолисининг сони бўйича шаҳарларнинг катта-кичиклиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шаҳарнинг катта-кичиклиги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва уларни ҳудудлар доирасида жойлаштириш, умуман эса шаҳарнинг ҳар томонлама ривож топишида катта ўрин тутди. Шулар назарда тутилиб, шаҳарлар аҳоли сонига кўра қатор гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳлар қуйидаги тарзда ифодаланади. Энг йирик шаҳарлар, йирик шаҳарлар, катта шаҳарлар, ўрта шаҳарлар ва ниҳоят кичик шаҳарлар. Энг йирик шаҳарлар қаторига аҳолиси 500 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлар, йирик шаҳарларга — аҳолиси 250 мингдан 500 минггача, катта шаҳарларга — 100-250 минг, ўрта шаҳарларга — 50-100 минг ва кичик шаҳарлар жумласига — аҳолиси 50 минггача бўлган шаҳарлар киради. Баъзан кичик шаҳарларнинг ўзи икки гуруҳга: аҳолиси 20 минг-

гача ва 20 мингдан 50 минггача бўлган шаҳарларга бўли-
нади. Шаҳарлар лойиҳасини тузиш ва ривожланиш ис-
тиқболларини белгилашда бундай гуруҳларга ажратишнинг
ўрни ва роли катта.

Ҳозир Ўзбекистонда 120 та шаҳар бўлиб, улар айтиб ўтил-
ган мезонларга кўра қуйидаги гуруҳларни ташкил этади.

13-жадвал

**Ўзбекистон шаҳарларининг гуруҳларга бўлиниши ва улардаги
аҳоли сони**

Шаҳарлар гуруҳи	Шаҳарлар		Улардаги аҳоли	
	Жами	Жамига % ҳи- собида	Жами (минг киши)	Жамига % ҳи- собида
Шаҳарлар, жами	120	100	8139,8	100
Шу жумладан: энг йирик шаҳарлар (аҳолиси 500 мингдан ортиқ)	1	0,8	2135,5	26,2
йирик шаҳарлар (250-500 минг)	3	2,5	1071,5	13,2
катта шаҳарлар (100-250 минг)	13	10,8	2095,0	25,7
ўртача шаҳарлар (50-100 минг)	13	10,8	810,5	10,0
кичик шаҳарлар (50 минггача)	90	75,1	2026,9	24,9

Келтирилган жадвалдан шу нарса кўринадики, респуб-
лика шаҳарлари орасида энг йирик шаҳарлар қаторига
биргина Тошкент шаҳри киради. Тошкент Ўзбекистонда-
ги барча шаҳарлар сонига нисбатан бор-йўғи 0,8 фоизини
ташкил этади, холос. Аммо унда барча шаҳарларда яшов-
чи аҳолининг 26,2 фоизи истиқомат қилади. Бошқача қилиб
айтадиган бўлсак биргина Тошкентда яшаган аҳоли сони
республикадаги 90 та. кичик шаҳарларда яшовчи аҳоли
сонидан кўпроқ. Тошкент Марказий Осиёдаги энг йирик
шаҳар. Йирик шаҳарлар қаторига Самарқанд, Наманган,

Андижон шаҳарлари киради. Ўзбекистон республикасининг ўзига хос урбанистик хусусиятларидан бири шаҳарлар таркибида кичик шаҳарларнинг кўплигидир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса кўринадикки, республикада урбанизация жараёни ҳалигача заиф. Бунинг асосий сабаби республикада қишлоқ аҳолиси салмоғининг юқорилигидир. Бу ҳол Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусияти билан бевосита боғлиқ. Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси орасида туғилиш ва умуман аҳолининг табиий кўпайиши шаҳарлардагига нисбатан анча юқори. Бу анъана ҳали узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎҲНА ШАҲАРЛАРИ

Энг қадимги, энг биринчи шаҳар заминимизнинг қайси бурчагида ва қачон вужудга келганлигини бирон киши аниқ айтиб бера олмайди. Аммо бундан бир неча минг йил аввал шаҳарлар ва айниқса, йирик шаҳарлар мавжуд бўлганлиги тарихчилар томонидан эътироф этилган. Археологлар, тарихчилар илк шаҳарлар Нил, Дажла (Тигр) ва Фурот (Ефрат) каби буюк дарёлар суви билан суғориладиган серунум Миср водийси ва Месопотамияда вужудга келганлигини аниқ-равшан айтиб берганлар. Аммо қадимги шаҳарларнинг кўпчилиги вақт ўтиши билан сиёсий, иқтисодий ва табиат таъсиридан вайроналарга айланганлиги туфайли, уларнинг ўша замонлардаги ташқи кўриниши, архитектураси аслида қандай қиёфага эга бўлганлиги, уларда вужудга келган тарихий ёдгорлик, обидаларни қай тарзда бўлганлигини айтиб бериш мушкул. Тўғри, сақланиб қолган манбалар, китоб, рисоалар ёрдамида бу борада анча-мунча маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Масалан, қатор шаҳарлардаги қурилишлар, тураржой бинолари бир-бирларига жуда яқин ва зич қилиб қурилганлиги, кўчалар жуда тор бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Археологлар бундай кўҳна шаҳарлардан айримларида канализациялар мавжуд бўлганлиги, кўчаларга тош терилганлиги ҳақида ҳам фикр юритганлар.

Турли даврларда қад кўтарган кўҳна шаҳарлар ўз даври талабларига мос тарзда бунёд бўлган. Айрим мамлакатлардаги шаҳарлар қурилишида табиий кучлар таъсири ҳам

эътиборга олинган. Сув тошқинлари бўлиб туриши хавфи бўлган шаҳарларда турли талаб-эҳтиёж учун қуриладиган бино, иншоотлар кўпинча сув тошқинларининг зарари камроқ бўлиши мумкин бўлган тепаликларда қурилган. Уруш пайтида ёвлар тажовузларидаён иложи борича сақланиш мақсадида шаҳарлар девор билан ўралган.

Инсоният тарихидан шу нарса маълумки, бундай ҳимоя деворлари фақат айрим шаҳарлардагина эмас, баъзан бутун бир мамлакат доирасида ҳам қурилган. Мисол учун Буюк Хитой деворини кўрсатиб ўтиш мумкин. Буюк Хитой деворининг узунлиги 5000 километрдан ортиқ, баландлиги 8-10 метр, эни 5 метрдан кўпроқ бўлиб, унда тўртта от минган чавандоз бир қатор бўлиб бир-бирига халақит бермай йўлини давом эттириши мумкин бўлган¹.

Бундай деворларни қуришда тежамкорлик қилиш ҳам катта ўрин эгаллаган. Меъморлар, шаҳаршунослар турли қурилишларни амалга оширишда иложи борича уларни бир-бирига зич ва мухтасар доира шаклида қуришга интиланганлар. Айланма, доира шаклида амалга оширилган қурилишлар ўртасида кўпинча кўзга ташланадиган ҳашаматли саройлар қад кўтарар эди.

Давр ўтиши билан шаҳар қурилишида ҳам ўзига хос ўзгаришлар рўй бера бошлади, шу билан бирга қадимги усуллардан айримлари сақланиб қолди ва ривож топди.

Шаҳарларни вужудга келтириш режалари, лойиҳаларини тартибга солиш ғояси тарихдаги Уйғониш даврида шакланди ва кейинчалик янада ривожланди, шаҳарлар қурилишига бўлган қараш ҳам ўзгарди. Уйғониш даврига келиб шаҳарлар ҳақида қасидалар, китоблар кўпайди, бекаму кўст, бенуқсон шаҳар лойиҳалари пайдо бўлди.

Инсоният тарихида биринчи бўлиб шаҳар қуришнинг ҳақиқий назариясини яратган Леон Батисти Альберти шаҳар қуриш учун жой танлашдан бошлаб, унинг қад кўтариши, ички тузилишига оид батафсил таъриф берди, унинг қарашлари бутун жаҳон шаҳар қурилиши тарихида катта аҳамиятга эга бўлди.

Жаҳонда Париж, Лондон, Қоҳира, Вена, Рим, Венеция, Шанхай, Деҳли, Москва, Санкт-Петербург, Киев син-

¹ История мировой культуры, М., 1967, 82-б.

гари юзлаб кўҳна шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар ўзининг бетакрор архитектураси, маданияти ва санъат обидалари билан кишини ҳайратга солиб келмоқда.

Мамлакатимиз ҳам ўзининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби қатор кўҳна шаҳарлари билан жаҳонга машҳур. Ҳар ким бу шаҳарларга келишни орзу қилади, бир марта келган киши эса уларни қайта-қайта келиб кўришга интилади. Ушбу шаҳарларда оддий халқ орасидан чиққан ақл-заковатли, қўли гул устаю меъморлар яратган ва асрлар давомида кишини ҳайратга солаётган, ўзига мафтун этаётган ажойиб кўҳна маданий ва тарихий обидалари ватанимиз номини оламга танитди. Машҳур ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таъбири билан айтадиган бўлсак, аجدодларимиз вужудга келтирган меъморчилик санъати бу шаҳарларда шу қадар юксак, шу қадар ўзига хоски, ўз замондошларини қандай ҳайратга солган бўлса, асрлар қаъридан ўтиб бизни ҳам шундай ҳайратга солмоқда. Кўҳна шаҳарларимиз Шарқ дурдоналаридир. Уларнинг нодир архитектура ёдгорликларида тарихнинг ўзи яшайди.

1995 йил августида республикамиз ва унинг тарихий шаҳарларига ташриф буюрган ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори: «Қадимги Самарқанд, Бухоро, Хива инсоният тараққиёти бешигидир. Улар билан нафақат сизларнинг мамлакатингиз, нафақат Осиё мамлакатлари фахрланади, улар бутун жаҳон халқларининг бойлиги ва ғуруридир» деган эди.

Кўҳна маданият, санъат ва меъморчилик обидалари халқ мулки бўлиб, уларнинг жаҳон маданияти ва маънавиятини тараққий эттиришга қўшган улкан ҳиссасидан далолат беради, илм-фан, халқ маданиятини ривожлантиришга, халқ орасида, ёшлар орасида ватанпарварлик, маънавий ва эстетик тарбияни шакллантириш, тарих ва маданият ёдгорликларини вужудга келтирган устаю меъморларни ёд этиб юриш, уларни унутмасликка ўргатади. Шунинг учун ҳам асрлар давомида рўй бериб келган турли сиёсий, иқтисодий инқирозларга, табиий офатларга бардош бериб ҳозирги кунларгача етиб келган, ўз маҳобатини йўқотмаган тарихий обидалар тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, уларни кўз қорачиғидай авайлашимиз зарур. Ҳолбуки, шўролар даврида қатор ажойиб тарихий ёдгорликларимиз

қаровсиз қолди, айримлари савдо расталарига, айримлари эса турли омборларга айлантирилди.

Соҳибқирон Амир Темур «...кимки бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлса, Кўксаройни кўрсин», деган эканлар. Шўролар даврига келиб бу гўзал Кўксаройга бўлган муносабат туфайли у ҳам ачинарли аҳволга тушди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида у польшалик аскарлар учун бошпана бўлган экан. Аскарлар бу дурдонанинг нақшлари тиллодан ишланган деб, зарҳалларни кўчириб олишган¹.

Қатор кўҳна шаҳарларимизни тараққиёт чўққисига кўтариш, мамлакатлар орасида савдо-сотик ва бошқа алоқаларни ривожлантиришда «Буюк ипак йўли» ижобий таъсир кўрсатган.

Марказий Осиё мамлакатларининг ўтмишда иқтисодий жиҳатдан тараққий этишига Хитой, Ҳиндистон ва Европанинг қатор мамлакатлари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалар катта туртки бўлган. Эрамиздан олдинги II асрдаёқ карвон йўллари жануби-шарқий Европа, Ироқ, Кавказ, Марказий Осиёни Мўғулистон ва Хитой билан боғлаган. Ана шу йўсинда Хитой билан Марказий Осиё иқтисоди ва маданияти бир-бирлари билан учрашиш, кейинроқ эса Ўрта Ер денгизи мамлакатлари ва қисман Ҳиндистон ҳам ана шундай имкониятга эга бўлди. Бу мамлакатлар орасида савдо-сотик алоқаларининг яхшиланиши маданий алоқаларнинг ҳам яхшиланишига олиб келди.

«Буюк ипак йўли» Марказий Осиёнинг йирик марказлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Шаҳрисабз, Андижон каби қатор шаҳар ва бошқа аҳоли манзилларидан ўтган.

Кўпгина мамлакатларни бир-бирига яқинлаштирган бу улкан йўл орқали юбориладиган асосий маҳсулот ипак бўлгани туфайли бу йўл ана шу номни — «Буюк ипак йўли» номини олган эди. Ипак ўша даврларда фақат Хитойда бўлган, шунга кўра Хитой усталари бу ноёб маҳсулотни тайёрлаш технологияси, услубини асрлар давомида сир тутиб келганлар. Тўғри, «Буюк ипак йўли»дан фақат ипак эмас, балки бошқа маҳсулотлар, жумладан бронза, чинни, жун, кобальтдан ясалган буюмлар ҳам ташиб ўтилган.

¹ Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил, 26 апрел.

«Буюк ипак йўли»нинг асосий йўналиши Италиядан Туркия орқали Ироқ ва Эрон мамлакатларигача борган. Ана шу йўлда қадимдан карвон эгалари учун қулайлик туедириш мақсадида кудуқлар қазилган. Ироқ ва Эрондан ипак йўли Марказий Осиёгача, ундан кейин Шимолий Помир орқали Қашғар ва Ёркентгача борган. Бу ерда ипак йўли икки томонга ажралган ва Такла-Макон саҳросини айланиб ўтиб, Лобнор кўли олдида яна бирлашган, ундан кейин кўчманчи халқлар истиқомат қиладиган чўллардан ўтиб Хитойгача борган.

«Буюк ипак йўли»да Марказий Осиё минтақаси асосий рол ўйнаган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Хўжанд, Чоржўй каби қатор шаҳарлар бу йўлнинг асосий нуқталари бўлган. Ўзининг географик ўрнига кўра Ўзбекистон ушбу тарихий йўлда марказий ўринни эгаллаган.

XIX асрга келиб, немис олими Фон Рихтгофен «Буюк ипак йўли» тушунчасини фанга киритди.

«Буюк ипак йўли»нинг жаҳон тарихида тутган ўрнини эътиборга олиб, ҳозир уни қайта тиклашга эътибор кучаймоқда. Бу йўл орқали ўтадиган сайёҳлар сонини кўпайтириш, ҳозирги замон туризм индустриясини вужудга келтириш, уни ривожлантиришни кўзлаб, 1994 йили мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЮНЕСКО ҳомийлигида Бутун жаҳон Туризм Ташкилотининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш иштирокчилари туризм тараққиётига қаратилган Самарқанд Декларациясини қабул қилдилар. Бу масалага Ўзбекистонда эътибор янада кучаяётганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, 1995 йил 2 июнида мамлакат Президенти «Буюк Ипак йўли»нинг тикланишида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаллаштириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

«Буюк ипак йўли»ни тиклаш ишларида чет эл сармояларидан фойдаланиш ҳам мўлжалланган, бу борада қатор мамлакатлар фаол иштирок этмоқда. Япониянинг машҳур рассоми, олими, жамоат арбоби Икуо Хираяма ўз маблағи эвазига Тошкент шаҳрида ипак йўли борасида илмий тадқиқотлар олиб борадиган институт қуришга жазм қилган.

«Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш ғояси 1993 йили май ойида Ўрта Осиё, Кавказ ва Европа Иттифоқи ва-

киллариининг Брюссел шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларда қўллаб-қувватланган эди.

Бу йўлнинг тикланиши кўҳна шаҳарларимиз тараққиётини янада кучайтиришга олиб келади.

Асрлар тенгдоши бўлган кўҳна тарихий шаҳарларимиз ҳануз ўз дурдоналарини жаҳонга кўз-кўз қилиб келмоқда. Шу билан бирга улар мустақиллик йилларида вужудга келган турли-туман иншоотлар, кўп қаватли тураржой бинолари, бозор муносабатларига хизмат қиладиган замонавий банклар, меҳмонхоналар қад кўтариши, буюк сиймолар хотирасини ёд этиб қурилган ёдгорликлар, гўзал хиёбонлар, кўприклар, кенг йўллар туфайли замонавий навқирон шаҳарларга айланди, уларнинг ҳуснига ҳусн қўшилди. Қадимий обидалар билан замонавий қурилишлар бир-бирлари билан уйғунлашиб кетди.

Муқаддас китоблар қаторидан жой олган «Авесто»да Мовароуннаҳрдаги қадимий шаҳарлар бунёд бўлгани ҳақида ривоятлар келтирилган, қўшиқлар яратилган.

ТОШКЕНТ — РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИ

Тошкент Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида, Чирчиқ дарёси водийси, Тянь-Шань тоғ этакларида жойлашган. Ушбу азим шаҳар тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим савдо йўллари, яъни Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўзаро алоқалари туташган манзилда ўрнашгани туфайли алоҳида эътиборга молик. У замонамизнинг гўзал ва улкан шаҳарларидан бири. Шаҳар бой тарихга эга бўлиб, бу борадаги маълумотлар хилма-хил манбаларда учрайди. У турли даврларда: Чоч, Шош, Шошкент, Тархон, Бинкат каби номлар билан аталиб келган. Агар тарихга янада чуқурроқ кириб бориладиган бўлса, Тошкент яна қатор номлар билан аталганини кўриш мумкин. Тарихчи-олимлар фикрича, бу номларнинг барчаси аслида бир маънони билдирган. Аммо бу борада бошқа фикрда бўлган мутахассислар ҳам мавжуд. Шулардан бири профессор Б.А. Поливанов Тошкент сўзини Тожикент сўзи билан алмаштирган. Унинг фикрича, Тожикент тожиклар шаҳри, араблар шаҳари деган маънони билдиради.

Шаҳар Тошкент номи билан дастлаб XI асрда Абу Райҳон ал-Беруний ва Маҳмуд Қошғарийнинг қомусий асарларида тилга олинади.

Қадимги тарихий шаҳарлар сингари Тошкент ҳам шаҳарга кириб-чиқиш учун имкон яратиш ва уни душманлар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида пахса девор билан ўралган. Деворнинг узунлиги 14 километр, баландлиги эса 8 метрга тенг ва 12 дарвозаси бўлган. Дарвозалар: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Комолон, Бешёғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар номлари билан аталган. Бу номлар шаҳар ташқариси ва ичкарисидаги кўчалар йўналишига қараб ёки мавзелар номларига қараб қўйилган.

Тошкент дарвозалари ҳақида гап борганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, дарвозалар сони, айрим ҳолларда эса уларнинг номлари ҳақида ҳам бошқача фикрлар мавжуд. Масалан, В. А. Лавров фикрича, Тошкентдаги дарвозалар сони 13 та бўлган, жумладан «Тешик қопқа» дарвозаси ҳам бўлган¹. XIX асрда яшаган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиххўжа «Тарихи жадидаи Тошканд» номли асариде шаҳарнинг 12 дарвозаси бўлганлиги тўғрисида фикр юритган. Аммо бу дарвозалар орасида Қиёт, Турклар, Ўзбек, Суьбониён, Камондарон, Қанғели номлари билан аталган дарвозалар бўлганлигини ҳам айтиб ўтган.

Шаҳар кенгайиши билан дарвозаларнинг ўрни, сони ва ҳатто номи ҳам ўзгариб турганки, дарвозаларнинг сони манбаларда турлича бўлганлиги шу боисдандир. Масалан, рус савдо қарвони бошлиғи Миллернинг ёзишича, Тошкентда 8 та дарвоза бўлган. Бундан бошқача фикрлар бўлганлиги ҳам маълум².

Дарвозаларнинг ҳар бирини ўз калити бўлган. Ушбу калитларда дарвозалар номи ва калит ясалган вақт кўрсатилган.

Тошкент дарвозалари махсус тайинланган дарвозабонлар томонидан кўриқлаб турилган ва эрта тонгда очилиб, қоронғи тушиши билан ёпиб қўйилган. Дарвозалар бекилгач, уларни очишга ҳеч кимнинг ҳақи бўлмаган. Айрим, ўта зарур ҳоллардагина ҳоким фармойиши билан уларни очишга руҳсат берилган.

¹ В.А. Лавров, Государственная культура Средней Азии. М., 1950, 112-119-бетлар.

² А.Муҳаммаджонов, Қадимги Тошкент, Т., «Фан» нашриёти, 1988, 57-б.

Маълумки, 1865 йили Россия Туркистонни, шу жумладан, Тошкентни босиб олган эди. Ўша пайтларда Тошкентда 21 минг тураржой, 250 мачит, 12 мадраса, 8 ҳаммом, 5 мингга яқин савдо дўконлари ва битта касалхона бор эди¹. Ана шу пайтда Тошкент дарвозаларининг темирдан ясалган ҳақиқий калитларни подшоҳ ҳукуматига бўйсунганликларини тан олиш рамзи сифатида қайта олтиндан ясаб, оқ подшоҳ маъмурларига топширганлар. Бу калитлар қарийб етмиш йил давомида Санкт-Петербург шаҳрида сақланган ва 1933 йилга келиб мамлакатимизга қайтарилган. Калитларнинг биттаси ҳозир Ўзбекистон тарих музейида, ўн биттаси республика банкида сақланади.

Ҳозир Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан биронтаси ҳам сақланиб қолмаган. Шунга қарамай, аҳоли қаҳор жой номларига «дарвоза» иборасини кўшиб айтади. Бунга мисол Самарқанд дарвоза, Чигатой дарвоза, Кўкча дарвоза деб аталишидир. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозир Самарқанд дарвоза деб аталган манзилда рамзий Самарқанд дарвозаси қад кўтарган.

Тошкент оддий бир аҳоли манзилгоҳидан жаҳоннинг йирик ва катта мавқега эга бўлган саноат, фан-маданият, санъат ривож топган гўзал шаҳаргача бўлган кўп асрлик даврни босиб ўтди.

Шаҳар ўтган ана шу давр ичида гоҳ гуркираб, гоҳ инқирозга юз тутиб келди. Қандай воқеалар содир бўлмасин, Тошкент ўлка тарихида муҳим ўрин тутиб келди. Шаҳарни забт этиш учун қилинган хужумлар, ўзаро рўй берган феодал урушлар, турли хил табиий офатлар шаҳар ва унинг аҳолисига ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмади, хўжаликни издан чиқарди, иқтисодий ва маданий алоқаларга путур етказди.

Тошкент ҳаётига урушлар, сиёсий ҳодисаларгина эмас, балки турли хил табиий офатлар: зилзилалар, қурғоқчиликлар ҳам катта талафот келтириб турди. Аммо у юксала боришда давом этди. Бунинг боиси, Тошкент эгаллаган жой кўчманчи чорвадорлар, ўтроқ деҳқонлар, косиб ва хунармандлар, савдогарлар ўзаро муомала қиладиган ўта

¹ М.Аминджанова, М.Рахимов, Город древний, город юный, Т., 1981, 8-б.

кулай жойлигида эди. Бундан ташқари, йирик карвон йўлларининг шаҳар орқали ўтганлиги ҳам унинг ривож топишига ижобий таъсир кўрсатди.

Тошкент маълум давр ичида Византиядан Хитойгача бўлган ҳудудлар орасида олиб борилган савдо-сотик ишларида кўзга кўринарли ўрин эгаллаб келган. Шаҳарда турли давлатларга тегишли тангаларнинг топилиши бунинг исботидир. Афсус ва надоматлар бўлсинки, Тошкентдек азим ва кўҳна шаҳарнинг архитектураси, фан-маданияти ривожланишига оид ўтмиш маълумотларни топиш анча мушкул, чунки шаҳарнинг узоқ ўтмиши, унда қад кўтарган қадимги Чоч ҳудуди ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда ниҳоятда хилма-хил тарзда қайд этилган бўлиб, баъзан бир-бирига зид, бири иккинчисини инкор этадиган фикрлар ҳам йўқ эмас.

Кўҳна Тошкент Бухоро, Хива, Самарқанд каби гўзал ёдгорликларга унчалик бой бўлмаса-да, кишини ҳайратга соладиган меъморчилик ёдгорликлари бисёр. Улар ҳам Ўрта Осиё архитектураси тараққиёти даражасини ўзида акс эттирган. Ана шу ёдгорликлар орасида энг машҳурлари Кўкалдош ва Барақхон мадрасаларидир.

Кўкалдош мадрасаси ўз даврида Тошкентнинг кўзга кўринган ва энг йирик тарихий иншоотларидан бири ҳисобланган. Уни Тошкент хонларидан бирининг вазири Қулбобо Кўкалдош XVI асрнинг 60-йилларида уч қаватли қилиб қурдирган. Мадрасада 38 та хужра, дарвозасидан кираверишнинг чап томонида масжид, ўнг томонида дарсхоналар бўлган. Мадрасани безашда асосий диққат-эътиборни унинг олд томонига қаратганлар.

Ушбу гўзал тарихий обида XVIII аср охирларига келиб қаровсиз қолди ва ундан карвонсарой сифатида фойдаланилди. 1866 ва 1886 йилларда Тошкентда катта куч билан ер қимирлашидан шикаст еган пештоғи қайта ишланган. Кейинчалик рўй берган zilzilalar ҳам унга маълум даражада зарар келтирган. 1930-1960 йиллар орасида мадраса тўла қайта таъмирланган. Узоқ давр ичида қайта-қайта таъмирланиш туфайли ўзининг дастлабки ташқи кўринишига нисбатан маълум даражада ўзгариб кетган.

Барақхон мадрасаси эса XV-XVI асрлар орасида қурилган иншоотлардан таркиб топган. Аввалига мадрасанинг

шарқий бурчагидаги мўъжаз мақбара, кейинчалик шайбонийлар сулоласининг Тошкентдаги ҳокими Суюнчўжахон мақбараси қурилган. Мадраса мажмуасининг учинчи қисмини шайбонийлар сулоласидан бўлган Абулхайрхоннинг набираси, Тошкент хони Суюнчўжахоннинг кичик ўғли Барақхон қурдирган.

1935-1936 ва 1955-1956 йилларда мадрасада археологик изланишлар олиб борилган. 1955-1963 йилларда мадрасада Ўзбекистонда кўзга кўринган ганчкор, наққош, меъмор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси уста Ширин Муродов иштирокида меъморчилик ишлари олиб борилган.

Абулқосим Шайх мадрасаси эса Ўрта Осиё меъморлиги анъанаси асосида XIX асрда бунёд этилган. Ушбу мадраса Абулқосим эшон, Қорахон эшон, Маъдихон қози мадрасаси деб ҳам юритилган. Дастлаб мадраса бир қаватли бўлиб, 1864 йили унинг иккинчи қавати қурилган. У маълум жиҳатдан Кўкалдош мадрасасига ўхшатиб қурилган, унда ҳам дарсхона, масжид бўлган.

Тошкент шаҳрида яна қатор тарихий ёдгорликлар бўлиб, улар қаторига Жоме масжид, Шайх Зайниддинбобо, Шайх Хованди Тохур, Юнусхон, Қалдирғочбий, Каффол Шоший мақбаралари киради. Шу ўринда Мингўрик археологик ёдгорлигини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Мингўрик қадимги шаҳар харобаси бўлиб, унинг ўрнида XIX асрда бунёд этилган Ўрикзор туфайли шундай деб аталган. Мингўрик аҳоли орасида Афросиёб тепалиги деб ҳам юритилади. Унинг ҳозир бир қисмигина сақланган.

Тошкент халқ орасида маълум давргача эски ва янги шаҳар деб юритилиб келинди. Бу номлар қисман ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Эски ва янги шаҳар деган иборалар 1865 йилдан кейин келиб чиқди. Эски шаҳар билан янги шаҳарнинг рамзий чегараси Анҳор каналидан ўтган.

Эски шаҳар Тошкентнинг шимоли-ғарбидаги жойни эгаллаган тарихий қисмидир. XIX асрда Тошкент Туркистоннинг йирик шаҳрига айланганда, эски шаҳар майдони 1,5 минг гектарга тенг бўлган. Маъмурий жиҳатдан эски шаҳар тўрт даҳага — Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтохур даҳаларига бўлинган.

Янги шаҳар Тошкентнинг жануби-шарқий қисмини эгаллаган. Янги бинолар қуриш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар асосан янги шаҳар қисмида амалга оширилган. Эски шаҳар эса эътибордан четда қолиб, ўзгариш рўй бермади. Шаҳарнинг бу қисмида ободончилик мутлақо олиб борилмас, турар жойларнинг санитария аҳволи мушкул даражада, кечалари қоронғи, кўчалари ёзда чанг, куз ва қишда лойга ботиб ётар эди.

Қизиқ бир мисол. 1913 йили Тошкентда водопровод қуриш тўғрисида тузилган биринчи лойиҳа амалга ошмади. Қизиғи шундаки, ушбу лойиҳага кўра бир кеча-кундузги сув сарфи Тошкентнинг янги шаҳарда истиқомат қилувчи аҳоли учун 120 литр, эски шаҳар аҳолиси учун эса 24 литр мўлжалланган эди¹.

Шундай қилиб, чор Россияси амалдорлари шаҳарнинг икки қисмидаги аҳоли орасида зиддият юзага келтириш, аҳолининг турмушидаги тафовутларни янада кучайтиришга интиланлар.

Мустақилликнинг кейинги ўн йилида эски шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Арава юра олмайди-ган тор кўчалар ўрнида кенг, ёруғ, асфалтланган кўчалар, улкан кўприклар, кўп қаватли замонавий тураржой бинолари, тиббиёт ва аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилди. Умрининг кўп қисми жинчиروقда ўтган уйлар электр чироқлари, газ, водопровод, телефонлар билан таъминланди.

Кўҳна Тошкент ўзининг узоқ тарихи жараёнида демография, яъни аҳолининг ўсиши жиҳатдан ҳам мураккаб йўлни босиб ўтди. Маълумки, 1897 йили аҳоли рўйхати ўтказилган эди. Ўша вақтга қадар нафақат Тошкент, балки бутун республика аҳолиси сони тўғрисида бирон-бир аниқ маълумот йўқ эди, борлари ҳам кўпинча бир-бирига зид эди. Аҳоли туғилиши, ўлими, миграциясига оид маълумотларни эса гапирмаса ҳам бўлади.

Тошкентнинг демографик тарихига оид ишончли маълумотлар 1897 йилда ўтказилган умумий аҳоли рўйхати туфайли қўлга киритилган. Ушбу маълумотлар расмий тарз-

¹ Благов С. Свидание с городом. Правда Востока, 13 января, 1962 й.

да биринчи марта Ф.А. Брокгауз ва И.А. Ефронлар томонидан 1901 йили чоп этилган «Энциклопедик луғат»да¹ ва орадан тўрт йил ўтгач ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларида эълон этилди. 1897 йили ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, Тошкентда ўша пайтда 156,4 минг киши яшаган. Шундан 88,4 минги эркаклар, 68,0 минги аёллардан иборат бўлган. Аҳоли миллати жиҳатидан оладиган бўлсак, ўзбеклар 82,5 фоизни, руслар 11,4 фоизни ташкил этган.²

Туркистон иқтисодий кенгаши 1924 йили 1-статистик йилномани босмадан чиқарди. Унда келтирилган маълумотларга қараганда 1865 йили Тошкентда 100 минг киши истиқомат қилган.³

XVIII асрда Тошкент тўрт даҳа (туман)дан иборат эди. Бу даҳалар тарихий манбаларда шаҳарнинг шимолий қисмидаги даҳа Қаффоли Шоший, жанубдагиси — Зангиота, шарқий қисмидагиси — Шайхонтоҳур ва ниҳоят ғарбий қисмидагиси Шайх Зайниддин номлари билан аталган бўлса-да, аҳоли орасида улар одатда Себзор, Бешёғоч, Шайхонтоҳур ва Кўкча номлари билан аталган. Ҳар бир даҳанинг ўз ҳокими, қозиси ва раиси бўлган. Шунинг учун бўлса керак, шаҳар тарихида бу давр «Чор ҳокимлик» номи билан шуҳрат қозонган.⁴

И. Муллажонов ва Э. Тошбековлар ўзларининг «Ўзбекистон аҳолиси» номи рисоласида Тошкентнинг ана шу даҳаларига доир қуйидаги маълумотларни келтирадилар.

¹ «Энциклопедический словарь», т.32-а, СПб, 1901, 700-б.

² Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897, 86 т, 190-б.

³ Статистический ежегодник (1917-1923), I т. 8-б.

⁴ А.Мухаммаджонов, Қадимги Тошкент, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1988, 56-б.

Тошкент даҳалари бўйича яшаган аҳоли сонн (минг киши ҳисобида)¹

Даҳалар	Йиллар					1902 й. 1869 йил- га нис- батан %	1869 ва 1902 йиллар орасида аҳолининг йиллик ўртача ўсиши (марта)
	1869	1876	1882	1884	1902		
Бешёғоч	14,3	10,6	12,6	16,8	30,0	210	2,25
Кўкча	22,9	13,5	14,6	19,1	32,8	140	1,0
Себзор	15,0	12,7	14,6	19,7	33,5	220	2,40
Шайхонто- хур	18,7	15,0	14,4	21,5	34,5	180	1,80
Янги шаҳар	2,1	7,6	12,2	13,0	33,4	1600	8,75
Жами	73,8	59,4	68,4	90,1	164,2	200	2,40

¹ И. Муллажонов, Э. Тошбеков, Ўзбекистон аҳолиси, маълумотно-
ма, Т., «Ўзбекистон» 1967, 10- б.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб туриб-
дики, 1869 йилдан 1902 йилгача ўтган 33 йил ичида жами
Тошкент аҳолиси 2,2 марта, янги шаҳар аҳолиси 16 марта-
га кўпайган.

Юқорида келтирилган маълумотлар чор Россиясининг
диққат-эътиборини асосан Тошкентнинг янги шаҳар қис-
мига қаратилганлигидан, эски шаҳар қисми бундай эъти-
бордан четда қолганлигидан дарак беради.

Биринчи аҳоли рўйхатидан кейин (1897) Тошкент
аҳолиси аста-секин кўпая борди. 1930 йили республика
пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилиши шаҳар
аҳолиси сонининг анча тез ўсишига сабаб бўлди. 1930 йил-
дан 1935 йилгача бўлган давр ичида Тошкент аҳолиси 100
мингга ордики, бу даражада кўпайиш илгари рўй берма-
ган эди.

1941—1945 йилларда бўлиб ўтган иккинчи жаҳон уру-
ши Ўзбекистон аҳолиси сони ўсишига ҳам ўз салбий таъ-
сирини кўрсатмай қолмади. Ана шу даврда аҳолининг ёш
ва жинсий таркиби ўзгарди, мўлжалланган никоҳ тўйлари

тўхтаб қолди ёки ниҳоятда камайиб кетди, қатор оилалар хонадон бошлиғидан, аёллар умр йўлдошларидан, қариндош-уруғларидан ажралдилар, кўйингки, халқ бошига қора кун келди.

Ана шу уруш даврида Россия, Украина, Белоруссия каби ҳудудларнинг маълум қисми душман томонидан эгаллаб олиниб, катта-катта саноат корхоналари бошқа ҳудудларга, жумладан, Ўзбекистонга кўчириб келинган бўлиб, буларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига жойлаштирилди, кўчириб келинган корхоналарнинг ишчилари ҳам Тошкентга келди. Шунга кўра урушнинг шаҳар аҳолиси сонига бўлган таъсири унча катта бўлмади, уни жадвалда келтирилган маълумотларидан кўриш мумкин.

Тошкент аҳолиси сони асосан туғилиш ва миграция ҳисобидан ортиб боради. Узоқ йиллар давомида шаҳар аҳолисининг кўпайишида ўзга юртлардан келган аҳоли катта ўринни эгаллаган. Мустақиллик йилларида вужудга келган вазият туфайли ушбу омил ўз таъсирини йўқотди ва аҳоли сони ўсишининг бирдан-бир омили туғилиш бўлиб қолди. Буни қуйида келтирилган рақамлардан кўриш мумкин.

15-жадвал

Тошкент шаҳрида туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш
(ҳар минг кишига нисбатан)

Йиллар	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Табиий кўпайиш
1970	20,7	7,3	13,4
1980	19,5	8,3	11,2
1987	20,8	7,0	13,8
1990	20,1	7,9	12,2
1993	17,4	8,3	9,1
1994	17,7	8,8	8,9
1995	17,7	9,2	8,5
1998	15,9	8,3	7,6
1999	15,1	8,2	6,9

Тошкент аҳолиси 100 йил ичида (йил бошига минг киши ҳисобида)

Йиллар	Аҳоли сони	Йиллар	Аҳоли сони
1897	156,0	1976	1643,0
1913	256,7	1977	1688,6
1920	232,6	1978	1733,9
1925	301,0	1979	1993,0
1940	600,0	1980	1821,0
1945	422,0	1981	1863,2
1950	626,1	1982	1907,5
1955	734,2	1983	1949,2
1959	927,0	1984	1991,6
1960	1000,2	1985	2035,9
1961	1037,1	1986	2082,7
1962	1073,0	1987	2130,5
1963	1104,0	1988	2211,0
1964	1138,1	1989	2102,0
1965	1174,3	1990	2133,6
1966	1209,2	1991	2130,2
1967	1231,5	1992	2142,9
1968	1280,7	1993	2131,9
1969	1336,3	1994	2124,7
1970	1384,5	1995	2097,4
1971	1420,8	1996	2095,2
1972	1460,7	1997	2109,5
1973	1505,5	1998	2125,5
1974	1552,2	1999	2142,7
1975	1595,1	2000	2142,3

Жадвалдаги айрим рақамларга эътибор берадиган бўлсак, сўнгги 8-10 йил ичида, шаҳар аҳолисининг сони унчалик ўсмаётганлиги, баъзан эса маълум жиҳатдан бироз камаяётганлигини кузатиш мумкин.

Масалан, 1980-1990 йиллар ичида шаҳар аҳолиси 300 мингга ортган бўлса, кейинги 10 йил ичида — 1990-2000 йилларда кўпайиш 90 минг кишини ташкил этди, холос.

Бунинг асосий сабаби шундаки, бир вақтлар шаҳарнинг қатор қулайликлари туфайли собиқ иттифоқнинг бир қанча ҳудудларидан Тошкентга кўплаб аҳоли кўчиб келар эди. Шўро тузуми барбод бўлиши туфайли собиқ республикалар ўртасидаги алоқалар ўзгарди. Натижада баъзи миллат вакиллариининг маълум қисми ўз ватанларига, биринчи навбатда Россия, Украина, Белоруссияга кўчиб кетишлари кузатилди.

Тошкент аҳолиси сонининг маълум жиҳатдан камайишининг иккинчи сабаби, кейинги йилларда Тошкентда туғилиш жараёни ва табиий кўпайиш даражасининг бироз пасайишидир. Масалан, шаҳарда 1980-1990 йилларда ҳар минг кишига туғилганлар сони 19-20 кишига тенг бўлган бўлса, 1995-2000 йилларда бу кўрсаткич 17-15 кишига тушиб қолди. Табиийки, аҳоли сонининг табиий кўпайиши ҳам бироз сусайди.

Тошкент маъмурий-ҳудудий тузилиши жиҳатидан ўн битта туманга бўлинган. Бу туманлар турли йилларда ташкил топган. Улар орасида аҳоли сони бўйича энг йириклари Юнусобод, Собир Раҳимов, Шайхонтохур, Мирзо Улғбек туманлари бўлиб, ҳар бирида 250 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бектемир, Миробод, Яккасарой туманлари эса аҳоли сони бўйича энг кичик туманлардир. Қуйидаги жадвалдан шаҳар туманлари тўғрисида баъзи маълумотларни билиб олиш мумкин.

Тошкент шаҳар туманларининг ташкил топган вақти ва улардаги аҳоли сони

Туманлар	Тузилган йили	Аҳоли сони, минг киши				
		1980	1985	1990	1995	2000
Акмал Икромов	1977	204,8	221,3	216,4	221,5	226,7
Бектемир	1990	—	—	24,5	29,0	30,5
Мирзо Улугбек	1935	246,2	273,2	270,0	253,5	249,6
Миробод	1929	139,9	150,8	137,1	126,6	124,7
Сирғали	1967	58,7	87,3	138,0	155,9	156,2
Собир Раҳимов	1970	202,1	239,3	259,0	263,3	280,7
Чилонзор	1963	229,3	240,7	231,0	219,0	218,3
Ҳамза	1968	207,6	230,0	218,8	211,4	211,0
Шайхонтоҳур	1929	213,6	236,0	219,0	242,3	257,9
Юнусобод	1936	200,9	225,9	288,8	285,5	289,1
Яккасарой	1936	120,0	131,4	116,7	106,4	111,9

Тошкентда аҳолининг миллий таркиби хилма-хил, яъни шаҳар кўп миллатли шаҳар ҳисобланади, унда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди.

Аҳолининг асосий қисми ўзбек миллатига мансуб бўлиб, салмоғи мунтазам тарзда ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича 34,4 фоизни ташкил этган бўлса, 1989 йилдаги аҳоли рўйхати бўйича 44,2 фоизни ташкил этди (маълумки, аҳоли миллати тўғрисидаги аниқ ва тўла маълумотлар фақат аҳоли рўйхати якунлари бўйича берилади. Охири бундай рўйхат 1989 йилда ўтказилган. Шунга кўра биз ҳам ана шу йилги маълумотлар билан кифояланамиз). Қуйида келтирилган жадвалдан Тошкент шаҳри аҳолисининг миллий таркиби тўғрисида батафсил маълумот олиш мумкин.

Тошкент шаҳри аҳолисининг миллий таркиби
(аҳоли рўйхатлари маълумотлари бўйича)

Миллатлар	Умумий сони, минг киши				Аҳоли сонига нисбатан, %			
	1959	1970	1979	1989	1959	1970	1979	1989
Жами аҳоли	974,9	1384,5	1759,4	2060,2	100	100	100	100
Шу жумладан:								
ўзбеклар	339,6	513,0	718,5	910,3	34,4	37,2	40,8	44,2
руслар	414,7	564,6	679,2	701,3	42,5	40,8	38,4	34,0
татарлар	68,5	98,9	127,2	129,2	7,0	7,1	7,2	6,3
украинлар	25,5	40,7	43,6	60,0	2,6	2,9	2,5	3,0
белоруслар	2,7	5,9	6,3	10,7	0,3	0,4	0,4	0,5
қозоқлар	15,2	15,2	20,5	30,6	1,5	1,1	1,2	1,5
тожиклар	5,5	8,0	9,6	14,9	0,6	0,5	0,6	0,7
қирғизлар	—	—	1,7	2,8	—	—	0,1	0,1
арманлар	5,5	13,4	16,7	20,5	0,6	1,0	1,0	1,0
яхудийлар	50,4	55,8	56,9	43,1	5,2	4,0	3,2	2,1
греклар	11,3	13,7	7,9	5,9	1,2	1,0	0,4	0,3
корейслар	5,5	18,2	29,5	44,0	0,6	1,3	1,7	2,1
уйғурлар	3,0	5,8	7,9	11,1	0,3	0,4	0,4	0,5
бошқа миллатлар	27,4	31,3	35,0	73,0	2,8	2,3	2,0	3,6

Аҳолининг миллатлар бўйича ҳудудларда жойлашиши устида шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбеклар республиканинг барча туманларида истиқомат қилади. Бироқ, улар суғориладиган деҳқончилик минтақаларида, яъни Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё водийларида, Хоразм воҳасида қадимдан пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик ва бошқа турли сабзаёт экинлари экиладиган жойларда муқим ўрнашган. Русийзабон аҳоли эса асосан шаҳар жойларда, саноат, илм-фан, маданият кўпроқ ривож топган марказларда яшашга мослашганлар. 1989 йил аҳоли рўйхати маълумотларида кўрсатилишича, республика бўйича яшаган русларнинг сони 1654 мингга яқин бўлган бўлса, шулардан 700 мингдан ортиғи ёки қарийб 43 фоизи биргина Тошкент шаҳрига тўғри келган. 1959, 1970 йилларда

ўтказилган аҳоли рўйхатларида кўрсатилишича, Тошкент аҳолиси орасида русларнинг бутун аҳолига нисбатан салмоғи ўзбекларга нисбатан ортиқ бўлган. Масалан, 1959 йили бутун Тошкент аҳолиси орасида ўзбеклар салмоғи 34,4 фоиз бўлгани ҳолда, руслар 42,5 фоизни ташкил этган. 1979, 1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатлари маълумотлари бўйича аҳвол бир мунча ўзгарган — ўзбеклар салмоғи русларга нисбатан юқориқроқ бўлган.

Маълумки, демографик жараёнларда аҳолининг жинсий таркиби муҳим аҳамиятга эга. Бу таркибга қатор омиллар: аҳоли миграцияси, демографик вазият, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳвол каби қатор омиллар катта таъсир кўрсатади.

19-жадвал

Тошкент шаҳри аҳолисининг жинсга оид таркиби

Йиллар	Аҳолиси, минг киши		Жамига нисбатан, %		
	жами	шу ҳисобдан		эркаклар	аёллар
		эркаклар	аёллар		
1920	232,0	120,0	112,6	51,6	48,4
1926	314,0	163,3	150,7	52,0	48,0
1930	402,0	207,4	194,6	51,6	48,4
1939	583,6	300,6	283,0	51,5	48,5
1959	927,0	398,0	529,0	46,0	54,0
1970	1388,0	660,0	728,0	47,6	52,4
1979	1785,0	862,0	923,0	48,1	51,9
1989	2079,0	1012,0	1067,0	48,2	51,8
1990	2100,0	1024,0	1076,0	49,4	50,6
1991	2149,0	1042,3	1106,7	49,4	50,6
1992	2161,8	1048,3	1113,5	49,4	50,6
1993	2150,8	1040,9	1109,9	49,5	50,5
1994	2143,6	1037,3	1106,3	49,5	50,5
1995	2116,1	1017,9	1098,2	49,5	50,5
1996	2113,9	1020,4	1093,5	49,6	50,4
1997	2128,2	1028,7	1099,5	49,6	50,4
1998	2144,2	1038,3	1105,9	49,7	50,3
1999	2161,4	1049,1	1112,3	49,8	50,2
2000	2164,0	1052,5	1108,5	49,9	50,1

Жадвалдан кўринадики, шаҳарнинг умумий аҳолиси сонидан ижобий силжишлар рўй бермоқда: эркалар салмоғи билан аёллар салмоғи аста-секин бир-бирига яқинлашиб бормоқда. 1970 йил маълумоти бўйича аёллар сони эркалар сонига нисбатан 68 мингга ортиқ бўлгани ҳолда, бу рақам 2000 йилга келиб 56 мингга ташкил этди.

Келажакда аҳолининг турли талаб-эҳтиёжлари, яъни тураржойлар, олий ўқув юртлиари, мактаб-боғчалар, тиббиёт ташкилотлари, транспорт, хизмат кўрсатиш корхоналари кабилар ҳажми қанча бўлишини аниқроқ белгилаш учун энг аввало истиқболнинг турли босқичларида аҳоли сони, айниқса, шаҳар аҳолиси қанча бўлишини олдиндан билиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо буни аниқ белгилаш, уни илмий жиҳатдан тўғри аниқлаб бериш ўта мураккаб масала эканлиги маълум.

Бу ҳисоб-китобларни тўғри амалга ошириш учун келажакда демографик жараён қай тарзда кечиши, мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қандай бўлиши мумкинлигини илмий жиҳатдан тўғри тасаввур қила билиш зарур бўлади. Чунки ҳаётда рўй берадиган турлитуман ўзгаришлар қилинган ҳисоб-китобларга ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз. Натижада бу борада қилинган тахминлар ўзини оқламай қолиши турган гап. Юқоридагиларнинг исботи учун бир мисолни кўрсатиб ўтиш жоиз. Айрим олимлар тахминича, Тошкент аҳолиси 1995 йили 2523 минг, 2000 йили 2772 минг кишига етиши керак эди. Бу тахминлар анча юқори бўлганлиги аниқ бўлиб қолди. Аслида Тошкент аҳолиси 1995 йили 2116 минг ва 2000 йили 2161 минг кишини ташкил этди. Шундай қилиб, 1995 йил учун қилинган мўлжал билан ҳақиқий аҳвол ўртасидаги фарқ 400 минг, 2000 йилгача бўлган фарқ эса 700 мингга ташкил этди.¹

Тошкент фақат аҳолисининг сони билангина эмас, саноат ривожланиши даражаси бўйича ҳам Марказий Осиё худудидаги энг йирик шаҳар ҳисобланади. Шаҳардаги ўнлаб саноат тармоқлари ичида машинасозлик, электр-энергетика, кимё, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат саноати кўзга кўринарли ўринни эгаллайди.

¹ Қаранг. Тошкент энциклопедияси, Т., 1992 йил, 56-бет.

Тошкент шаҳрида машинасозлик тармоғи таркибига кирувчи қатор йирик корхоналар ишлаб турибди. Улар трактор заводи, кабель заводи, тўқимачилик комбинати, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, тўқимачилик машинасозлиги, кимё ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, агрегат заводи каби қатор йирик саноат корхоналаридир. Саноат корхоналари орасида авиация саноатининг йирик корхоналаридан бири бўлган В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу Бирлашма иккинчи жаҳон уруши бошланиши туфайли Москва вилоятининг Химки шаҳридан кўчириб келинган В. Чкалов номидаги авиация заводи негизида 1941 йили қад кўтарган. Бир неча минг ишчини ўз ичига олган бу корхонани шаҳар ичидаги шаҳар деб аташ мумкин. Ушбу бирлашма таркибига Тошкентдаги асосий корхонадан ташқари Фарғона ва Андижон шаҳарларидаги заводлар ҳам киради. Бирлашма иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий самолётлар ишлаб чиқариб, уларни жанг майдонларига юбориб турган. Эндиликда эса заводда ишлаб чиқарилаётган самолётлар жаҳоннинг қатор мамлакатларига йўловчиларни ташимокда.

Шаҳар саноат корхоналарига республикада ишлаб чиқариладиган турли хил кабел маҳсулотлари, металл қирқиш дастгоҳлари, трактор ва автомобиль тиркамалари, йигирув ва тўқув машиналарининг 100 фоизи тўғри келади. Пахта терадиган, кўсак чувийдиган, ерга уруғ қадайдиган машиналар, телевизорлар, магнитофонлар, музлатгичлар, ип газламалар, устки ва ички трикотаж, турли хил винолар ишлаб чиқариш ҳам алоҳида ўринга эга. Бу ерда экскаваторлар, кучланиш трансформаторлари, электр кранлари, турли хил халқ истеъмолчи моллари каби яна қатор маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Саноат корхоналари ўз фаолияти, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари тури ва сифати жиҳатидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларига ўтиш давридаги талабларга мос тарзда йўлга қўйилган. Масалан, Тошкент трактор заводи қишлоқ хўжалигида бутун йил давомида турли-туман ишларни бажара оладиган, маълум бир мавсумни кутиб турмайдиган тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Тошкентдаги корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар фақат республика эҳтиёжи учунгина хизмат қилмай, балки қатор хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

2001 йил баҳорида Тошкент саноати тараққиёти соҳасида муҳим бир воқеа содир бўлди — улкан саноат мажмуи ишга тушди. “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат ҳиссадорлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи фойдаланишга топширилди. Ушбу завод ўрнида илгари вагонларни депо даражасида таъмирлайдиган кичкина корхона бор эди. 1996 йили Ўзбекистон ҳукумати билан Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит битими тузилиб, мазкур корхонани йўловчи вагонларни таъмирлашга мўлжалланган заводга айлантириш мақсадини кўзлаб Япониядан маълум миқдорда кредит олинди.

Қисқа вақт мобайнида Германия, Япония, Нидерландия, Буюк Британия, Канада, Финляндия, Польша давлатларидан зарур замонавий ускуналар, йигирма бешта вагон ва эҳтиёт қисмлар келтирилди.

Ушбу вагонларни таъмирлаш заводида ҳозирча 800 ишчи ишламоқда. Корхона тўла қувват билан ишлашга эришгач, (2002 йил) ишчилар сони салкам 1300 кишига етказилади, таъмирланадиган вагонлар сони эса 450 тадан ортади. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиёда бошқа бундай корхона йўқ. Илгари республикадаги вагонлар таъмирлаш учун Россияга юборилар ва унинг эвазига 50-70 минг АҚШ доллари сарф бўлар эди. Энди бу маблағлар тежаладиган бўлди.

Тошкентда қатор хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар вужудга келтирилган. “ЎзБАТ”, “Спектр”, “Совпластитал”, “Кабул-Ўзбек” каби қўшма корхоналар шулар жумласидандир. Улар маҳаллий эҳтиёж учунгина ишламай, ўз маҳсулотларининг маълум миқдорини чет элларга экспорт қилмоқда.

Ўзбекистонда чет эл сармоялари асосида вужудга келтирилган корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 46 фоизи асосан Тошкентдаги корхоналарга тўғри келади.

Ҳозирги кунда республика ялпи маҳсулотининг 16 фоизи, саноат маҳсулотининг 20 фоизи, ташқи савдонинг қарийб 30 фоизи республика пойтахтига тааллуқли. Тош-

кентда ишлаб турган 2350 га яқин корхоналарнинг деярли 90 фоизи нодавлат соҳасига тегишли. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш натижасидир.

Тошкент республиканинг транспорт алоқаларида ҳам катта ўрин тутади. У Марказий Осиё минтақаси транспортининг бирлашган йирик марказидир. Республика пойтахтида мавжуд бўлган иккита йирик — Шимолий ва Жанубий темир йўл вокзаллари орқали Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг кўпгина минтақаларига поездлар қатнаб турибди. Тошкентдан турли томонларга кўплаб йирик автомобиллар йўли тарқалган, уларнинг энг каттаси (708 км) — Катта Ўзбек шоҳ йўлидир. Тошкент ҳалқа йўли, мустақиллик йилларида қурилган ҳашаматли, бақувват кўприklar транспорт тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир шаҳарда кичик ҳалқа йўли ҳам қурилмоқда. Унинг узунлиги 32 километр бўлиб, транспорт ҳаракатини яхшилаш ва такомиллаштиришни яна бир босқичга кўтариш имконини беради.

Шаҳар транспорти тараққиёти тарихига бир назар ташласак, Тошкентда бундан роппа-роса юз йил илгари — 1901 йили Бельгия давлати концерни томонидан қурилган от билан юрадиган трамвай ҳаракати йўлга қўйилган. Шунга кўра бу трамвай “конка” деб ном олган эди. Шаҳар оммавий транспорт ривожига 1913 йилда қурилган тор изли трамвай йўли туфайли асос солинган. Дастлабки автобуслар 1926 йили, таксилар — 1939 йили, троллейбус ҳаракати 1946 йилда бошланган. 1977 йил ноябрида шаҳарда метро қурилиб ишга туширилди. Тошкент метроси икки йўналишдаги 25 та бекатни қамраб олган бўлиб, унинг узунлиги 29,8 километрни ташкил этади. Аҳолиси 2 миллиондан ошиб кетган азим шаҳар учун метро ниҳоятда қулайдир. Шаҳарда метронинг янги йўналишларини қуриш борасида жадаллик билан улкан ишлар амалга оширилдики, натижада Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида метронинг Юнусобод даҳасига қатнайдиغان (6 км. масофага эга) янги йўналиши фойдаланишга топширилди.

Республика пойтахти Тошкент маданият, санъат, фан, умумий таълим, тиббиёт ва аҳолига хизмат кўрсатадиган қатор соҳалар кенг ривож топган шаҳар ҳамдир.

1873 йили Тошкентда биринчи илмий ташкилот — астрономия обсерваторияси ишга тушди. 1943 йили Ўзбеки-

стон Фанлар академияси ташкил топди. Ҳозир унинг таркибида ўнлаб йирик илмий-тадқиқот институтлари катта илмий ва амалий ишларни олиб бормоқда.

Тошкент олий ўқув юртларининг ҳам йирик марказидир. Ҳозир республикада мавжуд бўлган 62 олий ўқув юртларининг 28 таси Тошкентда жойлашган бўлиб, уларда таълим олувчи талабалар сони 68 мингдан ортиб кетди. Мустақиллик йиллари қатор олий ўқув юртларига университет мақоми берилди.

Фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистонда олий таълимнинг ташкил топиши ва ривожланишида Тошкент Давлат университети етакчи ўринни эгаллайди.

Маълумки, қатор соҳалар бўйича етук мутахассис-кадрлар тайёрлаш ўчоғи бўлган ушбу олий ўқув юртининг ташкил топган вақти 1920 йил деб эълон қилинган. Ҳолбуки, Россия халқ комиссарлиги томонидан Тошкент Давлат университетини ташкил этиш тўғрисида чиқарилган Декретидан икки йил аввал илм тараққиётига чанқоқ бўлган жадидлар ташаббуси билан Туркистонда университет очиш тўғрисида 1918 йил 18 май ойида қарор қабул қилиниб, Мунавварқори Абдурашидхонов ушбу университетнинг биринчи ректори этиб тайинланган эди. Ушбу нуфузли лавозимни қабул қила туриб, Мунавварқори Абдурашидхонов ўзбек элида вужудга келган биринчи олий ўқув юрти кучоғида Ватанни тиклаш, халқнинг куч-қувватини, ижодкорлик имкониятларини илм-фан ривожига қаратишга чақириб, туғилаётган университет оммани маърифат ва тараққиёт сари етаклашда муҳим восита бўлиб қолишига ишонч билдирганди.

Мамлакат миллий тараққиётини кучайтириш йўлида маърифатпарвар жадидлар кўрсатган буюк хизматларини тақдирлаш ҳамда тарихий ҳақиқатни тиклаш мақсадида Республика Президентининг 2000 йил 28 январда чиқарган Фармонига кўра, мамлакат олий юртларининг энг кексаси ҳисобланган университетга “Миллий Университет” мақоми берилди. Эндиликда бу табаррук олий ўқув юрти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталадиган бўлди.

Бундан олдинроқ, 1999 йил 7 апрелида мамлакат Президенти халқимизнинг муқаддас эътиқоди — ислом фани-

га оид бой маънавий-маданий меросни асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотларни олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш ҳамда аждодаримиздан қолган ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш мақсадида “Тошкент Ислом Университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди.

Диншунослик асослари йўналишларини, илмий тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган давлат ва жамоат ташкилотлари, диний муассасалар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган малакали мутахассис — бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш ҳамда мавжуд кадрларнинг малакасини ошириш университетнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси пойтахтида Ислом Университетининг ташкил этиш борасида моҳият жиҳатидан ўта эътиборли бўлган, юқорида айтиб ўтилган Фармонни тезроқ ҳаётга жорий этиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 6 майда “Тошкент Ислом Университети фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Ушбу қарорда университет таркиби, унга талабалар қабул қилиш тартиб-қоидалари кўриб чиқилган, мутасадди вазирликлар ва бошқармаларга, шу жумладан, республиканинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат Фан ва техника қўмитаси, Молия ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари ва бошқаларга Фармонда ўз аксини топган вазифаларни сўзсиз бажариш тўғрисида топшириқлар берилган.

Тошкент шаҳрида юқорида айтиб ўтилган университетлардан ташқари, яна бир нечта университетлар фан-маданиятнинг турли жабҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида катта ишларни амалга оширмақ-

далар. Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети, Тошкент Давлат шарқшунослик университети, Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент Давлат аграр университетлари шулар жумласига киради. Бундан ташқари, турли соҳалар бўйича яна 20 та олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Маърифат ва маданият савиясини ошириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш ҳамда уни амалга оширишда иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етказиш ва уни янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикасининг стратегик ва устувор йўналишига айланди. 1997 йили давлат аҳамиятига эга бўлган бир йўла иккита қонун: “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида” Қонун қабул қилиниши бунинг яққол тимсолидир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама камол топган, етук шахсни шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўяди. Узлуксиз таълим инсонни ақл-заковатли қилиб тарбиялашда катта ва муҳим ўрин тутиши лозим. “Миллий дастур” фуқароларнинг мамлакатимиз ҳаётий қомуси Конституцияда белгиланган асосий ҳуқуқларидан бири — таълим олиш, шахнинг ижодий қобилиятларини намоён қила билиш имконини беради ва бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратади. Таълим-тарбия соҳасида маркетингни вужудга келтириш ва уни ривожлантириш ҳамда мутахассис кадрларни тайёрлаш йўли билан бу борада хизмат кўрсатиш бозори юзага келади. Давлат ва нодавлат таълим ўчоқлари, пуллик маслаҳат ва таълим борасида аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилади. Ана шу йўл билан таълим тизимида ҳам бозор муносабатлари қарор топади.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўз аксини топган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий қилиш муҳимлиги ҳақида Президентимиз И. Каримов Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрелида бўлиб ўтган ўн тўртинчи сессиясида батафсил фикр юритди.

“Миллий дастур”да назарда тутилган янги турдаги ўқув юртларини ташкил этиш ва уларнинг самара билан шакл-

ланиши, фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибида ўрта махсус таълим маркази ташкил этилди.

Кейинги қисқа муддат ичида бу соҳада катта ишлар амалга оширилди. Биргина Тошкент шахрининг ўнлаб кундузги умумтаълим мактабларида лицейлар, гимназиялар, шунингдек академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди, улар бежирим бинолар, зарур ўқув ва техник қуроллари билан таъминланди.

Тошкент шахрида маданият, санъат соҳалари анча кенг ривожланган. Шаҳарда 160 кутубхона, 70 клуб, турли соҳалар бўйича 24 музей, 13 театр фаолият кўрсатиб турибди. Қатор хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда, турли шифохоналар энг замонавий техника ва технология билан жиҳозланмоқда. Ҳар 10 минг кишига Тошкентда 80 врач, 131 ўрта тиббиёт ходими, ҳар 10 минг болага касалхоналарда 32 тага яқин ўрин тўғри келади. Умуман мустақиллик йилларида инсон саломатлиги масалаларига диққат-эътибор тобора кучайган.

Республикамиз пойтахти Тошкент келажаги ҳозиргидан-да гўзал, инсон учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган шаҳарга айланиши шубҳасиз.

САМАРҚАНД

Самарқанд Ўрта Осиёнинг кўҳна шаҳарлари орасидагина эмас, балки бутун жаҳондаги қадимий шаҳарлар орасида ҳам ўзига хос, ўзига мос ўринни эгаллайди. 1970 йили ўзининг 2500 йиллигини тантана билан байрам қилган. Шаҳар бунёд бўлганидан бери бутун Ўрта Осиёнинг тарихий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта ўрин тутиб келмоқда. Самарқанд шахри гўзал, тобора ривожланиб бораётган, табиий географик шароити қулай Зарафшон водийсида жойлашган. Унинг шимоли-шарқий қисмида чўққилари доимо оппоқ қорлар билан қопланиб турган Туркистон тоғ тизмаси мавжуд.

Савдо карвонлари ўтадиган йўлларда ўрнашган. Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатишда катта мавқега эга бўлган Самарқанд бир неча аср илгариеқ қадимий цивилизациянинг йирик марказига ва Ўрта Осиё

халқларининг маданий анъаналарини кўп жойларга тарқатувчи воситага айланди.

Шаҳарнинг гуллаб-яшнаши, ҳар томонлама ривож топишида, жаҳонга танилишида унинг «Буюк ипак йўли»да жойлашганлиги ҳам катта ўрин тутганлиги, шубҳасиз. Кўплаб шоиру ёзувчилар, тарихшунослар, сайёҳлар уни бежиз «Жаҳоннинг қимматбаҳо гавҳари», «Шарқ Рими», «Қадимги Шарқ жаннати» каби ажойиб номлар билан аташмаган. Самарқанд халқ маданиятининг бебаҳо хазинаси, дурдонаси ҳисобланиши ҳам ана шундан. Дарҳақиқат, бу гўзал шаҳар Шарқ мусулмонлари ўлкасининг дурдонасидир. Самарқандга келган айрим сайёҳлар уни минг бир кечадаги эртақларга ўхшатган.

Осори-атиқалари билан жаҳон аҳлини ўзига мафтун этган Самарқанд ҳақида қадимги юнон тарихчилари, шарқшунослари солномалар ёзишган, ёзувчилар, шоирлар кўшиқлар, ғазаллар яратишган, ер юзининг қатор мамлакат сайёҳлари, олиму фузалолари уни халқ даҳосини асрлар саҳифасига муҳрлаган ажойиб, кўли гул усталарининг, зукко меъморларининг, бетимсол қурувчиларининг бадиий ва илмий тафаккур йиғиндиси сифатида тилга оладилар. Амир Темур фикрича, Самарқанд жаҳоннинг биринчи шаҳри бўлмоғи керак эди.

Афсонавий шаҳарнинг тошдан бунёд этилган монументал иншоотлари киши кўзи ўнгида миллий маданиятнинг ўзига хос томонларини ёрқин, чуқур очгани ҳолда бутун нафислиги ва назокати билан намоён бўлади. Улуғвор, бетакрор, ўта нодир архитектура иншоотлари бугунги кунгача сақланган бўлиб, улар оддий кишилар — тарихнинг ажойиб ижодкорлари кўллари, ақл-идроки билан бунёд этилган. Кўли гул усталар асрлар мобайнида ўлмас ёдгорликлар яратдилар, улар ҳам кишини ҳайратга келтиради, фахрланиш ҳиссини уйғотади. Зарб қилиш, шойи тўқиш ва бошқа турли хил буюмлар ясашнинг моҳир усталари тарихда ўчмас из қолдирганлар.

Самарқандда Шарқнинг машҳур олимлари, шоиру ёзувчилари, таниқли мўйқалам усталари яшаганлар ва ижод этганлар. Улар орасида Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Рудакий, Қозизода Румий, Али Кушчи (Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Кушчи Самарқандий) ва бошқа мутафаккир-алломалар бор.

1371-1372 йилларда Самарқанд шаҳри етти километр-ли девор билан ўралган. Деворда шаҳарга кириб-чиқиш учун олтита дарвоза қурилган. Шаҳарнинг ғарбий қисмидаги қалъа Амир Темурнинг қароргоҳи бўлиб хизмат қилган. Қароргоҳ ичкарасидаги Кўксаройда хорижий давлатлардан ташриф буюрган элчилар, ҳарбий кўмондонлар ва кўзга кўринган бошқа шахслар Амир Темур томонидан қабул қилинган. Кўксарой яқинида ҳукумат идоралари ва курул-яроғ устахоналари бўлиб, Регистон майдони Самарқанднинг расмий маркази деб эътироф этилган.

Амир Темур замонасида қурилган ажойиб Шоҳизинда мақбараси, Бибиҳоним мачити, Гўри Амир мақбараси каби ноёб обидалар бизгача етиб келган. Шаҳар атрофида Боғичинор, Боғидилкушо, Боғибаланд, Боғишамол каби боғсаройлар қад кўтарган.

Мирзо Улуғбек қирқ йил — 1409 йилдан то умрининг охирига қадар мамлакатга бошчилик қилди. Ана шу давр ичида Самарқанд Ўрта аср илм-фанининг жаҳоншумул марказларидан бирига айланди. XV асрнинг биринчи ярмида Мирзо Улуғбек атрофида бутун бир илмий йўналиш — астрономик мактаб вужудга келди. Ушбу мактабда ўз замонасининг кўзга кўринган астроном ва математиклари: Жамшид ибн Масъуд, Қозизода Румий, Али Қушчи каби етук олимлар эзгу мақсадларда бирлашдилар. Улуғбек асос солган мактабларда диний илмлардан ташқари жуғрофия, тарих, фалакиёт каби дунёвий фанлар ҳам ўқитилган.

Мирзо Улуғбек билимдон давлат арбоби, ўз замонасининг кўзга кўринган олими эди. Самарқанд музейида XVII аср Европа гравюрасининг нусхаси сақланган. Унда жаҳоннинг олти йирик астроном олимлари, жумладан, Птоломей, Коперник ва Тихо де Брагелар даврасида Мирзо Улуғбек ўтирибди. Йирик француз астрономи, математик, физик Лаплас Улуғбекни муносиб тарзда «Энг буюк тадқиқотчи» деб атаган эди.

Улуғбек илм-фан, олимлар қадр-қимматини юқори кўтаришга интилди. «Подшоҳликлар барбод бўлади, аммо олимлар иши мангу қолади», деган эди у.

Ҳар томонлама юксак истеъдодга эга бўлган қомусий олим жаҳон фани ва тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини эътиборга олиб, жаҳоннинг нуфузли ташкилоти

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 27-сессияси унинг юбилейи — таваллудининг 600 йиллигини дунёвий қадриятлар рўйхатига киритиш ва бу санани 1994 йилда жаҳон миқёсида байрам қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Мамлакат Президенти И. Каримов 1994 йилни «Мирзо Улуғбек йили» деб эълон қилиш ҳақида Фармонга имзо чекди. Шундай қилиб, 1994 йил кузида Ўзбекистон Республикасида ЮНЕСКО билан биргаликда буюк ватандошимиз таваллудининг 600 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

Бу сана сайёрамизнинг бошқа минтақаларида ҳам кенг нишонланди. Жумладан, Улуғбек шарафига бағишланган тантаналар Европанинг энг гўзал шаҳарларидан Парижда ҳам кенг нишонланди. Ушбу шаҳарда «Улуғбек ва буюк теурийлар даври» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари Улуғбек йирик олим ва мутафаккир сифатида жаҳон тарихига киргани, дунё фани ва маданияти хазинасига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидладилар. Конференцияда Теурийлар даври фани ва маданияти вакиллари нафақат Туркистон, балки бутун дунё маданияти ва фани, тарихи саҳифаларини безатаётганлиги таъкидланди.

XV асрнинг 60-йилларида Самарқанд шаҳрида буюк ўзбек шоири, давлат арбоби Алишер Навоий яшади ва ижод этди. Алишер Навоийнинг 1465 йилдан 1469 йилгача Самарқандда бўлиши унинг шоирлик қобилиятининг янада ривож топишида, янада серқирра бўлишида муҳим аҳамият касб этди. Ана шу уч йиллик қисқа давр ичида Мирзо Улуғбек жаҳон узра донг таратган олимлардан Платон, Аристотель, Абу Али ибн Сино ва самарқандлик қатор файласуфлар асарларини чуқур ўрганди.

Кўҳна Самарқанд тарихи билан Шарқнинг қатор кўзга кўринган давлат арбоблари, олимлар, шоиру ёзувчилар, рассомлар, ажойиб меъморлари номи чамбарчас боғлиқ. Жаҳонга танилган бундай алломалар орасида улуғ шоир Абу Абдуллоҳ Рудакий, буюк сўз устаси Умар Хайём қисқа вақт Самарқандда яшаган. Умар Хайём Самарқандда математика, астрономия, фалсафа фанларини ўрганишга ҳаракат қилди. Бу аллома қаламига мансуб шеърят жаҳон адабиёти дурдонасига айланган.

Самарқанд шаҳрининг маънавий ҳаётида Муқимий, Фурқат, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний каби ўзбек ва тожик халқининг қатор ажойиб фарзандлари муносиб ўрин эгаллаганлар.

Самарқанд ўзининг тарихий архитектура ёдгорликлари туфайли бутун оламга машҳур бўлган ҳақиқий музей шаҳридир. Бу ерда уч юзга яқин меъморий ва 2 мингдан ортиқ археологик ёдгорликлар мавжуд. Булардан Афросиёб, Шоҳизинда, Бибихоним, Гўри Амир, Регистон, Улуғбек расадхонаси каби тарихий обидалар жаҳон аҳли диққат-эътиборини қозонган.

Афросиёб. Ҳозирги Афросиёб катта-кичик тепаликлардан иборат бўлиб, бир вақтлар бу ерда ҳаёт қайнаган. Шунинг учун ҳам ёдгорликнинг йирик маркази бўлган Афросиёбга ҳозир қизиқиш ниҳоятда катта.

Афросиёбнинг айрим жойларидаги деворларда машҳур Самарқанд мусаввир-усталари кўли билан яратилган турли хил расмлар бор, ғарбий қисмида катта мачит мавжуд бўлган. Бу мачитда Чингизхон аскарларидан шаҳарни ғимоя қилган охирги ғимоячилар нобуд бўлган. Мачит атрофида қолиб кетган совут парчалари, камон ўқлари шундан дарак беради.

Афросиёбда сополдан ясалган турли идиш-товоқлар, шиша буюмлар, танга-чақалар, турли-туман яроғ-аслаҳалар, аёллар зеби-зийнатлари ҳам топилган. Археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган турли-туман топилмалар кўҳна Самарқанднинг кўп асрлик ҳаёт тарзидан маълумотлар беради.

Афросиёбнинг жануби-шарқий қисмида Хўжа Абди Дорун мақбараси бор. Ушбу мақбара Нодир Девонбеги томонидан XVII асрда бунёд этилган. Нодир Девонбеги бу мақбарадан ташқари яна иккита бино — шаҳар ташқарисида мачит ва Хўжа Аҳрор мадрасасини ҳам бунёд этган.

Обиданинг жанубий қисмида XIX аср ўрталарида Ҳазрати Хизир мачити қурилган, мачит 1913 йили қайта таъмирланган.

Шоҳизинда. Ушбу ёдгорлик жаҳонга машҳур меъморчилик иншоотларидан бири бўлиб, Самарқанд шаҳрининг шимоли-шарқий қисмида қад кўтарган. Мақбара ва ибодат қилинадиган қатор биноларни ўз ичига олган, «Тирик шоҳ» деган маънони билдирувчи Шоҳизинда ёдгорлиги

мажмуаси XI асрдан XIX аср ўртасида, яъни тўққиз аср давомида бунёд этилган. Йигирмадан ортиқ иншоотларни бирлаштирган маҳобатли бу обида йигирма беш асрлик Самарқанд тарихини ифодаловчи ягона археологик ва архитектура ёдгорлиги ҳисобланади. Шоҳизинданинг чап ва ўнг томонларида Амир Темурнинг энг яқин қариндошлари, жумладан, унинг хотини ва синглисининг қабрлари бор. Ёдгорликнинг «Тирик шоҳ» дейилиши билан боғлиқ бўлган ривоятларга қарганда бу ном Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос қабри ҳақидаги тахминлар билан боғлиқ. Бу тахминларга қараганда, Қусам ибн Аббос VII асрда араб босқинчилари билан бирга Самарқандга келиб, ислом динини тарғиб қилган ва ҳудода ишонмаганлар қўлида ҳалок бўлган. Шунда у танасидан жудо бўлган калласини қўлига олиб қудуққа тушган ва яшашда давом этган. Бундан биров фарқ қиладиган яна бир афсонада Қусам ибн Аббос ўзининг бир маърузасидан кейин ўз қўли билан калласини танасидан жудо қилиб ва уни қўлтиғига олиб, горга кириб кетган ва гўё шундан бери ҳамон тирик эмиш.

Шоҳизинда мажмуасини «пастки», «ўрта» ва «юқори» гуруҳларга бўлиш мумкин. Бу гуруҳлар бир-бири билан арк — гумбаз айвони билан боғланиб туради.

Ёдгорликнинг пойдевори, девор ва бурчакларининг баъзи қисмлари сақланиб қолган, холос. Ундаги жанубга қараган улуғвор пештоқни 1434-1435 йилларда Улуғбек қурдирган. Ўрта Осиёлик қўли гул усталар томонидан амалга оширилган ишлар, рассомлар томонидан солинган ажойиб бетакрор расмлар мавжуд.

Машҳур Шоҳизинда ёдгорлигини илмий жиҳатдан мукамал ўрганиш ишлари XIX асрда бошланди ва кейинчалик тадқиқот ишлари кучайтирилди. Олиб борилган илмий-тадқиқотлар туфайли арзигулик фонд ташкил топди. Ёдгорликни емирилишдан сақлаш ва таъмирлаш боида зарур ишлар давом эттирилмоқда.

Бибиҳоним. Самарқанднинг Ўрта аср даврига оид архитектура иншоотлари орасида ўта муҳим ўринни Бибиҳоним жоме мачити эгаллайди. Ушбу ажойиб ёдгорлик қурилиши Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган голибона юришидан кейин, 1399 йилда бошланган ва унинг қурилиши беш йил давом этиб, 1404 йили тугалланган.

Соҳибқирон Амир Темур Бибиҳоним ёдгорлигини ўзи бўлган минтақаларда кўрган барча ёдгорликларидан гўзалроқ, ҳашаматлироқ бўлишини орзу қилган эди. Ана шу орзу-ниятни рўёбга чиқариш мақсадида Амир Темур ёдгорликни бунёд этиш учун Шарқнинг қатор мамлакатларидан кўзга кўринган меъморлар, рассомлар, турли ҳунароманд-усталарни жалб қилган. Ҳиндистон, Озарбайжон каби мамлакатлардан таклиф қилинган икки юзта тошкесар усталар ёдгорлик қурилишининг ўзида, 500 га яқин ишчилар эса тоғлардан тошлар йўниб, уларга ишлов бериб Самарқандга, яъни қурилишга етказиб бериб туриш билан банд бўлган.

Узунлиги 130, эни 102 метр бўлган тўғри бурчакли майдонни эгаллаган. Мажмуанинг ғарб томонида асосий мачит, шимолий ва жанубий қисмида эса кичик мачитлар қад кўтарган. Кенг ички ҳовлига мармарлар ётқизилган номозхонлар учун усти ёпиқ жойлар тайёрланган. Мачит ҳовлисига кираверишда баланд пештоқ ва кўш минора қурилган. Барча хоналарнинг ташқариси чиройли қилиб сирли фиштар билан қопланган ва диний ҳикматли иборалар ёзилган. Биноларнинг ички қисми ҳашаматли қилиб кошинлар, сирланган гулдор сополлар, ўймакорлик билан ишланган мармарлар, зарҳаллар билан зийнатланган.

Бу ажойиб ёдгорликка давр ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. У Амир Темур ҳаётлигидаёқ нурай бошлади. Эндиликда эса, у тикланиб илгариги ҳолатига келтирилган.

Гўри Амир. Жаҳонга маълуму машҳур бўлган бу мақбара Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб асарларидан бири сифатида тан олинган. Ёдгорлик баъзан «Жаҳон гўри» деб ҳам аталади. Бунинг боиси мақбарада Мадина шайхи ва Амир Темурнинг маънавий устози Мирсаид Барака дафн этилган.

Гўри Амир мақбараси қурилиши Соҳибқироннинг севимли набираси ва тахт вориси Муҳаммад Султоннинг 1403 йили тўсатдан вафот этиши туфайли бошланган. Иншоот Улуғбек даврида тугалланиб, Амир Темур ва темурийлар сулоласининг хилхонасига айлантирилган. Маълум вақт ўтиб, 1405 йили бандаликни бажо келтирган Амир Темур жасади ҳам шу мақбарага қўйилган. Гўри Амир ёдгорлигида Амир Темурнинг икки фарзанди — Шохруҳ ва Ми-

роншоҳ ва яна бир набираси Мирзо Улуғбек ҳам дафн этилган.

Мажмуадан мадраса ва хонақоҳларнинг пойдевори, саройнинг жанубий ва кириш пештоқи, қурилган тўрт минорадан бирининг маълум қисми ҳозиргача сақланган.

Мақбаранинг пастки қисми сирланган ғишт ва ганчдан ишланган. Ёдгорик пештоқини безаган машҳур уста Муҳаммад ибн Исфаконий номи ҳам девор сиртига битилган.

Мақбарада битта гумбаз ва сағанали иншоот мавжуд, ташқи томони ҳам киши эътиборини тортадиган даражада безатилган. Мақбаранинг диаметри 15 метр, баландлиги 12,5 метрли гумбазининг сирти сирланиб, зангори рангга бўялган. Гумбазнинг арқон тақлид ўрами товланиб, унинг хуснига-хусн қўшган, ички қисми зарҳалланган ва жило берилган, улар товланиб туради.

Мақбаранинг ички томонига ишланган безаклар Самарқанд ва Ўрта Шарқда ном чиқарган машҳур усталарнинг ажойиб ишларини кўз-кўз қилиб турибди.

Гўри Амир мақбараси маълум даражада яхши ўрганилган ёдгорликлар қаторига кириб, мажмуа ҳудудида ўтказилган археологик изланишлар Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақоҳларнинг пойдеворини аниқлашга имкон берди.

1941 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг археолог олимлари иштирокида уюштирилган экспедиция Гўри Амир мақбарасини ўрганиб чиқди ва Амир Темурнинг қиёфаси ҳақидаги тарихий маълумот, Улуғбекнинг фожиали ўлдирилиши ҳамда темурийлар сулоласидан дафн этилганлар тўғрисидаги маълумотлар аниқланди.

Регистон. Ўзбек тилига таржима қилинадиган бўлса, Регистон — «Қумли ер» деган маънони англатади. Ушбу тарихий ёдгорлик кўҳна Самарқанднинг юрагидир. Регистонда қад кўтарган ҳашаматли, ажойиб бинолар ўтган асрларда бунёд этилган бўлиб, ҳақли равишда ўз даврининг қурилиш маданияти намунаси ва дурдоналари қаторига киради.

Майдоннинг уч томонида маҳобат билан қад кўтариб турган Улуғбек, Шердор ва Тиллакори каби муҳташам ёдгорликлар мавжуд.

Олий диний билим юрти, Ўрта асрларга ҳос дорилфунун — Улуғбек мадрасасида дастлаб элликта ҳужра бўлиб,

уларда юздан ортиқ талабалар яшаган ва ўқиган. Айтишларича, бу талабалар орасида машхур шоир Жомий ҳам бўлган.

Мадраса биноси дастлаб икки қаватли, тўртта гумбаз ва тўрт чеккасида тўртта баланд миноралар бўлган. Давр ўтиши, табиий ҳодисалар, жумладан, zilzilалар ва ўзаро урушлар таъсиридан мадраса катта талафот кўрган. Ташқи гумбазлар, иккита минора ва хонақоҳларнинг кўпчилиги бузилиб кетган.

XVII асрга келиб, Регистонда иккита маҳобатли бино — Шердор ва Тиллакори мадрасалари қад кўтарган. Ушбу мадрасалар ўзларининг катталиги ва безаклари билан ажралиб турар, лекин барибир меъморчиликнинг ажойиб, ўлмас ёдгорлиги ҳисобланган Улуғбек мадрасаси олдиға туша олмас эди. Шердор мадрасаси («Шерли бино») Улуғбек мадрасасининг такрори деса ҳам бўлади. Мадраса Самарқанд ҳокими амир Ялангтўш фармони билан 17 йил давомида қурилган. Мадраса қурилиши тугагандан ўн йил ўтгач, Регистоннинг шимолий томонида Тиллакори мадрасаси қурила бошланган. Тиллакори — «зар билан безатилган» деган маънони билдиради. Мадрасада талабаларни ўқитишдан ташқари, у жоме мачити вазифасини ҳам ўтаган.

Улуғбек расадхонаси. Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари орасида Улуғбек расадхонаси алоҳида аҳамиятға эға. Расадхона Кўҳак тепалигида, Обираҳмат ариғи бўйида 1428-1429 йиллар мобайнида Улуғбек фармойиши билан қурилган.

Расадхона қурилиб бўлингач, Самарқанддаги меъморчиликнинг нодир намуналаридан бириға айланган. Уни ўз кўзи билан кўрган Бобур фикрича, ушбу ёдгорлик уч қаватли доира шаклидаги бинодан иборат бўлиб, диаметри 46 метр, баландлиги 30 метрдан бироз ортиқ бўлган. Расадхона замонасининг нодир иншооти, ундаги мрамрдан ясалган улкан секстант осмон ёритгичлари — Қуёш, Ой, сайёраларнинг самода жойлашиши ва ҳаракатини аниқлаш учун хизмат қилган.

Мирзо Улуғбек «Зиж Кўрагоний» асарларини шу даврда яратган («Зиж» форсча «Зик» сўзидан олинган — «Жадвал» деган маънони билдиради). Бу ерда яратилган астрономия каталоги — кейинчалик Улуғбек томонидан яратил-

ган «Осмон жадвали» деган номни олган. Бу жадвал устида қатор олимлар Улуғбек билан ёнма-ён туриб, узоқ вақт илмий тадқиқотлар олиб борганлар ва 1437 йилга келиб бу тадқиқотлар охирига етказилган. Шуниси диққатга сазоворки, олимлар тадқиқотларни оддий кўз билан кузатиш ёрдамида олиб борганлар, чунки у пайтларда ҳали оптик асбоблар йўқ эди.

Улуғбек томонидан тузилган астрономик жадвалда 1018 собита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Улуғбек яратган астрономик жадвал ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Мирзо Улуғбек юлдуз йили даврини катта аниқлик билан белгилаб берганки, бунга жаҳон олимлари ҳанузгача ҳайратдадир.

Улуғбек ҳисоблари юлдуз йили 365 кун 6 соат 10 дақиқа ва 8 сониядан иборат эканлигини кўрсатиб берган. Бу ҳисобларнинг кейинчалик олиб борилган тадқиқотлар ёрдамида аниқланган ҳисоблардан фарқи бор-йўғи бир дақиқадан кам бўлган.

Мирзо Улуғбек ташкил этган астрономия мактаби қўлга киритган ютуқлар Ғарб ва Шарқ мамлакатларида, Хитой, Ҳиндистонда фан тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди.

Расадхонада кутубхона ҳам бўлган. Иншоотнинг ички деворларига осмон, юлдузлар харитаси, тоғ, денгиз, мамлакатлар тасвири туширилган. Ер шари тасвири ҳам ишланган.

Улуғбек вафотидан сўнг расадхона бир неча ўн йиллар давомида фаолият кўрсатиб, илмий тадқиқот ишларига Муҳаммад Али Қушчи ва Мирам Чалабийлар раҳбарлик қилган. Улуғбек бунёд этган расадхона туфайли бундан 500 йил муқаддам Самарқанд жаҳоннинг астрономик маркази деган номга муяссар бўлди.

Улуғбек расадхонаси кейинчалик бузилиб, унинг қаердалиги тарихчилар учун номаълум бўлиб қолди. 1908 йилга келиб археолог олим В.Л. Вяткин катта меҳнатлар эвазига уни топишга эришди. Ҳозирда Расадхона ёнида буюк мутафаккир олим Улуғбекка аталиб ёдгорлик музейи ташкил этилган.

Ишратхона. Самарқанднинг Сўзангарон мавзесида гўзаллиги билан ажралиб турадиган яна бир ёдгорлик —

Ишратхона ёдгорлигидир. Бу ёдгорликни ҳам ўрта осиелик меъмор усталар яратган. Ўзининг шинамлиги ва жозибадорлиги туфайли халқ орасида «Хурсандчилик ором уйи» деган номга сазовор бўлган бу ёдгорликни ҳам халқ Амир Темурга тегишли деб ҳисобларди. Кейинчалик Ишратхона Султон Абу Саид рафиқаси Ҳабиба Султонбегим томонидан бевақт ҳаётдан кўз юмган қизи хотирасига атаб курдирганлиги аниқланди. Тўртта айланма нарвонлар ҳужралар жойлашган иккинчи қаватга олиб чиқади. Бу мажмуа оддий ва сипо қилиб қурилганлиги билан Темурийлар даврида вужудга келган ёдгорликлардан фарқ қилди.

Эндиликда Самарқанднинг тарихий обидалари сафига яна бир архитектура ёдгорлиги қўшилди. 2000 йил 17 ноябр куни республикамиз, бутун ислом дунёси вакиллари иштирокида Самарқандда илоҳиётшуносликка асос солган олим Имом ал-Мотурудий ҳазратларининг 1130 йиллик юбилейини нишонлади. Муқаддас Чокардиза қабристони қайта тикланиб, бу ерда Имом ал-Мотурудийга хотира мақбараси ўрнатилди.

Самарқанд истиқлол туфайли яна қадимгидек жаҳон халқларининг эъзозу эътиборли шаҳрига, санъат ва маданият ўчоғига, дўстлик, биродарлик масканига айланди. Ҳозир бу ерда қайси миллат, элат вакили билан суҳбат қурманг, Ўзбекистондек гўзал юртда, замин халқлари нигоҳидаги муқаддас Самарқанд тупроғида ерли халқ билан ёнма-ён яшаётганлигидан, меҳнат қилаётганидан, бир ҳаводан нафас олаётганлигидан мамнун бўлиб гапиради. Бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Юртбошимиз Ислом Каримов куйидаги сўзларни бежиз айтган эмас: «Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг ҳокипойларини зиёрат қилишни ўзлари учун шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм талаб, маърифат талаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар, чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур аллома-лар шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди».

Кўҳна Самарқанд ажойиб тарихий ёдгорликлар маркази бўлибгина қолмай, балки у аҳолисининг сони, sanoатининг ривожланиш даражаси, фан ва маданият тараққи-

ёти бўйича ҳам республиканинг энг кўзга кўринган йирик шаҳарларидан биридир.

Самарқанд вилоятининг марказий шаҳри Самарқанднинг аҳолиси бундан юз йил элгари 55 минг кишидан иборат эди, ҳозир эса бу рақам 362 мингга яқинлашиб қолди. Самарқанд шаҳри таркибида шаҳарга бўйсунувчи учта туман: Боғишамол, Сиёб ва Темирийўл туманлари бор.

Самарқанд шаҳрининг ўсиб ривожланишида саноатнинг тутган ўрни салмоқли. Ҳозир шаҳарда замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган ўнлаб саноат корхоналари ишлаб турибди. Уларда минерал ўғитлар, киноаппаратлар, музлатгичлар, лифтлар, турли хил газламалар, пойафзаллар, чой, тамаки, чинни асбоблар, консервалар, турли хил ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Республикамиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши туфайли шаҳар корхоналарида чиқариладиган маҳсулотлар сифатига талаб кучайди. Шунга кўра, бу ерда рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар чиқариш бора-сида катта чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар орасида суперфосфат, холодильник заводи, чинни заводи, қурилиш материаллари чиқарадиган қатор корхоналар ишлаб турибди. Лифтсозлик заводи эса бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон худудида ягонадир. Самарқанд машинасозлиги саноатида 1942 йили Новороссийскдан кўчириб келинган завод негизида қурилган корхона катта ўрин тутди. Маълумки, Ўрта Осиё чойни кўп истеъмол қиладиган худудлар қаторига киради. Шунини эътиборга оладиган бўлсак, Самарқанд озиқ-овқат саноатининг етакчи корхоналаридан бири ва аҳолини турли хил чойларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириб турган Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси ҳисобланади.

1941—1945 йилларда Самарқандга кўчириб келинган корхоналар қаторида «Кинап» заводи ҳам бор эди. Бу корхона ҳам ҳозирда МДХ давлатлари ичида кўзга кўринарли ўринни эгаллайди ва энг янги замонавий техника-технология билан қуролланган. Завод киноаппаратуралар, ре-активлар, трансформаторлар, кучланиш стабилизаторлари, автотрансформаторлар каби зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Самарқанд IX асрда юқори сифатли қоғоз ишлаб чиқариш билан шуҳрат топган. Амир Темур, Мирзо Улуғбек

хукмронлиги даврида фан, маданият ва санъат юқори даражада ривожланган эди. Табиийки, шу муносабат билан қоғозга бўлган талаб-эҳтиёж ошган. Шунга кўра ўша даврда маҳаллий хомашё асосида қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Самарқандда ҳозир бозор талабларига жавоб берадиган қатор кичик ва кўшма корхоналар ишга тушди. Улар турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариш билангина эмас, балки кўплаб иш ўринлари вужудга келтириш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик ривож топмоқда.

1999 йил март ойида Самарқанд саноати соҳасида муҳим воқеа содир бўлди. Шаҳарда Ўзбекистоннинг яна бир автомобиль заводи — «Самкочавто» кўшма корхонаси бунёд этилди. Машинасозликнинг бу корхонаси ҳам, «ЎЗДЭУ» заводига ўхшаб жуда тез фурсатда қурилиб ишга туширилди. Завод 1995 йили «Ўзавтосаноат» ассоциацияси билан «Кочхолдинг» номли Туркия компанияси орасида тузилган битим асосида қурилган. Ушбу заводда йўловчилар учун шинам автобуслар, бир ярим тоннадан саккиз тоннагача юк кўтарадиган автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Самарқанд автомобиль заводида чиқарилаётган чиройли ва қулай автобусларга ташқи бозорда ҳам қизиқиш ортмоқда.

«Самкочавто» корхонасининг ишга тушиши мамлакатимизда ташкил топган ва ривожлана бораётган автомобиль саноатини яна бир поғона юқорига кўтариш имконини берди.

Самарқанд фан, олий таълим, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш бобида ҳам республика шаҳарлари орасида ажралиб туради ва Ўзбекистоннинг йирик илмий марказларидан бири ҳисобланади. Олий ўқув юрглари сони бўйича Самарқанд Республика пойтахти Тошкентдан кейин иккинчи ўринда, Республикада мавжуд 62 олий ўқув юргларидан 6 таси Самарқандда жойлашган. Бу олий ўқув юргларида таҳсил олувчи талабалар 14 минг атрофида.

Самарқанд Давлат университети, Архитектура ва қурилиш институти, Чет тиллар институти, Кооператив институти, Тиббиёт институти, Қишлоқ хўжалик институтлари республика иқтисодининг турли соҳалари учун кўплаб

малакали мутахассис-кадрлар етказиб беришга катта ҳисса кўшиб келмоқда.

Самарқандда бир нечта илмий тадқиқот институтлари фаннинг турли соҳалари бўйича муҳим изланишларни олиб бормоқда.

1935 йили ташкил топган Қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти алоҳида мавқега эга. Ушбу даргоҳ мамлакатимиз қоракўлчилигини ривожлантириш, бу борада қатор муҳим муаммоларни илмий жиҳатдан амалга оширган қатор ишлари билан машҳур. Институт шу соҳани тараққий эттириш назарияси ва илмий асослари, қоракўл терилари стандартлари, хомашёни қайта ишлаш технологияси ва услубияти устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Институтда жаҳон миқёсидаги қоракўл териларнинг намуналари тўпланган.

Самарқандда ўнлаб кутубхоналар, театр ва кинотеатрлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг Самарқанднинг ташқи, қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳозир ушбу кўҳна шаҳарда жаҳон андозаларига жавоб берадиган халқаро аэропорт, кўзни қамаштирадиган кўп қаватли меҳмонхоналар, банк тизимига оид чиройли ва шинам бинолар мавжуд. Кўкаламзорлаштирилган кенг кўчалар, катта майдонлар, хиёбонлар барпо қилинди. Шаҳарда мунтазам ўтказилиб туриладиган «Шарқ тароналари» кўшиқ фестивали довруғи оламга таралди.

Маълумки, Самарқанд иқтисодийнинг сердаромад соҳаси бўлган туризмнинг жаҳондаги асосий марказларидан биридир. Шунга кўра, бу соҳани янада ривожлантиришга, кўплаб чет эл сайёҳларини жалб қилишга қаратилган улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар аҳолиси ва шаҳарга ташриф буюрадиган сайёҳлар, меҳмонларнинг транспортга бўлган юксак талабини қондириш мақсадида шаҳарда мавжуд автобус, троллейбус, трамвай ҳаракати сифатини юқори даражага кўтариш соҳасида ҳам арзигулик ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда Самарқанд ўз чиройи, ўз жозибадорлигини янада ошириб бормоқда.

Самарқанд шаҳри аҳлининг Темурийлар даври улкан маданий ва маънавий, миллий, ноёб тарихий ёдгорлик-

ларни асраб авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш ва уларни озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб етказиш ишига ҳамда илм-фан ривожига қўшган ҳиссалари учун 1996 йил 28 августдаги Президент Фармони билан Амир Темури ордени билан мукофотланди.

БУХОРО

Бухоро ўзининг гўзаллиги, ажойиб тарихий обидалари билан жаҳон аҳлини ўзига мафтун этадиган Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан биридир. Бухоро номига улғувор, салобатли, афсонавий, машҳур, муқаддас каби қатор сифатлар қўшиб айтиладики, уни ҳақли равишда «шараф манзили», «салтанат каъбаси» ва «машҳур кишилар тўпланадиган маскан» деб аташ мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома»сида Бухорони «ўта гўзал шаҳар» деб зикр этган. Қадимий шаҳарнинг ўзига хос зийнати ва нодирлиги — унинг бетакрор меъморий ёдгорликларидадир.

Шарқда шуҳрат қозонган Рудакий, Фирдавсий каби машҳур шоирлар Бухорога атаб қасидалар ёзган. Бухорои шариф Ўрта Осиё меъморчилигининг кўп асрлик тарихи ва асосий ривожланиш босқичларини ўзида акс эттирган ҳақиқий йилномадир. Шаҳарда халқ ақл-заковати билан бунёд этилган ҳар бир кўҳна обида, ёдгорлик тарихдан сўзлайди. Ҳар бир тарихий давр ушбу шаҳарда ўз ёдгорликларини қолдирган. Бухорода тўрт юздан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, бу жиҳатдан у ҳақли равишда Ўрта Осиёдаги музей шаҳарлар орасида етакчи ҳисобланади, десак муболаға бўлмайди.

Сомонийлар даврида Бухоро бутун ислом дунёсининг гўзал ва буюк шаҳрига айланган. У буюк Хитой билан Фарбий Осиё орасида олиб борилган савдо-сотик маркази бўлганлиги билан ҳам машҳур. Шаҳарда шойи ва ип газламалар, кўзни қамаштирадиган гиламлар, кумуш ва олтиндан ясалган буюмлар билан савдо қиладиган турли дўконлардан ташқари, пул бозори ҳам мавжуд эди.

Бухорои шариф Зарафшон дарёси қуйи оқимларида, аҳолиси қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган марказда жойлашган. У кўҳна маданият, савдо-сотик,

хунармандчилик тараққий этган, ўтроқ деҳқонлар билан кўчманчи чорвадорлар орасидаги қулай географик манзилда 2500 йил аввал вужудга келган. Аммо шаҳарнинг ёши бундан ҳам улуғ бўлиши мумкин, деган фикрлар мавжуд. Бухоро ва унинг атрофида археологлар меҳнати тўфайли топилган кўпгина буюмлар ва уларнинг парчалари бу фикрларга ишонч уйғотади. Шаҳар номи дастлаб эра-миздан аввалги иккинчи асрда Хитой сайёҳлари қолдирган ёзувларда тилга олинган.

Олис ўтмишда Бухоро худудидан ўз даври учун аҳамиятли бўлган савдо-иқтисодий йўл — «Буюк ипак йўли» ўтган эди. Бу йўлда савдо-сотикнинг ривож топиши, мамлакатлар орасида маҳсулотлар алмашилиши жараёнининг кучайиши Бухоро шаҳри, унинг атрофидаги манзиллар иқтисодиётининг тез ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган ва катта имкониятлар яратган. XV-XVI асрларда қурилган Тоқи-Саррофон, Тоқи-Телпакфурушон, Тоқи-Заргарон гумбазлари ва Абдуллахон тимининг қурилганлиги Бухоро қадим-қадимлардан савдо-сотик чорраҳаларида ўрнашганлигини кўрсатади.

Шарқнинг кўзга кўринган йирик илм ўчоғи ҳисобланган Бухорода номлари жаҳонга таралган олиму фузалолар, ёзувчию шоирлар, рассомлар улкан ижодий ишларни амалга оширган, замин маданияти, санъатига улкан ҳисса қўшган. Тарихшунос олим Наршахий, шоирлардан Рудакий, Дақиқий, тиббиёт илмининг асосчиси, мутафаккир ва қомусий олим Абу Али ибн Сино ва бошқа машҳур кишилар ана шу замин фарзандларидир.

Бир вақтлар Чингизхон Бухорони вайронага айлантирган эди. Кейинчалик Бухоро аста-секин ўзини тиклади. Ўша даврларда Бухорога қадам қўйган венециялик машҳур сайёҳ Марко Поло Бухорони «Буюк шаҳар» деб эътироф этди.

XIX аср охирларида Бухоро шаҳри орқали Закаспий темир йўли, 1907 йил бошларида эса Бухородан Когонгача темир йўл шохобчаси тортилди. Бундай темир йўлларнинг бунёд этилиши шаҳарнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига ижобий таъсир этди, атрофдаги қўшнилар билан савдо-сотик ишларини яхшилашда туртки бўлди, қатор маданий-оқартув ташкилотлари вужудга келди.

Ўша даврларда Бухоро зардўзлик, шойи газлама, заргарлик буюмлари ва бошқа қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни бошқа худудларга сотишда анча пешқадамлик қилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича иш олиб борадиган махсус ташкилот — ЮНЕСКО томонидан 1993 йили Бухоро шаҳри инсониятнинг бутунжаҳон мероси қаторига киритилди.

Кейинчалик 1995 йили нуфузли ушбу ташкилотнинг Париж шаҳрида ўтказилган 28-сессиясида шаҳарнинг 2500 йиллигини жаҳон миқёсида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 3 мартда ана шундай Қарор қабул қилди. Ва ниҳоят, 1997 йили ЮНЕСКО бошчилигида бутун жаҳон доирасида Бухоро тарихи билан боғлиқ бўлган бу мўътабар сана кенг нишонланди.

Узоқ асрлар давомида Бухоро Туркистон шаҳарлари орасида етакчи мавқени эгаллаб келди. Шаҳар тараққиётидаги бу давр ҳунармандчилик, савдо-сотик, қурилиш техникаси, фан, адабиёт, санъат ривож топганлиги билан характерланади.

Бухородаги мусулмон Шарқининг ажойиб ёдгорлиги бўлмиш Исмоил Сомоний мақбараси узоқ ўтмишдан бизнинг кунларгача яхши ҳолда етиб келган. Бу мақбарада Ўрта аср илк даври меъморчилигининг энг яхши ютуқлари ўз аксини топган. Исмоил Сомоний мақбараси композициясининг анча оддийлигига қарамай, архитектура усулларининг ранг-баранглиги билан кишини ҳайратга солади ва ҳақли равишда Шарқ дурдонаси ҳисобланади. Мақбарани сомонийлар сулоласининг асосчиси Исмоил Сомоний ўз падари бузруквори қабри устига қурдирган эди. Кейинчалик унинг ўзи ҳам шу мақбарада дафн этилган.

Мақбара куб шаклида қурилган бўлиб, томи ярим шарсимон гумбаз билан ёпилган. Тўрт бурчагига тўртта кичик қубба ўрнатилган ва бу Ўрта Шарқ бўйича фақат пишиқ ғиштдан қад кўтарган биринчи мақбара эди. Илгарилари пишиқ ғишт айрим бино-иншоотларнинг кўзга ташланмайдиган жойларига терилар, ёки турли хил безаклар ясашдагина ишлатиларди. Мақбара бутунлай пишиқ ғиштдан

моҳирлик билан аввалги андозалардан фарқли ўлароқ қурилгани туфайли ниҳоятда гўзал бўлиб чиққан. Бебаҳо санъат дурдонаси бўлмиш бу мақбаранинг афзаллиги шу билан чекланмайди. Бу мақбара бунёд этилгунга қадар машҳур уламолару аслзодалар бандаликни бажо келтиргач, қабристонга ёки мачит атрофига дафн этиларди.

Мақбаранинг ички ва ташқи деворларига жимжимадор шаклда ғиштнинг ўзи билан безак берилганки, у эртадан кечгача хилма-хил тусда товланиб туради. Жаҳон архитектура тажрибасида бу усулда бошқа биронта бино қурилмаган. Оддий халқ орасидан чиққан меъморларнинг зеҳни қанчалик ўткир бўлганлигидан далолат бу. Тахмин қилинишича, 892-907 йиллар мобайнида қуриб битказилган ёдгорлик 1934 йилга келиб таъмирланган, атрофига ғишт ётқизишиб, майдон ҳосил қилинган. Мақбара ичкарасига ёруғлик мақбаранинг юқори қисмидаги қирқта дераза орқали тушади.

Бухорони Минораи Калонсиз тасаввур этиш қийин. Ўрта Осиё худудида қад кўтарган архитектура ёдгорликлари орасида (баландлиги 50 метрга яқин) ажойиб чирой касб этган Минора Шарқнинг нодир иншооти бўлиб, шаҳар қиёфасига кўрк бахш этиб турибди. Бундан қарийб 900 йил аввал қад кўтарган минора шаҳар ўртасида вужудга келган бутун бир архитектура мажмуининг бир қисми ҳисобланади. Мажмуага Минораи Калондан ташқари, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ҳам киради.

Минораи Калон ёдгорлиги ичида тошдан қилинган айланма зина мавжуд. Юқорига кўтарилган сари Минора ингичкалашиб боради. Минорадан азон айтишдан ташқари, ёвни кузатиш нуқтаси сифатида ҳам фойдаланганлар. Ушбу минорани «ўлим минораси» ёки «ажал минораси» деб ҳам аташган. Чунки ривоятларга қараганда, ўлимга ҳукм қилинганларни ундан пастга ташлашган.

Мажмуа таркибидаги Масжиди Калон баланд пештоқ орқали Минораи Калон билан қўшилиб кетган. Масжиди Калон Ўрта Осиё худудидаги энг қадимги масжидлардан, катталиги жиҳатидан Самарқанддаги машҳур Бибиҳоним масжидидан кейинги ўринда туради. Масжидга ишлатилган безаклар темурийлар даврига хос анъаналарни ўзида мужассамлаштирган ва турли-туман сиркор ғиштлар, кошчинлар билан қопланган, ҳовлисида 288 та гумбаз бор.

XVI асрда қад кўтарган Масжидга ўн мингдан ортиқ на-
мозхонлар сиғарди.

Масжиди Калон рўпарасида бундан 500 йил илгари
қурилган Мир Араб мадрасаси мавжуд. Мадраса хоналари
Улуғбек мадрасасидаги хоналарга ўхшаб кетади. Мадраса
атрофида икки қаватли хужралар мавжуд.

Бухородаги энг катта мадрасалардан яна бири — Кўкал-
дош мадрасаси, унда 160 та хужра ва катта кутубхона бўлган.

1417 йилда Бухорода қурилган Улуғбек мадрасаси Улуғ-
бек бунёд эттирган уч мадрасанинг энг кўҳнасиدير. Ушбу
мадраса қаршисида Абдулазизхон мадрасаси 1652 йилда
қурилган. Абулазизхон мадрасаси Улуғбек мадрасаси би-
лан кўшилиб яхлит бир архитектура мажмуини ташкил
этади ва ўта нафислиги билан Ўрта Осиёда алоҳида эъти-
борга молик.

Абдулазизхон мадрасаси жуда серҳашам, мураккаб нақш
ва ўймакорликлар билан безатилганлиги билан кўриниши
жиҳатидан келишган, жиддий нақшли Улуғбек мадраса-
сидан фарқ қилади. Мадрасада иккита: қишки ва ёзги мас-
жид бўлган. Бу иккала масжид ҳар бири девор ва шипла-
рига солинган чиройли нақшларининг хилма-хиллиги би-
лан бир-биридан фарқ қилади.

Бухоронинг шимоли-шарқий қисмида қурилган Чор-
минор архитектура мажмуаси ҳам ўзига хос. Чорминорга
ўхшаш иншоотлар Ҳиндистон архитектурасида кўпроқ
учрайди, унда тўртта минора мавжуд, бу унинг номидан
ҳам кўриниб турибди.

Чорминор мадрасаси, йигирмата ёғоч устунли айвони
бўлган Болаҳовуз масжиди ва айтиб ўтилган Абдулазизхон
ва Мир Араб мадрасалари ва бошқа ёдгорликлар жаҳон-
нинг кўп мамлакатларидан келадиган сайёҳлар диққат-
эътиборини албатта ўзига жалб этади ва уларни лол қол-
диради.


Бухоро ёдгорликлари ҳақида гап борганда шаҳардан
бироз ташқаридаги ёзги сарой — Ситораи Моҳи-Хоса маж-
муи тўғрисида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Тарихий ман-
балар шоҳидлик қилишича, ушбу сарой қурилишида ма-
ҳаллий ва Европадан тақлиф этилган моҳир усталарнинг
ижодий салоҳияти муштараклашиб кетган. Ситораи Моҳи-
Хоса ёдгорлиги ниҳоятда муҳташам, кўкаламзорлаштирил-
ган майдонни эгаллайди. У икки эски ва янги саройдан



Шератон меҳмонхонаси, Тошкент




Матбуот уйи, Тошкент



Усти ёпик бозор, Тошкент



Тошкентдаги Амир Темурга ўрнатилган ҳайкал




Миллий банк, Тошкент



“ЖАР” спорт мажмуаси, Тошкент




Ўзбекистоннинг темир қаноти




Хотира майдони, Тошкент




Тошкент Олой бозори



АлишерНавоий ёдгорлиги, Тошкент



Арк, Бухоро



Ситораи Моҳи Хоса саройи, Бухоро




Чор-Минор, Бухоро




Мустақиллик байрамида




Маъмурий бино, Бухоро




Бухоро ёдгорликларидан бир кўриниш







Калта минор, Хива




Ўзбекистон меҳмонхонаси, Тошкент



Хобас-Тапо қўшма корхона маҳсулотлари



Ислом хожи минораси, Хива



Халқлар Дўстлиги саройи, Тошкент

иборат. Саройнинг қатор иморатлари ичида азиз меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган «Оқ сарой» ўз фусункорлиги билан ажралиб туради.

Бухорода 1620 йили қурилган Лабиҳовуз мажмуи Бухорода ривож топган архитектура анъаналарининг узвий давомидир. Лабиҳовуз ўша даврдаги амалдорлардан бири Нодир Девонбеги томонидан қурилган бўлиб, у архитектура мажмуасининг композицион маркази — бу марказ доирасида Девонбеги мадрасаси, Нодир Девонбеги хонақоси ва Кўкалдош мадрасаси мавжуд.

Бухородан 12 километр масофада муқаддас зиёратгоҳ — Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси бор. Хўжа Баҳоуддиннинг ўзи бу мажмуанинг ҳомийси бўлган.

Бухоро кўҳна ёдгорликлари орасида Абдуллахон тими ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Тим усти берк энг катта савдо растаси. У пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, деворлари ганч сувоқли, нақшин безаклари ҳозир деярли сақланмаган, бир неча марта таъмирланган, унда ҳозир ҳам савдо-сотик дўконлари жойлашган.

Бухоро шаҳри Бухоро вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлган Бухоро инсоният маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган маскандир. Ушбу муқаддас шаҳар мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй бераётган ажойиб ўзгаришлар, янги-янги қурилишлар туфайли ўз ҳусни жамолини ўзгартириб бораётган, маданият, санъат, иқтисодиёт ривож топаётган шаҳарлардан бири эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Аҳолисининг сони жиҳатидан Бухоро шаҳри республикада мавжуд 120 та шаҳар орасида Тошкент, Наманган, Самарқанд, Андижон шаҳарларидан кейин бешинчи ўринни эгаллайди. 1939 йил маълумотлари бўйича Бухорода бор-йўғи 50 минг аҳоли истиқомат қилган бўлса, эндиликда (2000 йил) унинг аҳолиси 240 мингга яқинлашиб қолди. Яъни 1939 йилдан буён ўтган давр ичида шаҳар аҳолиси қарийб беш марта кўпайди. Бухоро шаҳри таркибида иккита шаҳар тумани — Файзулла Хўжаев ва Тўқимачилик туманлари мавжуд:

Бухорода саноат анча ривож топган. Ўзбекистонда ягона бўлган Бухоро Қорақўл заводи мўйна саноатининг энг йирик корхоналаридан биридир. Заводда қайта ишланган

мўйналардан тайёрланган маҳсулотлар жаҳоннинг қатор мамлакатларига, жумладан, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Канада, Франция, Италия, Швейцария ва бошқа мамлакатларга жўнатилади.

Ўрта Осиёдаги энг йирик ип газлама комбинати, пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, пойафзал, тикувчилик, ипак курти уруғи фабрикаси, ипак йигирув фабрикаси Бухородаги йирик корхоналар ҳисобланади. Қурилиш саноати ва озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам шулар жумласига киради.

Зардўзлик ва шойи тўқиш ҳунарлари Бухоро аҳолиси учун анъанавий ҳисобланади. Моҳир маҳаллий усталар меҳнати билан тайёрланган камёб маҳсулотлар, чиройли сўзаналар, аёллар кийимлари, турли-туман шойи камарлар, дўппилар ва бошқа қатор маҳсулотлар жаҳоннинг турли бурчакларида шуҳрат қозонган.

Бухоро яқинидаги нефтни қайта ишлаш заводи нафақат Бухоро шаҳри ёки вилояти учун, балки бутун Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Ушбу улкан корхона ишга тушиши туфайли Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришди ва республика ўзига четдан нефть маҳсулотлари олиб келадиган худуддан ташқарига нефть маҳсулотлари чиқарадиган худудга айланди.

Кейинги йилларда шаҳарнинг маданий, таълим-тарбия соҳаларининг тараққиётига катта эътибор бериб келинмоқда.

Бухоро шаҳрида учта олий ўқув юрти — Бухоро Давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти, Бухоро тиббиёт институти фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ўқув юртларидаги талабалар сони 8000 тага яқинлашиб қолди.

Шаҳарда қатор коллежлар, лицейлар, касб-ҳунар ўқув юртлари, кундузги умумтаълим мактаблари негизида гимназиялар ташкил топган. Бу ўқув юртлар учун шинам бинолар қурилиб, улар замон талабига жавоб берадиган техника, компьютер ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Маълумки, Бухоро шаҳри ҳам туризм маркази ҳисобланади. Бу соҳани ривожлантириш ва шаҳарга жаҳоннинг турли мамлакатларидан келадиган сайёҳларни ва туризмдан келадиган даромадлар миқдорини ошириш мақсадида

турли тадбир-чораларни белгилаш ва уларни амалиётга тадбиқ этишга доир катта ишлар бажарилмоқда. Бухоро аэропорти халқаро талабларга жавоб берадиган аэропортлар қаторига кирди, худди шундай талабларга мос тушадиган меҳмонхоналар қад кўтарди, янги кардиология маркази, Абдурауф Фитратнинг уй-музейи ташкил этилди, текис ва равон йўллар қурилди, қўйингки, Бухоро замонавий навқирон шаҳарга айланди.

Республикада турли соҳалар бўйича 87 музей мавжуд, шундан бештаси Бухоро шаҳрида. Шаҳарда 500 га яқин кутубхона, 2 театр ва бошқа маданий масканлар мавжуд. Инсон саломатлигини сақлаш, уй-жой қурилиши, транспорт, алоқа тармоқларини янги босқичга кўтариш бора-сида арзигулик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бухорода мужассамлашган бебаҳо бойликларни, ажойиб меъморларимиз ақл-заковати билан яратилган тарихий обидаларни келажак авлод учун асраб-авайлаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

ХИВА

Хива Хоразм воҳасининг кўҳна шаҳри ҳисобланади. Вилоятнинг Хива тумани маркази бўлган бу шаҳарда бори-бори 50 минг аҳоли яшайди. Аммо у ўзидаги ажойиб, кўҳна ёдгорликларга бойлиги билан Ер юзидаги кўҳна шаҳарлар орасида муҳим ўринга эга. Уни кўпчилик эртақдан чиққан, афсона шаҳар деб атайди.

Шаҳарда вужудга келган нилий гумбазлар, осмонўпар миноралар, қатор сержило қадимий обидалар гўзалликка ошиқ ҳар бир киши қалбини сўзсиз ўзига мафтун этади. Ёдгорликларга қараб, уларни бунёд этган меъморларга таҳсинлар ўқийсан, киши.

Хива Ўрта Осиёнинг йирик дарёси бўлмиш Амударёнинг чап соҳилида, ундан 40 километр масофада, Полвон каналининг бўйидаги текисликда жойлашган. Хоразм вилоятининг марказий шаҳри Урганч билан Хива орасидаги масофа 30 километрни ташкил этади.

Шаҳар тўғрисидаги тўла ва аниқ маълумотлар бизгача етиб келмаган. Археологик материаллар гувоҳлигига қараганда, Хива милoddан аввалги I аср охирларида барпо бўлган.

Ривоят қилишларича, номаълум бир сайёҳ бу ердаги кудуқ сувидан ичиб, ундан лаззат топганлигидан «Хейвоҳ» деб юборган экан. Кейинчалик шунга кўра, шаҳар Хива деб аталган эмиш. Узоқ ўтмишда Хива орқали Шарқ мамлакатлари билан Ғарб мамлакатлари орасида турли алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутган савдо-сотик йўли мавжуд бўлган.

Ўрта Осиё худудидаги шаҳарлар сингари Хива ҳам деворлар билан ўралган. Араб сайёҳлари Истаҳрий ва Муқаддасий қўлёзмаларида X асрда Хива Хоразм воҳасидаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлганлиги ҳақида маълумот бор. XVII аср бошларидан 1920 йилга қадар шаҳар Хива хонлигининг пойтахти бўлиб келган.

Ўтмишнинг энг нодир ва ноёб ёдгорликлари дурдонаси бўлган Хива Ўзбекистон шаҳарлари орасида ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида мавқега эга. Бунга унинг ҳозиргача яхши сақланган ёдгорликлари, кишини ҳаяжон ва ҳайратга солувчи иншоотлари ва диний маросимлари, ҳарбий мақсадлардаги қадимий обидалари, шунингдек, ўзига хос миллий услубдаги турар жойлари сабабдир.

Хиванинг архитектура қиёфаси XVIII аср охирларидан XX асрнинг бошларигача бўлган давр ичида шаклланган. Шаҳарнинг икки қисмини ташкил этадиган Ичон Қалъа (Шаҳристон) билан Дишон Қалъа (Работ) ўтмишнинг тенги йўқ ёдгорликларидан ҳисобланади. Дастлаб Ичон Қалъа ҳукмрон доиралар маскани, уларнинг саройи, мадрасаси, масжидлари сифатида вужудга келган. Қалъа атрофи (эни 5-6 метр, баландлиги 7-8 метр ва узунлиги 2 километрдан ортиқ) пахса девор билан ўралган, унда қадимий ўзбек меъморчилигининг бир қанча архитектура ёдгорликлари, саройлар, масжиду мадрасалар, мақбаралар ва савдо-сотик тимлари, тўртта: Ота, Полвон, Тоғ, Боғча дарвозалари бўлган. Вақт ўтиши билан Ичон Қалъа деворлари нурани, кейинчалик қайта тикланган. Қалъа 26 гектар майдонни эгаллаган. ¹

Хиванинг машҳур иккинчи бир ёдгорлиги Дишон Қалъа бўлиб, унда савдогар, ҳунарманд ва бошқа ишлар билан банд бўлган шаҳар аҳолисининг хонадонлари, мачит-мадра-

¹ А.Абдурасулов, Қўриқхона шаҳар, Тошкент, «Ўзбекистон», 1985, 6-6.

салари, турли хунарларни ифодаловчи маҳаллалар, масалан, ўқчилар, кулоллар, тўқувчилар, тунукасоzлар каби маҳаллалар бўлган.

Дишон Қалъа ҳам девор билан (узунлиги 6250 метрга тенг) ўралган. Қалъага ўнта (Хазорасп, Пишканиқ, Ангарик, Шихлар, Тозабоғ, Шоҳимардон, Дош-оёқ, Қўшадарвоза, ГадоЙлар, Гандимен) дарвозадан кириб-чиқилган.

Хивада сақланиб қолган энг қадимги архитектура ёдгорликлари: Саид Аловуддин мақбараси, Кўҳна Арк, Жума масжид, Оқ масжид, Уч авлиё мақбараси, Шерғозихон мадрасаси, Оллоҳқуллихон карвонсаройи ва Оллоқуллихон мадрасаси, Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаси, Паҳлавон Маҳмуд мадрасаси, Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси, 163 хонаси бўлган Тош ҳовли саройидир. Бу обидалар Хоразмда яшаган ва ижод этган моҳир усталарнинг ақл-заковати, улкан меҳнати туфайли дунёга келган. Хивалик хунармандлар, наққошлар ёдгорликларни тош, ганч, ёғоч ўймакорлиги усули билан безаганлар.

Маълумки, мусулмон мамлакатлари ва улардаги кўпгина шаҳар-қишлоқларда миноралар қуриш анъана тусига кирган. Кўҳна Хива ҳам минораларга бой шаҳарлар жумласига киради. Юқоридан туриб Ичон Қалъага қараладиган бўлса, энг аввало Хива шаҳрининг маҳобатли тўртта минорасига кўзингиз тушади. Улардан бири Жума масжиди, иккинчиси Саидбой масжиди олдида қурилган. Учинчи минора Кўк минор ва тўрттинчиси Полвон қори минорасидир. Булардан ташқари, Хивада Ислом хўжа минораси ва яна бир неча кичик миноралар ҳам мавжуд.

Миноралар ичида 1855 йилда қад кўтарган Калтаминор алоҳида эътиборга сазовор. Бу минорани қуришга киришган меъморлар уни фақат Хива шаҳридагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда энг кўзга кўринган минора бўлишини орзу қилишган.

Калтаминорни XIX аср ўрталарида Муҳаммад Аминхон қуришга қарор қилган эди. Аввал катта мадраса қад кўтаради, аммо Муҳаммад Аминхон ҳаётлигида Калтаминор қурилишини ниҳоясига етказолмайдилар, 26 метргача кўтарилади, холос. Шунга кўра, ушбу минора Калтаминор номини олади. Калтаминор анча паст бўлиб қолишига қарамай нафислиги, гўзаллиги билан улкан, маҳобатли иншоот бўлиб кўринади. Меъморлар унинг ташқи кўри-

нишини шундай бунёд қилишганки, гўё унинг қурилиши тугаллангандай бўлиб кўринади.

Ислом хўжа минораси ҳам Хиванинг кўрки, Бухородаги Минораи Калондан ўн метр баланд. 56 метр бўлган ушбу миноранинг ички қисми ҳам ниҳоятда чиройли, аммо унинг ташқи қисмини таърифлашга қалам ожизлик қилади.

Хива шаҳри асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шарқий ва шимоли-ғарбий, яъни Полвон канали оқиб ўтадиган томон кенгая борди. XIX аср бошларида шаҳарда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ишлари ривожланди. Шаҳар ҳунармандчилигида етакчи ўринни металлни қайта ишлаш эгаллаган. Бунинг боиси, ишлаб чиқаришда ён-атрофдаги қишлоқ хўжалиги ҳудудларида металлдан ясалган турли хил асбоб-ускуналарга талаб-эҳтиёжнинг катталиги эди. Металлни қайта ишлаш билан боғлиқ ҳунармандчилик асосан, темирчилик, дегрезлик, мисгарлик, тунукачиликни ўз ичига олган.

XIX аср охирлари XX аср бошларида Хива заргарлик санъати билан ҳам ном чиқарди. Шаҳар заргарлари кўпроқ нафис тақинчоқлар, зеб-зийнатлар ва олтиндан турли буюмлар ясаганлар. Масалан, ҳунармандлар хон ва амалдорлар буюртмаси билан тилла сопли хилма-хил пичоқлар, шамширлар, кўзачалар тайёрлаш билан шуғулланганлар. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг ўзига хос яна бир тури — ёғочни қайта ишлаш ривож топган. Ҳунармандлар саройлар, масжид ва мадрасалар учун жимжимадор устунлар, дарвоза, эшиклар тайёрлаб берардилар.

XX аср бошларида Хивага Россия ва бошқа ўлкалардан фабрикада тайёрланган маҳсулотлар кела бошлади. Бу маҳсулотлар ташқи кўринишининг чиройлилиги ва нисбатан арзонлиги билан ажралиб турарди. Шунга кўра, Хива ҳунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар рақобатга бардош беролмай қолди. Натижада Хива ҳунармандчилиги маълум жиҳатдан путур етди ва у инқирозга учради.

Хивада қандолатчилик анча яхши ривожланганди, бу соҳа учун маҳаллий хомашё, узум ва бошқа турли ширинликлар етарли эди.

Кўнчилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Чорвадорлар кўнчилик билан шуғулланувчи ҳунармандларни тери билан етарли даражада таъминлаб турган. Ўз навбатида ҳунар-

мандлар терини ошлаб этикдўз, махсидўз, кавушдўзларга сифатли маҳсулотлар етказиб берган.

Хивада тикувчилик, кулолчилик ҳам катта эътиборга эга бўлган.

Хива хонлигининг пойтахтига айланганлиги туфайли шаҳарнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги мавқеи анча ошди. Натижада Ўрта Осиё худудида йирик савдо марказларидан бирига айланди. Шаҳар савдосида аҳолининг кундалик талаб-эҳтиёжини қондиришдан ташқари, ташқи савдо ҳам маълум даражада тараққий этди.

Карвонсаройдаги божхонада хорижий мамлакатлардан келтирилган маҳсулотларнинг ҳисоб-китоби қилинар, уларга нарх қўйилар ва бож ундириларди. Хива савдогарлари Россия, Эрон, Афғонистон каби бир қатор давлатлар билан ташқи савдони йўлга қўйди. Ўзидан чиқадиган ва бошқа ўлкалардан олиб келинадиган маҳсулотлар хили ва ҳажми анчагина эди. XIX аср охирларига келиб, Россия билан олиб борилган савдо-сотик алоқаларида пахта экспорт қилиш муҳим ўринни эгаллади.

Хивада шаҳар ва вилоят талаб-эҳтиёжини қондиришга қаратилган айрим саноат корхоналари мавжуд. Улар орасида пахта тозалаш, ёғ-мой, гишт заводлари, гилам тўқиш, тикувчилик, совға ва бадий буюмлар фабрикалари каби корхоналар мавжуд. Шаҳарда тайёрланадиган маҳсулотлар ичида ўз гўзаллиги ва сифатлилиги билан ажралиб турадиган гиламлар довруқ қозонган. Фабрикаларда тайёрланадиган гиламларда одатда 152 минггача турли безаклар мавжуд бўлса, Хива гиламларида бундай безаклар сони 900 минггача етар экан.

Хивада улкан завод-фабрикалар, комбинатлар йўқ, улар бу тарихий шаҳарда бўлмаслиги ҳам керак. Чунки одатда улкан саноат корхоналари бўлган худудларда ҳаво мусаллаб-фолигига путур етади, экология бузилади, бундай вазият вужудга келса, бебаҳо тарих дурдоналарига ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Хива Ўзбекистоннинг кўҳна обидаларига бой бўлган бошқа шаҳарлари каби жаҳоннинг турли бурчакларидан сайёҳлар келадиган муҳим марказ бўлиб қолмоғи зарур. Чунки халқаро туризм тараққиёти оқилона йўлга қўйилса, шаҳар учун бошқа соҳаларга нисбатан катта миқдорда даромад олиб келиши мумкин.

Ҳозирда шаҳар қиёфаси яхшиланмоқда, жаҳон талаб-ларига жавоб бера оладиган шинам меҳмонхоналар қад кўтармоқда, молия тизими, таълим ва маданият даражасини кўтариш соҳасида ҳам улкан тадбир-чоралар кўрилмақда, жаҳон миқёсидаги қадимий ёдгорликлар сақланаётган осмон остидаги очиқ музей сифатидаги обрў-этибори кучаймоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

АНДИЖОН

Андижон — Андижон вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази, табиий-географик ва транспорт тараққиёти нуқтаи назаридан қулай шаҳар бўлиб, бу омил унинг ҳар томонлама ривож топишида муҳимдир. Бу ердан турли томонларга, шу жумладан, республика пойтахти Тошкент, Қирғизистон шаҳарларидан Жалолобод, Ўш ва бошқа жойларга темир йўллари қурилган. Автомобиль йўллари билан ҳам қатор манзиллар боғланган.

Расмий маълумотларда (1996 йили нашр этилган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши» номли китобда) Андижон шаҳрининг ташкил топган вақти IX аср деб кўрсатилади. Аммо тарихчи археологлар кўрсатишича, унинг ташкил топган вақти тўғрисида аниқ маълумот ҳозиргача йўқ. Шу билан бирга шаҳар номи тўғрисида ҳам турли фикрлар, афсона ва ривоятлар мавжуд. Баъзи афсона, ривоятларда Андижон номи «анди» деб аталган уруғ номидан келиб чиққан дейилса, бошқаларида эса қадим замонларда бу ерда андилар, яъни ҳиндлар яшаган бўлиб, шаҳар номи шу билан боғлиқ ҳолда, Андукон деб аталган ва кейинчалик Андижон деб ўзгариб кетган. Яна бир афсонага қараганда Афросиёб ҳокимининг Андижон исми қизи бўлиб, Андижон шаҳри шу номни олган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Андижон шаҳри доирасида қалин тупроқ қатламларининг бўлиши, турли хил буюмларнинг топилиши, шаҳарнинг тарихан қадим вақтларда пайдо бўлганлигини ва шубҳасиз, кўҳна шаҳарлардан бири эканлигини исботлаб туради.

Андижонда ҳам қадимда мудрофаа девори мавжуд бўлган. XI асрларда Андижон Қорахонийлар ҳукмронлиги остига ўтган.

Қадимда Андижон Фарғона водийсидаги савдо-сотик ва ҳунармандчиликнинг қатор турлари тараққий этган макон бўлган. Бу ҳақда машҳур араб географи ва сайёҳи Ҳовқал ва тарихшунос олим Мақдисий ўз асарларида маълумот берган. Темурийлар даврида шаҳар ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан анча ривож топганди, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида Фарғона водийсининг марказига айланди.

Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Андижон тўғрисида илиқ сўзларни ёзган. «Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кешдан кейин Андижондан каттароқ истехком йўқ», деган эди Бобур.

Андижон 1504 йили Шайбонийларга қарам бўлган, кейинчалик Қўқон хонлиги таркибига кирган. Ўша пайтларда Андижонда шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар кўп, ҳунармандчилик эса ривожланган (ҳунармандлар асосан пахта ва ипакдан маҳсулотлар тайёрлаш ва уларни бошқа жойларга сотиш билан машғул бўлганлар).

Бундан юз йилдан кўпроқ вақт илгари (1898) Андижонда ўзбек халқининг мустамлакачилик ва миллий зулмга қарши халқ кўзғолони бошланган ва бу кўзғолонга Муҳаммадали халфа Собир ўғли — Дукчи Эшон раҳбарлик қилган. Бироқ тайёргарлик кўрилмаганлиги, халқнинг ҳарбий жиҳатдан заифлиги, барчанинг бир ёқадан бош чиқариб бирлашмаганлиги сабабли кўзғолон мағлубиятга учрайди. Шунга қарамай, кўзғолон эзилган халқ оммасининг фикр доираси, сиёсий онги ва кураш тажрибасининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Андижон ва унинг халқи сиёсий қарамликдангина эмас, балки табиий офатлардан ҳам катта жабр кўрди. Айниқса, Ўрта Осиё худудида бўлиб турадиган кучли зилзилалардан бири — Андижон зилзиласи халқ бошига катта қулфат келтирди. 1902 йилнинг қишида — 16 декабрда содир бўлган даҳшатли ер силкиниши нафақат Андижон, балки унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолиси бошига ҳам катта ташвишлар келтирди, шаҳар деярли қумтепага айланди, зилзила кучи 9 баллдан юқори бўлди. Бу зилзила кучини халқ «Андижоннинг бир четига тухум кўйиб иккинчи четидан қаралса кўринади» деб таърифлаганди.

Андижон шаҳри Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари каби кўҳна обидаларга унчалик бой эмас, аммо айрим

архитектура ёдгорликлари сақланиб қолган. Бу ёдгорликларнинг энг аввали Жоме мажмуаси бўлиб, унинг таркибига масжид, мадраса, минора киради ва 1,5 гектарга яқин майдонни эгаллайди.

Жоме мадрасаси XIX асрнинг охирларида бунёд этилган бўлиб, баҳайбат ташқи кўриниши, катталиги билан диққатни тортади (эни 123 метрга тенг), олд томони (фасади) шарққа қаратиб қурилган. Фасаднинг ўртасида Фарғона водийсида кўп учрайдиган анъанавий пештоқ мавжуд. Пештоқ учли токча, узун кетган равоқли йўлакча ва безакли иккита минорадан иборат. Мадраса бурчакларида гумбазли дарсхоналар, уларнинг ўртасида эса икки қават қилиб қурилган хужралар жойлашган. Биринчи қаватнинг деворларида панжаралар, тўрт бурчакли дарчалар, иккинчи қаватдаги хужралардан томга чиқадиган йўллар мавжуд. Бино «П» шаклида бўлиб, шимолий ва жанубий қаторлари сақланмаган. Дарсхоналар усти бурчак равоқли куббалар билан ёпилган. Водий амалий санъатининг ноёб намунаси пештоқ, гумбазли дарвозахонанинг ёғочдан ясалган эшикларига солинган ўймакорлик нақшлар киши эътиборини ўзига тортади. Масжид ҳам энг йирик кўҳна ёдгорлик бўлиб, мажмуанинг ғарбий қисмида жойлашган. Баландлиги 32 метрли минора ҳам шу мажмуага киради. Ушбу мажмуа 1902 йилги зилзиладан катта талафот кўрган. Мажмуа икки марта 1971—1974 ва 1999—2000 йилларда таъмирланди. Шаҳардаги яна бир ёдгорлик — андижонлик савдогар Аҳмадбек ҳожи томонидан XX аср бошида қурилган уй-ёдгорлигидир. Ушбу ёдгорликнинг икки қаватли ғарбий қисми Аҳмадбек ҳожининг идораси вази-фасини ўтаган, қолган қисми эса ҳожи хонадонининг турар жойи бўлган.

Аҳолисининг сони жиҳатидан Андижон республикада мавжуд бўлган 120 та шаҳар орасида Тошкент, Наманган ва Самарқанд шаҳарларидан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди. 1939 йилги маълумот бўйича шаҳарда 88 мингга яқин аҳоли истиқомат қилган бўлса, эндиликда бу рақам 334 мингдан ортиб кетди. Бу ерда туб аҳолидан ташқари тожик, қирғиз, қozoқ, татар, рус миллатига оид аҳоли ҳам истиқомат қилади. Бир вақтлар Хитойнинг Синьцзян худудидан келган уйғурлар ҳам яшашади.

Андижон шаҳри саноат тармоқлари, йирик корхоналари билан ҳам Ўзбекистонда катта мавқега эга. Бу ерда пахтачилик ва ирригация билан боғлиқ бўлган тармоқлар, пахтани қайта ишлаш, электротехника, кимё, енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноатлари мавжуд. Шаҳарнинг йирик саноат корхоналари қаторига Бобур номидаги ип-газлама ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамияти, Ирригация машинасозлик заводи, «Семурғ» трикотаж акциядорлик бирлашмаси, Биокимё заводи, Андижон дон маҳсулотлари акциядорлик жамияти, «Андижонкабель» акциядорлик жамияти, Автомобил ўриндиқлари заводи ва хорижий мамлакатлар иштирокида вужудга келган қатор кўшма корхоналар киради.

Бугунги кунда Андижон саноати амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатлари талабига жавоб берадиган янги босқичга қадам қўйди. Корхоналарнинг кўпчилиги давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг замонавий шаклига кирмоқда.

Андижонда маданият, маориф, олий таълим, санъат соҳасига ҳам эътибор катта.

Олий ўқув юртлири сони бўйича Тошкент ва Самарқанд шаҳридан кейинги учинчи ўринда туради. Андижон Давлат университети, Андижон чет тиллар педагогика институти, Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти, Андижон тиббиёт институти, Андижон қишлоқ хўжалик институтларида 11 мингга яқин ёшлар таълим олмоқда. Бундан ташқари қатор лицейлар, коллежлар, касб-хунар ўқув юртлири, 750 га яқин умум таълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳарда Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театри (1919 йилда ташкил топган), Аббос Бакиров номидаги Андижон Давлат болалар ва ёшлар театри, Андижон кўғирчоқ театри, Адабиёт ва санъат музейи, Ўлкашунослик музейи, Бобур уй-музейи, Чўлпон уй-музейи ишлаб турибди. Қатор кутубхоналар, маданият уйлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Кейинги ўн йилликда ажойиб спорт иншоотлари, меҳмонхоналар, равон йўллар, шинам бинолар қад кўтарди. 1934 йилда қурилган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи бутунлай қайта қурилди, 300 гектар майдонни эгаллаган Бобур ва Чўлпон боғи вужудга келди.

Шаҳарда соғлиқни сақлаш, транспортни ривожлантириш масалаларига, спортга эътибор кучайган. Андижонлик боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев номи жаҳоннинг барча бурчакларида ҳурмат билан тилга олинадиган бўлди. Австралиянинг Сидней шаҳрида 2000 йили ўтказилган XXVII Олимпия ўйинларида Муҳаммадқодир бокс бўйича олтин медал, Сергей Михайлов эса бронза медали соҳиби бўлди. Андижонлик боксчилардан Ўткирбек Ҳайдаров, Руслан Чагаевлар бокс бўйича Жаҳон чемпионларидир.

ТЕРМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудуди бўлган Сурхондарё вилоятининг марказий шаҳри Термиз Амударёнинг ўнг соҳилида, унга Сурхондарё келиб қўшиладиган жойда ўрнашган. Термиз расмий ҳужжатларга қараганда 1929 йил шаҳар мақомини олган. Аслида эса қадимдан маълум бўлиб келган қўҳна манзил ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг қатор ҳудудларини бир-бири билан боғлаган ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муҳим ўрин эгаллаган ва 700 километрдан ортиқ масофага эга бўлган Катта Ўзбекистон трактининг охири шу шаҳарга бориб тақалади.

Шаҳарнинг асрлар давомидаги тараққиёти жараёнида унинг қулай географик ўрни, яъни Амударё соҳилида ўрнашганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Мўғулларнинг XIII асрда қилган босқинига қадар Термиз анча катта ва бой шаҳарлардан ҳисобланган. Ана шу воқеадан кейин шаҳар инқирозга учрайди ва унда истиқомат қилиб келган аҳоли шаҳарни ташлаб чиқиб кетади. XIX аср ўрталарига келиб ушбу қўҳна шаҳар Термиз харобаларининг яқин атрофларида Паттакесар аҳоли манзили пайдо бўлди. 1897 йили эса ана шу манзил ёнида Термиз ҳарбий қароргоҳи вужудга келди. Бу ер Амударёнинг бир соҳилидан иккинчи соҳилига осон ўтиладиган жойдир. Шунга кўра, ана шу макон орқали Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотик ишларини амалга ошириш имкони туғилди. Бу қулайлик 1902 йили Термиз билан Самарқанд шаҳри орасида йўл очилишига туртки бўлди. 1916 йилга келиб Амударёдаги ҳарбий қалъа темир йўл орқали Қогон билан туташди.

Кўҳна Термиз харобаларидан археологларнинг изланишлари туфайли топилган турли-туман буюмлар, маданий ёдгорлик қолдиқлари Термизнинг узоқ асрлик тарихга эга эканлигидан дарак беради. Термиз харобалари орасида Кушан давлатига оид эсдалик буюмлар ҳам топилган.

IX-XI асрларга келиб Термиз йирик савдо-сотик, хунар-мандчилик маркази сифатида тараққий этди. Вақт ўтиши билан шаҳар кичик ҳарбий қалъадан маълум жиҳатдан анча аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ва маданий марказга айланди.

Сурхондарё худудида истиқомат қилувчи ерли халқ аллома ат-Термизий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Хусан бин Башир Ҳаким ат-Термизий) шаҳарнинг асосчиси деб ҳисоблайди. Бу сиймо IX-X асрларда яшаб, илмий ва диний соҳаларда оламга танилган мутафаккирлардан биридир. У 205 ҳижрий (820 милодий) йилда Термиз шаҳрида таваллуд топган. 25 ёшига қадар Мовароуннаҳр шаҳарларида таълим олган. Қатор дунёвий фанлар билан бир қаторда тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларини катта қизиқиш билан ўрганган. Кўзга кўринган қатор олиму мутафаккирлар билан ҳамсуҳбат бўлган. Ўз даврининг илм-маърифат маркази бўлган Боғдодга бориб олган илмларини бойитган.

Ўрта асрларда Термиз шаҳрида қатор мақбара, масжид ва миноралар бўлган. Амударёдаги Пайғамбар оролида жойлашган Зул-Қилф мақбараси, шаҳарнинг ички қисмидаги Чорустун ва бошқа ёдгорликлар шулар жумласидандир. Бу ёдгорликлар орасида ал-Ҳаким ат-Термизий мақбара мажмуи ниҳоятда нодир меъморчилик ёдгорлигидир. Ушбу мақбарани турли даврлар меъморчилик санъати тимсоли дейиш мумкин. Ёдгорликда асрларнинг меъморчилик анъаналари йиғиндиси ўз аксини топган. Кейинчалик, йиллар ўтиши билан мақбаранинг шимол томонида учта устунли айвон, меҳробдан иборат ҳовлиси бўлган масжид қурилган. Қабр атрофида янги иншоотлар қуриш кейинчалик ҳам давом этган. Жумладан, мақбаранинг шарқий томонида янги мақбара ва унга туташ бўлган чиллахона қад кўтарган.

Термизда айрим саноат корхоналари қурилиб ривож топиши ва транспортнинг тараққий этиши, ижтимоий соҳалар юксалиши туфайли шаҳар аҳолиси сони тез суръ-

атлар билан кўпайиб бормоқда. 1939 йилги маълумотлар бўйича шаҳарда 12,5 минг киши истиқомат қилган бўлса, ҳозир 115 мингга яқинлашиб қолди ва у аҳоли сони жиҳатидан катта шаҳарлар рўйхатидан жой олди.

Шаҳарда Термиз Давлат университети бўлиб, унда таҳсил олувчилар сони қарийб беш минг кишига етади.

Шаҳарда замонавий кўп қаватли турли хил бинолар қад кўтармоқда. Ёшлар янги турдаги таълим масканлари — лицейлар, коллежлар, касб-хунар мактабларида таълим олмақдалар.

Термиз шаҳрининг жаҳон тарихи ва маданиятида тутган алоҳида ўрнини эътиборга олиб, ЮНЕСКО бош конференциясининг 1999 йил ноябр ойида Франциянинг Париж шаҳрида ўтган 30-сессияси Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини жаҳон миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида Қарор қабул қилди. Бу Термиз шаҳри тарихи ва унинг мавқеига ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот томонидан берилган катта баҳо ва эътибордир. 1999 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам юқоридаги муҳим ҳужжат асосида «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

ШАҲРИСАБЗ

Шаҳрисабз Қашқадарё вилоятининг шимоли-шарқий қисмида, йирик ва серунум қишлоқ хўжалик тумани худудида, табиий гўзаллиги билан ажралиб турадиган Китоб—Шаҳрисабз ботиғи, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмалари этакларида жойлашган. Шаҳарни боғ-роғлар, тоқзорлар ва қенг пахта майдонлари қуршаб олган. Шаҳрисабз Қашқадарё вилоятининг бош шаҳри бўлган Қаршидан узоқда (орадаги масофа 104 километрни ташкил этади). Шаҳрисабздан Тошкентгача бўлган масофа эса 410 километрга тенг.

Қашқадарё вилоятида 12 та шаҳар мавжуд бўлиб, аҳоли сони жиҳатидан Шаҳрисабз ана шу шаҳарлар орасида Қарши шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. Бу жиҳатдан Шаҳрисабз вилоятнинг бошқа шаҳарларига нисбатан анча тез ўсаётган шаҳри ҳисобланади. 1939 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари бўйича шаҳарда ўн бир мингга яқин аҳоли яшаган бўлса, эндиликда (2000 йил) унинг

сони 87 мингдан ошиб кетди, яъни ўтган ана шу давр ичида шаҳар аҳолиси қарийб 8 баробарга кўпайди.

Шаҳрисабзнинг жанубий қисмидан Қашқадарё ирмоқларидан бўлган Танхоздарё, шимолий қисмидан Оқ сувдарёси оқиб ўтади. Шаҳрисабз форс-тожикча сўздан олинган бўлиб, «Кўк шаҳар» деган маънони билдиради, яъни кўм-кўк гўзал шаҳар демакдир.

Шаҳрисабз Ўрта Осиёнинг энг кўҳна шаҳарларидан. Дастлаб XIII асрда Кеш номини олган Шаҳрисабзнинг ташкил бўлганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Юнон тарихчиларидан Геродот, Ктезий ва бошқаларнинг қолдирган маълумотларига қараганда шаҳар милоддан аввалги бешинчи асрлардан буён мавжуд бўлган.

Шаҳрисабз ҳам турли вазият, воқеаларни бошидан кечирган. Милоддан аввалги 328 йили уни Искандар Зулқарнайн, сўнг араблар, 1220 йили мўғуллар босиб олган.

Шаҳрисабз яқинидаги Хожа Илғор қишлоғида 1336 йил 9 апрелда Ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли ва марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темур таваллуд топган. Амир Темур Шаҳрисабзни эъзозлаб, унинг ҳар томонлама ривож топишига катта эътибор берган ва Оқсарой қасрини қурдирган. Буюк саркарда 1370 йили Самарқанд шаҳрига кўчиб ўтади. Ана шунга қадар давлат арбоби қўл остидаги ҳудудларни Шаҳрисабздан туриб бошқарган. Турли мамлакатларда тўплаган бойликларини Шаҳрисабзга олиб келган ва ана шу маблағлардан фойдаланиб, қатор гўзал саройлар, масжидлар, мақбаралар қурдирган. Шаҳар баланд ва кенг пахса девор билан ўралган ва чуқурлар қазилиб, сув билан тўлдирилиб, шаҳарни душманлардан ҳимоя қилиш иншооти ҳосил қилинган, унинг 14 та дарвозаси бўлган.

Соҳибқирон даврида Шаҳрисабзда ҳунармандчилик ривож топди, кўп масжид-мадрасалар мавжуд бўлиб, фан-маданият тараққий этди. Шаҳарга Навоий, Жомий, Улуғбек сингари олиму фузалолар, шоиру ёзувчилар келиб турар эдилар.

Амир Темур кўп жойларга, жумладан Хоразмга қилган юришлари пайтида ўша жойлардан машҳур меъморларни олиб келиб, шаҳар ҳуснини ўзгартириш, уни жозибадор қилишда улкан ишларни амалга оширди. Шаҳрисабзнинг

жануби-ғарбий қисмида Жаҳонгир мақбараси қурилди. Соҳибқироннинг 1376 йили тўсатдан ҳаётдан кўз юмган фарзанди Жаҳонгир шу мақбарага қўйилган. Жаҳонгир мақбараси қад кўтариши билан шаҳарда йирик ёдгорлик мажмуалари вужудга келди: Дор ус-сиёрат, Дор ут-тиловат, Гумбази Сайдон ёдгорликлари, ҳаммом, карвонсарой каби қатор иншоотлар қад кўтарди.

Бироқ Шаҳрисабзнинг гуллаб-яшнаши узоққа чўзилмади. Амир Темурнинг набираси, Самарқанд шаҳри ҳукмдори Улуғбекнинг фожиали ўлиmidан сўнг — шаҳар Бухоро хонлиги қўл остига ўтди.

Шаҳрисабзда сақланиб қолган ёдгорликлар орасида шаҳарнинг қоқ марказида бунёд этилган гумбазли Чорсу кўпчилик диққатини ўзига тортади. Тахмин қилишларича, Чорсу XVII асрларда вужудга келган. Унинг тузилиши, архитектура ечими ҳам шундан далолат беради.

Шаҳарда юқорида айтиб ўтилган тарихий ёдгорликлардан ташқари яна бир қанча обидалар мавжуд. Қозигузар масжиди, Хўжа илм хонақоси, Шамсиддин Кулол мақбараси ана шундай ёдгорликлар жумласидандир.

Шаҳрисабз ўтмишда асосан ҳунармандлар, савдогарлар, боқоллар шаҳри эди. Кейинчалик шаҳарда ўз имкониятларидан келиб чиқиб, айрим саноат корхоналари, жумладан, пахта тозалаш, бадийий буюмлар фабрикаси, вино, консерва заводи каби саноат корхоналар вужудга келди, илгаридан мавжуд бўлиб келган ҳунармандчилик янада ривож топди. Айниқса гилам, дўппи ишлаб чиқариш кенг ривожланди. Бир вақтлар шаҳарнинг қўли гул аёллари тайёрлаган ана шундай дўппилар Парижда очилган кўрғазмада Катта Олтин медали билан тақдирланган эди.

Шаҳарнинг ривож топишида бу ердан ўтган Қарши—Китоб темир йўли шохобчаси маълум аҳамият касб этди.

Кейинги йилларда Шаҳрисабз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда, кўҳна обидалар таъмирланмоқда, замонавий бинолар қурилмоқда, янги кўчалар, маданий-маиший корхоналар ишга тушмоқда.

Кўҳна Шаҳрисабзни йирик сайёҳлик марказига айлантириш борасидаги муаммолар аста-секин ҳал этилмоқда.

ЮНЕСКО томонидан Шаҳрисабзнинг тарихий маркази Жаҳон мероси умуминсоният қадриятлар рўйхатига киритилганлиги, бу шаҳарга қизиқиш қанчалик катта

эканлиги, шаҳардаги маданий ва тарихий ёдгорликлар бебаҳолигини ифодаловчи далилдир. Шунга қарамай, туризмни ривожлантириш йўлида Шаҳрисабз мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилаёпти. Шаҳардаги меҳмонхона жаҳон андозаларига жавоб берадиган қилиб таъмирланмоқда. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўладиган техника воситалар, шинам автобуслар сотиб олинмоқда. Туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳал этилишига республикада ҳукумат ёрдам бермоқда. Бу эса кўҳна Шаҳрисабздаги Оқсарой, Чубин, Малик мадрасалари, Дор ут-тиловат мажмуалари ва шунга ўхшаш бошқа тарихий ёдгорликларнинг маҳобати, кўркини жаҳоннинг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган сайёҳларга намоиш этиш имкони туғилади.

Республика Президентининг 1996 йил 28 августдаги Фармониغا биноан ноёб тарихга эга бўлган Шаҳрисабз шаҳри ҳам Амир Темури ордени билан мукофотланди.

ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАР НЕГИЗИДА ПАЙДО БЎЛГАН ШАҲАРЛАР

Мамлакатда мавжуд имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларини ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш доимо давлатимизнинг диққат марказида турибди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни худудлар бўйлаб жойлаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, табиат иноми бўлмиш қазилма бойликларни ишга солиш масалалари билан узвий боғланган ҳолда олиб борилмоқда.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўзлаштирилиши мўлжалланган янги ерларнинг табиий шароити, айниқса, иқлим шароитлари, ёздаги қаттиқ иссиқ, қишдаги қаҳратон совуқ, сувсизлик, кучли шамол-тўзонлар бўлиб туриши, қум-чанг кўчиши инсон ҳаёти, унинг яшаш шароити учун катта қийинчиликлар туғдиради, бундай қийинчиликларга ҳамма ҳам бардош беравермайди.

Хўжалик соҳаларини ва умуман ҳаётнинг турли жабҳаларини ривожлантириш мақсадида ўзлаштирилиши лозим бўлган янги ерлар деганда аҳоли онда-сонда учрайдиган, хўжалик тармоқлари, транспорти ривож топмаган ёки бу-

тунлай бўлмаган, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган ҳудудлардан анча олисда бўлган, айтилиши вақтда иқтисодий тараққиёт учун зарур турли имкониятлари мавжуд бўлган ҳудудлар тушунилади.

Янги ерларни ўзлаштиришда, уларда мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга солишда асосий диққат-эътибор мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланишга ҳамда атроф муҳитни, экологик мувозанатни сақлашга қаратилиши лозим. Ўзлаштириладиган ер майдонларини кенгайтириш, у ерлардаги бойлик, имкониятлардан иқтисодий тараққиёт талаб-эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда халқ хўжалиги манфаатлари йўлида фойдаланиш янги ўзлаштирилган ерларда ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона ривожлантириш ва аҳоли сонини кўпайтиришга олиб келади. Шу мақсадларга эришилса, ўзлаштирилган янги ерлар иқтисодий, маданий жиҳатдан ўз қиёфасини тез ўзгариради, бундай ерларда қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналари, транспорт ва алоқа воситалари, маданий-маиший корхоналар, муассасалар вужудга келади, янги шаҳарлар, бошқа аҳоли манзиллари бунёд этилади, аҳоли ҳаётининг турли жабҳаларида сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлади.

Республикамизда ўзлаштирилган янги ерлар жумласига Мирзачўл, Жиззах ва Қарши чўллари, Сурхон-Шеробод воҳаси, Куйи Амударё доирасидаги ерлар киради. Бир вақтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган Мирзачўл эндиликда қишлоқ хўжалиги, саноати, маданияти тобора юксалиб бораётган ҳудудлардан бирига айланди.

Бир вақтлар фақатгина Фарғона водийси пахтачилик ривож топган ҳудуд ҳисобланган бўлса, амалга оширилган қатор чора-тадбирлар туфайли юқорида санаб ўтилган минтақалар эндиликда нафақат пахтачиликда, балки саноат, маданият борасида ҳам тараққий этган ҳудудларга айланди. Шундай қилиб республикада қатор жабҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқларга янги ўзлаштирилган ерларнинг моҳияти ва салмоғи бениҳоя бўлди.

Янги ерларни ўзлаштиришда ўз вақтида айрим камчиликларга ҳам йўл-қўйилди. Мирзачўл ерларини ўзлаштириш туфайли 1957 йили Янгиер шаҳри вужудга келган эди. 1963 йили Сирдарё вилояти ташкил топиши билан Янгиер шаҳри бу вилоятнинг маркази деб белгиланди. Ҳолбуки, Янгиер шаҳри учун танланган жойнинг ўзи табиий

географик нуқтаи назардан нотўғри эди. Уни янги ташкил бўлган вилоят маркази қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас эди. Аввало шуни айтиш керакки, Янгиер шаҳри шўрхок ерда қад кўтарган. Бу ерда тез-тез бўлиб турадиган кучли, баъзан бўронга айланадиган шамолларга бардош бериш қийин. Ана шундай қаттиқ шамоллар пайтида осмонга туз аралашган чанг-тўзонларнинг кўтарилиши шаҳарда истиқомат қилувчиларнинг кундалик ҳаётларида нохушликлар келтириб чиқарар эди. Ана шу сабабларга кўра, Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрига кўчирилди.

Ҳозир (2000 йил) Янгиерда 28 минг, Гулистонда эса 55 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Жиззах чўлида ҳам янги ерлар ўзлаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бу борадаги ишлар туфайли иқтисодиёт ва бошқа жабҳаларда маълум ютуқлар қўлга киритилди, янги ерларни ўзлаштиришни давом эттириш мақсадида 1973 йили Жиззах вилояти таркиб топди. Ҳозир Сирдарё вилоятида мавжуд бўлган бешта шаҳар (Гулистон, Бахт, Сирдарё, Ширин, Янгиер), Жиззах вилоятидаги еттита шаҳарнинг олтитаси (Жиззах шаҳри бундан мустасно) янги ерларни ўзлаштириш даврида вужудга келган.

Янги ерларни ўзлаштириш ишлари амалга оширилган Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида ҳозир мавжуд бўлган 24 та шаҳардан 21 таси ана шу даврда бунёд этилди. Бу вилоятлардаги жами 24 та шаҳардан аҳоли сони бўйича иккитаси (Қарши ва Жиззах) катта шаҳарлар ва иккитаси (Шаҳрисабз ва Гулистон) ўртача шаҳарлар жумласига киради. Қолган 20 таси эса кичик шаҳарлардир.

Маълумки, ишлаб чиқариш ва энг аввало саноат тараққиёти ҳамда янги шаҳарлар ташкил топишида қазилма бойликлар катта ўрин тутати. Табиат ватанимизга турли-туман ер ости бойликларини инъом этган. Бу ҳақда юртбошимиз Ислом Каримов гурур билан «Ўзбекистон замини шунча кўп бойликларга эгаки, бу жиҳатдан жаҳон харитасида Ўзбекистонга тенг келадиган давлатлар унча кўп эмас»¹, деган эди.

1. И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 230-б.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Менделеев даврий жадвалида акс этирилган элементларнинг деярли барчаси мавжуд. Улар мис, қўрғошин, кумуш, олтин, рух, вольфрам, уран, газ, нефть, кўмир, мрамор, корунд каби қазилма бойликларидир.

Мутахассис-олимлар ҳисоб-китобларига қараганда, республикамиз ер бағридаги фойдали қазилма бойликлар захираси 3,3 триллион АҚШ долларига тенг¹. Буни Ислон Каримов 1994 йил январда Тошкентда чақирилган саноатчилар ва тадбиркорлар Халқаро Конгресси Кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида ҳам таъкидлаб ўтди.

Қазилма бойликлар устида гап борганда, Ўзбекистоннинг олтин захираси тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш ўринли. Олтин мамлакатимизнинг энг асосий бойликларидан бири ҳамда мустақилликнинг ишончли таянчи бўлиб ҳисобланади.

Олтин қазиб чиқариш бўйича республикамиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Россиядан кейин иккинчи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган олтин бўйича эса биринчи ўринни эгаллайди. Олтин захиралари бўйича мамлакатимиз дунёда ҳам катта мавқега эга: олтин захиралари бўйича жаҳонда тўртинчи, уни қазиб чиқариш ҳажми бўйича эса еттинчи ўринни эгаллайди².

Республикамизнинг хилма-хил табиий бойликлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни устида тўхталиб, мамлакат Президенти 2001 йил 11 январда Тошкентда бўлиб ўтган «Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашда» қилган маърузасида шундай деган эди: «Мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда хорижий сармояларни мазкур соҳага жалб этиш, ер ости бойликларини қазиб олиш ва уларни комплекс қайта ишлашни йўлга қўйиш тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу ерда гап олтин, рангли ва нодир металллар, нефть, газ, қурилиш ашёлари, фосфоритлар, турли тузлар, кварц

¹ Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан. Т., Университет, 1998, 577-б.

² Ўша ерда.

ва саховатли заминимизнинг бойлиги бўлган бошқа кўп-кўп фойдали қазилмалар ҳақида бормоқда»¹.

Республикамизнинг турли ҳудудларида топилган табиий газ, нефть, кўмир, олтин, мис, кўрғошин, вольфрам, қурилиш материалларини халқ хўжалигида кенг фойдаланилиши негизида мамлакатимизда қатор янги шаҳарлар вужудга келди ва ривож топди. Бундай шаҳарлар жумласига Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Зарафшон, Муборак, Газли, Учқудуқ, Бойсун, Шарғун, Янгиобод каби қатор шаҳарларни киритиш мумкин. Қазилма бойликларни ишга солиш асосида республика харитасида вужудга келган ва ривож топган шаҳарларга оид баъзи маълумотларни санаб ўтишни лозим топдик.

АНГРЕН. Бу шаҳар Тошкент вилояти таркибида бўлиб, Республика пойтахти Тошкентдан 120 км. масофада жойлашган. 1934 йилларда ҳозирги шаҳар эгаллаб турган майдонларда каолин қидириш ишлари билан шуғулланган йирик олим Д.М. Богданович бу ерларда кўмир ётқиқиқлари борлигини аниқлаган. Кейинчалик кўмир қидиришнинг асосий ишларига 1940 йили йирик мутахассис Г.С. Чикризов бошчилик қилди. Кўмирнинг тахминий захиралари аниқлангач, кўмир чиқариш билан боғлиқ бўлган ишлар тезлатиб юборилди. Чунки бу даврга келиб иккинчи жаҳон уруши бошланганлиги сабабли кўмирга бўлган эҳтиёж кучайганди.

Шундай қилиб, Ангренда кўмир чиқариш ишлари бошланиб кетди. Чиқарилаётган кўмирни Тошкент ва бошқа манзиллардаги истеъмолчиларга етказиш учун кўмир кони томон транспорт йўллари қурилиши керак эди. 1941 йили Тошкентдан кўмир конигача 120 километр масофага эга бўлган темир йўл қурилиши бошлаб юборилди ва 1942 йили Ангреннинг дастлабки кўмири Тошкентга жўнатилди.

Шу тариқа Тошкент вилоятида йирик кўмир ҳавзаси вужудга келди ва бу ерда мавжуд бўлган Ангреншахтстрой посёлкаси 1946 йили махсус Фармон билан шаҳар мақомини олди. Шундан буён ўтган давр ичида Ангрен республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2001 й, 12 январ.

Мустақиллик йилларида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Ангрен кўмири конида кўмирдан ташқари қатор соҳаларда муҳим хом ашё бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган каолин ҳам чиқарилади. Каолин кони жаҳондаги энг йирик конлар қаторига киради. Унинг заҳиралари 46 миллион тоннага тенг деб баҳоланмоқда. Каолиндан қоғоз, чинни идишлар, кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган турли соҳаларда фойдаланиш мумкин.

Германиянинг бойитилган каолин чиқаришда дунёга танилган «Паб Баутцен» фирмаси билан олиб борилган изланишлар бу борада қўл келди. «Каолин» қўшма корхонаси негизида фабрика ташкил топди. Ушбу фабрика каолиндан ўтга чидамли турли маҳсулотлар, чинни идишлар, буёқлар, шиша тола, тиббиёт, атторлик ва бошқа қатор маҳсулотлар чиқаришга ихтисослашмоқда.

Каолин маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Туркия каби мамлакатлари билан иш олиб борилмоқда. Бу режаларнинг амалга оширилиши сўзсиз катта аҳамиятга эгадир.

ОЛМАЛИҚ. Тошкент вилоятидаги ушбу шаҳар тарихи 1930 йиллари Курама тоғ тизмалари ёнбағирларида бир гуруҳ олимлар томонидан йирик мис конлари топилиши билан боғлиқ. Аҳамияти ниҳоятда катта бўлган мис бойлигини ишга туширишни тезлаштириш мақсадида тез суръатлар билан қатор корхоналар қурилиб ишга туширилди.

1948 йили бу ерда қад кўтариши мумкин бўлган шаҳар лойиҳаси тузилди. Ушбу лойиҳага кўра шаҳар 25 минг аҳолига мўлжалланган. Кейинчалик бу мўлжал амалга ошмай, олдин таркиб топган ишчи посёлкаси 1951 йили Олмалик шаҳрига айлантирилди.

Бу ердаги Олтинтопган кўрғошин-рух ва мис-молибден комбинати шаҳарнинг асосий корхонаси ҳисобланади. Олмалик шаҳри ривожлана бориб эндиликда Ўзбекистоннинг рангли металлургия марказига айланди.

Бундан қарийб беш йил аввал Жиззах вилояти Фориш туманининг Учқулоч шаҳарчаси атрофида мармар кони топилган эди. Унинг аниқланган заҳиралари 1 миллион кубометрга тенг жуда сифатли конлар қаторига киради. Ана шу мармар асосида Олмалик шаҳрида мармарни қай-

та ишлаш цехи қурилган. Ушбу цехдан чиқаётган қорамармар камдан кам учрайдиган мрамрлардан эканлиги аниқланди. Олмаликда тайёрланаётган мрамрни Россияга ҳам экспорт қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Шундай қилиб, Олмалик шаҳри ҳам мустақиллик йилларида ҳар томонлама ривож топаётган шаҳарлар қаторига кирди.

Олмалик атрофидаги ҳудудлар мисдан ташқари яна қатор қазилма бойликлар, жумладан рух, қўрғошин, вольфрам, молибден кабилар ҳам мавжуд. Булар ҳам Олмалик шаҳрини рангли металлургия маркази сифатида янада ривож топишида катта ўрин тутди.

Шаҳар аҳолиси асосан бошқа ўлкалардан келган кишилар эвазига кўпайди. Ҳозир унинг аҳолиси 115 мингдан ортиб кетди. Тошкент шаҳри билан Олмалик орасидаги масофа 70 километрга тенг.

ЗАРАФШОН. Шаҳар тарихи бепоён ва жазирама Қизилқум саҳросидаги Мурунговда ўтган асрнинг 60-йилларида йирик олтин конлари топилиши билан бевосита боғлиқ. Мурунгов Ўзбекистоннинг ҳозирги ва келажак ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тараққий эттиришда шубҳасиз катта аҳамиятга эга ҳудуддир.

Мурунгов олтин заҳираларини ишга тушириш туфайли 1967 йили кичик аҳоли манзили вужудга келди. Олтин чиқариш ишлари кучайиб кетиши туфайли 1972 йили манзил шаҳарга айлантирилиб, унга Зарафшон номи берилди.

1982 йил 20 апрелда Навоий вилояти ташкил топиши билан Бухоро вилояти таркибидаги Зарафшон, Учқудуқ, Навоий шаҳарлари ана шу янги вилоят таркибига киритилди.

Зарафшон шаҳрида Мурунгов олтинини ишлаб чиқаришда энг йирик, салоҳияти жиҳатидан республикада тенги йўқ кон-металлургия комбинати мавжуд. Бу комбинат олтин конларида ишлатиладиган энг замонавий техника, технология, кўп юк кўтарувчи кранлар, компьютерлар билан жиҳозланган автомобилларга эга. Шундай қилиб, бугунги кунда Зарафшон шаҳри республиканинг олтин саноати ривож топаётган йирик марказидир.

Республика олтин заҳираларининг 42,7 % Навоий вилоятига тўғри келади. Зарафшонда ҳозир 53 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

УЧҚУДУҚ. 1961 йилга қадар посёлка бўлиб келган Учқудуқ ҳам Мурунгов олтин конининг ишга туширилиши билан боғлиқ бўлиб, 1978 йили шаҳар мақомини олди.

2001 йили Учқудуқда йирик каолин кони, қизил гишт чиқаришда ишлатиладиган тупроқнинг катта захираси топилди. Ушбу хомашёлар ҳам шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта ўрин тутиши шубҳасиз. Учқудуқда топилган каолин бойлигидан тўла ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш учун Германия билан қўшма корхона тузиш масаласи кўрилмоқда.

Шаҳар фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам тез ривож топаётган шаҳарлардан ҳисобланади.

МУБОРАК. Қашқадарё вилояти таркибидаги Муборак ўтган асрнинг 70-йилларига қадар Косонсой қишлоқ тумани таркибига кирувчи қишлоқ эди. Худудда нефть ва газ конлари топилиб, ишга туширилиши билан Муборакда ҳаёт тарзи ўзгариб, шуҳрати атрофга ёйилди.

1974 йили шаҳарлар рўйхатидан жой олган Муборак 1978 йил сентябрида Қашқадарё вилоятида Муборак қишлоқ тумани ташкил этилди ва шаҳар туман марказига айланди.

Шаҳарда унча катта бўлмаган бир нечта саноат корхоналари мавжуд бўлиб, улар орасида Муборак газни қайта ишлаш заводи катта ўрин тутди. 1971 йилда ишга тушган ушбу корхона газни водород сульфидидан тозалайдиган ягона заводдир. Корхонадаги технологиянинг ноёблиги шундан иборатки, газ ер остидан газ қузури орқали тўппатўғри қайта ишлашга юборилади.

ГАЗЛИ. Бухоро вилоятидаги ўн битта шаҳаридан бири — Газли Бухоро шаҳрининг шимоли-ғарб томонида жойлашган. Икки шаҳар ўртасидаги масофа 106 километрга тенг. Газли 1982 йил июл ойига қадар Бухоро вилоятининг Ромитан тумани таркибига кирар эди. Ана шу йилнинг 2 июлида Бухоро вилояти таркибида Газли тумани ташкил топди ва шаҳар туманнинг маъмурий маркази бўлиб қолди.

1922—1929 йилларда Газлига олтингугурт топиш мақсадида экспедиция уюштирилди. Экспедиция табиий газ белгиларини топди. 1940—1950 йиллар орасида газ қидирув ишлари кучайтирилди. Кейинчалик бу ерларда газ захиралари борлиги узил-кесил тасдиқланди. Бу муҳим воқеа

туфайли Газли мавқеи ошди ва 1977 йил март ойида шаҳар мақомини олди.

Газли шаҳри зилзилалар бўлиб турадиган ҳудудда жойлашган. Айниқса, 1976 ва 1984 йилларда рўй берган ер силкинишлари шаҳарга катта талафот етказган.

БОЙСУН. Сурхондарё вилоятида сифатли тошкўмир конларига бой бўлган икки шаҳар — Бойсун ва Шарғун шаҳарлари мавжуд. Бойсун 1975 йил 28 февралда, Шарғун эса 1973 йил март ойида шаҳарлар рўйхатидан жой олган. Ҳар икки шаҳар ҳам денгиз сатҳидан анча баландда, тоғ ёнбағирларида жойлашганлиги туфайли у ердаги кўмир конларини тўла ишга тушириш анча қийин. Шунга кўра бу конларнинг республика учун аҳамияти унча катта эмас. Иккала кон Республикада олинадиган кўмирнинг 3 фоизини беради, холос.

Юқорида келтирилганлардан республикада мавжуд бўлган қазилма бойликларнинг шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланишида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди. Шу йўсинда ташкил топган шаҳарлар ҳам мустақилликнинг тарихан қисқа 10 йили мобайнида ўсди, ривожланди, республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётига муносиб ҳисса қўшди, шу билан бирга янги қурилишлар туфайли уларнинг ташқи қиёфалари ўзгарди, гўзаллашди.

ШАҲАРЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИ

Иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда аҳолиси сони жиҳатидан турли катталиқдаги шаҳарлар тараққиёт йўлини илмий жиҳатдан тўғри белгилаш, бугуннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Узоқ вақтлардан бери иқтисодчилар, файласуфлар, географлар, шаҳаршунослар, тиббиёт вакиллари орасида шаҳарлар тараққиёти қайси йўлдан бориши зарурлиги ҳақида баҳс-мунозаралар давом этиб келмоқда ва баъзан бу масалада бир-бирига мутлақо зид бўлган фикрлар баён қилинмоқда. Турли баҳс-мунозараларга, тортишувларга қарамай, янги шаҳарлар вужудга келиши давом этмоқда, мавжуд шаҳарлар ўсмоқда, ривож топмоқда ва йилдан-йилга йирик шаҳарлар сони ортиб бормоқда.

Моҳияти ва сони бўйича у ёки бу гуруҳга кирувчи шаҳарлар тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятларига эга.

Йирик шаҳарлар иқтисодиёти кўп тармоқли мураккаб комплекс ҳисобланади. Бу комплекс узоқ муддат мобайнида, яъни ишлаб чиқарувчи кучлар ва фан-техника тараққиётининг муайян даражада ривожланиши натижасида вужудга келади. Маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида етакчилик вазифасини бажарувчи бундай йирик шаҳарларда саноатнинг бир қанча тармоқлари ривож топган, илмий-тадқиқот институтлари, турли хил ўқув юртлари, маъмурий, маданий-маърифий ташкилотлар, муассасалар жойлашган. Йирик шаҳарлар орасида кам тармоқли шаҳарлар деярли учрамайди. Бундай йирик шаҳарларда, шунингдек, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган барча омиллар мавжуд бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг экстенсив тараққиёт йўлидан интенсив ривожланиш йўлига ўтишнинг ҳозирги даврида шаҳарлар қурилиши олдида турган қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммолар мавжуд. Бу муаммолар, энг аввало, йирик шаҳарларга тааллуқлидир. Йирик шаҳарлар фан-техника тараққиётининг ва ижтимоий ривожланишнинг асосий марказлари ҳисобланади. Йирик шаҳарлар ўзига хос бўлган қатор белгиларига эга. Бу белгиларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, бундай шаҳарлар аҳолисининг сони кўп; иккинчидан, уларда иш ўринлари мўл, турлари хилма-хил, шунга кўра ишга жойлашиш имкониятлари катта; учинчидан, бундай шаҳарларда турли хил маъмурий-бошқарув ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, маданий-маърифий муассасалар, аҳолига турли хил маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, ўрта ва олий ўқув юртларининг кенг тармоқлари мавжуд.

Йирик шаҳарларнинг аҳолиси ўртасида катта ёшдаги аҳолининг салмоғи катта ўрин тутди, чунки бундай шаҳарларда қишлоқ жойларидагига ва кичик шаҳарлардагига нисбатан туғилиш камроқ. Йирик шаҳарларда технология жиҳатидан ўхшаш бўлган корхоналарнинг бир-бирига яқин масофада жойлашганлиги, турли хил хизмат кўрсатиш соҳаларидан биргаликда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, илмий марказлар, ўрта ва олий ўқув юртларининг яқин бўлиши саноат корхоналарининг мақсадга мувофиқ тарзда жойлашишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ жойларидагига ва кичик шаҳарлардагига нисбатан туғилиш камроқ бўлишига қарамай, йирик шаҳарларда истиқомат қилувчи аҳоли сони тез кўпая боради. Бунга асосий сабаб нимада? Нима учун йирик шаҳарларда аҳоли ҳамиша гавжум?

Бунга, энг аввало, йирик шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий қулайликларнинг мавжудлиги сабаб. Чунки бундай шаҳарларда жойлашган саноат корхоналари катта фойда келтиради. Саноат корхоналари ўртасидаги мавжуд технологик боғланишлар ишлаб чиқариш билан алоқадор бўлган қатор сарф-харажатларни камайтириш, қўшимча самара олиш имконини беради. Йирик шаҳарларда ижтимоий меҳнат унумдорлиги кичик шаҳардагига нисбатан анча юқори, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархи эса анча паст. Бундай шаҳарларда водопровод, канализация сингари зарур иншоотлар, кенг ривожланган турли хил транспорт, алоқа воситалари, электр энергия ва бошқа қулайликлар мавжуд.

Йирик шаҳарлар аҳолига ўз касби, хоҳиш-истагига яраша иш топиш имконини ҳам беради. Аҳолининг кундалик турмушдаги эҳтиёжи учун зарур бўлган турли хил қулайликлар ҳам кичик шаҳардагиларга қараганда анча кенг ривожланган. Қолаверса, йирик шаҳарларда инсоннинг ижодий ривож топиши, камолотга етиши учун зарур бўлган имкониятлар мавжуд, улар аҳоли ҳаётини қизиқарли, унумли ўтказишга имкон беради.

Йирик шаҳарлар ташкилотчилик ролини ҳам бажаради, яъни бундай шаҳарлар кўп жойларда янги саноат корхоналарини, транспорт, маданий-маърифий марказларни вужудга келтиришда фаол иштирок этади, шунингдек, яқин атрофдаги кичик шаҳарлар, туманлар, бошқа аҳоли манзиллари билан иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни ривожлантиради. Шунга кўра, қурилиши лозим бўлган янги саноат корхоналарини ана шундай йирик шаҳарларда жойлаштиришга, бу шаҳарларда мавжуд бўлган барча қулайликлардан турли вазирликлар, бошқарув ташкилотлари иложи борица тўла фойдаланишга интилади. Бундай режаларнинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ, йирик шаҳарларда аҳоли сони тез кўпайишда давом этади, чунки янги саноат корхоналарининг таркиб топиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожлана бориши, хорижий мамлакат-

лар билан ҳамкорликда вужудга келаётган кўшма корхоналар кўпайиши каби омиллар қишлоқлар ва аҳоли яшайдиган бошқа манзиллардан кўплаб ишчи кучларини жалб қилиш имконини яратади. Қисқаси, бундай йирик шаҳарларда ҳозир мавжуд бўлган қатор иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳаёт кечириш анча енгил бўлади.

Йирик шаҳарларга фақат ижобий томонларгина хос бўлмай, балки қатор салбий жиҳатлари ҳам бор. Жумладан, бундай салбий хусусиятлар Ўрта Осиёдаги энг йирик шаҳар ҳисобланмиш Тошкент шаҳри учун ҳам хос. Бундай шаҳарларда турли хил саноат корхоналари ва транспорт воситаларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши шаҳарнинг санитария ҳолатини ёмонлаштиради, турли хил касалликларни кўпайтиради, шаҳар транспортининг иши мураккаблашади, хизмат жойларига етиб бориш ва иш тугагач уйга қайтиш вақти узайиб кетади, натижада бундай шаҳарларда тезюрар транспорт воситалари, шу жумладан, метро қуриш зарурати туғилади. Холбуки, бундай транспорт воситаларини бунёдга келтириш ниҳоятда қиммат. Шаҳар катталиги маълум бир даражага етгач, шаҳар хўжалиги билан боғлиқ бўлган турли қурилишларни амалга ошириш ҳам қимматлашиб кетади. Масалан, йирик шаҳарларда амалга оширилиши лозим бўлган турли қурилишлар, жон бошига ҳисоблаганда, мамлакат доирасидаги ўртача сарф-харажатлардан қарийб икки ҳисса юқори бўлади.

Йирик шаҳарлар инсон асаб торларининг таранглашувига ҳам сабабдир. Бундай шаҳарларда истиқомат қилувчи кишилар кўп ҳолларда табиатдан узоқлашадилар. Уларнинг шаҳар атрофига дам олиш учун чиқишлари эса қатор салбий ҳолатларни вужудга келтиради: ҳеч бўлмаганда, шаҳар яқинидаги дарахтзорлар, майсазорлар пайҳон қилинади, натижада табиат гўзаллигига катта путур етади.

Йирик шаҳарларда экологик вазиятнинг мураккаблашишини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай шаҳарлардаги саноат корхоналари, кўп сонли транспорт воситалари ҳавони ҳаддан ташқари булғаб юборади, нафас олишни қийинлаштиради, шовқин-сурон кўпаяди, уларда турли хил чиқиндилар, ахлатлар кўпайиб кетади.

Шаҳар катталаша боргани сари ундаги муаммолар ҳам кўпайгандан кўпаяверади, бу муаммолар мураккаблашгандан мураккаблашаверади, уларни ҳал қилиш эса қийинлашгандан қийинлашаверади...

Юқоридаги каби ҳолатларни ҳисобга олган мутахассис олимлар, айниқса, тиббиёт ходимлари йирик шаҳарларда аҳоли сонининг ҳаддан ташқари кўпая боришини салбий омил деб қарайдилар.

Шунинг учун ҳам кўп йиллар давомида юқори ташкилотлар томонидан йирик шаҳарларда аҳоли сонини чеклаш, уларнинг бетўхтов кўпайишига йўл қўймаслик ва кичик шаҳарларни тараққий эттиришга эътиборни кучайтириш лозимлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар тез-тез учраб турибди. Шунга қарамай, йирик шаҳарларнинг йириклаша бориши давом этмоқда. Ҳаёт учун зарур бўлган ушбу муаммо мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри учунгина долзарб муаммо бўлиб қолмай, балки жаҳоннинг қатор мамлакатлари учун ҳам тааллуқлидир.

Йирик шаҳарларнинг чексиз катталашиб кетишига йўл қўймаслик, уларни бу борада тартибга солиб туриш масалалари ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ривожлантириш, мамлакат доирасидаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўл-йўриқларини белгилаш, уларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Айни чоғда йирик шаҳарларнинг ўсишини чеклаш ёки тартибга солиш — уларнинг тараққиётини тўхтатиш, саноат, фан-техника тараққиёти, маориф, маданият маркази сифатидаги ролини камситиш деган гап эмаслигини ҳар томонлама чуқур англаб олмоқ зарур.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 120 шаҳар мавжуд бўлиб, улардан 17 таси аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган йирик шаҳар қаторига киради. Ушбу 17 та йирик шаҳар барча шаҳарларнинг 15 фоизини ташкил этгани ҳолда, уларда 5,4 миллион аҳоли истиқомат қилади. Бу Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча шаҳар аҳолисининг қарийб 59 фоизини ташкил этади, деган сўздир.

Республикадаги йирик шаҳарларнинг асосий қисми муҳим саноат, маданий ва маъмурий-хўжалик марказлари бўлиб ҳисобланади. Улар орасида Андижон, Бухоро, Кўқон, Марғилон, Наманган, Фарғона, Самарқанд каби кўҳна шаҳарлар бўлиб, бу шаҳарларнинг иқтисодий ва маданий қиёфаси мустақиллик йилларида ўзгариб кетди. Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Чирчиқ каби шаҳарлар янги шаҳарлар ҳисобланса-да, уларнинг ривожланиш суръатлари қатор эски шаҳарларга қараганда анча юқоридир. Ана шундай

янги шаҳарлар ҳам тез орада йирик саноат марказларига айланди. Уларда аҳоли сони анча тез ўсмоқда.

20-жадвал

Ўзбекистондаги катта шаҳарлар аҳолиси сонининг кейинги 30 йил ичида ўзгариши

Шаҳарлар	Аҳоли сони (минг киши)			2000 йил қуйидаги йилларга нисбатан ўзгариши, %	
	1970	1990	2000	1970	1990
Ангрен	76,1	135,0	129,0	180,1	95,5
Андижон	188,0	310,0	334,3	177,8	107,8
Бухоро	111,0	240,0	239,1	215,4	99,6
Жиззах	26,8	115,0	128,9	480,9	112,0
Марғилон	138,3	140,0	156,0	112,7	111,4
Навоий	61,9	120,0	140,9	227,6	117,4
Наманган	175,3	310,0	386,2	220,3	124,6
Нукус	74,1	175,0	206,7	278,9	118,1
Олмалиқ	81,5	135,0	114,7	140,7	84,9
Самарқанд	266,8	462,0	361,1	135,3	78,2
Термиз	34,9	75,0	113,5	325,2	151,3
Тошкент	1384,5	2151	2142,3	154,7	99,5
Урганч	76,2	132,0	139,2	182,6	105,4
Фарғона	111,3	235,0	185,2	166,4	78,8
Чирчиқ	107,3	172,0	143,3	133,5	83,3
Қарши	71,1	180,8	201,3	283,1	111,3
Қўқон	133,1	175,0	197,4	148,3	112,8

Келтирилган жадвалдан шу нарса маълумки, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Навоий каби шаҳарларда аҳоли 2000 йили 1990 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бунинг боиси, ушбу шаҳарлар аҳолиси таркибида русийзабон аҳоли анча юқори бўлиб, собиқ иттифоқ барбод бўлгач, бу шаҳарлардаги аҳолининг маълум қисми асосан русийзабон аҳоли яшайдиган мамлакатларга кетиб қолдилар.

Ўзбекистон шаҳарларининг саноат нуқтаи назаридан ривожланиш даражаси турлича. Саноат тармоқлари ва

корхоналарнинг асосий қисми йирик шаҳарларда жойлашган. Бу, айниқса, Тошкент шаҳри учун хосдир. Шаҳарларда саноат корхоналарини жойлаштиришда қатор камчиликларга йўл қўйилиб келинган: шаҳар ва шаҳар атрофида мавжуд бўлган хомашё ресурслари, уларнинг территориал имкониятлари, экологик вазият кўп ҳолларда ҳисобга олинмаган. Республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг бешдан бир қисмидан ортиғи Тошкент шаҳрига, тахминан 6 фоизи Самарқанд шаҳрига тўғри келади.

Йирик шаҳарлар ҳақида гап борганда, Тошкент шаҳрининг алоҳида ўрин тутганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Қатор хорижий мамлакатларда амалга оширилган тажрибалар шуни кўрсатадики, йирик шаҳарларда иш жойларини қисқартириш ҳамда субурбанизацияни амалга ошириш, яъни йирик шаҳарлар аҳолисини яқин-атрофдаги кичик шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларига тарқатиш йўли билан ҳаддан ташқари катталашиб кетган шаҳарлардаги аҳоли сонини бемалол камайтириш мумкин экан. Бундай йўлни амалга ошириш учун йирик шаҳар аҳолиси кўчирилиши лозим бўлган туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Шундай қилиб, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда моҳирлик билан йўл тутилиши туфайли йирик шаҳарлар аҳоли сонини фақат чеклабгина қолмай, балки камайтиришга ҳам эришиш мумкин бўлади. Бундай тажриба жаҳондаги энг йирик шаҳарлардан Нью-Йорк ва Лондон кабиларда амалга оширилган ҳамда улар яхши натижа берган.

Йирик шаҳарлар аҳолисини чеклаш борасида олиб борилиши керак бўлган ишлар бундай шаҳарларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини тўла ҳисобга олишга асосланган бўлмоғи керак. Бошқача қилиб айтганда, йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари ўсиши билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий, демографик ҳолатларни ва санитария ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш лозим. Шаҳарларнинг ҳаддан ташқари катталашиб кетишининг олдини олишда маъмурий чора-тадбирлардан кўра иқтисодий, ижтимоий тадбирлар устунлик қилишини ёддан чиқармаслик даркор. Худди шундай шаҳарларда бунёдга келиши, барқарор ривож топиши мумкин бўлган корхоналарни тўғри аниқлаш имконини берадиган иқтисодий омил юзага келиши зарур.

Тошкент шахрининг ҳаддан ташқари катталашиб кетишининг олдини олишда ҳам юқорида айтиб ўтилган бир қанча омиллар ҳисобга олинмоғи шарт.

Йирик шаҳарларда аҳоли сонининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишининг олдини олиш муаммоси бошқа бир муҳим муаммо билан — кичик ва ўрта шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммоси билан бевосита боғлиқдир. Кичик шаҳарларда ва қишлоқларда меҳнат қилиб чарчамайдиган, ҳалол, пок ва юксак инсоний фазилатларга эга бўлган аҳоли истиқомат қилади. У ерлардаги табиатнинг гўзаллиги, йирик шаҳардаги каби шовқин-суронлар йўқлиги меҳнат унумдорлиги юқори бўлишига шароит яратади. Мамлакатда бундай шаҳарлар муҳим ўрин тутаяди. Кичик ва ўрта шаҳарларнинг иқтисодий, айниқса, ижтимоий тараққиёти долзарб масала ҳисобланади. Бундай шаҳарларда инсон билан табиат ўртасидаги боғланиш ҳозирча сақланиб қолган бўлиб, уларда алоҳида ўзига хос бўлган муҳит мавжуд, улар келажакда янада равнақ топиши учун зарур бўлган қатор қулайликларга эга.

Кичик ва ўрта шаҳарларнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиёти муаммоси ҳозирги кунларда айниқса муҳим бўлиб турибди. Эндиликда кичик, ўрта шаҳарлар, қишлоқларда йирик корхоналар билан кооперация асосида маҳсулот тайёрлашни кенгайтириш, қишлоқ хўжалик хомашёси ва маҳаллий хомашёни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ихтисослаштирилган корхоналарни жойлаштириш, уларнинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ниҳоятда долзарб масалалардир.

Кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиш йўлидан бориши бутун мамлакат, унинг айрим худудларида шакллانган аҳоли пунктларини мунтазам равишда, самарали ўзгартира боришда муҳим аҳамият касб этади. Кичик ва ўрта шаҳарларнинг мақсадга мувофиқ тарзда тараққий этиши йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари катталашиб кетишининг олдини олади, кичик ва ўрта шаҳарлар атрофидаги ерларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнат, моддий ва табиий ресурслардан тўлароқ фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш беради.

Кичик ва ўрта шаҳарлар қанчалик унум билан ривожланган бўлса, йирик шаҳарларнинг катталашиб кетишини

чеклаш шунчалик осон кечади, ижтимоий соҳа тармоқларида маҳаллий маданий-маиший марказларнинг вужудга келтирилишига, қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган коммунал хизматнинг яхшиланишига, дам олиш масканларининг ташкил этилишига, умуман аҳоли турмуш шароитларининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Йирик шаҳарларнинг ғоят катталашиб кетишига йўл қўймасликда восита бўлиб хизмат қилувчи кичик ва ўрта шаҳарлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кичик ва ўрта шаҳарларнинг ўзида, уларга яқин бўлган қишлоқ туманларида яшовчи аҳоли учун зарур бўлган қулай экологик вазиятни вужудга келтиришда муайян даражада роль ўйнамоғи лозим. Кичик шаҳарлар кўп ишчи кучи талаб қилмайдиган илғор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш учун қулай имкониятларни яратиб беради.

Шундай қилиб, кичик ва ўрта шаҳарларни тараққий эттириш халқ хўжалигининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, бу жараён ишлаб чиқаришни ташкил этишда, аҳолини ҳудудлар бўйлаб мақсадга мувофиқ равишда жойлаштиришни такомиллаштиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган Ўзбекистон вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини бир-бирига яқинлаштиришда ҳам кичик шаҳарларни ривожлантириш муҳим ўрин тутаети.

Республикада мавжуд бўлган 120 шаҳардан 103 таси кичик ва ўрта шаҳарлар қаторига киради. Ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг қарийб тўртдан бир қисми, саноатда банд бўлган аҳолининг 15 фоизга яқини, асосий фондларнинг 20 фоиздан ортиғи ҳам ана шу кичик ва ўрта шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўн йилликда мамлакатдаги кичик ва ўрта шаҳарлар тараққиётини тезлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди. Уларнинг чиройини очиш, республика ижтимоий иқтисодиётида тутган ролини ошириш мақсадида турли хил қўшма корхоналар қуриш, бу мақсад учун чет эл сармояларини кўпроқ жалб этиш лозим.

Мавжуд кичик ва ўрта шаҳарлар саноат, уй-жой, коммунал хўжалик, ободончилик, аҳолига турли хил маиший хизмат кўрсатиш бўйича бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг кўпчилигида уй-жой фондининг аҳволи, уй-жойлар-

нинг турли қулайликлар билан жиҳозланганлик даражаси давр талабларига жавоб бермайди, ташқи кўриниши эса қишлоқлардан кам фарқ қилади.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистондаги кўпчилик йирик шаҳарларнинг саноат тараққиёти даражаси кўнгилдагидек эмас. Кичик шаҳарлардаги саноат корхоналарининг қарийб 40 фоизи пахта тозалаш саноатига тегишлидир. Бу шаҳарларнинг саноати таркибида пахта тозалаш саноатидан ташқари, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати катта ўрин тутди.

Кичик ва ўрта шаҳарларда уй-жой, умумий овқатланиш, мактабгача ёшдаги болалар ташкилотлари, тиббиёт муассасаларининг аҳволи анча заиф, канализация, иситиш тизими, газ, ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида ҳам анча ишлар қилиниши лозим. Бу шаҳарларда ишлашни хоҳловчилар ўз касблари, хоҳиш-истакларига мос келадиган ишни топишга қийналадилар. Қатор мутахассис олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёшларнинг ўз қобилиятларини намоён қилишлари учун кичик шаҳарларда 30 тадан 50 тагача касб-ҳунар мавжуд бўлиши керак экан. Аммо республиканинг кўпчилик кичик шаҳарларида бундай имконият етарли эмас.

Ўзига хос табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий шароитларга эга бўлган Ўзбекистонда кичик ва ўрта шаҳарларнинг тараққиёт йўлини баҳолашда бу шаҳарлардаги меҳнат ресурсларининг ташкил топиш йўллари, уларнинг заҳираларини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Айрим кичик шаҳарларда ва биринчи навбатда янги ерлар ўзлаштирилаётган жойлардаги кичик шаҳарларда аҳоли ҳамда меҳнат ресурсларининг кўпайишида миграция жараёни катта роль ўйнайди. Маълумки, ўзлаштирилиши лозим бўлган янги ерларда аҳоли жуда камдан-кам бўлади, шунга кўра бундай ерларни ўзлаштириш учун бошқа жойлардан аҳолини жалб қилишга тўғри келади. Мирзачўл, Қарши ва Жиззах чўлларининг ўзлаштирилишида миграция жараёни катта.

Шаҳарларнинг, шу жумладан, кичик шаҳарлар тараққиётининг кучайиши ёки, аксинча, заифлашишида транспорт воситаларининг қай даражада эканлиги, йўлларнинг сифати ҳам аҳамиятли. Шунинг учун ҳам кичик ва ўрта

шаҳарларнинг тараққиёт йўналишини белгилашда бундай шаҳарлар яқин-атрофида автомобиль йўллари, темир йўллар, сув йўллари, аэропорт ва бошқа транспорт иншоотлари бор-йўқлиги ҳисобга олиниши лозим. Шаҳарлар истиқбол режасини тузишда шу нарсани ҳам ҳисобга олиш керакки, кичик шаҳарларда шаҳарлараро йўловчилар ташувчи транспортнинг роли шаҳар ичидаги транспорт ролига нисбатан анча юқори туради. Чунки кўпчилик кичик шаҳарларнинг майдони, одатда, унча катта бўлмайдди, шунинг учун унинг бир четидан иккинчи бир четига пиёда бориш унча қийинчилик туғдирмайдди. Натижада бундай шаҳарларда шаҳар транспортининг турли хилларини ривожлантиришга катта эҳтиёж ҳам сезилмайдди.

Кичик шаҳарларда ишлаб чиқаришга маҳаллий ресурсларни кўпроқ жалб қилиш, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий вазифаларни оқилона, ўз вақтида ҳал этиш имконини беради.

Кичик ва ўрта шаҳарларда иложи борича кўпроқ қўшма корхоналар, айрим филиаллар ва цехларни вужудга келтириш мақсадга мувофиқ. Уларнинг ишга туширилиши ўша шаҳарлардаги ишсизлар сонини камайтириш, уларни янги иш жойлари билан таъминлаш, аҳолининг даромадини ошириш, моддий ва маънавий аҳволини яхшилашга ёрдам беради, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни камайтиради.

Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида ҳам қўшма корхоналарни кўпайтириш, уларнинг мунтазам ишлашига эришиш керак. Чунки бу вилоятларда иш билан банд бўлмаган аҳоли, айниқса, аёллар ва мактабни тугатган ёшлар ўртасида кўпчиликни ташкил этади.

Йирик шаҳарларнинг таъсир доираси кенгроқ бўлган жойларда қўшма корхоналар ташкил этишнинг самараси юксакроқ бўлиши мумкин. Чунки, бундай йирик шаҳарларда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари билан ишлаб чиқаришга оид бўлган турли хил алоқаларни ўрнатиш осонроқ кечади, йирик шаҳарларда малакали ишчи кадрларнинг кўп бўлиши ҳам қўшма корхоналар ишини яхшилашга, бир меъёردа ишлашига ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

Шунга кўра келажакда кичик шаҳарларда, қишлоқ жойларда хорижий мамлакатлар иштирокида турли хил қўшма

корхоналарни ташкил этиш, улар сонини кўпайтириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шу асосда республика иқтисодий имкониятларини, халқ хўжалиги самарадорлигини оширишни таъминловчи комплекс дастур деб қараш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Кичик ва ўрта шаҳарлар тараққиётига оид масалаларни тадқиқ қилишда саноат корхоналарининг қандай катта-кичикликда бўлиши зарурлигини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, кўпгина йирик ва ривожланган мамлакатларда кейинги пайтларда ҳаддан ташқари йирик саноат корхоналари қуришдан воз кечилмоқда, аксинча, кичик ҳамда қўшма корхоналарнинг ҳар томонлама қулай ва афзаллиги, самарадорлиги исбот этилмоқда. Тўғри, мамлакатимизда айни шу мавзуда чоп этилган адабиётларда бундай корхоналар тўғрисида фикр юритилса-да, уларнинг мезони қандай бўлиши кераклиги ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмасди. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда бундай қўшма корхоналар ролини кўтариш ўзига хос хусусиятларга эга бўлган республикамиз учун айниқса муҳим. Бу хусусиятлар аҳоли сонининг ўсиш суръатлари тезлигида, умумий аҳоли сонининг қишлоқ аҳолиси салмоғининг катталигида, ишлаб чиқариш кучларини ниҳоятда нотекис жойлашганлигида, шаҳарлар орасида кичик шаҳарлар салмоғининг юқорилигида, иш билан банд бўлмаган аҳолининг кўплигида, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга мойил эмаслигида ифодаланади.

Кўпинча шундай бўладики, катта меҳнат эвазига етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териблиш учун меҳнат кучи етишмай қолади ва маҳсулотларнинг каттагина қисми ерда қолиб кетади. Бунинг устига йиғиб-териблинган маҳсулотни сақлаш учун мослаштирилган омборлар ҳам етишмайди, оқибатда кўп маҳсулот чириб-айниб кетади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи қишлоқ жойларга яқин бўлган кичик шаҳарларда ана шу маҳсулотларни қайта ишловчи кичик-кичик корхоналар қуриш керак. Бу ишга оқилона ёндошилса исрофгарчиликларга йўл қўйилмаган, қишлоқ аҳли ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам катта наф кўрган бўлур эди.

Шундай қилиб, қўшма корхоналар масаласига тўғри, оқилона ёндошиладиган бўлса, бундай корхоналарни рес-

публикамизнинг кўпгина шаҳарларида ташкил топиши ва катта даромад келтириши мумкин. Ўзбекистонда табиий бойликларни, шу жумладан минерал хом ашёларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, иккиламчи ресурсларни ишга солиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш каби қатор соҳаларда бундай корхоналар вужудга келтирилиши мумкин ва фойдадан холи эмас.

Кичик ва ўрта шаҳарлар тараққиёти йўналишларини тўғри белгилашда республикамиз аҳолисининг азалий анъанасига ва кўникмасига айланиб кетган касб-ҳунарлардан фойдаланиш, маҳаллий ҳунармандчилик, касаначиликни ривожлантириш истиқболларини белгилаш муҳимдир. Бундай ишларни аҳоли зич жўйлашган, шунингдек, аҳолисининг кўпчилиги туб аҳоли вакилларидан иборат бўлган ва ижтимоий меҳнатга жалб қилинмаган кишилар, айниқса, серфарзанд аёллар кўп бўлган шаҳарларда амалга ошириш янада фойдалироқдир.

Меҳнатга жалб қилинмаган аҳолининг лоақал маълум бир қисмини иш билан банд этишнинг қатор объектив сабаблари бор:

Биринчидан, кичик шаҳарларда йирик шаҳарларга хос бўлган турли хил саноат тармоқларини вужудга келтириш мушкул. Бу эса иш билан банд бўлмаган барча аҳолини ижтимоий меҳнатга жалб қилиш имконини чеклаб қўяди. Натижада иш топа олмаган кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг кўпчилиги кичик шаҳарларни тарк этиб, йирик шаҳарларга кетиб қолишади.

Иккинчидан, ишга жалб қилинмаган аҳолининг кўпчилик қисмини — қарийб 90 фоизини бирор аниқ касб-ҳунари бўлмаган кишилар, бунинг устига аксариятини кўп болали аёллар ташкил этади. Шунинг учун ҳам уларнинг каттагина қисми уй-рўзғор ва ёрдамчи хўжаликдаги иш билан банд бўлишни афзал кўради. Бундан ташқари, кичик шаҳарларда тураржой биноларининг кўпчилиги шахсий мулк ҳисоблангани учун ҳам ёрдамчи хўжалик билан шуғулланиш иштиёқи кичик шаҳарларда истиқомат қилувчи кишиларда кучлироқ бўлади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишнинг турли усул ва йўллари жорий этишга интилиш лозим. Масалан, меҳнат қилиш имконияти че-

гараланган аёлларни тўла иш куни билан банд қилмаслик чораларини кўриш керак. Шу билан бирга касаначиликни, яъни ёлланиб уйда ишлайдиган хунарманд-косиб меҳнат турини кенг ривожлантириш лозим. Касаначилик меҳнатини жорий этиш кичик ва ўрта шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини юксалтириш, улардаги меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, оила даромадини кўтариш ва бошқа қатор ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Иқтисодчилар, аҳолишунослар, социологлар, тиббиёт фани вакиллари касаначиликни ривожлантириш зарурлиги масаласини ижобий баҳолайдилар ва унга катта умид билан қарайдилар. Касаначилик меҳнатига, биринчи навбатда, серфарзанд аёлларни, турли сабабларга кўра вақтинча ишламай юрганларни, ногиронларни, нафақахўрларни жалб этиш мумкин. Меҳнатнинг бу турини тўғри изга солиш туфайли эҳтиёж катта бўлган турли хил кенг истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш имконияти туғилади. Касаначилик меҳнатини қўллаш натижасида тайёрланадиган маҳсулотларнинг тури хилма-хил бўлиши мумкин. Улар жумласига тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари, гиламлар, дўппилар, палаклар, пичоқлар, ганч, ёғоч ва теридан ясалган буюмлар, сопол идишлар, зеби-зийнат маҳсулотлари ва бошқа қатор маҳсулотлар киради.

Касаначиликни жорий этиш қатор афзалликларга эга. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кам миқдорда тайёрланиши, талаб-эҳтиёж ва моданинг ўзгаришига қараб туриш имконини беради. Ҳолбуки, биратўла кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган йирик корхоналар бундай имкониятдан маҳрум. Касаначилик ишлаб чиқариш майдонларини қўшимча равишда кенгайтирмаган ҳолда маҳсулотни кўпайтириш имконига эга, саноат ва қишлоқ хўжалигида вужудга келадиган, юзаки қараганда, мутлақо керак бўлмайдиган турли хил чиқиндилардан кенг фойдаланиш мумкин. Касаначиликни жорий этишнинг республикамиз учун яна бир муҳим ижобий томони шундаки, халқимизнинг болажонлиги, серфарзандлиги шароитида болалар касаначилик туфайли турли хил ишларга жалб қилинади, кўчанинг салбий таъсиридан узоқлаштирилади ва уларда оила шароитида меҳнат кўникмалари ҳосил қилинади, улар турли хил хунарларга ўргатилади. Ўз ишининг усталари бўлган таниқли хунарманд-косиб-

лар фикрича, қадимий касб-ҳунарларга, жумладан, гилам тўқишга болаликдан ўргатиш лозим, шундагина ўз касбининг асл усталари етишиб чиқади. ~

Касаначиликда маълум иш вақти белгиланмайди, иш вақтини шуғулланувчиларнинг ўзлари белгилайдилар. Шунинг учун ҳам меҳнатнинг мазкур тури билан банд бўлишни истовчилар сони кўпчиликни ташкил этади. Унинг яна бир ижобий томони шундан иборатки, бу иш билан банд бўлганлар турли хил саноат корхоналарида фаолият кўрсатадиган ишчи-хизматчилар қандай ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлишса, улар ҳам шундай ҳуқуқ ва имтиёзлардан баҳраманд бўладилар. Бу ҳуқуқий қоидалар ва имтиёзлар қатор қонун-қоидаларда ўз аксини топган.

Касаначиликни қўллаб-қувватлаш қатор хорижий мамлакатларда ҳам ривож топган. Масалан, Чехословакияда аёллар учун турли хил зеби-зийнатлар ишлаб чиқарадиган касаначилик кенг тараққий этган. Бу ерда тайёрланадиган касаначилик маҳсулотининг донғи дунёга таралган. Бу маҳсулотларнинг каттагина қисми турли ҳудудларга ҳам юборилади. Касаначиликни жорий этиш йўли билан аёллар зеби-зийнатларидан ташқари, турли хил биллур қандиллар ҳам ишлаб чиқарилади. Ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришда саккиз мингдан ортиқ аҳоли банд.

Дарҳақиқат, касаначиликни жорий этиш бутун Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон учун айниқса муҳим. Чунки бу ерда серфарзанд оилалар кўп бўлгани учун барча аёлларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш катта қийинчиликлар туғдиради. Шу қийинчиликларни бартараф этишга киришганликнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда ҳам касаначилик маълум даражада ривож топган. Бироқ бу тараққиёт ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди, ҳали бу соҳада фойдаланилмаган имкониятлар анчагина.

Кичик ва ўрта шаҳарларнинг ҳозирги кунги тараққиёт даражаси ҳамда уларда мавжуд бўлган турли имкониятлар янги корхоналарни жойлаштириш учун ер майдонларининг бор-йўқлигини, меҳнат ресурслари, табиий шарт-шароитлар ва иқлим шароитларининг қулай-ноқулайлигини аниқлаб, ривожланиш имконияти бўлган кичик ва ўрта шаҳарларни белгилаб чиқиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган фикрларга якун ясаб шуни айтиш мумкинки, шаҳарлар тараққиёти билан боғлиқ

бўлган муаммолар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан долзарб. Бу эса ушбу масалаларга диққат-эътиборни кучайтириш зарурлигини тақозо этади. Кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривож топиши ана шу шаҳарлар аҳолиси фаровонлигининг яхшиланишигагина олиб келмай, балки кичик ва ўрта шаҳарларда мавжуд барча имкониятларни ишга солиш имконини ҳам беради. Бундай шаҳарларнинг ривожланиш даражаси йирик шаҳарлар ҳамда қишлоқлар тақдирига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Халқ хўжалиги тараққиётини жадал йўлга солиб юбориш бобида қатор анжуманларда, йиғилишларда илгари сурилган кўрсатмалар, йўл-йўриқлар қабул қилинган қарорлар кичик ва ўрта шаҳарлар тараққиётига ҳам бевосита алоқадор бўлиб, уларни турмушга тез ва оқилона жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

ШАҲАР БИЛАН ҚИШЛОҚ ОРАСИДАГИ ТАФОВУТЛАРНИНГ КАМАЯ БОРИШИ

Шаҳар ва қишлоқ орасида қадим-қадимдан турли-туман алоқалар амалга ошириб келинган, бундай анъана доимо муомалада. Сиёсий, мафкуравий, маданий муносабатларни амалга оширишда шаҳар етакчилик ролини ўйнаб, қишлоқ доимо шаҳар орқасидан эргашиб келган, шу билан бирга шаҳар билан қишлоқ орасида ўзига хос маълум тафовутлар бўлган. Айрим қишлоқларда меҳнат турларининг шаҳарга хос бўлган хиллари ташкил топган, таълим, маданият, санъат каби соҳалари ривожлана борган, натижада уларда аҳоли сони ўсиб, баъзилари расмий тарзда шаҳар мақомига эга бўлган. Натижада қишлоқ урбанизацияси юқори бўла бошлаган.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижтимоий-иқтисодий муаммолар орасида энг долзарб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси инсон диққат-эътиборини қадимдан ўзига жалб этиб келади. Бу алоқаларни барқарорлаштириш, шаҳарнинг қишлоққа, қишлоқнинг шаҳарга ёрдамини йўлга қўйиш йирик ижтимоий-иқтисодий вазифалар қаторига киради ва урбанизациянинг энг кўзга кўринган муаммоларидан бири ҳисобланади.

Шаҳар билан қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир хилда ривожланмаганлиги, маданият ва аҳолининг

маълумоти, юқори малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси ҳар хиллиги ҳам буни исботдаб турибди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни белгилловчи омиллар орасида ишлаб чиқарувчи кучлар даражасининг ҳар хиллиги асосий омилдир. Маълумки, аҳоли турмушининг кўп томонлари айна шу масалага жуда-жуда боғлиқ. Шунга кўра, бу тафовутларни бартараф этишда ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражаси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунки аҳоли манзилларини шаҳар ва қишлоққа ажратиш негизда меҳнат тақсимооти, яъни уни индустриал ва аграр меҳнатга ажратиш ётади.

Қадимдан шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол қилувчи аҳоли манзили, деб қараб келинар эди. Эндиликда аҳвол тубдан ўзгармоқда. Шаҳар истеъмолчигина бўлиб қолмай, балки истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг фаол иштирокчисига ҳам айланиб бормоқда. Бу, энг аввало, шаҳарнинг қишлоқ хўжалиги учун турли хил машиналар ва бошқа асбоб-ускуналар етказиб беришида намоён бўлмоқда.

Юқорида келтирилган барча далиллар шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги асосий тафовут — шаҳарда индустриал меҳнатнинг кўпроқ тараққий этганлигидир. Шаҳарда мавжуд бўлган муҳит инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун қишлоқдаги муҳитга нисбатан анча қулай. Аммо шуни унутмаслик керакки, вақт ўтиши билан қишлоқларнинг аҳамияти асло пасаймайди, балки янада орта боради. Айниқса, унинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришдаги ўзига хослиги ниҳоятда беқиёсдир. Қишлоқлар жамият ҳаёти учун бениҳоя зарур бўлган вазифаларни адо этиб келмоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёж келажакда ҳам ҳозиргидан кам бўлмайди.

Ҳозирча қишлоқ аҳолиси олдида ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар турибди. Бундай муаммолар, ижтимоий соҳада кўпроқ учрайди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни тугатиш, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси ўртасидаги турмуш тарзини бир-бирига яқинлаштириш узоқ давом этиши мумкин бўлган тарихий жараён дир.

Аҳоли яшайдиган бирон-бир манзилни фақат аҳоли сонига қараб шаҳар ва қишлоқларга ажратиш мушкул иш.

Маъмурий-худудий тузилиш бўйича ишлаб чиқилган ва қабул қилинган қонун-қоидалар у ёки бу аҳоли манзилларини шаҳарлар қаторига киритишда зарур бўладиган аҳоли сонини белгилаб чиққан. Одатда, шаҳар — катта қишлоқ эса кичик аҳоли манзили ҳисобланади. Бу жиҳатдан шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, ҳар квадрат метр майдонга шаҳарда аҳоли қишлоқдагига нисбатан анча зич жойлашган. Шу билан бирга сондаги фарқ сифатдаги фарққа олиб келади. Аҳолисининг сони жиҳатидан шаҳарга нисбатан кичик бўлган қишлоқ шахсининг ҳар томонлама камол топишига қаратилган турли хил хизматларни бажаришда ҳам шаҳардан кескин фарқ қилади. Қишлоқларда яшовчи аҳоли касб ва меҳнат турларини танлаш, маънавий эҳтиёжларни қондириш, таълим олиш, ихтисосини такомиллаштириш, инсон камолоти учун муҳим саналган жараёнларда шаҳар аҳолисига нисбатан кам имкониятларга эга. Қишлоқ хўжалигига хос бўлган меҳнат турини саноатга оид меҳнат турига айлантириш орқали шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш масаласини тўла-тўқис ҳал этиб бўлмайди. Бунга эришиш учун ижтимоий соҳа тармоқларини ҳам маълум даражада ўзгартириш ва тараққий эттириш лозим.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший соҳаларга оид бўлган тафовутларга барҳам бериш қишлоқларни тугатиш ёки барча қишлоқларни шаҳар пунктларига айлантириш зарур, деган гап эмас, албатта. Шунингдек, муҳим тафовутларга барҳам бериш деганда қишлоқ аҳолисига хос бўлган хусусиятларни йўқ қилишни ҳам тушунмаслик даркор. Аксинча, ана шу хусусиятларга, қишлоқ аҳолисининг азалий урф-одатларига, анъаналарига суянган ҳолда, қишлоқларда меҳнат ва турмуш даражасини ҳар томонлама юксалтиришга ҳаракат қилиш керак. Шундай қилинганда қишлоқларнинг қиёфаси аста-секин шаҳар қиёфасига кириб боради: ободончилик яхшиланади, ижтимоий соҳаларга доир корхона ва муассасалар доираси кенгаяди, қишлоқларга хос бўлган ажойиб жиҳатлар — уларнинг жозибадорлиги, яъни табиат манзарасининг гўзаллиги, ҳавосининг мусаффолиги, шаҳарларга хос бўлган шовқин-сурон, асабларни таранглаштирадиган бошқа омилларнинг камлиги каби хусусиятлар сақланиб қолади.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни тугатишда қишлоқ аҳолисининг миграцияси катта роль ўйнайди. Бу жараён шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодаловчи омиллардандир. Миграция жараёнида қишлоқ аҳолисининг маълум бир қисми ишлаш ва ўқиш учун шаҳарларга қатнаб туради, бунда уларнинг доимий яшаб турадиган жойи ўзгармайди. Бу ҳол, айниқса, йирик шаҳарларга яқинроқ турган қишлоқлар учун хосдир.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида рўй бериб турадиган аҳоли миграцияси жараёнида бунинг акси ҳам бўлиши мумкин, яъни шаҳар аҳолисининг бир қисми қишлоқларга бориб ишлайди (аммо бундай ҳол камдан-кам учрайди).

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида бўлиб турадиган миграция жараёни улар орасидаги турли хил алоқаларни мустаҳкамлайди. Бундай жараён ёрдамида ишлаб чиқаришда ишчи кучи етишмайдиган шаҳарлар қўшимча меҳнат ресурсларини яқин атрофдаги қишлоқлардан олиш имкониятига эга бўлади, миграция аҳолининг ҳудудлар бўйлаб бир текис жойлашишига таъсир кўрсатмайди. Бунда миграция жараёни туфайли шаҳар ва қишлоқдаги ишчи кучларидан тўла ва оқилона фойдаланиш имконияти туғилади. Миграциянинг халқ хўжалигидаги иқтисодий роли ҳам шундан иборат. Бу фикр, албатта, асосан шаҳар билан қишлоқ ўртасида бўлиб турадиган кундалик миграция жараёнига хосдир. Кундалик миграция жараёнида аҳоли эрта билан бир томонга, яъни ишлаш учун қишлоқдан шаҳарга, кечқурун ишдан кейин ўз туражойига — қишлоққа томон йўл олади.

Кундалик миграция жараёни ёрдамида саноат корхоналари ўзини зарур ишчи кучлари билан таъминлаш ёки ишчи кучи етишмаслигини, биров бўлса-да, еңгиллаштириш имкониятига қўшимча капитал маблағ сарф қилмай эришиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, қўшимча тураржой бинолари социал инфраструктуранинг бошқа корхона ёки муассасаларини куриш зарурати туғилмайди.

Кундалик миграция жараёни қишлоқдаги ижтимоий ўзгаришларнинг ажралмас қисмига айланади, қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда аҳоли турмушини шаҳардаги яшаш тарзига яқинлаштиради, пировард натижада шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни камайтиришга олиб келади.

Маълумки, республика аҳолисига, айниқса, қишлоқ аҳолисига бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш хос эмас. Кундалик миграция жараёни эса бу хусусиятнинг бироз ўзгаришига олиб келади. Бу жараёнда асосан касб-хунари ва малакаси камроқ бўлган қишлоқ кишилари иштирок этади. Шу тариқа улар шаҳар шароитида бирон-бир ишчи касбини эгаллаши мумкин бўлади. Натижада миграция жараёнида қатнашган қишлоқ аҳолисининг умумий маданий даражаси ва билим савияси ўсиши мумкин.

Кундалик миграция жараёни фақат меҳнат жараёни билангина эмас, балки маданий маиший эҳтиёжлар ва дам олиш билан ҳам узвий боғлиқдир ва у кундалик характерга эга бўлса, дам олиш билан боғлиқ бўлган миграция жараёни кўпинча бир ҳафтада бир марта, одатда, иш ҳафтасининг охирида рўй беради. Маданий-маиший миграция жараёни эса ҳар ҳафтада ёки муайян бошқа муддатларда кечиши мумкин. Меҳнат билан боғлиқ бўлган миграция жараёнида асосан қишлоқ аҳолиси, дам олиш билан боғлиқ бўлган ҳафталик миграцияда эса шаҳар аҳолиси иштирок этади, яъни иш ҳафтасининг охирида шаҳар аҳолиси кўпинча дам олиш учун қишлоқ жойларга чиқиб кетади.

Кундалик миграция жараёни аҳолиси 2,5 миллион бўлган азим Тошкент шаҳри учун катта роль ўйнайди. Тошкентда жойлашган қатор саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларда ишлаш учун ҳар куни атроф қишлоқлардан тумонат одам келиб-кетади. Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тўқимачилик комбинати, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи каби қатор саноат корхоналари бу усулдан кўп фойдаланади.

Шундай қилиб, қишлоқ аҳолиси кундалик миграция жараёни ёрдамида бевосита шаҳар ҳаёти билан яқиндан алоқа боғлайди ва урбанизация жараёни кучайиб бораётган ҳозирги даврда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутаети. Кундалик миграция жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда йўлга солишда, унинг самарадорлигини оширишда йўловчилар ташувчи шаҳар транспорти воситаларининг мунтазам қатнови яхши йўлга қўйилган бўлмоғи керак.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида мавжуд бўлган муҳим тафовутларни тугатишда қишлоқ хўжалигининг ривожла-

ниш даражаси ҳам муҳимдир. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни саноат ишлаб чиқаришидаги меҳнатнинг бир турига айлантормоқ лозим. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш жараёнларини, шунингдек, бу тармоққа хизмат қилувчи соҳаларни комплекс равишда механизациялаш, қишлоқ хўжалигида индустриал методлардан фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотларни қайта ишлаш шарт-шароитларини яхшилаш ҳозирги кунимизнинг асосий вазифаларидандир.

Ҳозир қишлоқларда мавжуд бўлган имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмапти. Масалан, Ўзбекистондаги қишлоқларда маҳаллий саноатнинг турли тармоқларини, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, кичик ва кўшма корхоналарни ташкил этиш учун зарур бўлган барча имкониятлар мавжуд. Агар ана шу имкониятлар ишга солинса, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар ва у ердаги ишсизлар сонини камайтириш, қишлоқ турмуш даражасини бир поғона бўлса-да кўтариш имконияти туғиларди. Афсуски, ана шу мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдалана олмаёпмиз. Ҳолбуки, жаҳон миқёсидаги мамлакатларда бу борада диққатга сазовор ишлар қилинган. Масалан, Хитойдаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг айримларида тикувчилик цехлари ташкил этилган бўлиб, бу цехларда қизлар мамлакатда ишлаб чиқарилган газламалардан кийим-кечаклар тикадилар. Хитойда яшовчи қишлоқ аҳолиси қўли билан мамлакатда тайёрланадиган қурилиш материалларининг ярми, кийим ва пойафзалларнинг учдан бир қисми, газламаларнинг бешдан бир қисми ишлаб чиқарилади. Бу, сўзсиз, қишлоқ аҳолиси учун катта даромад келтиради ва уларнинг турмуш даражасини кўтаришда муҳим омилдир.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф этиш, ишчи кучларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ аҳолисининг ҳаётини яхшилашда қишлоқда ёрдамчи саноат корхоналари ва кўшма корхоналар барпо этиш ҳам муҳимдир. Хўжалик юритишнинг бу тури қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган моддий, молиявий ресурслар ва хомашёдан фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида вужудга келтириладиган ёрдамчи саноат корхоналарининг фаолияти шу корхоналар барпо

этилган хўжаликлар фаолияти билан бевосита боғланган ва ишчи кучларини ижтимоий фойдали меҳнатга оқилона жалб қилиш билан бир қаторда аҳолининг мавсумлар бўйича банд бўлишини ҳам тартибга солиши, ишчи кучларини янгилашга кўмаклашиши мумкин. Бу ёрдамчи саноат корхоналаридаги иш жараёнининг ўзи ҳам шундан далолат беради. Чунки бу корхоналар қишлоқ меҳнаткашларининг асосий тармоқларига нисбатан иккиламчи, яъни ёрдамчи корхоналар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ташкил этиладиган саноат корхоналари ўз мазмунига кўра ишчи кучларини бир жойга жамлайдиган восита бўлиб хизмат қилади, қолаверса, ишчи кучларидан йил давомида бир меъёردа фойдаланиш имконини беради. Натижада қишлоқ хўжалиги меҳнат жараёнидаги мавсумийликни енгиллатишга олиб келади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатнинг мавсумлар бўйича хилма-хил тақсимланганлиги, унинг аҳоли ҳаётига таъсири жуда долзарб масала. Иш ниҳоятда қизғин тус олган пайтда, яъни йиғим-терим чоғида меҳнат билан банд бўлган қишлоқ меҳнаткашларининг сони иш камайган мавсумдагига қараганда, уч баробардан зиёдроқ бўлади. Қиш фаслида иш билан банд бўладиган аҳолининг сони ёз ойларидагига нисбатан 2—3 баробар камайд. Натижада, қиш ойларида дала меҳнаткашларининг кўпчилигини иш билан банд қилиш масаласи энг долзарб масала бўлиб қолади, ёрдамчи корхоналарнинг ташкил этилиши эса вужудга келган бундай кескинликни юмшатиш имконини беради.

Ёрдамчи саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар кийим-кечак, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, турли хил деталлар шаклида бўлиши мумкин. Қишлоқ жойларда вужудга келтириладиган бундай маҳсулотлардан қишлоқ аҳолиси ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам баҳраманд бўлади.

Қишлоқларда бундай корхоналарнинг ташкил этилиши фақат ишлаб чиқаришни ташкилий ва техник-иқтисодий жиҳатдан такомиллаштириш бўлиб қолмай, балки муҳим ижтимоий ҳодисадир. Бу каби корхоналар қишлоқ аҳолисининг жойлашиш шакллари ҳам таъсир этиши, қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар типигаги посёлкаларга, айрим ҳолларда эса шаҳарларга айлантирилишига олиб

келиши ҳам мумкин. Қишлоқлардаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўлароқ таъминлаш масаласини ҳал этишда қишлоқларда шахсий томорқаларни ташкил этиш ҳам фойдалидир. Ҳукумат томонидан қатор қарорлар қабул қилиниши ҳам хўжаликнинг бу усули ҳозирги кунда қанчалик зарур эканлигидан дарак беради.

Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтишида фермер хўжаликларни ташкил этиш, уларнинг сафини кенгайтириш қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтариш ҳамда қишлоқ билан шаҳар орасидаги тафовутни юмшатишга ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса республикада амалга оширилаётган қишлоқ хўжалик стратегиясининг ажралмас бир қисмидир. Ҳозирда республикада фермер хўжаликлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, 1995 йили уларнинг сони 17 мингдан бироз ошган бўлса, эндиликда бундай хўжаликлар сони 25 мингга яқинлашиб қолди. Фермер хўжаликларга бириктирилган ер майдонлари 308 минг гектардан 450 минг гектарга ошиб кетди. Ушбу хўжаликларнинг умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқаришдаги салмоғи йил сайин ошиб бормоқда.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш кўп жиҳатдан улар оралиғидаги йўлларнинг сифатига, транспорт воситалари қатновининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ. «Ҳамма нарса йўлдан бошланади», деган ибора бежиз айтилмаган. Чунки йўлларнинг равон бўлиши иқтисодий жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Афсуски, бу соҳада ҳам қилинадиган ишлар кўлами ҳали анчагина.

Мустақиллигимизнинг тарихан қисқа даври ичида қишлоқларни шаҳарлар билан боғлаб турадиган равон, тош-шағал, асфальт-бетон билан қопланган йўллар кўпайди. Маълумки, кейинги бир неча йил давомида республика шаҳарларида, айниқса йирик шаҳарларда автомобилчиларга турли техник ёрдам кўрсатиш марказлари ва корхоналари кўпайди. Аммо шаҳарлар доирасидан ташқаридаги қишлоқ манзилларига ёки бир шаҳар билан иккинчи бир шаҳар ўртасидаги узоқ масофаларга олиб борадиган йўлларда бундай марказ, корхона, устахоналар деярли йўқ. Бу аҳвол автобуслар, юк машиналари, тракторлар йўлда бузилиб қолганда ҳайдовчиларга катта қийинчиликлар келтирибгина қолмай, катта иқтисодий зарар ҳамдир. Чунки

бундай шароитда йўловчилар ва турли юклар мўлжалланган манзилларга ўз вақтида етказилмай қолади, айрим ҳолларда баъзи маҳсулотлар ўз сифатини йўқотади ёки бутунлай бузилади. Турли хил транспорт воситаларида узоқ масофага чўзилган йўлларда техник ёрдам кўрсатиш бўйича қатор хориж мамлакатларнинг тажрибаларидан ўрганиш вақти келди.

Ўзбекистон аҳолисини уй-жой билан таъминлашда шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси орасида фарқ кам. 1999 йил маълумотларига қараганда, шаҳар аҳолисининг ҳар бирига 14,4 м² жой тўғри келса, қишлоқ аҳолисига 13,1 м² жой тўғри келади. Бироқ уйларни коммунал-маиший қулайликлар, яъни водопровод, канализация, табиий газ, ванна, марказий иситиш системаси билан таъминлаш бўйича мустақиллик йилларида анча ишлар қилинганлигига қарамай, ҳалигача қишлоқлардаги аҳвол шаҳарлардагига нисбатан анча ночор. Қишлоқларда соғлиқни сақлаш ишлари, болаларни боғча-ясиллар ва уларни зарур қулайликлар билан таъминлаш масалалари айниқса талаб даражасида эмас.

Шаҳарлардаги қатор саноат корхоналарининг ишчилари ишдан кейин корхонанинг ўзидаги ҳаммомдан баҳраманд бўлса, дам олиш хоналарида ҳордиқ чиқарса, шахмат-шашка ўйнаса, биз буларга оддий нарса деб қараймиз ва ортиқча эътибор бермаймиз. Қишлоқ меҳнаткашлари эса бундай қулайликлардан маҳрум. Кўпчилик дала шийпонлари зах, уларда ҳеч қандай қулайликлар йўқ, ҳатто ювиниб олиш учун тузукроқ шароит ҳам яратилмаган. Эрта тонгдан тун қоронғусигача далада меҳнат қилиб, тинкамадори қуриган аёл... Тасаввур қилинг, у фарзанди — жигаргўшасига талпинади, ҳамма ёғи чанг-чунг бўлишига қарамай, шу ернинг ўзида боласига кўкрак беради...

Қишлоқ мактаблари орасида шундайлари ҳам борки, мактаб деб аташга тил бормайди: битта ўқитувчи бир неча фанлардан дарс беради, баъзан битта хонада икки синф ўқувчилари ўқишади... Буниси ҳам майли. Ачинарлиси, қатор қишлоқларнинг аҳолиси водопровод йўқлигидан ичимлик сувни челақлаб, пулга сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Боз устига маданий-маърифий муассасалар, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ижтимоий соҳанинг бошқа қатор муассасалари ниҳоятда кам, борларининг ҳам иш сифати талабга жавоб бермайди.

Қишлоқларда ижтимоий тармоқларнинг камлиги, иш сифатининг пастлиги қишлоқда меҳнат қилиш учун зарур бўладиган кадрлар тайёрлашга салбий таъсир кўрсатади. Турли ўқув юртларида ўқиш учун шаҳарларга йўл олган қишлоқ ёшлари ўқишни тугатгач, турли баҳоналарни рўқач қилиб, қишлоқларга қайтмаслик йўлларини излаб қоладилар. Бу эса ўз навбатида қишлоқда етук кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжни янада кескинлаштиради.

Юқорида айтилганларни эътиборга олиб, республика-миз раҳбарияти мамлакатда, айниқса, қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш, маданиятни ошириш, умуман ижтимоий соҳаларни ривож топтириш, қишлоқлар қиёфасини яхшилаш, уларни табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш каби муҳим жабҳалар хизматини яхшилаш борасида қатор чора-тадбирларни белгиламоқда ва уларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Агар 1990 йил маълумотларига қараганда, қишлоқ жойларни табиий газ билан таъминлаш бор-йўғи 4 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 65 фоиздан ошиб кетди.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сувга ва табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 1 июлда «Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди. Ана шу қарор асосида қишлоқларда катта ишлар амалга оширилмоқда, аҳолига турли хил маиший хизмат кўрсатиш ишлари яхшиланмоқда.

Умуман қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда, бу эса қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги муҳим тафовутларни камайтиришга олиб келади.

Сўнгги ўн йил ичида фақат шаҳарлардагина эмас, балки қатор қишлоқларимизда ҳам улкан ишлар амалга оширилди, уларнинг қиёфаси беқиёс даражада ўзгариб кетди. Ажойиб замонавий иншоотлар, бинолар, банк-молия тизимига доир идораю ташкилотлар, янги турдаги ўқув юртлари — коллежлар, лицейлар, касб-хунар мактаблари қурилиб минглаб қишлоқ ёшларини ўз бағрига олди, бу ўқув юртлари илгарилари хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган замонавий ўқув техникалари билан жиҳозланди.

Қишлоқларда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қад кўтараётган кичик, ўрта ва қўшма корхоналар қишлоқ аҳолисини хилма-хил меҳнат турларига жалб қилишда катта кучга айланмоқда, уларнинг маданий савиясини ошириш, маънавиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

ШАҲАРЛАР ВА АТРОФ-МУҲИТ

Ҳар қандай аҳоли манзиллари, биринчи навбатда шаҳарлар, айниқса, йирик шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган энг асосий ва ўта мураккаб муаммолардан бири — атроф-муҳитни муҳофаза қилишдир. Инсоннинг турли-туман фаолияти натижасида пайдо бўлган ушбу муаммо ҳозирги даврда умумжаҳон муаммосига айланди ва тобора кескинлашиб бормоқда. Иш шу даражага бориб етадики, орқага қайтариш ўта мушкул бўлган экологик ҳодисалар натижасида цивилизациянинг ҳалокатга учраш хавфини қатор олимлар бугунги кунда термоядро уруши хавфи билан бир қаторга қўйишмоқда.

Буларнинг ҳаммаси йилдан-йилга янги ерларни ўзлаштираётган, электростанциялар, завод-фабрикалар қураётган, шаҳарлар барпо этаётган, ер усти ва ҳаво транспортини ривожлантираётган, ишлаб чиқариш, айниқса, қишлоқ хўжалигида хилма-хил кимийвий моддаларни ишлатаётган, устига-устак табиатдаги мувозанатни сақлаб қолиш тўғрисида жуда кам қайғураётган инсоннинг хўжалик фаолияти сабабчидир. Масалан, шу нарса маълумки, ер бағридан олинаётган хомашёнинг атиги бир фоизигина жамият учун фойдали маҳсулотга айлантирилади, қолган қисми эса заҳарланган ҳолда атроф-муҳитга ташланади. Бунинг инсон ҳаёти учун қанчалик офат келтириши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Эндликда бу муаммо жаҳон бўйлаб кескин тус олмоқда, курраи заминдаги барча давлатлар учун бирдай алоқадор бўлиб, барча-барчани шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида истиқомат қилаётганларни катта ташвишга солмоқда.

Инсоннинг хўжалик фаолияти йилдан-йилга кучайиб, қўриқ ерлар ўзлаштирилмоқда, электр станциялар, завод-фабрикалар қурилмоқда, янги шаҳарлар сони, ерда юрвчи ва самода парвоз этувчи транспорт турлари кўпаймоқ-

да, шаҳарларнинг ўсиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ва транспорт фаолиятининг назоратдан четга чиқиб кетиши эса нохуш экологик вазиятни вужудга келтирмоқда.

Фан-техника тараққиёти ишлаб чиқарувчи кучларни тез тараққий эттириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш имконини беради. Шу билан бирга фан-техника тараққиёти атроф-муҳитга шундай салбий таъсир этадики, унинг таъсири натижасида рўй берадиган ўзгаришлар тузатиш қийин бўлган оқибатларга олиб келади. Бу ҳол, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бутун жаҳон аҳлини қаттиқ ташвишга солади.

Йирик олим, Швеция қироллиги Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Рольф Эдберг бу ҳақда шундай деган эди: «Фақат ядро иши эмас, балки афсус, бунёдкорлик иши ҳам — йўллар қурилиши, саноат ва транспортни ривожлантириш ҳам планетамизни ўлик космик жисмга айлантириши мумкин. Агар ҳушёрлик кўрсатилмаса ва ақлидрок билан иш қилинмаса, фан-техника тараққиётининг ўзи инсонга қарши йўлга бурилиб кетиши мумкин».

Хасталикларнинг учдан бир қисмига яқини атроф-муҳитнинг нохуш таъсири билан боғлиқ. Атроф-муҳитнинг ифлосланишидан қатор мамлакатларга йил сайин катта иқтисодий зарар етади. Мамлакатда вужудга келган оғир экологик вазият ҳақида катта-катта йиғинларда, учрашув ва кенгашларда, жойларда ўтказилаётган тадбирларда рўй-рост гапирилмоқда.

Атроф-муҳитни соғломлаштириш ва уни муҳофаза қилиш фақат ижтимоий муаммогина бўлиб қолмай, балки иқтисодий муаммо ҳамдир. Атрофнинг ифлосланиши натижасида турли хил касалликларнинг кўпайиши, асосий фондларнинг тез ишдан чиқиши, табиий ресурслар ва ернинг унумдорлиги пасайиши оқибатида халқ хўжалигига катта путур етади.

Инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабат шаҳарлар тараққиётида яққол намоён бўлади. Шаҳар ва унинг хўжалигидаги завод-фабрикалар, транспорт воситалари ва бошқаларнинг муҳитга таъсири жуда кучли бўлиши табиий, бу ҳол шаҳардаги шарт-шароитларни ҳам тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Аксинча, муҳитнинг мусаффо

бўлиши ижтимоий меҳнат самарадорлигини кўтариш, аҳоли фаровонлигини яхшилашда муҳим роль ўйнайди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, sanoати кўпроқ ривожланган шаҳарларда истиқомат қилувчи аҳоли 500 мингдан ортиқ турли хил моддалар таъсирида бўлар экан.

Шаҳар ҳавосининг бузилиши йирик шаҳарлардаги ҳароратни бирмунча иситиб юбориши ҳам мумкин. Кўп қаватли бинолар ва транспорт воситаларидан келадиغان иссиқликнинг тез тарқалиб кетишининг қийинлиги туфайли шундай ҳодиса юз беради.

Атмосфера ҳавоси ва сув манбаларининг ифлосланиши шаҳарда истиқомат қилиш учун зарур бўлган муайян шарт-шароитларни ёмонлаштиради, унинг иқтисодий тараққиёт даражасини пасайтиради, ижтимоий соҳа тармоқлари даражасини заифлаштиради. Шаҳарларда табиий муҳитнинг, қисман бўлса-да, ифлосланиши кишилар соғлиғига, яшаш шароитига, аҳолининг фаровонлиғига катта таъсир кўрсатади. Узоқ вақт мобайнида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир киши фақат ҳаво, сувнинг ифлосланганлигидан, озиқ-овқат маҳсулотларида эса нитратларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлишидан ўрта ҳисобда йилига 10 кун касал бўлар экан. Бундай касалликлар орасида нафас олиш йўллари, қон айланиши, меъда-ичак хасталиклари кўпроқ учрайди, аллергия ҳодисалари ҳам кучаяди.

Шаҳар аҳолисининг ишдан ташқари вақтдаги аҳволи, яъни бўш вақтни қандай ўтказиши ҳам атроф-муҳитнинг қай аҳволда эканлиги билан боғлиқ. Айниқса, урбанизация жараёни кучайиб бораётган бир шароитда, хусусан, инсоннинг табиат билан муносабатида унинг ўзига хос экологик эҳтиёжлари шакллана боради.

Орол денгизи сув сатҳининг кескин тушиб кетиши туфайли экологик вазият мураккаб тус олди. Эндиликда Орол денгизи атрофи экологик жиҳатдан хавfli зона деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда Орол денгизида юз берган вазият кўпчиликни катта ташвишга солмоқда. Ўрта Осиёнинг икки йирик дарёси — Амударё ва Сирдарё сувларидан ортиқ даражада ўйламай-нетмай фойдаланиш натижасида уларнинг суви Оролга етиб бормади, ана шундай кўнгилсиз ва-

зиятни келтириб чиқарди. Бу денгизнинг сув майдони учдан бирга камайиб кетди ва Ўрта Осиёнинг йирик табиий мувозанати бузилди. Оролда вужудга келган вазият ерли халқ аҳволини нйҳоятда танг қилиб қўйди, Орол денгизи худудидаги Мўйноқ, Қўнғирот, Чимбой каби шаҳарлар кўп азият чекмоқда. Бир вақтлар балиқчилик билан ном чиқарган Мўйноқ шаҳри аҳолисининг кўпчилиги ишсиз бўлиб қолди. Шаҳар ривож топиб турган пайтларда бошқа жойлардан келган аҳоли экологик талафот туфайли яна ўз юртларига қайтиб кетди.

Орол муаммоси эндиликда маҳаллий муаммогина эмас, аста-секин жаҳон муаммосига айланди. Бу муаммони бирон бир давлат якка ҳолда ҳал этишга қодир эмас. Шунга кўра, бу муаммони ҳал қилиш ишида Европа мамлакатлари ва ЮНЕСКО фаоллик кўрсатиши зарур.

Орол ва Орол бўйида вужудга келган экологик вазият республика Президентини кўпдан бери ташвишга солиб келмоқда.

Атроф-муҳит инсон соғлигига асосан шовқин-сурон, атмосфера ҳавоси ва сувнинг ифлосланиши орқали таъсир кўрсатиши мумкин. Шунга кўра, шаҳарларда истиқомат қилиш санитария режимининг ҳуқуқий жиҳатларини аниқлаш ва уларга риоя этишни таъминлаш зарур. Бу ҳуқуқий қоидаларга ташқи муҳитни, сув манбаларини зарarli моддалардан ифлослашишидан сақлаш, шовқин-сурон натижасида инсон саломатлигига салбий таъсирларни камайтириш каби масалалар киради.

Турли хил саноат тармоқлари, транспорт воситалари, қурилишнинг шаклланиши ва ривож топиши, янги шаҳарлар сонининг кўпая бориши, айниқса, иссиқ иқлимли Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон шароитида янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради.

Атроф-муҳитнинг булғаниши кўп жиҳатдан турли вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг муносабатларига ҳам боғлиқ, улар биринчи навбатда ишлаб чиқаришни ўйлаб, табиатни муҳофаза қилиш ишида кўпинча бепарволик ва масъулиятсизлик қиладилар. Бинобарин, атроф-муҳитни соғломлаштириш ва зарарсизлантириш учун ажратиладиган маблағларнинг етишмаслиги ҳам экологик вазиятни кескинлаштирмай қолмайди.

Жамият тараққий эта бориши билан унинг саноати ҳам ривожланишда давом этади. Бундай шароитда фан-техника тараққиёти, иқтисодиёт соҳасига кириб келаётган янгиликлар ва хўжаликни интенсивлаштириш курраи заминимизда ҳаётни сақлаш ва барқарор қилиш учун энг зарур омил — экосистемани бузмайдиган бўлиши керак.

Бизни қуршаб турган табиатни асраб-авайлаш, унинг инъомларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда республикада мустақиллик йилларида қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунлар муҳим аҳамият касб этади.

Шу нарса аёнки, янги корхоналар қаердадир қурилиши керак, улар халққа хизмат қилмоғи, халқни зарур турли-туман маҳсулотлар билан таъминлаб турмоғи керак. Ишлаб чиқариш бўлмаса, истеъмол ҳам бўлмайди. Бироқ бундай муҳим масалаларни ҳал этишда обдон ўйлаш — «етти ўлчаб, бир кесиш» мақсадга мувофиқ. Бундай корхоналарни вужудга келтиришда маълум имкониятларни, ҳудуднинг табиий-географик шарт-шароитини, мавжуд анъаналарни ва бошқа қатор омилларни тўла ҳисобга олган ҳолда иш тутилиши лозим.

Жаҳон олимлари фикрича, катта шаҳарлардаги шовқин-сурон инсон умрини ўрта ҳисобда 8—12 йилга қисқартирар экан. Яна шу нарса аниқланганки, шовқин-сурон кучли бўлган кўчалардаги мактабларда ўқийдиган болаларнинг ўзлаштириши шовқинсиз, тинч жойлардаги мактаб болалариникига қараганда анча паст бўлади.

Машҳур немис олими Роберт Кох: «Бир замонлар келиб инсон вабо ва ўлатга қарши қанчалик шафқатсизлик билан курашган бўлса, шовқин-суронга қарши ҳам ана шундай қатъият билан курашади», деган эди.

Қизиги шундаки, ҳатто қаттиқ чалинган мусиқа ҳам инсоннинг эшитиш қобилияти пасайишига олиб келар экан.

Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, аэропорт билан тураржой бинолари мутлақо ёнма-ён бўлмаслиги керак. Шаҳар қурилишининг жаҳон тажрибасида бу ҳол мутасадди ташкилотларнинг доимий диққат марказида бўлади.

Тошкентдек азим шаҳарда эса аэропорт шаҳар доирасига кириб қолган. Дақиқа сайин кўнаётган ва самога кўтарилаётган баҳайбат замонавий самолётларнинг шовқин-сурони даражаси йўл кўйиладиган ҳар қандай меъёрдан ортиқдир. Аэропорт теварак-атрофидаги тураржой массивларида истиқомат қилаётган неча юз минглаб тошкентликлар самолётларнинг шовқин-суронидан муттасил азият чекмоқдалар, ҳолбуки, шаҳар қурилиш қоидаларига мувофиқ, аэропортлар турар жойлардан камида икки километр нарида бўлиши лозим. Тошкент аэропортининг таъсиридан унга яқин бўлган Бектемир тумани аҳолиси ҳам жабр кўрмоқда.

Тошкент аэропортининг жойлашган ўрни экологик жиҳатдан ноқулайлиги аён. Кўп йиллардан бери уни бошқа жойга кўчириш хусусида мунозара давом этмоқда. Бундан бир неча йил аввал Тошкент аэропортини кўчириш учун янги жой қидириш бошланган эди, лекин инсон саломатлиги учун муҳим бўлган бу масала ҳануз ҳал этилмай келаяпти.

Шаҳарларда экологик вазиятни соғломлаштириш ва барқарорлаштиришда дарахтзорлар ва кўкаламзорларни кўпайтириш лозим. Дарахтзорлар ва кўкаламзорлар чангтўзонни, шовқин-суронни тўсиб қолувчи табиий восита, замонавий шаҳарларнинг ажралмас бир қисмидир. Дарахтзор барпо этиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳарларнинг қандай жойларда ўрнашганлиги, бу зоналарнинг табиий-географик шароити, қандай саноат корхоналари мавжудлиги, ерли аҳолининг бу борадаги анъаналари каби қатор хусусиятлар тўғри ҳисобга олинган ҳолда олиб борилса, унинг фойдаси ҳар томонлама катта бўлади, қолаверса, шаҳар архитектураси хуснига-хусн кўшади.

Техника тараққиёти тобора кучайиб бораётган ва унинг фақат ижобий эмас, балки салбий томонлари ҳам яққол кўзга ташланиб турган ҳозирги шароитда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва умуман инсон ҳаёти учун катта хавф солаётган экологик вазиятни тўғри тасаввур қилиш, унинг олдини олиш муҳимдир.

Бирон-бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида иш олиб боришда экология масаласи энг дол-

зарб муаммо деб қаралмоғи лозим. Хўжалик билан боғлиқ бўлган биронта лойиҳа ва қурилма эколог-мутахассислар экспертизасидан ўтмасдан қабул қилинмаслиги керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари халқ хўжалигининг барча соҳаларининг таркибий қисми бўлиб қолмоғи зарур. Иқтисодиётни экологик жиҳатдан такомиллаштириш, уни инсон соғлигига келтирадиган салбий оқибатларини камайтириш учун зарур бўлган барча чора-тадбирлар кўрилмоғи лозим. Экологик вазиятни юмшатишга муҳофаза иншоотлари қуриш, турли хил асбоб-ускуналарни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар экология соҳасидаги қилинадиган тежамкорликдан кўра кўпроқ фойда келтиришини тушуниб етмоқ керак.

Экологик вазиятни яхшилаш ва атроф-муҳитнинг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

— шаҳарларда, биринчи навбатда, саноат тараққий этган йирик шаҳарларда Бош эколог лавозимини жорий этиш;

— республикада экологик-географик районлаштириш ишини амалга ошириш;

— серунум қишлоқ хўжалик ерлари ва дарё-сув ёқаларига тегмаган ҳолда, қаерда, қандай саноат корхоналарини қуриш учун ерлар танлаш мақсадида атлас тайёрлаш;

— экологияга зарар келтириши мумкин бўлган саноат корхоналари қуриш зарурати туғилган тақдирда, уларнинг қурилишини аҳоли камроқ бўлган минтақаларга мўлжаллаш, бу корхоналар атрофида санитария зоналари ташкил этиш, тузар жойларни эса бундай корхоналардан маълум масофада жойлаштириш, бу корхоналарда ишлаши лозим бўлган аҳолини эса транспорт воситалари билан таъминлаш;

— атроф-муҳитни ифлослантириши мумкин бўлган манбаларни тўла аниқлаш бўйича инвентаризация ўтказиш;

— ҳар бир шаҳар, ҳар бир корхона атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаш ва уларнинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

— атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун олинadиган жарималар миқдорини кўпайтириш лозим (корхонага бундай жарима тўлаш қимматга тушса-да, чиқиндисиз

ишлайдиган ва умуман атроф-муҳитни булғамайдиган технологияни жорий қилиш фойдали).

Атроф-муҳитни бузганлиги учун катта миқдорда жарималар солиш масаласини кун тартибига қўйиш ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш шароитида катта аҳамиятга эга. Бу усулдан қатор мамлакатларда кенг фойдаланиляпти.

Ниҳоят, республикамызда юқори малакали эколог-кадрлар тайёрлаш масаласини оқилона ҳал этиш фурсати етди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни яхшилаш режаларини аниқлашда саноат корхоналаридан чиқадиган зарарли оқаваларни очик сув манбаларига, инсон ва табиатга зарар етказиши мумкин бўлган моддаларни ҳавога чиқаришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган илмий-техник, санитария-гигиеник ва қатор ташкилий чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш лозим. Шундагина сув ва ҳавони мусаффо сақлаш, шаҳарларда яшаш шароитларини янада яхшилашга катта ҳисса қўшган бўламиз. Мустақилликка эришган мамлакатимизнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ана шу.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сонининг 1987—2000 йилларда ўзгариши
(минг киши ҳисобида)

	1987			1995			2000		
	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
	Ўзбекистон Республикаси	19026	7974	11052	22461,8	8670,9	13790,7	24487,7	9165,5
Қорақалпоғистон Республикаси	1139	546	593	1393,5	673,5	719,7	1503,0	724,2	778,8
Вилоятлар:									
Андижон	1632	539	1093	1987,0	596,8	1390,2	2186,2	657,5	1528,7
Бухоро	1074	386	688	1310,7	428,9	1335,4	1419,3	440,7	978,6
Жиззах	677	197	480	885,5	278,1	607,4	974,8	294,7	680,1
Навий	629	269	360	731,6	291,6	440,4	783,3	316,7	466,6
Наманган	1379	530	849	1735,2	657,1	1078,1	1924,3	722,6	1201,7
Самарқанд	2050	658	1392	2423,0	698,4	1724,6	2670,3	724,1	1946,2
Сирдарё	550	186	364	602,9	200,2	402,7	642,2	206,1	436,1
Сурхондарё	1176	232	944	1531,9	316,9	1215,0	1736,7	344,7	1391,9
Тошкент	2095	950	1145	2219,8	928,8	1291,0	2350,2	949,7	1400,5
Фарғона	2042	689	1353	2432,6	718,1	1714,5	2664,4	776,1	1888,3
Хоразм	946	278	668	1195,9	296,2	899,7	1323,9	314,7	1009,2
Қашқадарё	1506	383	1123	1914,6	488,6	1426,0	2166,8	551,3	1615,5
Тошкент шаҳри	2131	2131	—	2097,4	2097,4	—	2142,3	2142,3	—

Ўзбекистон Республикасида аҳоли туғилиши, ўлими ва табиий кўпайиш

Йиллар	Туғилганлар сони (минг киши)	Ўлганлар сони (минг киши)	Табиий кўпайиш (минг киши)	Ҳар минг кишига		
				туғилганлар сони (киши)	ўлганлар сони (киши)	табиий кўпайиш (киши)
Барча аҳоли						
1960	340,6	51,7	289,9	39,8	6,0	33,8
1965	355,1	60,1	295,1	34,7	6,0	28,8
1970	401,6	66,2	335,4	33,6	5,5	28,1
1975	478,6	100,2	378,4	34,2	7,2	27,0
1980	540,0	118,9	421,1	33,8	7,4	26,4
1985	679,1	131,7	547,4	37,2	7,2	30,0
1990	691,6	124,5	567,1	33,7	6,1	27,6
1995	677,3	143,5	533,8	27,7	6,3	23,4
1999	544,8	130,5	414,3	22,3	5,3	17,0
Шаҳар аҳолиси						
1960	101,2	22,7	78,5	634,4	7,7	26,7
1965	100,2	25,3	75,2	27,6	6,9	20,7
1970	117,0	29,5	87,5	26,7	6,7	20,0
1975	142,8	40,0	93,7	26,4	7,4	19,0
1980	168,0	48,4	119,6	25,7	7,4	18,3
1985	220,0	53,0	167,0	29,9	7,2	22,7
1990	216,6	53,9	162,7	26,0	6,5	19,5
1995	208,7	63,5	145,2	23,8	7,2	16,6
1999	169,7	58,6	111,1	18,5	6,4	12,1
Қишлоқ аҳолиси						
1960	239,4	29,0	210,4	42,6	5,2	37,4
1965	255,0	35,2	219,9	38,6	5,3	33,9
1970	284,6	36,7	247,9	37,5	4,8	32,7
1975	335,8	60,2	275,5	39,2	7,0	32,2
1980	372,1	70,5	301,5	39,5	7,5	32,0
1985	459,1	78,7	380,4	42,5	7,3	35,2
1990	475,0	70,6	404,4	39,0	5,8	33,2
1995	468,5	80,0	386,6	33,5	5,7	27,8
1999	375,1	71,9	303,2	24,7	4,7	20,0

Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг ташкил топган вақти ва аҳолиси сони (минг киши ҳисобида)

№	Шаҳарлар	Ташкил топган йили	1959	1970	1990	1995	2000
Қорақалпоғистон Республикаси							
1.	Нукус	1932	31,9	74,1	175,0	189,0	206,7
2.	Беруний	1962	—	20,4	41,0	44,6	47,3
3.	Қўнғирот	1969	—	11,1	35,0	33,3	35,2
4.	Хўжайли	1926	20,5	36,4	64,0	65,0	69,2
5.	Мўйноқ	1963	10,4	10,2	17,0	13,7	13,6
6.	Тахиатош	1953	6,0	19,3	45,0	49,3	51,5
7.	Тўрткўл	1973	10,5	18,3	40,0	45,0	48,6
8.	Чимбой	1926	16,0	18,9	35,0	31,9	33,1
9.	Халқобод	1986	—	—	9,8	10,9	11,6
10.	Манғит	1973	—	—	25,0	26,3	30,5
11.	Шуманай	1983	—	—	13,0	12,5	12,6
12.	Бўстон	1983	—	—	15,0	10,9	13,1
Андижон вилояти							
1.	Андижон	IX аср	130,9	188,0	310,0	307,4	334,3
2.	Асака	1937	20,4	28,5	46,0	48,7	54,8
3.	Қорасув	1980	23,7	27,6	20,0	23,2	25,6
4.	Хонобод	1972	—	3,6	33,0	25,4	25,3
5.	Шаҳрихон	1970	—	10,3	44,0	52,1	58,2
6.	Охунбобоев	1975	—	—	15,0	17,4	19,6
7.	Пойтуғ	1980	—	—	26,0	21,9	24,1
8.	Қўрғонтепа	1976	—	6,9	22,0	23,3	25,2
9.	Марҳамат	1974	—	—	17,0	11,0	11,7
10.	Пахтаобод	1975	—	—	25,0	20,6	22,1
11.	Хўжаобод	1981	—	—	15,0	14,5	16,2
Бухоро вилояти							
1.	Бухоро	Эрамузгача IV а	69,8	111,0	240,0	238,0	239,1
2.	Ғиждувон	1972	10,0	15,5	32,0	35,3	37,1
3.	Когон	1929	21,1	34,1	57,0	51,3	52,9
4.	Олот	1982	—	—	12,0	11,1	11,8

№	Шаҳарлар	Ташкил топган йили	1959	1970	1990	1995	2000
5.	Фаллаосиё	1932	—	—	11,0	12,4	10,3
6.	Вобкент	1981	—	—	13,0	14,0	14,8
7.	Қорақўл	1980	2,7	4,5	19,0	18,6	19,6
8.	Қоровулбозор	1981	1,6	3,7	10,0	7,8	9,6
9.	Газли	1977	1,5	7,8	11,0	8,8	8,9
10.	Ромитан	1981	—	—	10,0	11,7	11,1
11.	Шофиркон	1995	—	—	11,3	11,6	12,4

Жиззах вилояти

1.	Жиззах	Х аср	15,7	26,8	115,0	123,0	128,9
2.	Даштобод	1974	19,0	22,6	16,0	17,8	20,2
3.	Фаллаорол	1973	—	—	16,0	20,0	21,4
4.	Маржонбулоқ	1980	—	—	4,0	3,2	3,6
5.	Дўстлик	1983	—	—	12,0	15,1	16,0
6.	Гагарин	1974	—	—	24,0	20,2	19,4
7.	Пахтакор	1974	—	—	18,0	17,6	18,2

Навоий вилояти

1.	Навоий	1958	5,4	61,9	120,0	113,0	140,9
2.	Учкудук	1978	—	18,9	30,0	25,1	26,1
3.	Кизилтепа	1979	—	—	10,0	11,1	12,0
4.	Нурота	1976	—	—	22,0	24,1	26,6
5.	Зарафшон	1972	—	14,7	55,0	49,3	53,3
6.	Янгирабат	1998	—	—	—	—	14,9

Наманган вилояти

1.	Наманган	1910	123,5	175,3	310,0	354,0	386,2
2.	Косонсой	1973	9,5	19,5	37,0	36,3	40,7
3.	Учқўрғон	1969	—	16,8	32,0	27,1	29,2
4.	Чортоқ	1976	—	—	40,0	41,9	45,9
5.	Чуст	1969	—	27,5	—	55,0	60,7
6.	Ҳаққулобод	1974	—	—	15,0	23,8	25,4
7.	Поп	1980	—	—	29,0	18,0	20,5
8.	Тўрақўрғон	1979	—	—	27,0	21,5	22,6

Самарқанд вилояти

1.	Самарқанд	Эрамизгача IV аср.	196,5	266,8	462,0	362,4	361,1
----	-----------	--------------------	-------	-------	-------	-------	-------

№	Шаҳарлар	Ташкил топган йили	1959	1970	1990	1995	2000
2.	Оқтош	1967	9,8	13,3	30,3	32,0	33,8
3.	Каттақўрғон	1868	34,1	44,0	70,0	63,0	66,1
4.	Ургут	1973	10,5	14,7	36,0	44,0	49,4
5.	Булунғур	1973	25,5	31,8	22,0	22,4	24,0
6.	Жонбой	1977	—	—	12,0	13,0	13,7
7.	Иштихон	1984	—	—	9,0	11,6	12,2
8.	Нуробод	1983	—	—	7,0	7,8	7,9
9.	Пайариқ	1994	—	—	10,2	10,5	11,2
10.	Жума	1973	5,9	8,1	16,0	17,1	18,0
11.	Челак	1981	—	—	10,0	15,2	16,6
Сирдарё вилояти							
1.	Гулистон	1952	18,3	30,9	60,0	53,4	55,1
2.	Бахт	1980	6,7	7,1	12,0	9,7	11,7
3.	Сирдарё	1971	15,1	17,3	25,0	28,2	29,7
4.	Ширин	1972	—	1,1	12,0	11,7	13,9
5.	Янгиер	1957	6,8	16,3	37,0	29,1	28,2
Сурхондарё вилояти							
1.	Термиз	Эрамиз-гача IVa	22,1	34,9	75,0	106,0	113,5
2.	Денов	1958	16,8	25,8	55,0	57,1	63,0
3.	Бойсун	1975	—	—	20,0	19,3	21,8
4.	Жарқўрғон	1973	7,1	11,6	20,0	19,3	20,5
5.	Қумқўрғон	1971	—	6,3	12,0	11,3	12,0
6.	Шарғун	1973	—	—	9,0	12,0	12,4
7.	Шеробод	1973	—	—	19,0	21,8	24,2
8.	Шўрчи	1976	—	—	16,0	19,1	20,5
Тошкент вилояти							
1.	Тошкент	VII аср	911,9	1384,5	2151,0	2109,1	2142,3
2.	Олмалиқ	1951	40,5	81,5	135,0	113,0	114,7
3.	Ангрен	1946	55,8	76,1	135,0	128,0	129,0
4.	Оҳангарон	1966	—	22,9	35,0	30,5	30,5
5.	Бекобод	1945	42,2	57,6	86,0	85,0	84,5
6.	Чирчиқ	1935	65,6	107,3	172,0	148,5	143,3
7.	Янгиобод	1957	9,5	8,5	14,0	11,0	9,8
8.	Янгийўл	1934	45,2	54,6	76,0	56,0	58,9
9.	Оққўрғон	1980	—	—	15,0	10,8	10,8

№	Шаҳарлар	Ташкил топган йили	1959	1970	1990	1995	2000
10.	Фазалкент	1964	7,3	13,6	20,8	21,1	21,1
11.	Бўка	1980	—	11,4	18,0	19,3	20,0
12.	Дўстобод	1983	—	6,4	10,0	13,8	13,6
13.	Паркент	1984	—	—	36,0	38,3	43,2
14.	Пскент	1966	12,5	18,4	25,0	26,3	30,7
15.	Келес	1976	5,0	7,7	20,0	24,3	26,0
16.	Тўйтепа	1973	—	19,3	20,0	20,4	21,3
17.	Чиноз	1972	7,9	11,0	21,0	23,8	20,8

Фарғона вилояти

1.	Фарғона	1974	80,2	111,3	235,0	182,0	185,2
2.	Кўқон	X аср	105,1	133,1	175,0	187,0	197,4
3.	Кува	1974	—	—	30,0	32,7	36,2
4.	Қувасой	1954	10,8	13,8	25,0	24,3	24,7
5.	Ҳамза	1974	—	—	13,0	11,3	12,3
6.	Марғилон	X аср	95,2	138,3	140,0	135,1	156,0
7.	Бешариқ	1983	—	—	17,0	19,3	20,5
8.	Риштон	1977	—	—	25,0	27,1	29,6
9.	Яйпан	1975	5,4	8,7	17,0	18,7	19,8

Хоразм вилояти

1.	Урганч	1929	43,8	76,2	132,0	137,0	139,2
2.	Питнак	1974	—	—	20,0	14,8	15,7
3.	Хива	Эрамуз-гача IV а	17,5	24,1	41,0	45,6	48,8

Қашқадарё вилояти

1.	Қарши	1926	19,7	71,1	180,8	187,0	201,3
2.	Шаҳрисабз	1929	16,4	27,3	55,0	68,0	87,1
3.	Ғузор	1977	—	—	21,0	19,2	21,3
4.	Қамаши	1978	—	—	22,0	26,6	30,5
5.	Бешкент	1977	—	—	12,0	13,2	14,4
6.	Косон	1972	—	—	40,0	47,7	53,9
7.	Китоб	1976	8,4	12,9	30,0	31,8	34,3
8.	Муборак	1974	—	—	40,0	20,5	23,1
9.	Толлимаржон	1975	—	—	10,0	6,8	8,9
10.	Янги-Нишон	1982	—	—	7,0	7,7	7,6
11.	Чироқчи	1980	—	—	12,0	15,1	16,6
12.	Яккабоғ	1978	3,6	7,1	16,0	20,1	21,8

Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг аҳоли сони бўйича гуруҳларга бўлиниши
(2000 йил бошигача бўлган маълумотлар)¹

	Аҳолиси									
	4,9 минггача	5-9,9 минггача	10-19,9 минггача	20-49,9 минггача	50-99,9 минггача	100-249,9 минггача	250-499,9 минггача	500-999,9 минггача	1 мил- лион ва ундан ортиқ	
Ўзбекистон Республикаси	$\frac{1}{3,6}$	$\frac{7}{63,9}$	$\frac{34}{495,8}$	$\frac{47}{1366,1}$	$\frac{14}{866,4}$	$\frac{13}{2095,2}$	$\frac{3}{1081,6}$	$\frac{1}{2135,5}$	$\frac{1}{2135,5}$	
Қорақалпоғистон Республикаси	$\frac{1}{1}$	$\frac{4}{50,7}$	$\frac{5}{194,7}$	$\frac{5}{122,5}$	$\frac{2}{120,7}$	$\frac{1}{206,7}$	$\frac{1}{343,3}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	
Анджон вилояти	$\frac{1}{1}$	$\frac{3}{47,5}$	$\frac{6}{80,0}$	$\frac{1}{37,1}$	$\frac{1}{52,9}$	$\frac{1}{239,1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	
Бухоро вилояти	$\frac{1}{1}$	$\frac{2}{18,5}$	$\frac{3}{53,9}$	$\frac{2}{41,6}$	$\frac{1}{128,9}$	$\frac{1}{140,9}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	
Жиззах вилояти	$\frac{1}{3,6}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{2}{26,9}$	$\frac{2}{52,7}$	$\frac{1}{53,3}$	$\frac{1}{140,9}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	
Навоий вилояти	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{6}{184,3}$	$\frac{3}{107,2}$	$\frac{1}{53,3}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{386,2}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	
Наманган вилояти	$\frac{1}{1}$	$\frac{2}{19,1}$	$\frac{4}{60,5}$	$\frac{3}{107,2}$	$\frac{1}{66,1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{361,1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	
Самарқанд вилояти	$\frac{1}{1}$	$\frac{2}{19,1}$	$\frac{4}{60,5}$	$\frac{3}{107,2}$	$\frac{1}{66,1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{361,1}$	$\frac{1}{1}$	$\frac{1}{1}$	

Сирдарё вилояти	==	==	$\frac{2}{25,6}$	$\frac{2}{57,9}$	$\frac{1}{55,3}$	==	==	==	==	==	==	==
Сурхондарё вилояти	==	==	$\frac{2}{24,1}$	$\frac{4}{87,0}$	$\frac{1}{63,0}$	$\frac{1}{113,5}$	==	==	==	==	==	==
Тошкент вилояти	==	$\frac{1}{9,8}$	$\frac{2}{24,4}$	$\frac{8}{213,6}$	$\frac{2}{143,4}$	$\frac{3}{387,0}$	==	==	==	==	==	==
Фарғона вилояти	==	==	$\frac{2}{32,1}$	$\frac{4}{111,0}$	==	$\frac{3}{538,6}$	==	==	==	==	==	==
Хоразм вилояти	==	==	$\frac{1}{15,7}$	$\frac{1}{48,8}$	==	$\frac{1}{139,2}$	==	==	==	==	==	==
Қашқадарё вилояти	==	$\frac{2}{16,5}$	$\frac{3}{54,1}$	$\frac{4}{107,9}$	$\frac{2}{141,0}$	$\frac{1}{201,3}$	==	==	==	==	==	==
Тошкент шаҳри	==	==	==	==	==	==	==	==	==	==	==	$\frac{1}{2135,5}$

† Сурагда — шаҳарлар сони.
Махражда — улардаги аҳоли сони (минг киши).

**Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар
ва Тошкент шаҳрида ҳар бир кишига тўғри келадиган уй-жой
(м² ҳисобида)**

	Шаҳар ва қишлоқлар- да		Шаҳарлар- да		Қишлоқлар- да	
	1999	2000	1999	2000	1999	2000
Ўзбекистон Республикаси	13,2	13,6	14,2	14,4	12,7	13,1
Қорақалпоғистон Республикаси	14,3	14,2	13,0	13,1	15,5	15,3
Вилоятлар:						
Андижон	9,6	9,5	9,1	9,5	9,6	9,5
Бухоро	12,9	13,0	14,3	14,4	12,2	12,4
Жиззах	12,0	12,1	11,1	11,1	12,3	12,5
Навоий	14,5	18,7	17,3	19,4	12,5	18,1
Наманган	10,9	11,3	9,4	10,2	11,8	11,9
Самарқанд	13,3	13,3	11,4	11,8	14,1	14,3
Сирдарё	13,5	13,4	16,0	16,2	12,3	12,1
Сурхондарё	11,6	12,2	12,0	13,7	11,5	11,8
Тошкент	13,5	13,7	16,1	16,1	11,6	12,0
Фарғона	12,8	13,8	14,8	15,4	11,9	13,2
Хоразм	18,7	18,6	21,0	20,5	18,0	18,1
Қашқадарё	12,8	12,5	11,7	11,0	13,1	13,1
Тошкент шаҳри	—	—	17,3	17,3	—	—

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий тармоқлари бўйича аҳоли бандлиги (1999 йил, жамига нисбатан % ҳисобда)

	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Транспорт в алоқа	Савдо, умумий овқатланиш, моддий-техн. таъминоти, тайёрлов	Туражой комп. хўжалик, машина хизматининг но-моддий хиллари	Соғлиқни сақлаш, жисм. тарбия ва ижтимоий таъминот	Таълим, маданият, фан	Бошқа тармоқлар
Ўзбекистон Республикаси	12,6	36,2	7,2	4,2	8,3	2,7	6,1	12,3	10,4
Қорақалпоғистон Республикаси	9,1	34,7	8,7	5,0	8,3	2,3	7,3	15,5	9,1
Андижон вилояти	12,0	43,5	5,4	3,1	8,5	2,5	5,0	11,2	8,8
Бухоро вилояти	8,9	44,7	7,1	5,4	7,0	1,8	5,5	10,9	8,7
Жиззах вилояти	8,6	44,5	7,1	3,4	6,8	2,8	5,8	13,8	7,2
Навоий вилояти	19,4	23,0	11,1	3,3	8,5	3,1	7,2	12,5	11,9
Наманган вилояти	13,0	35,8	6,5	3,2	9,7	3,1	7,4	11,9	9,4
Самарқанд вилояти	10,3	41,6	5,5	3,5	8,7	2,2	6,0	12,7	9,5
Сирдарё вилояти	9,0	36,9	7,1	5,7	10,7	2,2	6,0	13,1	9,3
Сурхондарё вилояти	5,7	51,8	6,0	2,7	5,8	2,2	5,7	10,5	9,6
Тошкент вилояти	16,9	37,1	6,1	3,9	7,8	2,3	5,8	11,03	8,8
Фарғона вилояти	13,7	41,9	5,3	3,2	6,3	2,7	5,6	11,0	10,3
Хоразм вилояти	8,8	40,6	8,4	3,2	7,2	3,1	5,8	13,5	9,4
Қашқадарё вилояти	7,3	43,3	8,2	4,1	7,0	2,0	6,4	11,6	10,1
Тошкент шаҳри	23,7	0,5	11,2	7,8	12,6	4,7	6,5	15,0	18,0

Ўзбекистон Республикаси билан ташқи савдо-сотиқ олиб боришда салмоқли ўрин эгаллаб турган мамлакатлар ва улар билан олиб бориладиган савдо ҳажми (1999 й. миллион АҚШ доллари ҳисобида)

Мамлакатлар	Умумий ҳажми	Шундан		Ўзбекистон билан савдо-сотиқ салмоғи
		экспорт	импорт	
Австрия	49,2	25,2	24,0	0,8
Бельгия	127,4	82,0	45,4	2,0
Буюк Британия	404,8	310,6	94,2	6,4
Германия	358,3	26,2	332,1	5,6
Италия	120	45,4	74,6	1,9
Корея	526,8	122,4	404,4	8,3
АҚШ	281,8	44,8	237,0	4,4
Нидерландия	139,6	98,1	41,5	2,2
Хитой	80,3	19,2	61,1	1,3
Туркия	214,1	66,1	148,0	3,4
Франция	114,3	41,4	72,9	1,8
Швейцария	347,9	307,7	40,2	5,5
Россия	864,6	432,7	432,1	13,6
Қозоғистон	275,1	148,7	126,4	4,3
Украина	252,8	122,4	130,4	4,0
Туркменистон	86,3	76,3	10,0	1,4
Қирғизистон	98,8	52,2	46,6	1,6
Тожикистон	151,4	120,1	21,3	2,4

Ўзбекистон Республикасидаги қўшма корхоналарнинг ташқи савдоси
(1999 й. млн АҚШ доллари ҳисобида)

	Умумий ҳажми	Шундан	
		экспорт	импорт
Ўзбекистон Республикаси	1399,3	371,5	1027,8
Қорақалпоғистон Республикаси	6,0	0,1	5,9
Вилоятлар:			
Андижон	376,1	36,5	339,6
Бухоро	1,6	0,3	1,3
Жиззах	—	—	—
Навоий	192	151,6	40,4
Наманган	24,7	3,2	21,5
Самарқанд	45,8	8,9	36,9
Сирдарё	1,9	0,1	1,8
Сурхондарё	5,1	0,1	5,0
Тошкент	95,1	31,1	64,0
Фарғона	40,6	33,3	7,3
Хоразм	21,0	16,8	4,2
Қашқадарё	1,7	0,8	0,9
Тошкент шаҳри	576,2	76,6	499,6

Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказий шаҳарлари ора-
сидаги масофа (км ҳисобида)

	Ан- ди- жон	Бу- хоро	Гу- лис- тон	Жиз- зах	На- вой	На- ман- ган	Ну- кус	Са- мар- қанд	Термиз	Тош- кент	Ур- ганч	Фар- ғона	Қар- ши
Андижон	—	847	413	468	737	69	1412	578	954	477	1268	70	722
Бухоро	847	—	496	379	110	793	565	269	421	616	421	707	156
Гулистон	413	496	—	117	386	359	1061	227	603	120	917	373	371
Жиззах	468	379	117	—	269	414	944	76	486	203	800	428	254
Навой	737	110	386	269	—	683	675	159	531	509	531	697	266
Наманган	69	793	359	414	683	—	1358	524	900	432	1214	122	668
Нукус	1412	565	1061	944	675	1358	—	834	986	1265	158	1372	721
Самарқанд	578	269	227	110	159	524	834	—	376	354	690	538	144
Термиз	954	421	603	486	531	900	986	376	—	708	842	249	265
Тошкент	477	616	120	203	509	432	1265	354	708	—	1119	419	558
Урганч	1268	421	917	800	531	1214	158	690	842	1119	—	1228	577
Фарғона	70	807	373	428	697	122	1372	538	914	419	1228	—	682
Қарши	722	156	371	254	266	668	721	178	265	558	577	682	—

Ўзбекистон Республикасидаги номи ўзгартрилган шаҳарлар

Шаҳарларнинг аввалги номи	Шаҳарларнинг ҳозирги номи	Қорақалпоғистон, вилоятлар
Великоалексеевский	Бахт	Сирдарё
Дружба	Питнак	Хоразм
Ержар	Гагарин	Жиззах
Ильичевск	Қорасув	Андижон
Кирово	Бешариқ	Фарғона
Красногвардейск	Булунғур	Самарқанд
Куйбишев	Риштон	Фарғона
Ленинск	Асака	Андижон
Мирзачўл	Гулистон	Сирдарё
Московский	Шаҳрихон	Андижон
Петроалександровск	Тўрткўл	Қорақалпоғистон
Развилка	Янгиобод	Тошкент
Советобод	Нуробод	Самарқанд
Советобод	Хонобод	Андижон
Солдатский	Дўстобод	Тошкент
Сўфиқишлоқ	Охунбобоев	Андижон
Токчиён	Шарғун	Сурхондарё
Ульяново	Даштобод	Жиззах
Хушдала	Жомбой	Самарқанд
Шоббоз	Беруни	Қорақалпоғистон
Яккабоғ станцияси	Яккабоғ	Қашқадарё
Янги Бухоро	Когон	Бухоро
Янги Марғилон (Скобелев)	Фарғона	Фарғона
Янги Урганч	Урганч	Хоразм
Қоракўл станцияси	Қоракўл	Бухоро
Қўқонқишлоқ	Пахтобод	Андижон

Ўзбекистон Республикасидаги байрам (дам олинадиган) кунлар

1 январ	— Янги йил
8 март	— Хотин-қизлар куни
21 март	— Наврӯз байрами
9 май	— Хотира ва қадрлаш куни
1 сентябр	— Республика мустақиллиги куни
1 октябр	— Ўқитувчи ва мураббийлар куни
8 декабр	— Конституция куни

Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамнинг биринчи куни

Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамнинг биринчи куни

ШАҲАРЛАРИМИЗ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

Жаҳонга маълум бўлган Самарқанднинг архитектура ёдгорликлари маҳобатини кўриб ҳайратда қолдик. Аммо энг муҳими ҳукуматингизнинг халқлар меросига юксак диққат-эътибор билан қарашидир.

Салоҳ Ауадж, Тунис

Тошкент кишида катта таассурот қолдиради. Замонавий бинолар, майдонлар, хиёбонлар кўзни қувонтиради. Қадимий ёдгорликлар ҳақида таҳсин айтишдан ўзимни тўхтата олмайман. Бу ёдгорликлар чиндан ҳам ўзбек усталарининг олтин қўллари билан яратилган.

Стефан Саб-Атом, Камерун

Республикангизга келиш бизда жуда катта ва унутилмас таассурот қолдирди. Кўп эшитганларимизни ниҳоят ўз кўзимиз билан кўрдик. Ўтмишнинг буюк меъморлари Самарқандда яратган архитектура ёдгорликларини зўр қизиқиш билан томоша қилдик. Ўзбекистон ҳукумати маданият ва санъатининг ушбу бебаҳо хазиналарини сақлаш ва қайта тиклашга қаратаётган ғамхўрликларини кўриб таҳсинлар ўқидик.

Мауритц Пален, Финляндия

Республикангизда кўп нарса кишини ҳайратга солади. Бироқ биз учун ва шахрингизга келувчи барча учун энг қизиғи унинг одамларидир. Бундай меҳмондўст, мунис, бағрикенг халқни ҳечқачон кўрмаганмиз.

Карен Марчиоро, АҚШ

Ўзбекистонга келишдан олган таассуротларимни сўз билан ифодалаш қийин. Бухоро мени қойил қолдирди. Бу шаҳардаги нодир архитектура ёдгорликлари, замонавий бинолар жазирама иссиқда шилдираб оқаётган ариқлар билан уйғунлашиб кетган.

Габриэль Бергаро, Колумбия

Кўпдан бери Ўзбекистонга келиш орзусида эдим. Мана бугун мен Тошкентдаман. Бу ажойиб шаҳар. Халқингиз меҳмондўст ва ҳимматли. Кечки пайт шаҳарни айланиб юриб ўзбек қизига дуч келдим ва мен турган кўча номини сўрадим. Қиз менга инглиз тилида жавоб берди. Кейин мен унинг хонадонига бордим. Мени эски танишдек кутиб олишди ва шундай меҳмондўстлик намуналарини кўрсатишдики, бундай меҳмондўстликни ҳеч қачон кўрган эмасман.

Норман Пофен, Буюк Британия

Тошкент меҳмондўст шаҳар. Бу ҳақда мен ўз ватанимда эшитган эдим, энди бунга ишонч ҳосил қилдим. Кенг кўчаларингиз, кўм-кўк хиёбонларингиз жуда ёқиб қолди. Ва албатта энг муҳими тошкентликлар доимо қувноқ ва ниҳоятда меҳмондўст. Тошкент халқи катта таассурот қолдирди.

Исаак Рамирес, АҚШ

Ўзбекистонга, жумладан, Тошкентга ташрифимиз ўзбек халқи ютуқлари билан яқиндан танишиш имконини берди. Ҳамма нарса: шаҳарнинг замонавий архитектуранинг энг юқори талабларига жавоб берадиган қиёфаси, қурилиш кўламининг улканлиги ва шаҳар раҳбарларининг ободончилик устида қилаётган ғамхўрлиги бизга жуда маъқул бўлди.

Муҳаммад Эл-Халиф, Марокаш

Тошкентни Конгода маданий тадбирлар ўтказиладиган шаҳар сифатида танийдилар. Ўзбекистон пойтахтида иккинчи марта бўлишим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги афсонага айланган.

Леопольд Мамансоно, Конго

Тошкентда ва республикангизнинг бошқа шаҳарларида бўлган менинг кўпгина ҳамкасбларим ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва дўстона муносабатлари тўғрисида кўп илиқ сўзларни айтган эдилар. Мана энди ўзим бунга тўла ишонч ҳосил қилишим учун имкон туғилди. Кўрган-эшитганларим кутганимдан ҳам ортиқ бўлди. Кимлар билан учрашмайин, ким билан суҳбатлашмайин ҳамма мен билан дўстона муносабатда бўлди... Ватанимга қайтгач бутун кўрган-билганларимни биз чиқараётган газета саҳифалари орқали ўз халқимга сўзлаб бераман.

В.К. Мишра, Ҳиндистон

Мен Тошкентни жуда севаман, бир марта бўлса ҳам Бухоро ва Самарқандни кўриш, Ўзбекистоннинг кўҳна маданиятини яқиндан ҳис қилиш орзусидаман. Ажойиб пойтахтингизга ҳар бир келишим, концертлар берганлигимни ҳаяжон билан эслайман. Ажойиб меҳмондўстлигингиз, кўрсатган қалб кўрингизни унутиб бўладими. Сиз учун қайта-қайта кўшиқлар айтгим келади.

Джордже Марьянович, хонанда, Югославия

Ўзига хос қиёфа, хусусиятларга эга бўлган Тошкент менга жуда ёқиб қолди. Мен кўп мамлакатларда бўлганман. Ўзбекистон пойтахти ўз миллий гўзаллиги билан бошқа шаҳарлардан фарқ қилади.

Тулия Карретони, Италия

Тошкентга келишимнинг дастлабки соатларидаёқ бу ердаги соя-салқин бераётган дарахтлар, боғ-роғлар, хиёбонлар, манзилгоҳлар мени ўзига ром қилиб қўйди. Гуллаб-яшнаётган бахтли келажакка интилаётган бу пойтахт мен кўрган қатор шаҳарлардан фарқ қилади.

Хосе Эстрада, Мексика

Тошкент марказининг қайта қурилиши менда катта та-
ассурот қолдирди. Ўзида мужассамлашган архитектура анъ-
аналарига эга бўлган шаҳарларда қайта қуриш ва янги қури-
лишлар борасида иш олиб борувчи чет эл мутахассисла-
рида Тошкент катта қизиқиш уйғотмай қолмайди.

Ивидо Коломбо, шаҳаршунос профессор, Италия

Тошкентга келиш nasib қилганлигидан беҳад бахтли-
миз. Шаҳарингизнинг гўзаллиги, унинг архитектураси, ям-
яшиллиги, автомобиль, автобус, троллейбус ва таксилар-
нинг бетўхтов қатнаб туриши бизни ҳайратга солди. Ша-
ҳар кўчалари доимо гавжум. Ўзбеклар очик чеҳрали ва
дўстона халқ.

Альдо де Яно, ёзувчи, Италия

Тошкент ажойиб замонавий шаҳар. Тошкентда худди
Самарқандагидек қатор тарихий ёдгорликлар сақланиб қол-
ган. Ўзбекистон пойтахти Франция, Италия, Испаниянинг
замонавий шаҳарларидан қолишмайди. Мен Тошкентни
энг гўзал шаҳарларнинг бири, дегим келади.

Антуан Руссо, Франция

Биз Тошкентни кўриб уни севиб қолдик. Авваллари биз
уни Шарқ шаҳарларининг ўзгинаси деб фараз қилар эдик.
У бутунлай бошқача экан. Тошкентда миллийлик ва замо-
навийлик уйғунлашган. У жаҳоннинг энг гўзал шаҳарла-
ридан бири.

Пирес Жорже, Португалия

Фикримча, Ўзбекистон ва унинг кўҳна шаҳарлари ту-
ризмни ривожлантириш учун чексиз имкониятларга эга.
Халқнинг бой маданияти, узоқ асрли тарихи, археологик
топилмалари, архитектура ёдгорликлари, гўзал табиати
мавжуд. Энг асосийси бу ерда илиқ, дўстона, меҳмондўст-
лик ҳукм суради. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонга кўплаб
туристлар келишига туртки бўлади. Оқилона иш тутилса
ўз имкониятларингиздан фойдаланишда катта муваффа-
қиятларга эришишингиз мумкин.

*Харти Варма,
Бутун жаҳон туристик ташкилотининг минтақавий ва-
кили, Ҳиндистон*

Тошкент ва Самарқандда бўлган пайтимда қатор ажойиб инсонлар билан мулоқотда бўлганлигимдан чуқур қониқиш ҳосил қилдим ва хурсанд бўлдим. Тинчлик ва барча халқлар билан дўст бўлиб яшашга бўлган катта ишончингиз мени шод этди. Сизлардан кўп нарсани ўргандим, шунга кўра барча кўрган ва эшитган нарсаларимдан олган таассуротларимни қалбимда сақлашга ҳаракат қиламан.

Иво Сергиев, Болгария

Ўзбекистон халқи тарихий музейи, архитектураси, тарихий, маданий мероси билан ҳаяжон ва завқ ила танишиб чиқдим. Ушбу музейнинг ташкил этилганлиги Ўзбекистоннинг узоқ ўтмиш кишилари, раҳбарларига бўлган ҳурмат ва иззатни ифодалайди ҳамда ўз тарихига бўлган муносабатни белгилайди.

В. Шчербак, Россия

Мен 1993 йилдан бери Тошкентда ишлайман. Менинг барча оила аъзоларим бу шаҳарни севиб қолишган ва ўзбек халқининг меҳмондўстлигига мафтун бўлишган. Мамлакатингизда мустақиллик йиллари ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда рўй берган ўзгаришларни кўрганлигимдан бахтиёрман.

Милан Томеш, Чехия

Ўзбекистоннинг амалий санъат музейини кўрганлигим менда сўнмас таассурот қолдирди. Музейда Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилиги дурдоналарини кўрдим ва халқ ижодини сақлаш ва уларни ривожлантиришга кўрсатётган диққат-эътиборингизни кўриб ниҳоятда қувондим. Бу жуда муҳим, чунки санъат асарларида халқ қалби ифодаланади.

Аҳмад Дукри, Тунис

Бизнинг университетимиз билан Тошкент университети орасида ҳамкорлик борасида шартнома тузилган. Тошкент университетини кўриб Ўзбекистонда ислоҳотлар барча соҳаларда амалга ошаётганлигига ишонч ҳосил қилдим. Энг асосийси шундан иборатки, ислоҳотларни ўз мамлакатининг эртаги кунига ишонч билан қараб турган халқ,

ёшлар, студентлар қўллаб-қувватламоқда. Бу албатта кишини хурсанд этади.

*Ханс-Людвиг Штрайбер,
Геттинг университети юридик факультети профессори*

Тошкентда икки йилдан бери яшаб ва ишлаб турибман. Ана шу икки йил ичида Ўзбекистон пойтахти киши кўз ўнгида гуллаб-яшнаб кетди. Замонавий архитектура, кўҳна қурилиш мажмуасига кириб бормоқда. Қайта тикланган эски бинолар ўзининг асл қиёфасини сақлаб қолмоқда.

Тарихий-маданий шаҳарда ишлаётганлигимиздан беҳад хурсандмиз.

Жан Франсуа Легрен, Франция

Мени серкуёш Ўзбекистонга, гўзал Самарқандга дўстлик етаклаб келди, десам янглишмайман. Дастлабки ташрифимдаёқ бу маҳобатли шаҳарни бутун қалбим билан севиб қолган эдим. Орадан икки йил ўтиб яна Самарқанддаман. Бу шаҳарнинг меҳмондўст, дилкаш, бағрикенг одамлари билан биргаман.

Дўстлик инсон қалбидаги энг гўзал туйғу. Истардимки, кўҳна Самарқанддаги ана шу туйғу жаҳоннинг барча мамлакатларига кенг ёйилса.

Гулайхоним, Австрия

«...Бир умр орзу қилганим, тушларимга кириб чиққан бу кўҳна Самарқанд эндиликда ўз юртимдек бўлиб қолди. Китобларда ўқиганим, Афросиёб ёдгорликлари билан танишган чоғимдаги хурсандчилигимни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Регистон ва бошқа осори-атиқаларга эса соатлаб термулиб тўймаганман».

Клод РАПЕН, археолог, Франция

Самолётимиз ерга қўнаётган дақиқанинг ўзидаёқ, Тошкент қандай катта шаҳар эканини кўриш мумкин эди. Биз Тошкентга анча қоронғи тушган пайтда келдик, атрофда электр чироқлари порлаб турар, чироқлар сон-саноксиз эди. Кўчалар кенг, ёп-ёруғ. Германияда бунчалик кенг,

яшил дарахтларга кўмилган кўчалар йўқ. Шаҳардаги боглар, хиёбонлар, фавворалар мени ҳайратга солди.

М. Берталь, Германия

Ҳар сафар Ўзбекистонга келганимда республикада рўй бераётган ўзгаришларни кўриб ўзимни ҳайратдан тўхтата олмайман. Бу ўзгаришлар ҳатто Ўзбекистон пойтахтининг ташқи қиёфасида ҳам сезилиб туради.

*Хайдемария Гюрер,
Австриянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва
Мухтор Элчиси*

Мен Ўзбекистонда (Асакада) замонавий технология билан жиҳозланган бундай автомобиль заводи барпо этилганлигини тасаввур қилмаган эдим. Бу ерга келиб ажойиб корхонани кўрдим. Кўшма корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир кишининг ҳавасини келтиради. Ишлаб чиқарилаётган автомобилларни ўзимча Япония автомобилларига солиштириб кўрдим. Уйлайманки, бу ерда тайёрланган автомобиллар жаҳон бозорида ўз ўрнини топади.

Тадаши Шато, Япония

Хивада олган таассуротларим, чексиз ҳаяжонларим ва ҳайратларимни қандай ифодалашим мумкин? Хива — бу бир мўъжиза.

С. Ричигана, Япония

Меҳмондўст Тошкентда бўлганимизда Амир Темур музейини кўрдик ва унинг экспонатлари билан танишиб чиқдик. Музей биноси ниҳоятда гўзал. Маҳаллий материаллардан фойдаланиб саккиз ойда қурилган ва маҳаллий расомлар томонидан безак берилганлиги Ўзбекистон маданий бойликка эга эканлиги ва халқ истеъдоди тобора кучая бораётганлигидан далолатдир.

*Алексий II, Москва ва
Бутун Россия Муқаддас Патриархи*

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	7
Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши	11
Республика аҳолиси ва демографик жараёнлар	24
Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт	34
Транспорт ва алоқа тармоқларининг ривожланиши	53 ✓
Ўзбекистоннинг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари	76
Урбанизация ва унинг хусусиятлари	88
Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари	100
Тошкент — Республика пойтахти	105
Самарқанд	126
Бухоро	140 ✓
Хива	147
Андижон	152
Термиз	156
Шаҳрисабз	158
Янги ерларни ўзлаштириш ва қазилма бойликлар негизида пайдо бўлган шаҳарлар	161
Шаҳарларнинг тараққиёт йўллари	169
Шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовутларнинг камая бориши ..	184
Шаҳарлар ва атроф-муҳит	194
Иловалар	202



МАЪЛУМОТНОМА
Эркин Аъзамович Аҳмедов,
Иқтисод фанлари доктори, профессор
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДА

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, Тошкент-700129,
Навоий кўчаси, 30.

Муҳаррир *И. Зойиров*
Техник муҳаррир *В. Мешчерякова*
Бадий муҳаррир *Ф. Матёқубов*
Рассом *Ш. Хўжаев*
Мусаҳҳиҳ *С. Абдунабиева*

ИБ № 2874

Босишга 29.12.2001. рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет қоғози.
Офсет босма. Адабий гарнитура. Шартли босма табоқ, 11,76. +вкл. 1,68.
Нашр босма табоқ. Шартли бўёқ оттиски 22,68. 21-2001 рақамли шарт-
нома. Жами 3000 нусха. 179 рақамли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент 700194, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.